

ЖЕЙМС ХЭДЛИ ЧЕЙЗ

СЕЙФДАГИ  
ПУЛЛАР  
Детектив роман



**ЯНГИ АСР АВЛОДИ**

Тошкент

2011

**УДК: 821.312.133—3**

**ББК: 84(4Анг)**

**Ч—32**

**Чейз Жеймс Хэдди. Сейфдаги пуллар/роман. —Т.: «Янги аср авлоди», 2011 — 224 б.**

ISBN 978-9943-08-789-7

Ҳаммаси сейфни очишдан бошланди. Пулга муҳтожлик, бойликка ўчлик, нафс балоси жиноятга йўл очиб берди. Жиноятга эса жазо тайин. Ҳа, биргина ножўя қадам ҳаётингни остин-устун қилиб ташлаши мумкин. Зотан, хатоларингни англаб, тўғри йўлдан юраман, десанг-да, ана шу илк қадам ҳаётингга соя солиб туради. Бу қилмишинг кейинги нохуш воқеа-ҳодисалар учун дебоча бўлади. Яна сейф, яна пуллар, яна жиноят. Не тонгки, ҳаётингга янги кириб келган инсонлар ҳам жиноятга ундайдилар. Орзу-хаёллар, яхшиликка интилиш, изтироблар, муҳаббат ва хиёнат, эски дўстликнинг битмас жароҳатлари...

Асар хотимаси китобхонни ларзага солади. Муаллиф ҳаётий ҳақиқатни бор бўйича очиб беради.

**УДК: 821.312.133—3**

**ББК: 84(4Анг)**

Таржимон:

Фатҳулла НАМОЗОВ

ISBN 978-9943-08-789-7

© Чейз Жеймс Хэдди, «Сейфдаги пуллар». «Янги аср авлоди», 2011 йил.

## Биринчи бўлим

### 1

Қўнғироқ беш дақиқа кам ўн бирда жиринглади, мен эндигина жўнаётган эдим. Агар беш дақиқа кечроқ ча-линганида, мен қўнғироққа жавоб бермас, аммо рас-мий жиҳатдан ишим тугашига яна беш дақиқа борлиги учун ҳеч қаёққа кетиб бўлмасди.

Тунги телефон магнитофонга уланган, у қўнғироқ-лар вақтини автоматик тарзда қайд этиб боради. Бу хо-димларни назорат остига олишга оид оммавий тизим-нинг бир қисми эди. Мен гўшакни кўтардим.

— Лоренс сейфлар корпорацияси тунги хизмати эши-тади, — дедим.

— Генри Купер гапиряпти, — бу ўзига тўқ, ўзига ишонган йирик сармоядор ва данғиллама уй эгалари-дан бири эди. — Сиз зудликда бирор кишини юбора оласизми? Менда сейф билан боғлиқ муаммо пайдо бўлди.

Жейни билан келишилган учрашувим расво бўлди, деб ўйладим мен. Бу бизнинг шу ойда бекор қилинган учинчи учрашувимиз эди.

— Сиз қаерда турибсиз, сэр? — сўрадим мен овозим-га мумкин қадар назокатли тус беришга ҳаракат қилиб. Суҳбат тасмага ёзиб олинаётган эди, менда эса илгари ҳам миждозлар билан қўпол муомала қилганим учун нохушликлар содир бўлган.

— Эшли Армз. Ходимингиз зудликда зарур.

Мен соатимга қарадим. Икки дақиқа кам ўн бир эди. Борди-ю, мен тунги хизмат алақачон беркидди, де-сам, у ҳолда ишим билан хайрлашишимга тўғри кела-ди, менинг молиявий томондан қийналганим ҳисобга

олинса, бу йўл қўйиб бўлмайдиган ножўя ҳаракат бўлар эди.

— Айтолмайсизми, сейфингизга нима бўлган, сэр?

— Мен қаеригадир калит солган эдим. Тезроқ бирор кишини жўнатинг.

У телефони гўшагини қўйди, мен ҳам. Жейнига, соат ўн биру ўн бешда олдинга кириб ўтаман, деган эдим. Рақс клубига (у яқинда очилган эди) борамиз, деб келишган эдик. У кийиниб, мени кутади. Эшли Армз эса шаҳарнинг нариги томонида, адоғида. Мен у ерга бориб, жин ургур сейфни очгунимча, сўнг орқага қайтгунимча, кейин эса фургонни жойига қўйиб, Жейнинг олдига троллейбусда етиб боргунимча соат бир ярим бўлиши турган гап. У шунча вақт кутиши даргумон.

Жейни мени огоҳлантирган, агар яна бирор корҳол туфайли учрашув барбод этилса, бу охиригиси бўлади, деб дангал айтган эди.

Мен унга идорадан туриб, қўнғироқ қила олмайман. Ишхонадаги телефондан шахсий масалаларда фойдаланиш ман қилинган. Демак, автомат телефондан боғланишга тўғри келади, у эса кўчанинг охирида жойлашган.

Асбоб-ускуналар солинган жомадонни олдим-у, фургонга чиқдим. Ёмғир майдалаб ёға бошлаган, мен эса плащчимни олмагандим. Кўчада машиналар тўлиб кетган, мен автоматга қадар етганимда фургонни қўядиган жой қолмаган эди. Жой бўшагунча ўн дақиқа кутишга тўғри келди, шундан кейин уни қўйдим.

Жейнига қўнғироқ қилганимда, соат ўн бирдан йигирма дақиқа ўтган эди. Мен вазиятни зўрға тушунтирдим, у эса бирдан тўнини тескари кийиб олди.

— Агар келолмайдиган бўлсанг, мен келадиган одамни биламан, — деди у. — Мен сени огоҳлантирган эдимку, Чет! Сабрим тугади. Сен билан боғлиқ иш доимо барбод бўляпти, жоним ҳалқумимга келди. Етар!

— Қулоқ солсанг-чи, Жейни, ахир мен айбдор эмасман-ку...



У эшитишни ҳам истамади. Мен унинг рақамини яна бир марта тердим, аммо Жейни гўшакни, ҳатто кўтармади ҳам. Бир-икки дақиқа кутдим, сўнг гўшакни илиб қўйдим-у, фургоннинг ёнига қайтдим. Шунчаси етмагандай ёмғир шу қадар куч билан қуярдики, ҳатто ғаввослар ҳам чўкиб кетиши мумкин эди гўё. Эшли Армзгача қовоқ-тумшугим осилиб борди. Мен Лоренснинг сейфлар корпорациясига лаънатлар ёғдирардим. Генри Купер жанобларини ҳақоратларга кўмиб ташладим. Ўзимни эса плашч олмаганим учун, ишдан сўнг уйга пиёда боришга тўғри келгани учун лаънатладим. Ёмғир менинг якшанба куни киядиган костюмимни яроқсизга чиқарарди, аслида бу либоснинг фақат «якшанба» номи бор эди, холос.

Эшли Армз шаҳардаги энг яхши туманнинг турар жой даҳаси эди. Мен подъездга кириб, дарбон пештахтасига яқин бордим. Дарбон менга жаноб Купернинг уйи учинчи қаватда эканлигини айтди.

Генри Купер баланд бўйли, вазмин одам бўлиб, ўзини ҳаддан ташқари билимдон деб ҳисоблайдиганлар тоифасидан экан. Унинг ароқхўрникидай қизарган юзи ва қорни очофат одамни эслатарди. Эшикни Купернинг ўзи очган эди. Мен остонадан ҳатлаб ўтганим ҳамон, у, қаерда бунча қолиб кетдинг, деб бақира бошлади.

Мен йўллар тиқилинч эканлигини айтиб, кечирим сўрадим. У гапларимга қўлини силтаб, норозинамо жаврай бошлади ва, ниҳоят мени ҳашаматли меҳмонхонага бошлади. Сўнг мойбўёқ билан ишланган семиз яланғоч аёлнинг расмига яқинлашди, бундай суратларни фақат Рубенс ишлаши мумкин эди, балки мен хато қилаётгандирман, кейин суратни девор томонга бироз суриб, илгакка илиб қўйди. Сурат ортида бизнинг деворга мослаб қурилган энг яхши сейфларимиздан бири жойлаштирилган эди.

Мен ускуналарни олаётганимда, кушеткада ётган бир қизга кўзим тушди. У қирқими шу қадар катта тунги оқ кўйлак кийган эдики, бундай бичимдаги кўйлак

қаерини ёпиши керак, номаълум эди. Қиз бармоқларида сигарета тутганча журнал варақлар, қуюқ бўялган лабларига аҳён-аҳёнда теккизар эди сигаретни. Сўнг у қовоқларини кўтариб, кўзларини менга тикди. Қиз бироз Жейнини эслатарди. Сочлари ҳам, узун келишган оёқлари ҳам ўхшаш, бошқа жойлари монанд эмас эди. Бу қиз анча олифта, Жейнида бу жиҳат мутлақо йўқ эди. Жейнида мафтун қиладиган қадди-қомат, ёқимтойлик ва жозибали қадам ташлаш мавжуд эдики, бу ҳолатлар эркакларни бурилиб қарашга мажбур этар, аммо шу билан бирга қандайдир беадаблик сезилар эди. Бу қизда эса беадабликнинг иси ҳам йўқ.

— Сейфни очиш учун қанча вақт керак? — деб сўради жаноб Купер. — Мен шошиляпман.

Мен қиздан зўрга кўз узиб, сейфга яқинлашдим.

— Агар сиз код рақамини айтсангиз, озгина вақт керак бўлади.

У бир парча қоғозга рақамларни ажи-бужи қилиб ёзиб, менга узатди, сўнг ичимликлар турган пастак столча олдига бориб, ўзига коктейль тайёрлай бошлади.

Мен ишга киришар-киришмас, ичкари томондан телефон жиринглади.

— Бу иш амалга ошиши керак, Жек, — деди у қизга ва эшикни очиқ қолдириб, хонадан чиқди.

Қиз дабдурустан менга оҳиста сўз қотди:

— Тезроқ ҳаракат қил, йигитча. Аҳмоқ қария менга феруза маржон ваъда қилган. У яна айниб қолмасин, деб қўрқаман.

Мен шошардим. Қиз тўғридан-тўғри менга тикилиб турар, кўзларида совуқ бир ифода бор эди. Жейнида ҳам, агар мендан нимадир керак бўлганида худди шундай ифода пайдо бўлар, у бунга эришиш осон кечмайди, деб ҳисоблар эди.

— Бу уч дақиқадан кўп вақтни олмайди, — дедим мен. — Ташвиш тортма.

Сейфни очиш учун бундан ҳам кам вақт кетди.

— Шуям сейф бўлди-ю, — деди у. — Буни, ҳатто гўдак ҳам очади.

Мен сейф ичига нигоҳ ташладим. Уч қатор токчада юз долларлик пуллар тахлами билан турарди. Бунча пулни мен ҳеч қачон кўрмаган эдим. Ҳатто санаб чиқиш ҳам амри маҳол, қанча экан, балки ярим миллиондир? Қиз кушеткадан сирғалиб тушиб, олдимга келди. Мен ўткир атир исини туйдим, қўли қўлимга тегди, биз шу қадар яқин турар эдик.

— Оловиддининг ғори-ку бу! — деди у дами ичига тушиб. — Вой, Худойим! Мана қаерга қўл суқиш керак экан!

Мен телефон тинғиллаб, Купер гаплашиб бўлганидан огоҳлантирганини эшитдим. Қиз ҳам буни англади ва дарров ўз жойини эгалади. Мен сейф эшигини ёпиб бўлган лаҳзада хонага Купер кириб келди.

— Наҳотки ҳалиям тутاماган бўлса? — деди у аччиқланиб.

— Ҳозир, сэр, — дедим мен сейфни қулфлаб. — Мана, энди бўлди.

У сейф эшигига разм солди ва бир неча дюйм очиб кўриб:

— Менга калитнинг нусхаси керак, — деди.

Мен, тайёрлаб бераман, деб жавоб бердим ва асбоб-ускуналарни йиғиштириб, эшикка қараб йўналдим. Кушеткага ўтирган қизга хайрли тун тиладим. Бунга жавобан у фақат бош ирғаб қўйди. Кириш эшиги ёнида Купер менга бир жуфт долларни раво кўрди. Бу пулни ҳеч бир ҳиссиз чўнтагимга солиб қўйди ва бундан кейин нимадир керак бўлиб қолса, куттириб қўймаслигимни айтиб, тўнғиллаб қўйди. Калитнинг нусхаси кераклигини яна менга эслатди.

Гараж томон йўл олар эканман, мен Купернинг сейфидаги пуллар ҳақида ўйлаб кетдим. Маошим фақат шу йил мени қониқтирмаяпти, деб бўлмайди. Мана, бир неча йилки, ишлаётган касбим бойишимга асло имкон бермаяпти. Бу пуллар меники бўлганида нима

қилардим, дея хаёлга берилдим. Уйга осонгина кириб, Купернинг сейфи ўрнидаги консерва банкасини очсам ва пулларга эгалик қилсам-а! Ҳз-Ҳзимга, бундай қилишга уринмайман ҳам, дедим-у, аммо пуллар ҳақидаги фикр барибир калламда чарх ура бошлади.

Эртаси куни, Рой билан иш вақтимиз алмашганида ҳам мен бу хаёллардан халос бўлолмаган эдим. Ройни эсимни таниганимдан буён биламан. Биз бирга мактабга борганмиз. Отам мени Лоуренс сейфлар корпорациясига жойлаштириб қўйиш ҳақида ажойиб тўхтамага келган куни Ройнинг отаси ҳам уни шу даргоҳга ишга қўйган эди. Биз Рой билан ташқи кўринишда бири-биримизга ўхшаймиз: у ҳам баланд бўйли, тетик, қора-чадан келган, ингичка мўйлови туфайли эса италияликларга ўхшаб кетади. Рой ҳам пулга худди мендек ўч. Мендан фарқ қилиб, аёллар унинг ҳаётида ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Рой ўн тўққиз ёшида уйланди ва бу никоҳдан ҳеч қандай иттифоқ чиқмади. Бир йил муқаддам хотини кетиб қолди ва шундан кейин аёллар унинг учун ҳеч ким бўлмай қолди. Ройнинг яккаю ягона қизиқиши пойга ва бу мусобақага пул тикишдан иборат эди. У мудом пулсиз юрар ва ҳамма вақт мендан оз-оздан қарз олишга ҳаракат қиларди.

Мен унга Купернинг пуллари тўғрисида гапириб бердим. Биз ёлғиз эдик. Ёмғир шиддат билан ёғар, ойнадан челақлаб қуяётгандек кўринарди. Мен уйга кетишга шошилмас эдим. Ройга Купернинг уйидаги қиз ҳақида, сейфни қандай очганим тўғрисида сўзлаб бердим.

— У ерда юз долларлик қоғоз пулдан иборат ярим миллион борга ўхшайди, — дедим мен идорада у ёқдан-бу ёққа юриб, Рой эса стол ортида ўтирар ва чекаётган эди. — Сен ўша сейфда қанча пул борлигини тасаввур қилиб кўр!

— Кимгадир ҳаммаси, бошқаларга эса ҳемири ҳам йўқ.

— Ҳа, шундай, — дедим мен ва ёмғир ёғаётган қоронғиликка тикилдим. — Бўпти, менинг вақтим бўлганга ўхшайди. Хайрли тун.

— Шошма, қаерга қочяпсан? — деди Рой. — Ярим миллион-а? Шунча кўпми?

— Бундан кам бўлиши мумкин эмас. У ерда учта токча тўла тахлам бор эди.

— Ўтир-чи! Кел, бир муҳокама қилиб кўрайлик, — таклиф қилди Рой. Биз бир-биримизга қарадик. Унинг кўзлари ички ҳаяжонини сездириб турарди. — Бунча пул менга халақит бермаган бўларди, Чет.

Мен ўтирдим ва шу заҳоти юрагим кўксимда уриб кетганини сездим.

— Менга ҳам халал бермасди.

— Ҳозир бўйнимда беш юз доллар турибди, — деди у. — Қандай бўлмасин, пул топишим керак. Менга қара, биз ўша сейфни тозалаб қўйсак-чи? — у стулдан туриб, менга нигоҳини қадади. — Назаримда, бу иш қийин эмасга ўхшайди.

— Ҳа, шунақага ўхшайди.

Биз, иккимиз ҳам жим қолганча, ёмғир деразага қандай урилаётганига қараб ўтирардик.

Ниҳоят Рой шундай деди:

— Мен кўпдан бери шундай воқеани кутар эдим. Бу ҳаёт ўлгудай жонимга тегди. Сен ҳам шундай деб ўйла-санг керак, тўғрими?

— Ҳа.

— Хўш, нима қилдик, ишга киришамизми?

— Мен-ку, буни истамасдим, аммо қаёққаям қочиб қутиласан. Жуда оддий иш, бу!

У кулиб қўйди.

— Қўрқмаслик керак. Агар бу ишга каллани ишлатиб киришсак, ҳаммаси силлиқ кетади.

Мен столнинг бир чеккасидан жой олдим.

— Розиман.

— Кел, ўтириб, ҳаммасини мияда пишитиб олайлик.

Биз эртасига кун бўйи ўғрилик режасини тузиш билан банд бўлдик. Бу ҳақда қанча кўп муҳокама қилсак, уни амалга ошириш шу қадар осон кўринар эди гўё.

— Ўша одам уйдан қачон чиқиб кетишини аниқлаш керак. Бу ҳақда билиш ниҳоятда муҳим, — деди Рой. — Айтайлик, у уйда йўқ, биз хонага кирамиз, сейфни очамиз ва уни тозалаб қўямиз. Биласанми, сен шундай қилишинг керак: у илтимос қилган калит нусхасини оласан, кейин дарбон билан гаплашасан. Ундан Купер уйда бўлмаган вақтини билиб оласан. Дарбонлар ва-лақлашни яхши кўришади. Агар сен ўзингни яхши тута олсанг, у ҳаммасини тўкиб солади. У уйда йўқлигини билгач, борамиз-у, пулларни оламиз.

Ўшанда биз учун дунёда бундан бўлак ҳеч нима йўқдай кўринди.

## 2

Эртаси куни мен Эшли Армзга қараб йўл олдим. Эгнимда Лоренс сейфлар корпорацияси либоси: куртка, кўкиш рангдаги шим ва нишон қадалган бош кийими бор эди. Рой мени навбатчилиги тугагандан сўнг фургонда кутишини маълум қилди.

Мен Эшли Армзга ўн яримдан кейин келдим. Дарбон ўзининг пештахтаси ёнида ўтираркан, қандайдир китобни варақлар, зерикканлиги юзидан билиниб турар эди. Мен кирган заҳоти у таниб, бош ирғаб қўйди.

— Ҳа, сизми? Агар яна жаноб Купернинг ҳузурига келган бўлсангиз, омадингиз чопмабди. У уйда йўқ.

— У қачон қайтади? — дедим мен ва пештахтага суяниб, бир қути сигаретни чиқариб қўйдим. Дарбон деворга илинган соатга қаради.

— Ярим соатдан кейин.

— Мен кутиб тураман. Унинг буюртмасини шахсан қўлига топширишим керак.

— Менга қолдираверинг, бериб қўяман.

Мен бош чайқадим:

— Иложи йўқ. Бу сейфнинг калити. Мен уни шахсан қўлига бериб, тилхат олишим керак.

Дарбон елкаларини қисиб қўйди ва мен таклиф қилган сигаретни олди.

— Хоҳишингиз.

— Унинг ярим соатдан кейин келишига ишонасизми?

— Бўлмасам-чи! У ҳамиша ўз вақтида келади. Соат саккизда кетиб, ўн бирда қайтади.

— Ҳа, шундай одамлар бор, — дедим мен. — Уларга қараб, соатни текшириб кўриш мумкин.

— Ҳа-ҳа, у худди шундай одам. Унинг учта тунги клуби бор. Уларни ҳар куни тунда текшириб чиқади. Якшанбадан ташқари. Бу ерга кечки овқатланиш учун соат ўн бирда келади. Кейин яна бирлар чамасида клублар ёпилиб, кунлик тушумларни санашга кетади. Бу тартибга амал қилади.

— Нима, сиз тун бўйи навбатчилик қиласизми? — деб сўрадим шунчаки гап орасида.

— Мен ишни соат бирда тугатаман. Кейин бу ерни ёпамиз. Ҳар бир ходимнинг ўз калити бор, — у афтини буриштира бошлади. — Сиз тасаввур қиялпсизми, қандайдир анқов туфайли мени бир неча бор тўшақдан турғазиб келишган. Ўша меров калитни унутиб қолдиргани учун.

Бу маълумотларнинг бари мен учун ниҳоятда зарур эди.

— Ўтган кеча Купер сейфнинг калитини йўқотган экан, — дедим мен. — Учрашувимни расво қилгани қолди.

— Бу унга хос, — швейцар бошини чайқади. — Бир ҳафта олдин у кириш эшигининг калитини йўқотган эди. Мени эрталаб жойимдан турғазган эди, у шу қадар аблаҳ!

— Нима, шунча кеч қайтадимиз?

— Бўлмасам-чи, кейин кун бўйи ётади... Ҳа, мана, сизга ҳаёт!

Менга нимаики керак бўлса, ҳаммасини билиб олдим. Шундан сўнг сездирмай, суҳбатни бошқа мавзуга буриб юбордим. У-бу ҳақда сўзлаб, гапни ичакдай чўзиб, Купер келгунича ўтиравердим. У бир дақиқа кам ўн бирда келди. Мен Купернинг истиқболига пешвоз чиқдим.

— Мен сизга сейфнинг калитини олиб келдим, сэр,  
— дедим. У дастлаб менга эътибор бермади.

— Ҳа, бу сенми? — биров очилди Купер. — Хўш, менга бер-чи!

— Бу калит кирадими-йўқми, билмоқчи эдим. Менинг юқорига чиқишимга рухсат берасизми?..

— Яхши, кетдик.

Биз учинчи қаватга кўтарилгач, у эшикни очди ва мен ортидан меҳмонхонага кирдим.

Мен калитни сейф эшигига суқдим, Купер шу вақт мобайнида ортимда турди. Калитни бураганимда, менда ғалати фикр пайдо бўлди, шундай бурилсам-у, калласига бир солсам, кейин пулни олиб, жуфтакни ростласам, аммо мен бундай қила олмасдим. Бунинг ўрнига сейфни беркитдим-у, калитни Купернинг қўлига тутқаздим.

— Ҳаммаси жойида, сэр.

— Бўпти, — деди у истар-истамас, унинг қўли киссасига етса ҳам, кейин ҳаракатсиз қолди. Мен Куперни бошдан-оёқ кўриб турардим. У менга икки доллар бериб, шунинг ўзи етарли, деб ўзини ишонтирган. Бу зикналикнинг кичик кўриниши бўлса-да, мен учун етарли эди. Кейинги кеча-кундузда мен пул олиш керакми-йўқми, деган фикр борасида иккиланиб, узил-кесил бир тўхтама келиш учун етарли сабаб кутаётган эдим. Бу вақтни унинг ўзи менга етказди.

Мен уйдан чиқиб, лифтда биринчи қаватга тушдим, дарбонга қўлимни силкитиб қўйиб, кўчага чиқдим. Рой фургонда мени кутиб турарди.

— Ўша Купер эдими? Семиз, бесўнақай ва қип-қизил бадабашара?

— Худди ўзи, — мен фургонга кириб, Рой билан ёнмаён ўтирдим. — Ҳаммаси жуда оддий. Биз сейфни якшанба куни ўмарсак бўлади.

Бу ишни дам олиш куни амалга оширишни режалаштирдик. Рой машина олди ва биз шай бўлдик. Тун роса серёмғир бўлиб, бу биз учун қулай эди. Ёмғир



одамларни кўчадан ҳайдаб юборди, дарвоқе, Худойим унутиб юборган бизнинг шаҳарчамизда одамлар тунги соат бирда кўп сайр қилишмайди. Рой менинг олдимга келди ва биз Эшли Армзга бирга жўнадик, бу вақтда соат, тахмин қилганимиздек, бешта кам бир эди. Рой машинани пуллик тўхташ жойига қўйди, у ерда уловимиздан ташқари яна қирқта автомобиль бўлиб, ҳаммаси ёмғир остида ивиб турарди.

Биз бир-биримизга қапишиб, уйнинг кириш эшигига тикилганча кузатар, ҳар иккимиз ҳам асабийлашар эдик. Мен Рой ўзининг калта семиз бурнидан қандай нафас олаётганини эшитиб турар, менга юрагим ураётганини у эшитяптими, шуни билиш қизиқ эди. Қурилмалар тахтасида ўрнатилган соат бирни кўрсатаётганида, уйдан чиқиб келаётган Куперга кўзимиз тушди. У оқ «Ягуар» русумли автомобилга яқинлашди. Купер биздан ўн ярд нарида эди. У ёмғир туфайли бошини эгиб, машинагача чопиб борди, биз турган томонга қарамади ҳам. Кейин ўзининг оғир гавдасини қандай қилиб машина ичига олганини кўриб турдик. «Ягуар» ўт олиб, қоронғулик ичига сингиб кетди.

— Йўлимизда битта тўсиқ камайди, — деди Рой. Унинг товуши бўғиқ ва узук-юлуқ эди. Бир неча дақиқадан сўнг биз дарбон асосий кириш эшигини қай тарзда беркитганини ва холл орқали зинапоядан тушиб, уйчасига кириб кетганини кузатиб турдик.

— Қани, кетдик, — деди Рой ва машина эшигини очди.

Юрагим шунчалик қаттиқ гурсиллардики, худди нафасим чиқмайдигандай эди. Асбоб-ускуна тўла қутичамни олиб, мен ҳам машинадан тушдим. Ойнаванд эшиқдан шошиб тушар эканман, юзимга ёмғирнинг совуқ томчилари келиб урарди. Бизнинг бажарадиган ишларимиз оддиндан белгилаб қўйилган эди. Мен эшикни очишим, Рой эса ёнимда туриши керак. Қулф асло бўйсунисни истамасди. Одатдаги пайт бўлганида-ку, бу ишни икки-уч сонияда эплар эдим, аммо ҳозир

қўлларим қалтирарди. Рой ўзини тутолмай, мени ҳақоратлаганидан кейин, ниҳоят эшик очилди.

Биз лифтдан фойдаланмасликни афзал кўриб, жимгина зина олдига бордик. Чунки дарбон ҳали ухламаган бўлиши, бу пайтда лифтда ким юрган экан, деб қараши мумкин эди.

Зинадан кўтарилар эканмиз, ҳеч кимни учратмадик, фақат Купернинг эшиги олдида нафасимизни ростладик. Бу сафар мен қулф билан осонгина «тиллашдим». Калитни қулфга солганим заҳоти у осонгина мос келди. Эшикни итариб, қоронғу йўлакка кирдим. Менинг изимдан Рой кирди. Биз бир неча вақт қимирламай қулоқ тутиб турдик.

Сукунатни уйнинг алақаеридаги соатнинг чиқиллаши ва совуткич овози бузиб турар эди.

— Қани, бўл, — деди Рой. — Нимани кутиб турибмиз?

Мен меҳмонхонага ўтиб, чироқни ёқдим. Рой менинг ортимдан кириб, эшикни беркитди.

— Ҳа, бу одам яшашни билади, — деди у атрофга қараб. — Хўш, сейф қаерда?

Мен яланғоч аёл чизилган сурат олдига бориб, ромни айлантирдим. Код рақамини териб, калитни солдим, уни Купер учун ўзи берган нусхаси билан бирга ясаган эдим, қулф «ширқ» этиб очилди.

— Қара!

Биз ёнма-ён турар, юз долларлик пуллар тартиб билан солинган тахламларга маҳлиё бўлиб қолган эдик.

— Қарагин-а! — Ройнинг бармоқлари менинг қўлимга ёпишиб қолди. — Бу иккимизга умримизнинг охиригача етади!

Бирдан эшитилган овоздан иккимиз ҳам таррақдай музладик: кимдир кириш эшигининг калитини бураган эди. Мен шу қадар саросимага тушган эдимки, жойимда қотиб қолгандим. Фақат ёпилган эшик томонга бошимни бура олдим, холос.

Ройнинг аҳволи ҳам яхши эмас эди. У қандайдир сониялар ичида қимирламай туриб, сўнг ўзини калта-

кесақдай тезликда бир томонга олди-да, эшик очила бошлаганида бирдан чироқни ўчирди. Чироқ ёруғи бўсагадан қоп-қоронғу хонага тушиб, оппоқ нузли учбурчак ҳосил қилди, хонанинг ўртасида эса мен турардим. Эшик ўрнида мен Куперникига биринчи марта келганимда кушеткада ётган оёқлари узун, сарғиш сочли қиз кўринди. Биз сония ичида бир-биримизга қараб қолдик. Шундан сўнг у бир қадам ортга тисарилди-да, мияни тешиб юборгудай овоз билан, худди темир хивични «визиллатгандай» бақириб юборди.

— Бу ёққа, — деб қичқирди у. — Ўғри!

Унинг ортидан Купернинг семиз гавдаси кўринди. У қизни бир четга итариб юборди-ю, қоп-қоронғу меҳмонхонага бостириб кирди. Ҳаммаси шунчалик тез содир бўлдики, мен ҳамон олдингидек очиқ сейф олдида турар, ўзимни йўқотган, жойимдан қимирлашга мажолим қолмаган эди. Қиз уйдан сапчиб чиқиб кетди, ўзини зинапояга отиб, худди чўчка боласидай пастга югурди.

Мен Ройнинг ёруғда зўрға кўринаётган, деворга ёпишиб турган гавдасига кўзим тушди. Хонага учиб кирган Купер уни пайқамади. У менга қаради, қўлини худди томоғимдан бўғадигандек мен томон чўзди. Ройнинг ҳаракатлари шовқин-суронсиз эди. Мен унинг, ҳар эҳтимолга қарши, қулфни очиш учун олганимиз — темир парчасини силтаганини кўриб қолдим. Купер мени маҳкам ушламоқчи бўлганида, Рой лом билан унинг калласига солиб қолди. Купер худди ўриб олингандай йиқилди.

— Тезроқ! — енгил нафас олди Рой. — Қочдик!

Биз пастда, қаердадир қиз қичқираётганини эшитдик. Мен эшикка томон отилдим.

— Чет! — ортимдан Ройнинг қўрқувга тўла овозини эшитдим. — Пастга мумкин эмас. Юқорига қочамиз!

Аммо мен бу пайтда зинада эдим ва пастга чопдим. Кучли ваҳима туфайли миям карахт бўлиб қолган эди. Мени фақат битта фикр — кўчага чиқиб олиш ва қочиш

ваҳимаси қамраб олган эди! Ўзимни иккинчи қаватнинг зинапоя панжарасига отдим, у биринчи қаватга олиб тушарди. Бирдан кўз ўнгимда уй эшиги очилди-ю, у ердан гангиб қолган, сочлари тўзғиган озғин қария чиқиб келди. Биз бир неча лаҳза бир-биримизга қараб қолдик, бу ҳолат у эшикни куч билан ёпганига қадар давом этди. Кейинги зинани мен уч ҳатлашда эғаллаб, яхши чамаламаганим учун мувозанатни йўқотдим, майдончада йиқилиб тушдим. Бирдан оёққа туриб, охири қувватимни йиғиб югургач, ўзимни холда кўрдим.

Узун оёқли сарғиш сочли қиз букчайганча дарбоннинг пештахтаси ёнида турарди. У менга даҳшат билан боқар, ярим очиқ бўялган лаблари ва совуқдан кўкарган лаблари ниманидир пичирлар эди. Кўйлак ва шимини алақачон кийиб олган дарбон эса сочларини елкаларида тўзғитганча ертўласидан чиқиб келиб, бирдан менга ташланди. Биз полда бир-биримизга маҳкам чирмашганча юмалашар эдик.

Мен унинг калласига ва белига урдим ва ўзим ҳам юзимга икки шапалоқ едим, бу унинг чангалидан қутилгунимча содир бўлди. Сўнг оёққа турдим-у, эшикка қараб отилдим. Мен уни очганим ҳамон дарбон полициячи ҳуштагини чуриллатиб қолди. Бу ҳуштак овози ва қизнинг қичқириви сукунатни дўзах шўру ғавғоси билан тўлдириб, мени кўчага иргитиб юборди.

Мен йўлак четидан чопар эканман, шу пайт кириш эшиги олдида машина келиб тўхтаганини эшитдим, қулоғимга эса сариқ сочлининг қичқириви урилари, бу полиция сиренасининг қулоқни тешиб юборгудек овози босиб кетгунча давом этди. Мен югуришда давом этардим, юрагим гурс-гурс урар, пешанамдаги терлар кўзимга томар эди. Орқа томонимда қичқирикни эшитиб, бурилиб қараганимда, полициячи шапкасини кийган киши югуриб келаётганига кўзим тушди. Мен чопар эканман, бирдан ўқ овози эшитилди. Шундоқ юзим олдидан нимадир чақнаб кетди. Мен кескин сакраб, ўзимни қоронғу томонга урдим.

Яна ўқ отилди. Мени қандайдир кучли қўл елкадан гижимлаб олиб, юзим билан асфальтга олиб ургандай бўлди. Куйдиргудай оғриқ бутун танамга ёйилиб кетди. Мен чалқанча тушишга ҳаракат қилдим, аммо оғриқ кучимни қирқиб қўйди. Энг охирида эслаганим, ҳушимни йўқотар эканман, яқинлашаётган қадам товушлари эди...

## Иккинчи бўлим

### 1

Мен жуда олисдан, гўё бир миль масофа наридаги қувур адоғидан кимдир шивирлагандай овозни эшитдим. Шундан кейин кўксимда қаттиқ оғриқни ҳис этдим, бу менинг қоп-қоронғи ўрадан чиқиб олгунимга қадар давом этди. Мен кўзларимни очдим.

Мени оппоқ деворлар ўраб олган эди. Бошим узра энгашган одамнинг жуссасини аниқ кўрдим. Унга қарай олмадим, оғриқнинг янги хуружи туфайли яна кўзларимни юмган эдим. Шунга қарамай, миям ишлар эди. Мен қутилиш учун зинапоя бўйлаб югурганларимни, дарбон билан ёқалашганларимни хотирамда жонлантирдим, сўнг оёқлари узун сарғиш сочли қизнинг жазавага тушиб қичқиргани, тунда кўчада маъносиз чопганларим эсимга тушди. Яна полициянинг икки марта ўқ узганини қайта эшитгандай бўлдим.

Демак, мени ушлаб олишган. Бойиш учун беҳуда уриниш мени ҳозирча беморлар каравотига олиб келиб ташлади. Каравот ёнида, бош томонда полициячи турар эди.

— Агар унча жароҳатланмаган бўлса, — деган овоз эшитилди, — нима учун силтаб қўйиб, сидқидялдан гап-лашолмас эканман?

Фильмлар орқали жуда яхши таниш бўлган полициячининг қўпол, тўнг товуши ўзинга нисбатан айтилаётганини кутмайсан ҳам.

— У ҳали ҳушига келгани йўқ, — жавоб берди бошқа овоз. — Бу борада кўп ҳам шохмаслик керак, сержант йигитнинг омади чошибди: агар бир дюйм ўнг томондан отганида борми, у тирик қолмасди.

— Шунақами? Мен унинг учун оладиган кафолатдан қўрқаман, тирик қолгани учун у энди пушаймон ейди.

Ниҳоят, мен тўла-тўқис ўзимга келдим. Ярим очиқ киприкларим орасидан каравот ёнида турган икки кишини илғаб олдим. Улардан бири катта ва семиз, оқ халат кийган эди — ҳамма жиҳатдан қараганда, шифокор бўлиши керак. Иккинчиси ҳам йирик эркак бўлиб, юзлари қип-қизил, кўзлари кичкина, қисик, лаблари мисоли устара билан кесиб қўйилгандай эди. Унинг қопқорағимланган плашчи ва шунга мос келган шляпаси касби полициячи эканини кўрсатиб турар, қўпол товуш ҳам айнан унга тегишли эди.

Мен индамай ётиб, кўксимдаги оғриққа бир амаллаб чидар эканман, бирдан Ройни эсладим. У мен каби ваҳимага тушмади, зинапоядан юқорига югуриб чиқиб кетди, шу вақт ичида мен тўғридан-тўғри исковучларнинг қўлига тушиб қолдим. Рой қутилиб кетдимикан?

Уни бинодан чиқиб кетувчилар кўрмаган бўлса, ҳаммаси жойида. Фақат мени қўлга туширдилар. Айнан мен Купернинг сейфидаги пулларни кўрган эдим. Айнан мен дарбон билан гаплашиб, ундан Купер тўғрисида сўраб олган эдим. Фақат менинг зинапоядан пастга югурганимни кўришган.

Бу ўтган вақт мобайнида Рой ёнимда йўқ эди.

Шундан кейин Ройнинг қўлидаги темир Купернинг калласига тушганида чиққан овозни эсладим. Бу жуда даҳшатли зарба эди: Рой шу қадар ғазаб билан урдик, мен ундан асло буни кутмаган эдим. Тўсатдан кўрқув туфайли мазам қочиб қолди. Куперга нима бўлди экан? Наҳотки Рой уни ўлдирган бўлса?

Шундан сўнг мен тер ва товуқ гўшти ҳидини туйиб, кўзларимни очдим ва шундоққина ёнимда энгашиб турган полициячининг қип-қизил башарасига кўзим туш-

ди. Биз иккимиз ёлғиз эдик. Шифокор қачон кетганини эшитмадим, у ҳақиқатан ҳам кетган бўлса керак, чунки хонада йўқ эди. Полициячи ўзининг товуқ қовурдоғидан сарғайган тишларини кўрсатиб, истеҳзоли тиржайиб қўйди. Бўри ўз ўлжасига қараб худди шундай истеҳзоли қараши мумкин эди.

— Хўш, қалайсан, палид, бир бошдан айтиб бер-чи, — деди у. — Тезроқ бўл. Мен сенинг ўзингга келишинг учун икки кеча-кундуз кутдим. Қани бўл!

Бу ҳали бошланиши. Полициячилар орасида ғирашира бир гумонсираш бор эдики, унга кўра, бу ишда фақат мен ўзим иштирок этмаганман. Аммо бу масалада уларнинг пичоққа илинадиган бирорта илмоғи йўқ, шунинг учун фақат менга таяниб, мендан нимадир чиқариб олишга уринишарди. Мен эса бошқа ҳеч ким йўқ эди, деб шу гапда туриб олган эдим. Менга, Купер ўлим ёқасида, шунинг учун сен қотилликда айбланасан, агар бордию, бир ўзинг бўлмасанг, ҳозир шу ҳақда гапириб беришнинг айна пайти, деб айтишди. Мен айтганларимда туриб олиб, бу ишларнинг барини ўзим бажардим, дедим.

Ниҳоят мени шерикчилик асосида жиноят қилганликда айблаб, иқрор бўлишимга уринишлари зое кетди, улар ниятларига етолмадилар. Боз устига Купернинг бошидаги жароҳат унчалик жиддий бўлмай, тез орада тузалиб кетди. Полициячиларнинг юзидаги ифодага кўра, бу хабар уларга ниҳоятда алам қилди.

— Аммо сен уни бутунлай ўлдириб юборишинг мумкин эди, — деди сержант тамакидан сарғайган тишларини кўрсатиб. — Бу эса суд учун етарлидан ҳам зиёд аҳамиятга эга. Сенга ўн йилни ёпиштиришади, унинг ҳар йили учун ҳали аччиқ-аччиқ пушаймонлар ейсан!

Мени касалхонадан турмага кўчиришди. У ерда, токи Купер етарли даражада соғайиб, менга қарши айблов кўрсатмасини бергунига қадар, уч ой ўтирдим.

Бу судни бутун умрим бўйи унутмайман. Мени залга олиб киришганида, кўз ташлаб, жамоат учун ажратил-

ган жойда биринчи бўлиб Жейнини кўрдим. Бу ҳол мени ҳайратга солди. У менга қўлини силкитди, мен унга жавобан жилмайиб қўйдим. Кимни бўлса майли эди, аммо уни бу ерда учратаман, деб асло кутмаган эдим. У ерда яна менинг Лоренс сейфлар корпорациясидаги хўжайиним Франклин, ёнида эса Рой бирга ўтирарди. Биз Рой билан нигоҳларимизни бир-бирига қаратдик. У ранги синиққан ва озиб кетгандай кўринди. Тасаввур қилганимга кўра, шу уч ой давомида мени сотадими-йўқми, деб ич-этини еб қўйган бўлса керак. Судья роса қилтилаган киши бўлиб, кичкина ёқимсиз башара ва бақрайган кўзларга эга бир одам эди. Мен буни бошқалар билан чалкаштириб бўлмаслигини тўшундим.

Купер ҳам озиб-тўзган, бошини дока билан ўраб олган эди. У менинг сейфни очиш учун келганим ва калит нусхасини ясаб беришни илтимос қилганини сўзлаб берди. Сўнг сарғиш сочли қиз кўрсатма беришга ўтди. У эгнига яшил кўйлак кийган бўлиб, бу унинг силлиқ-равонлигини кўрсатиб турарди, шу боис залдаги эркакларнинг бари бурилиб қарашди, ҳатто судья ҳам четда қолмади. Сарғиш сочли маълум қилишича, у Купернинг тунги клубларидан бирида қўшиқчи бўлиб ишлар, вақти-вақти билан Купернинг уйига бориб, репертуарларни бирга муҳокама қилар экан. Аммо суд залида иштирок этувчиларнинг ҳар бирига унинг соат бирда, тунда қандай репертуарни муҳокама қилиши мумкинлиги аён бўлиб, шу боис улар Куперга очиқдан-очиқ ғайирлик билан қарадилар. Қўшиқчи қизнинг айтишига кўра, мен сейфни очганимда, Купер хонада бўлмаган ва сейфга қай тарзда қараганимни у кўрган, шундан сўнг мен сейф даричасини ёпиб, ҳеч нимани очмагандай турган эканман.

Купер судга сейфни очишдан олдин мени кўрганлигини, менга яқинлашиб, уни темир билан урганимни маълум қилди. Ҳимоям учун кўрсатма беришга чақирилган Франклин мени ҳайратга солди. У мен ҳақимда



энг яхши ходимларидан бири эканлигим, бу нохуш ходисага қадар фирма раҳбариятининг ишончини тўлиқ оқлаганим хусусида гапирди. Очиқ-ойдин кўриниб тургандики, Франклиннинг нутқи судьяга худди танк занжирлари остига ташланган бир ҳовуч шағалдек қилча таъсир кўрсатмади. Менинг адвокатим ҳисобланмиш тўқ семиз, ўрта ёшлардаги жаноб эса бутун мажлис давомида ухлаб қолмаслик учун жони ҳалак эди. Айблов бўйича барча гувоҳларнинг сўзлари эшитиб бўлингач, у менга бир қараб қўйди, негадир қийшайди, аста-секин ўрнидан турди ва унинг мижози, яъни мени, ўзини айбдор, деб ҳисоблайди ва суддан шафқат қилишни сўрайди, деди. Балки у бошқа ҳеч нима қилмаслиги мумкин эди, аммо алал-оқибат адвокатнинг ҳақиқатдан ҳам менга раҳми келганидан шундай дегандай туюлди. Менда ҳам, бутун залда ўтирганларда ҳам у аллақачон келгуси жараёнга тамомила қизиқиб қолганлиги борасида таассурот пайдо бўлди.

Судья менга бир неча вақт давомида ваҳшийга қарагандек назар солиб қўярди. Ниҳоят у, кўрсатилган ишончдан фойдаланиб, шахсий манфаатларини кўзлаб, отам ва бобом ҳалол ишлаган нуфузли энг қадимий фирма шаънини зарба остига қўйганлигимни таъкидлаб, нутқ ирод этди. Гарчи бу менинг биринчи марта рўй берган ҳуқуқбузарлик ишим бўлса-да, у менга раҳмдиллик билан муносабатда бўлишни жудаям хоҳлар экан. Мен унинг бирортаям гапига ишонмадим, фақат кичкина совуқ кўзларига боқиб, у бу гапларни ўзининг шахсан овозини эшитиш ҳамда бутунлай лаззатланиш учун сўзлаяпти, деган фикр кўнглимдан ўтди. Шу билан бирга, унинг сўзларига кўра, менинг ёввойи ва шафқатсиз равишда Куперга ташланганим аслида уни ўлдириши мумкинлиги ҳисобга олинса, бунинг учун асло раҳм қилмаслик имконини беради судга. Шундан сўнг судья мени ўн йилга ҳукм қилди, бу муддатни мен Фарнуорт турмасида ўташим керак, у ерда менга ўхшаган хавфли жиноятчилар билан бошлаб муомала қилишади.

Мен Ройни сотишим мумкин бўлган вақт етган эди, у буни ҳис этди ҳам. Мен у томонга бурилиб қарадим ва кўзларимиз бир-бири билан тўқнашди. Мен Ройнинг нақадар ҳаяжонланиб, худди эшилган калава ипдек ўтирганини ҳам кўрдим. У менинг нималарни ўйлаётганимни биларди. Мен шундоққина кўрсатиб, судьяга, Куперга мана шу Рой зарба берган эди, десам, кифоя. Ана шунда янги судловга қадар, яна икки ой кейинга суриш муддатини олардим, агар сўзларим тасдиқланса, у ҳолда Фарнуортда бўлмас эдим.

Фарнуорт ўта хавфли жиноятчилар учун азоб-уқубатли турма мажмуи сифатида маълум, у шаҳардан икки юз миль нарида эди. Кейинги уч йил мобайнида Фарнуорт интизоми, тартиби тўғрисида газеталар ҳаммаша жар солиб, айниқса, виждонли журналистлар ҳукуматдагилардан уни ёпишни талаб қилишарди. Мен кўплаб бошқа кишилар каби бундай мақолаларни ўқиб, карахт бўлиб қолганман. Агар газетчилар ҳақиқатни ёзишган бўлса, у ердаги шароит шунчалик даҳшатлики, Фарнуортнинг тамаддуни жамиятда мавжуд бўлиши сира ярашмаган ҳол эди. Бу дўзахда ўн йилни ўтказиш тўғрисидаги фикрдан баданларим жимирлаб кетди...

Биз Рой билан бир-биримизга қараб қолдик. Унга боқиб, мен учун нималар қилганини, бирга мактабга борганларимизни, сўнг бирга ишлаганларимизни, шунга ўхшаш майда-чуйдаларни ёдга олдим. Таниш қизлар мени жунбишга солганида Рой қанчалик ҳамдардлик билдирганини эсладим. Агар тўсатдан бойиб кетсак, қандай иш тутишимиз ҳақидаги суҳбатларимиз ёдга тушди. Буларнинг ҳаммаси қўшилиб кетиб, мени Ройни сотиб қўймасликка ундади. Мен унга кулимсираб қарадим. Бу жилмайиш кишининг раҳмини келтирадиган даражада эди, ҳар ҳолда мен унга хавф-хатардан холи эканлигини тушунтиргандай бўлдим.

Шундан сўнг елкамда полициячилардан бирининг оғир қўлини ҳис қилдим, у суд давомида менинг ёнимда турган эди.

— Кетдик, — деди у тишлари орасидан гижиниб.

Мен Жейнига қарадим, у рўмолча билан кўз ёшларини артар эди. Яна бир бор Ройга қараб, суд залидан пастга, зинапоялар орқали туша бошладим. Мен эркинлик дунёсидан келажакка томон йўл олдимки, у ерда, ҳатто умид қилишга ҳам ўрин йўқ эди. Фарнуортга жўнатгунларига қадар менга таскин бергани Ройни сотмаганим эди, холос. Бу фикр ўз-ўзимни ҳурмат қилишни сақлашга ёрдам берди, мени қаерга жўнатишларининг аҳамияти энди кам эди.

## 2

Фарнуорт деворлари балан ва камерали турма эмасди. Бу занжирлар, уста мерган-қўриқчилар ҳамда йиртқич итлардан иборат қамоқхона эди. Кундузи ўтган кунлар даҳшатли бўлиб, тунлар тўғрисида гапирмаса ҳам бўларди. Ҳар бир кун адоғида сасиб кетган, ювинмайдиган етмиш еттита эркакни худди қорамоллар подаси каби узунлиги эллик, эни ўн фут бўлган баракка ҳайдашар, унда биттагина панжарали дераза ва темир эшик бор эди. Маҳбусларнинг ҳар бирини тунда занжирга боғлаб қўйишар, бу занжир бутун барак бўйлаб ўраб чиқиларди. Сир шунда эдики, кимдир уйқусида қимирлаб кетгудек бўлса, занжир тортилиб, бутун баракни уйғотиб юборарди.

Жазирама қуёш остидаги иш, тинкани қуритадиган меҳнатдан сўнг толиққан танадаги ҳар бир ҳужайра зирқирар, аччиқланиш ҳам чидаб бўлмас даражага етар эди. Кимдир тушида бесаранжомланиб занжирни тортиб юборса, ўша заҳоти қўшниси муштини ишга солар ва димиққан қоронғулик ичида раҳм-шафқатни мутлақо тан олмайдиган муштлашув бошланиб кетарди. Бизни баракка тикқан қўриқчилар эрталабга қадар кетар эдилар. Муштлашув қандай ўтади, бирортаси ўлиб қоладими, уларнинг хаёлига ҳам келмас, ҳаяжонга солмас эди. Улар учун, бу ўлим битта ёвузни камайтирди, деган фикрни тасдиқлар эди, холос.

Маҳбуслар тун бўйи Байфлит исмли кишининг қарамоғида қолишарди. У итларга қарар эди. Байфлитнинг ўзида ҳам анчагина ёввойилик ҳамда ибтидоийлик бўлиб, ҳатто катта темир саройда сақланадиган итлар ҳам ундан ҳайиқарди. Улар йиртқиқчиликда, ҳатто йўлбарсларни ҳам ортда қолдириб кетарди. Ҳар куни кечки соат еттида маҳбусларни икки қаватли осма каравотларга боғлашар, қўриқчилар кетишар ва ана шунда чўчқа тумшуқли, семириб ёғ босиб кетган баҳайбат Байфлитнинг подшолик даври бошланар эди. У қўлида бейсбол таёғини ушлаганча саройга кирар ва итларни қўйиб юборарди. Байфлитдан бошқа бирортаям киши эрталаб соат беш яримгача ҳудудга қадам босолмас, у саройга итларни қамаганидан кейингина қўриқчилар хизмат вазифасини бажаришга киришар эдилар.

Мен тундан-тунга қадар тўшақда уйқусиз ётар, итларнинг барак атрофида айланиб, ҳуришига қулоқ солардим. Бу ердан қочиш кетиш учун уларни ўзимга ўргатишим, ювош торттиришим керак, деган фикр миямдан маҳкам ўрин олган эди. Турмада ўн кун бўлганимдан сўнг ўзимча, бу ерда жуда кўп туриб қолдим, деб ҳисобладим. Агар итлар бўлмаганида, мен гарчи ўққа учрасам ҳам, бу қалтис ишга биринчи кечадаёқ киришган бўлардим. Тўпиргимдаги занжир маҳкамлаб қўйилган қулф ҳам, баракнинг кириш эшигидаги лўкидон ҳам мен учун ҳеч қандай қийинчилик туғдирмас, кўзимга кўринмас эди.

Барақдаги мен учун даҳшатли биринчи кечада жуда кўп уриниб, қўлимни қонатиб бўлса-да, муғомбирлик билан узунлиги уч дюмча ҳажмдаги каравот симини ечиб олишга муваффақ бўлдим. Мен бу сим ёрдамида Фарнуортнинг ҳар қандай қулфини очишим мумкин эди.

Агар манови қутурган қашқирлар тун қоронғусида гингшиб тимирскиланмаганида, мен бу сассиқ саройдан чиқиб кета олардим, деган фикр миямда чарх уриб, ақлдан оздирай, дерди. Уларни алдаш учун нимадир қилиш керак эди.

Эртаси куни кундузи, мен қочиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, деган хулосага келдим. Бизни ҳар куни далага милтиқ билан қуролланган олти нафар соқчи кузатиб борар эди. Бунинг устига уларнинг ҳаммаси от миниб оларди. Ерда бирор гиёҳ ўсмас, худди кафтдай теп-текис эди. Узоқдаги дарё ёки йўлни кўзлаб қочгудек бўлсам, қўриқчилардан бири оти билан изимдан етиб олиб, ўша заҳоти отиб ташлаши мумкин эди.

Бу ердан фақат тунда қочиш мумкин, аммо даставвал итларни нима қилиш мумкинлигини яхшилаб ўйлаб кўриш керак эди. Шунинг учун далада кундуз кунлари изтироб чекиб юрганимда ҳам, қўланса ҳидли барақда ўтказган узоқ тунларда ҳам фақат итларни қандай қилиб алдаш мумкин деган фикр билан бошимни қотириб юрардим.

Ҳар куни эрталаб йўқлама қилиш учун бизни саф торттирганларида, мен уларнинг қўраси ёнидан ўтар эдим. Темир саройда уларнинг сони ўнта эди: қулоқни батанг қиладиган бу каттакон жониворлар — шарқий европа итлари ва бўрибосарлари эди. Бу ўнта газандага қарши одамда ҳеч қандай имконият йўқ эди. Улар инсонни барақдан ўн ярд қадам босмасдан дарров таппа босиб, бўлак-бўлакка ажратиб ташлаши мумкин эди. Бу жумбоқдан эсим оғиб қолаёзди.

Фарнуортда бир ой бўлганимдан сўнггина бунинг йўлини топишга муваффақ бўлдим. Мени ошхонага навбатчиликка жўнатишди: бу машғулотдан ҳамма худди оловдан қўрққандай ҳайиқар эди. Гап шундаки, маҳбуслар учун бериладиган овқатни умуман еб бўлмасди. Ҳеч ўзгармайдиган таомномага кўра, картошкали шўрвада чала-ярим гўшт билан бирга лой, гўнг, кесак парчалари сузиб юрарди. Иссиқда ошхонада сасиб кетган гўштнинг ҳиди овқат танламайдиган ҳар қандай кишини ҳам қусдириб, ичак-чавоғини ағдар-тўнтар қиларди. Озгина бўлса ҳам сасиган, бижғиган ҳидларни йўқотиш учун ошпаз қалампирни аямас эди, айнан

ана шу қалампир итларни алдаш борасида қалламда ажойиб фикр уйғотди.

Кейинги уч кун мобайнида мен чўнтагимни қалампир билан тўлдириб барақка қайтдим, сўнг уни сомон солинган кўрпача қатига яшириб қўйдим. Қочишга тайёргарлик кўришда мен тубдан олдинга қадам ташлаган эдим. Менда барак эшигини очиш учун сим парчаси, йўлимда чиқиб қоладиган итни бир ёқли қилиш учун эса етарлича қалампир бор эди. Шулар ёрдамида дарёгача етиб боришим мумкин эди. Агар мен уларнинг кўзига кўринмай жуфтакни ростлагудай бўлсам, кейин изимдан итларни қўйиб юборган тақдирда қалампир роса асқотиб қоларди. Буни қандай амалга оширишни ўйлаб топиш — қочиш учун барчаси тап-тайёр, дегани эди.

Мен бир неча кун давомида темир саройдан келаётган товушларга диққат билан қулоқ тутдим. Булар у ерда нима бўлаётгани тўғрисида таассурот уйғотиш имконини берди.

Байфлит чор атроф ёп-ёруғ бўлган пайтда, кечки соат еттида навбатчиликни бошлади. Маҳбусларни санаб бўлгач, улар барақка ҳайдаб олиб кирилди, кўриқчилардан бири уларни Байфлит кузатуви остида занжирга тизиб ўтирғизди. Сўнг барақни маҳкам беркитишди. Итлари билан омборга жўнаган Байфлит эса кейин уларни қўйиб юборди. Шундан сўнг у уйчасига кирди, у ерда каравот бор, ўшанга ётади, балки, ухлагандир. Атрофида ўнта исковуч ит айланиб юргандан кейин беғам ухлайверади-да.

Ўн бешта кам тўртда, тонг чоғи Байфлит уйчасидан чиқиб, ошхонага кирди. У ердан итлар учун гўшт бўлақлари солинган икки пақирни кўтариб чиқди. Уларни қўрага олиб кирди, итлар унинг изидан югурди. Товушларга кўра ва итларнинг тўсатдан ангиллашига қараганда, Байфлит уларнинг ёнида туриб, тартибга ўргатаётган бўлса керак. Буларнинг ҳаммаси маълум вақтни оларди. Соат бешдан йигирма беш дақиқа ўтганида,

у қўрани беркитди ва буғ билан ишлайдиган сиренани ишлатиб, икки марта қулоқни тешиб юборгудай овоз берди, шу билан маҳбусларни уйғотди ҳамда қўриқчиларга итларни саройга қамаганини билдирди. Бу тартиб ҳеч қачон бузилмаган. Мен итлар овқатланиш билан машғул бўлган пайтда қочишга ҳаракат қилиш — бу ердан қутилишнинг ягона имконияти деган, хулосага келдим.

Дарёга етиб боргунча кетган вақтга қадар менда ҳаммаси ўлчовли бўлади: унгача бир миль бўлган масофа бутунлай очиқ майдондан иборат. Қисқаси, бундан шикоят қилмаса ҳам бўлади, ахир мен доим тез чопганман. Дарёгача олти дақиқада етаман, аммо бунинг учун жон-жаҳдим билан куч сарфлашим керак. Фақат дарё бўйида итларни издан адаштириш учун қалампирдан фойдаланишим мумкин.

Менинг режам жуда оддий эди: қувиш бошлангунча ҳаракат қилиб қолиш, сўнг бирор жойда яшириниб туриш. Кейинги ҳаракатларимнинг бари фақат тунда рўй бериши керак эди. Мен Фарнуортдан йигирма миль нари масофада ўтган темир йўл станциясигача етиб олишим зарур. Сўнг маҳаллий поезд билан округнинг энг катта шаҳри бўлган Оклендга боришни мўлжаллаган эдим. Мени ташвишга солган яна битта муаммо бор: тўпиғимдаги занжирга биркитилган қулфни очишим учун икки сония кифоя қилади, холос, аммо баракнинг эшиги билан боғлиқ даҳмаза роса кўп эди.

Мен у билан машғул бўлганимда, ҳеч ким шовқин кўтариб қолмасмикан? Маҳбуслардан бирортаси бақирса борми, Байфлит албатта эшитиб қолади, ўшанда ҳамма иш расвойи-радди бўлади. Мен юз фоизлик муваффақиятни кафолатлаган режани диққат ва синчковлик билан ишлаб чиқиб, зиғирча хавф-хатар туғдирадиган имконият бўлса, унга таянмасликни афзал кўрдим.

Ҳар бир лагерда бошқалар жудаям қўрқадиган киши бўлади. Фарнуортда бундай одам Жо Бойд эди. У ба-

ланд бўйи билан ажралиб турмас, бор-йўғи беш футдан иборат бўлиб, аммо эни икки нафар оддий одамникидан кенг эди. Бойднинг кўпол юзи шафқатсиз мушталашувларнинг излари, гадир-будир тиртиқлари билан тўлиб-тошган ниқобни эслатар эди. Унинг пачоқ бурни бутун юзига ёйилиб кетган, қалин қошлари эса кичик, ўқрайган кўзларини беркитиб турарди. Бойд кўринишидан қуйма орангутанни эслатар, ўзини ҳам шунга монанд тутар эди.

Унинг тўшаги айнан меникининг остида эди. Агар Бойдни менга қўшилишига кўндирсам, барақда ҳеч ким шовқин-сурон кўтаришга ботинолмас, мен бемалол эшикни очиш билан машғул бўлардим. Бойдга ишониб бўлармикан, у сотиб қўймасмикан?

Мен у тўғрисида ҳеч нима билмас эдим. Бойд ҳеч қачон биров билан гаплашмас, ўзини ҳамиша ажратиб, бошқаларга қўшилмас эди, кимдир билмасдан унга яқинроқ бориб қолса, унинг гурзидай мушти ҳамма нарсага қизиқиб қарайдиган бу меровнинг калласига тушар эди. Бойдга ўзимнинг режам ҳақида гапириб бериш кўп меҳнат талаб қилмас, эшитиб қолишларини бартараф этиш мумкин эди. Иркит матрасни шундайгина кўтарсам, тўр орқали Жо шундоқ кўз олдимда намоён бўларди.

Ярим кечаси Бойднинг баланд хуррагини эшитиб ётар эканман, ўзимча мулоҳаза юритардим. Уни фақат маҳбуслар эмас, балки кўриқчилар ҳам ёмон кўришади. Мени сотиб қўйишга Бойдни нима мажбур этади, деб ўйлаш тасаввуримга сиғмас эди. Ниҳоят тунги соат иккида унга бирга қочишни таклиф этишга қарор қилдим.

Ҳаммадан бурун мен тўпифимдаги занжирдан озод бўлдим ва тўшакни қайириб қўйдим. Қоронғуда Бойдни кўрмасдим, аммо унинг ҳидини сезиб, оғир, ҳирқироқ нафасини эшитдим.

— Бойд! — дедим секин, аммо қатъий қилиб.

Бойднинг оғир нафас олиши таққа тўхтади. У жуда тез уйғонди, айрим ҳайвонлар худди шундай сергак



бўлади. Мен у қандай қараётганини, қоронғуда кичкина, шубҳали маймунсифат кўзларини қай тарзда тикканини кўз олдимга келтирдим.

— Бойд! Мени эшитяпсанми?

— А? — у секин, эҳтиёткорона жавоб берди.

— Икки соатдан сўнг жуфтакни ростлаймиз, — дедим шивирлаб. — Мен билан бирга кетасанми?

— Жуфтакни ростлаймиз, дейсанми?

— Байфлит кучукларни боқаётган чоғда, мен бу ердан кетаман. Сен мен билан қочасанми?

— Аҳмоқ! Бу ердан қандай чиқиб кетасан?

— Мен ўзимдаги занжирни аллақачон ечдим — сеникиниям ечишим мумкин. Эшикни ҳам оча оламан. Хўш, кетасанми?

— Итлар-чи?

— Сенга айтдим-ку, Байфлит уларни овқатлантираётган пайтда кетамиз.

— Кетамиз? Қаерга?

— Дарёга. Агар омадимиз келса, темир йўлгача борамиз. Уриниб кўриш — машаққат эмас. Шундайми? Ҳами ёки йўқми?

— Сен бу жин ургур занжирни еча оласанми?

— Ҳа.

— Ундай бўлса, ечгин!

Мен ўз тўшагимдан пастга силжиб, у билан ёнма-ён бўлиб қолдим, сўнг йирик оёғи бўйлаб занжир боғланган жойигача пайпаслаб бордим. Қоронғида қулфга уриниш кони азоб, аммо у бир неча дақиқадан сўнг очилди, занжир аёёл устига тушди. Мен қаддимни ростлаганимда, иккита терлаган қўл мени қисиб, қоронғилиқдан олиб чиқди, ўзимни ўнглагунимча, бармоқлари томоғимдан гиппа бўғиб олди. Унинг чангали қисқични эслатар эди. Нафасим бўғила бошлади. Мен, ҳатто қаршилиқ кўрсатишга ҳам уринмадим. Унинг олдида чўкка тушган кўйи мени ўлдирмаслигини Худодан ёлвориб сўрадим. Бирдан у менинг томоғимни кўйиб юборди, кўйлагимни ёқасидан гижимлаб ушлаб, ўзига тортди.

— Қулоқ сол, тирранча, — деди у хириллаб, — агар сен мени қопқонга туширадиган бўлсанг, унда...

Мен бир неча лаҳзалардан сўнг бироз ўзимга келдим, нафас олишимни тиклашга ҳаракат қилар эканман, унга жавобан шипшитишга тўғри келди:

— Жин урсин сени, маймун! Кетишни хоҳламасанг, қолавер!

Бизга яқинроқда кимдир уйқусида алаҳсиради. Кимдир оҳиста сўкинади. Биз, ҳар иккимиз ҳам шивирлашиб гаплашардик. Мен унинг нафасида қўланса ҳид борлигини ҳис этдим. Афтидан, мен тўғри муомала тарзини топганга ўхшадим. Унинг қўли кўйлагимни қўйиб юборди.

— Майли. Мен ҳам кетаман!

— Биз бу ердан чиққан заҳоти дарёга қараб чопамиз, — дедим мен. — Дарё бўйида ажралишамиз. Улар изимиздан итларни қўйиб юборишади, аммо агар дарё соҳилига бориб қолсак, ана шунда уларни алдаш мумкин. Сен сузишни биласанми?

— Сузоламанми-йўқми, ишинг бўлмасин. — деди Бойд тишларини гижирлатиб. — Эшикни оч! Ўзим ҳақимда мен ўзим ғам ейман.

Мен ўзимнинг тўшагимга яна қайтиб ётдим, томоғимни уқаладим. Деразага қуёшнинг илк нурлари кира бошлади. Бир соатдан кейин қочиш фурсати етади. Мен яшириб қўйган жойимдан қалампир солинган идишни олиб, кўйлагимнинг киссасига солиб қўйдим. Қалампирни Бойд билан тақсимлаб олмоқчи эмас эдим: итларни изидан адаштириб қўйиш учун унинг ҳар бир отими ўзимга керак бўларди.

Ётган жойимда туйнукдан тушаётган нурнинг қандай қилиб ёришаётганини кузатиб, Бойднинг нафас олганини эшитдим. Бирдан унинг шивирлаши эшитилди:

— Сен эшикни очишингга ишонасанми, кўзинг етadими шунга?

Мен гапириш ўнғай бўлсин, деб ўнгарилиб олдим.

— Кўзим етади.

— Сен нега қочмоқчи бўлдинг?

— Бу ерда баттар бўлса бўладики, ҳеч қачон дуруст бўлмайди.

— Ҳа.

Узоқ давом этган жимлик чўқди. Сўнгра биз икки ит қандай қилиб бир-бири билан қапишиб, уришганини эшитиб ётдик. Бу овозлардан томирларимда қоним қайнади.

— Бу итлар... — деб минғирлади Бойд.

— Уларга овқат беришаётганида, биз анча узоқда бўламиз, — дедим мен.

— Ким билади, дейсан... — жавоб берди Бойд ва менинг овозидаги қўрқувни сездим. Ҳатто, Бойд каби ваҳший маҳкум ҳам бу итлардан қўрқар эди.

Яна асабларни қақшатган қирқ дақиқа вақт ўтди. Қуёшнинг ингичка ханжар мисоли нурлари барак поли бўйлаб ҳаракат қила бошлади, бу қочиш вақтига қадар саноқли дақиқалар қолганини эслатиб, мени огоҳлантирарди. Юрагим қаттиқ урар, қўлларим терлаганидан ҳўл бўлиб кетган эди. Айрим маҳбуслар ғимирлаб қолишди, бир-бирининг занжирини торта-торт қилиб, ўзаро сўкинишар, лаънат ўқишар эди.

Мен пастга қараб, Бойднинг юзини фарқлай олдим.

— Сен жиддий айтдингми? — деб сўради у. — Ҳазиллашмаяпсанми?

— Мен ҳазиллашмайман, — дея жавоб бердим.

Итларнинг аккиллаши бирдан жунбишга келган ҳуришга ўтди. Бу Байфлит ошхона томонга ўтганини билдирар эди.

— Изимдан юр, токи бу ерда ҳеч ким шовқин кўтармасин, мен эшикни очай, — дедим Бойдга.

— Мен ортингдан бораман, — деб жавоб берди Бойд ва каравотга ўтириб, ўзининг азамат оёқларини пол устига қўйди. Мен ўридан ўрмалаб, пастга тушдим ва эшикка қараб йўналдим.

Маҳбуслардан бири тепакал, каламушбашара, ўрнидан қўзғалиб:

— Эй, сизлар, қаёқда? — деб бақириб юборди.

Бойд ўрнидан турди, тепакалнинг олдига келиб, бир оғиз сўз демай, мушти билан унинг юзига солди. У чалқанчасига ағдарилди, пачоқ бўлган бурнидан тирқираб қон оқа бошлади. Бойд баракнинг ўртасига ўтиб, катта муштини белига тиради-да, ҳаммага бир-бир қаради ва қичқирди:

— Яна кимда саволлар бор?

Ҳеч ким жойидан жилмади. Ҳозир бутун барак уйғонган, маҳбуслар ўз тўшакларида ўтиришар, лом-мим демай менга кўз тиккан эдилар. Қулф мен ўйлагандан кўра анча мустаҳкам экан. Байфлит итларга лаънат ёғдириб, сўкинаётгани эшитилган дамда мен эшикни очдим.

— Кетдик! — дедим мен ва бирдан овозим пастлашганини сезиб қолдим. Елкамдан совуқ тер жилиб оқа бошлади. Мен кўчага эҳтиёт бўлиб чиқдим, юзимга эрта-лабки тоза шабада урилди. Мендан ўнг томонда, эллик ярд нарида итлар учун кўра жойлашган эди. Мен биз томонга орқа ўгириб турган Байфлитни кўрдим, у катта тоғорада қолдиқ овқат ва гўшти аралаштириш билан овора эди. Атрофида итлар ирғишлар, бир-бирига суйкалар, яқинроқ келишга ҳаракат қиларди. Бойд менга яқинлашди. У ҳам бурилиб, кўрага қаради.

— Айни вақти! — дедим мен ва чопиб кетдим.

Мен ниҳоятда эсанкираб, негадир ўзимни яп-яланғоч ҳис қилдим, иложи борича текис жойларни кўзлаб югурдим, бу текислик мени узоқда оқаётган дарёдан ажратиб турарди. Ортимдан Бойднинг ҳарсиллаб югуриб келаётганини эшитдим. У ҳам бор кучи билан чопарди, аммо мен устунлик қилиб, тезда бурилиб чопдим.

Ҳаётимда ҳеч қачон бунчалик тез югурмаган эдим. Кўз олдимда фақат узун чизикда тортилгандай бутазор турар, у дарё бўйида ўсиб, тобора катталашиб борган эди. Бирдан ўқ овозини эшитдим. Янада тез югуриб, ортимга бурилиб қарадим.

Байфлит кўра эшиги ёнидан сакраб чиққан, қўлида қирқ бешинчи калибрли тўппонча ушлаб турарди. У яна ўқ узди, мен Бойднинг чап томонидаги беш фут чамасидаги ер чангиб кетганини кўрдим. Бойд қатъият билан олдинга қараб чопар, аммо ҳаракати унчалик тез эмасди. Ўқ узиш унинг ҳаёти учун хавfli эди.

Мен итларнинг гингшиши ва ҳуришини эшитдим — улар хўрак ейиш билан ниҳоятда банд эди, бу эса мени янада тетиклаштирди. Мен яна югуриш суръатини оширдим, аммо буталаргача юз ярд чамаси масофа қолганида, яна бир бор ортимга қарадим. Бойд мендан икки юз ярдча орқада қолган, шунга қарамай югуришда давом этар эди.

Сирена чинқириғи тинмасди ва мен бир неча дақиқадан сўнг қўриқчилар қувишга шайланишини англадим. Ўзимни буталар панасига отдим, яна юз ярдча чопгач, ўзимни ерга ташлаб, энг қалин жойга яшириндим. Бир неча сониядан сўнг Бойд буталар орасида тимирскиланаётганини эшитдим. У бор-йўғи йигирма ярд нарида бўлиб, қалин шохчалар мени ишончли тарзда беркитиб турар эди.

— Эй! Жин урсин сени! Қаердасан? — ўпкаси оғзига тикилиб сўради у атрофга аланлаганча. Мен худди сичқондай беркиниб ўтирдим. Унинг шерикчилиги энди менга керак эмас эди. Менга қувиб келаётганлар иккига бўлингани маъқул эди. Бойд ортга қарай-қарай дарёга кирди, нариги томонга қараб куч билан сузиб кетди.

Мен қалампир солинган халтачани қўйнимдан олдим-у, иштонимнинг қайтарилган жойидан ерга сепдим, сўнг буталар орасидан дарёнинг баланд қирғоғига қараб кетдим. Сузаётган Бойд мени эшитмас эди, бунга ишонч ҳосил қилиб, мен яна югурдим. Отларнинг туёқ товуши эшитилганида, мен анча олдинга кетган эдим. Энди яшириниш пайти келди ва мен қулай жойни излаш мақсадида шоша-пиша атрофга кўз ташладим. Қирғоқдан бир неча ярд берида қалин ва баланд ўсган буталарга кўзим тушди. Ўрмалаб кириб олдим-у,

ерга қапишганимча ётдим. Аъзойи баданим терлаб кетган, юрагим эса мисоли барабан каби қаттиқ урар эди.

Отларнинг туёқ товушлари бута шохлари орасидан, жуда яқиндан эшитилди. Бирдан бақирӣқ ва сувнинг шалоплаши қулоққа чалинди. Менинг сезишимча, қўриқчилардан бири дарёни оти билан кечиб ўтди. Сўнг шундай овоз эшитилди:

— Мана у!

Ўқ отилди. Яна бир от ўзини дарёга ташлади. Яна бир марта ўқ отилди. Мен бироз олға силжиб, олдимни тўсиб турган ёшгина ниҳолни бироз нари сурдим. Қўлида милтиқ ушлаган қўриқчилардан бири кўринди, у оти билан дарёни кечиб ўтарди.

У нариги қирғоққа ўтиш учун отини ҳадеб ниқтар экан, яна бир марта ўқ узди, бу сафар аниқроқ нишонга урди. Мен Бойднинг қандай қилиб шўнғишга улгурганини, тезроқ сузиб, мен яширинган жойга талпинаётганини кўрдим. Мен унинг қай тарзда яқинлашиб келаётганини кузатиб турардим. Сувдан чиққан қўриқчи отдан тушди ва бир оёғида чўккалаб, милтиқни тўғрилади.

Бойд хавф-хатарни ҳис этгани аниқ эди. У ўқ отилган заҳоти шўнғиб қолди. Ўқ сувни фаввора каби кўкка кўтарди, бир лаҳза олдин худди ўша ерда, сувда Бойднинг калласи кўринган эди. Бошқа қўриқчи оти билан кичик бутани четлаб ўтиб, қирғоқда пайдо бўлди.

— У ортга қараб сузаяпти! — деб қичқириб юборди биринчи қўриқчи. — Орқасидан от қўйгин! Мен унга бу томондан қараб тураман!

От минган қўриқчи яна бурилиб, отини дарёга бурди. Ст сувда энди суза бошлаган эдики, бир лаҳзада сувда Бойднинг боши кўриниб қолди. У дарёнинг деярли ўртасига бориб қолган эди, аммо от минган қўриқчи пайқаб қолди; отни Бойд томонга бурди, аммо у яна шўнғиди. Мен бундай таъкиб тенг эмаслигини кўриб турардим.

Бойд, қўриқчи уни пайқаб қолгани учун, нариги қирғоққа сузиб чиқа олмас эди. Буни, афтидан, унинг ўзи

ҳам тушгунди. Бойд, сўзсиз, энг моҳир шўнғувчилардан бири эди, у сув остига шўнғиди ва сувда турган қўриқчи томон сузиб кела бошлади, шу тариқа у отнинг елкаси томонда бўлиб қолди. Буни қўриқчи пайқамасди, аммо қирғоқда турган шериги қичқириб, уни огоҳлантирди. Бойд отнинг жуда яқинида эди, шунинг учун қирғоқда тургани уни отишга журъат эта олмасди. Ҳаяжонга тушган отлик эгар устидан орқасига бурилиб қаради ва Бойднинг калласини кўриб, милтиқ кўндоғи билан урмоқчи бўлди, аммо кўзлаган нишонига теккиза олмасди.

Бойд худди тезкор ҳужум қилган илондай қўриқчини елкасидан тутиб олди ва от устидан сув ичига тортиб, тушириб юборди. Бойднинг темир кучоғида қўриқчи ҳимоясиз қолди. Уларнинг ҳар иккиси кўздан йўқолиб, турган жойдан сув қайнаб чиққандай бўлди. Энди фақат Бойд сузар эди.

Бойд шундай ҳолатда эдики, у билан соқчи ўртасида қирғоқда от турарди. Отнинг юганидан ушлаб, у оқим бўйлаб, пастга сузиб кетди.

Қўриқчи бироз сустлашди, сўнгра Бойднинг қутилиб кетиш имконияти пайдо бўлганини кўриб, оти томон ташланди. У Бойднинг ортидан югурди, зўрға отини ушлаб, уни бир амаллаб тутишга улгурди. Бойд менга анча яқин жойдан сузиб ўтди, унинг маймунсимон башараси асабийлашганидан оқариб кетган бўлиб, отни тезроқ сузишга мажбур қилиб ниқтар эди.

Қўриқчи уни дарҳол пайқаб қолди, аммо отиш учун улар орасидаги масофа ҳаддан зиёд узоқ эди.

Мен Бойд бирдан жиловни қўйиб юбориб, сув остига шўнғиганини кўриб қолдим. Афтидан, у биринчи қўриқчига ишлатган ҳунарни бунисига ҳам қўлламоқчи эди, аммо ишнинг чувини чиқарди. Бойдни таъқиб қилаётган қўриқчи жуда ҳушёр бўлиб, уни кузатиб турарди, Бойд эса орадаги қисқа масофани ҳисобга олмасди. У ўнг томонга қараб сузиб, бошини қимирлатди, сувдан энди чиққани туфайли бўлса керак, кўзлари ҳам

яхши кўрмай қолди, қўриқчи айнан шундан фойдаланиб, милтиқнинг қўндоғи билан унинг гарданига бошлаб туширди. Бойднинг калласи бир зумда сув сатҳидан ғойиб бўлди, сув эса қип-қизил ранг билан бўялди.

Соқчи тақдирга тан бергиси келмади. У отини орқага буриб, мен турган тепалиқдан унчалик узоқ бўлмаган жойни танлади. Энди мен уни танидим. Бу қўриқчини Геари деб аташар, у шафқатсиз жаллод бўлиб, менинг Фарнуортдаги ҳаётимни ҳақиқий дўзахга айлантирган эди. Агар қўлимда қурол бўлганида шу аснода албатта қўллаган бўлардим, аммо менда қурол йўқ, шунинг учун ётган кўйи, худди у кутганидек, Бойднинг жасади қачон сув сатҳига чиқар экан, деб кутиб турардим. Кўп ўтмай Бойд юзи пастга қаратилган ҳолда кўринди ва сув уни бизнинг қирғоққа олиб келди. Ниҳоят сувда бўлган от ҳам қирғоққа чиқди ва Геари уни юганидан ушлаб олди. У яна сув юзасидан ҳамроҳининг жасадини топиш илинжида кўз югуртирди. Мен Геаридан олдинроқ уни пайқаб қолдим, жасад нариги қирғоқнинг саёз жойига чиқиб қолган эди. Геари сўкиниб, иккинчи отнинг юганидан ушлаб, орқага қайтди, отига миниб олди-ю, Фарнуортга қараб от кўйди.

Мен жимлик чўккунча кутиб турдим, сўнгра эҳтиёткорлик билан яширинган жойимни тарк этдим.

Улар икки жасадни топиб олишади, сўнгра Байфлит ва бошқа қўриқчилар отларга миниб қайтишади-ю, изимдан итларни қўйиб юборишади ва мени таъқиб қилишга киришадилар. Бунинг устига рўй берган воқеадан бутун штат хабардор бўлади. Кўчада мени ҳар бир полициячи таниб қолиши мумкин. Белгиларимни радио орқали хабар қилишади. Мен хавфсиз жойга тушиб қолишим учун жуда узоқ йўл босишим керак, агар пешанамга шу битилган бўлса, кошки эди. Қўлимда қалампир солинган халгача билан яна йўлга тушдим. Эрталабки қуёш анча кўтарилган, кун исиб кетган эди. Қочиш пайтида қалампир иштонимнинг чўнтагидан тўкилган ва ҳидимни босиб кетган эди. Икки миль югур-



ганимдан сўнг мен нафасимни ростлаб олиш учун тўхтадим, энди бошқа қирғоққа ўтиб кетиш вақти етган эди. Мен турган жойдан ўн олти миль нарида, айнан ўша жойдан темир йўл ўтар эди.

Мен шимимни ечдим ва уни тугунча қилиб ўрадим-у, қалампир билан халтага жойладим. Бу тугунчани бошимга камар билан маҳкам боғлаб, сувга тушдим ва нариги қирғоққа сузиб кетдим.

## Учинчи бўлим

### 1

Кун пешиндан ўтган, соат ўн дақиқа кам тўрт эди. Мен тепалиқда ўсган дарахт соясида ётардим, тепалик катта қатнов йўлига туташиб кетган эди. Юрганда, фақат дарё ёқасини эгаллаган ўрмон оралаб юрардим, шу боис анча узоққа кетиб қолган эдим. Темир йўлгача яна беш миль бор, жой эса очиқ ва текис бўлиб қолди. Мен таваккал қилиб, қоронғу тушгунча ўрмондан чиқамасликка қарор қилдим.

Менинг рўпарамда, автомобиль йўлининг шундоққина ёнида унча катта бўлмаган ферма жойлашган эди. У деярли диққатни тортмас, турар жой биноси ҳам учта хўжалик қурилишига эга бўлиб, ҳар қандай эски-туски нарсалар атрофида қалашиб ётарди. Мен даставвал унга ҳеч қандай эътибор бермадим, аммо кейинроқ уйдан чиқиб келган ва саройлардан бири томон йўл олган қизни пайқаб қолдим. У иккита сумкага мушк қовунини солиб олган эди. Узоқдан мен унинг кўринишини аниқлай олмадим, бунинг ҳожати ҳам йўқ эди. Кўзларим қовунларга еб қўйгудек тикилиб қолган, сўлақларим оқиб кетганди. Қоронғу тушгач, ўша ерга бораман-у, ўзимни ўзим зиёфат қиламан, деб қўйдим.

Катта йўлда ҳаракат ҳаддан зиёд зич — асосан қовунларни ташувчи юк машиналари қатнаётган эди. Вақт-вақти билан ярқираб турган «Қадилак» ёки «Олдсмобиль»лар тоқатсизлик билан сигнал чалиб юк ма-

шиналарининг ёнидан ўзиб кетаверарди. Баъзан йўлларни назорат қилиб юрадиган полициячиларни мотоциклларда кўриб қолардим, бир сафар радиолашган полиция машинасига кўзим тушди. Соат миллари роса имиллаб юрарди.

Соат олтига яқин фермага олиб борувчи йўлда қовун ортилган машиналардан бири бурилди-да, саройлардан бири олдида тўхтади. Қиз уйдан чиқиб келди. Юк машинасидан икки эркак, битта ёш, битта ўрта яшар киши тушди. Ҳар учаласи уйга қараб йўл олишди, мен улар кечки овқатга ўтирди, деб ўйладим. Бу ҳақда фикр юришиш менга азоб берар эди. Мен шу даражада оч эдимки, беихтиёр Фарнуортдаги ювинди билан боққанларини ҳам ҳасрат билан кўз олдимга келтириб энтикиб кетдим.

Орадан яна икки соат вақт ўтди. Қуёш уфқ ортига беркинди ва осмонда юдузлар кўринди. Йўлда машиналар ҳаракати мутлақо тўхтади. Мен анча вақтгача бирорта полиция машинасини кўрмадим. Энди йўлга тушиш пайти келди.

Мен бирортаям машинани учратмай, катта йўлга чиқдим. Бир уйнинг деразасида чироқ кўринди. Мен йўлни кесиб ўтгач, фермага элтадиган йўлнинг ўртасига тушиб қолдим. Дераза беркитилган бўлиб, девордан ошишимга тўғри келди. Турар жойдаги уйни четлаб ўтиб, эшиги ёпилган бир сарой олдида тўхтадим. Теварак-атроф қоп-қоронғу эди. Эшиқдан қовуннинг хушбўй ҳиди тараларди. Мен у ерга кирдим. Пичоғим бўлмагани боис қовунни қўл билан майдалашга тўғри келди. Илиққина ширин шарбат ва нозик эт чанқоғимни қондирди, шу билан бирга очлик ҳис-туйғусини эсдан чиқарди.

Мен шу даражада чарчаган эдимки, қовоқларим ўз-ўзидан юмилиб кетарди. Бир озгина дам олишга жазм қилдим, чунки темир йўлга қадар беш миль масофа бўлиб, ўзимга келишим керак эди.

Уйиб қўйилган қовунлар устидан ошиб ўтиб, ерга чўзилиб олдям.

Уйда мусиқа овози эшитилар, у радиодан таралар эди. Мен кўзларимни юмдим — бадбўй Фарнуорт барагидан кўра, бу ер ниҳоятда афзал эди! Қизиқ, менга поездга чиқиш насиб этармикан, а? Ҳозирча омадим келиб турибди... ҳозирча...

Мен шунчалик кўққисдан уйғониб кетдимки, юрагим кўкрак қафасидан чиқиб кетаёзди. Саройнинг очиқ эшигидан узоқдаги тепаликлар кўринар эди. Қонталашқизғиш осмонда қуёш порлар, унинг ёрқин нурлари сарой ичини ёритарди. Мен ташвиш ва таҳлика остида туришга ҳаракат қилдим ва ўзимча саккиз соат ухладим, деб ўйладим. Йўлларда аллақачон машиналар қатнови бошланган эди. Мен мўлжалимдаги беш миль йўлни босиб ўтишга ботина олмас, чунки бу масофа темир йўлга олиб чиқар, менинг эгнимдаги қора-олақура чизиқли қамоқхона кийими биринчи юк машинаси ҳайдовчисининг кўзига дарров ташланиши турган гап эди.

Уй ичидан қадам товушлари ва овозлар эшитилди. Димоғимга қовурилган чўчқа гўштининг ҳиди келди. Мен уйни кўздан қочирмай кузатиб турдим, ярим соатдан сўнг у ердан икки нафар эркак чиқди, уларни қиз кузатишга чиққан эди. У ўн етти ёшлар чамасида бўлиб, териси қуёшда тобланганидан бўлса керак, қорайиб кетган эди. Уни унчалик чиройли деб бўлмас, аммо қомати келишган, кулгиси мафтункор эди. Улар нима ҳақдадир гапиришиб, сўнг иккала эркак юк машинасига ўтирди-да, жўнаб кетишди, қиз эса уйга қайтиб кирди. Мен яна қовунлардан татиб кўрдим ва қутилар ортига ўзимни олдим.

Мен қуёш чиққунга қадар бу фермада асир бўлиб қолиб кетдим. Аҳволимни мулоҳаза қилиб, бу унчалик ёмон эмас-ку, деган хулосага келдим. Ҳозир нисбатан хавф-хатарсиз бу жойда ўтирар эканман, балки мени излаш ҳам охирига етар, деб ўйладим. Мен бошимни ётқизилган бир халта устига қўйдим ва кўзларимни юмдим. Омбор иссиқ эди, мен мудрай бошладим.

Яна бир соат ўтгач, тўсатдан уйғониб кетдим. Омборда кимдир бор эди, мен шитирлаган овозни эшитдим. Эҳтиёткорликни унутмаган ҳолда қутилар устидан кўтарилиб, атрофга қарадим. Қиз қовунларни навларга ажратар, уларни уч бўлакка бўлаётган эди. У тез ва чаққон ишлар, менга орқа ўтириб турар, ҳар бир эгилганида, сочлари ёйилиб кетарди.

Мен унга қараб турар эканман, ўзимни билдирсаммикан, деб ўйладим, шундоқ ҳам у бирдан омборда якка ўзи эмаслигини билиб қолди. Ишини тўхтатди, сўнг яна юмушга унаб кетди, аммо ҳаракатлари олдингидай эмас эди. Мен қиз эсанкираб, ўзини йўқотиб қўйди, деб ўйладим: бу унинг қовунларни жойлаштираётганидан билиниб турарди. Менга, агар индамай тураверсам, тезда чорасини кўрмасам, қиз омбордан отилиб чиқади-ю бақириб юбориши мумкиндай туюлди. Унинг тобора асабийлашаётганини кўриб турардим.

— Сен кўрқма, — дедим оҳиста ва, у мени кўрсин, деб ўрнимдан турдим.

Қиз бирдан ўтирилди. Мен унга ачиниб кетдим. Қизнинг қуёшда тобланган териси оқаргандай бўлди; бақирришга шайланди-ю, аммо бундан ҳеч нима чиқмади.

Менинг кўринишим ҳақиқатан ҳам кўрқинчли эди: икки кундан бери соқолимни қирмаган, ифлос кийимларимга тиканақлар ёпишган, қадди-бастим унча кичик эмас, кўринишим нақ қароқчининг ўзи эди. Турқи-тароватим билан шунчалик хунук эдимки, бундан ўзимнинг ҳам кўнглим айниб кетди.

— Мен сенга ҳеч қандай ёмонлик қилмайман, — дедим қизнинг аста-секин ортга чекиниб, омбор деворига қапишганини кўриб. У жинси шим, ковбойлар киядиган оқ-қора уст-бош кийганди. Кўйлак тагидан кичик кўкрақлари кўтарилиб-тушаётганини кўриб турар эдим.

— Яқинлашма! — деди у синиқ овозда.

— Сени кўрқитмоқчи эмасдим. Мени сен ўзинг кўрқитиб юбординг, — дедим мен. — Мени изимдан

қувишяпти. улар Фарноундан. Сен менга ёрдам берасанми? Мен жудаям очман, менга кийим-бош керак. Ҳар ҳолда мени сотмассан?

Қиз серрайиб, донг қотиб қолган эди, кейин бироз ўзига келиб, аста-секин тинчланди.

— Бу ерда сенга нима керак? — деб сўради у.

— Мен жуда очман, бу ерга ўтган кеча келдим. Шундан сўнг аҳмоқлик қилиб, ухлаб қолдим. Мен тонг отмасдан темир йўлгача етиб олмоқчи эдим.

— Аммо улар йўлни кузатиб туришибди, — деди у сокин, ана шунда унинг мен томонда эканини сездим. — Кеча кечқурун радиодан шу ҳақда айтишди. У ерда айнан сени кутишмоқда.

— У ҳолда бошқа бирор режа ҳақида ўйлашим керак. Сен мен туфайли ноҳушликка дуч келишингни асло истамайман, чунки менга ёрдам берасан-ку! Агар бундай бўлмаса, мени ўлди, деявер.

Қиз менга узоқ қараб қолди.

— Мен Фарнуорт ҳақида ўқиган эдим, — деди у ва девордан нариги томонга юрди. — Майли, сенга ёрдам бераман. Бир одамни ўша томонга қайтариб юборишга, имонимни гуноҳга ботиришга йўл қўя олмайман. Сен очмисан?

— Дудланган чўчка гўштининг ҳиди ажойиб эди.

Унинг юзида жилмайишга ўхшаш ифода пайдо бўлди.

— Шу ерда кутиб тур.

У чиқиш томон йўл олди. Мен ортидан ишонч билан қараб қолдим, унга таяниш мумкин, албатта: дарвоқе, менинг шундан бошқа иложим ҳам йўқ эди. Агар у полицияга қўнғироқ қилса, тақдирим қандай яқун топиши тайин, албатта. Қиз кетгач, мен омбор ичида у ёқдан-бу ёққа сандирақлаб юра бошладим. Назаримда, у уйда анча вақт қолиб кетгандай бўлди ва мен уйига бориб, унинг нима билан машғул бўлаётганини билгим келди. Ниҳоят қиз бир идишда қайнаган сув, сочиқ, совун, устара ва бир қучоқ кийим-бошни кўтариб келиб қолди.

— Ҳозир сенга бирор егулик олиб келаман.

Орадан ўн дақиқа ўтиб, қиз яна омборда пайдо бўлди. Бу сафар қўлида патнис бор эди. Патнисда олтига тухумдан тайёрланган қуймоқ ва тўрт бўлак семиз чўчка гўшти, бутун бошли қайнаткич-идишда қаҳва буғланиб турарди. Шу вақт ичида мен ювинишга, соқолимни олишга ва назаримда, акасига тегишли бўлган костюмни кийиб олишга улгурганим. У бироз торроқ ва анчагина гижимланган, аммо бу муҳим эмас эди. Турма қуллигидан қутулганимдан ўзимни биринчи бор қанчалик енгил ҳис этганимни асло таърифлаб бўлмайди. Мен нонуштани қанчалик ютоқиб паққос тушираётганимга қиз қизиқиб қараётганини кўриб турардим. Шундан кейин у олдимга келиб, бир қути устида ўтирди.

— Сен қандай қилиб қутилиб чиқдинг? — деб сўради у. — Мен Фарнуортдан қочиб кетиб бўлмайди, деб ўйлардим.

Мен унга бўлиб ўтган воқеаларни оқизмай-томизмай ҳаммасини: қандай қилиб бойишни орзу қилганимни, Рой билан ўғирлик қилмоқчи бўлганимни, кейин уни сотмаганимни, барчасини гапириб бердим. Фарнуорт ҳақида, ундаги итлар борасида, қандай қилиб қочганим хусусида айтдим. Қиз кўзларини катта-катта очиб эшитди. Унга буларнинг барини ҳикоя қилиб берганимдан ўзим ҳам хурсанд эдим. Ҳаётимда биринчи бор руҳий ҳаловатни ҳис этдим.

— Агар мени ушлаб олишса борми, — дедим мен, — ҳаётим барбод бўлиши турган гап. Мени камерага тикишади, бундай камерага жазога дучор бўлганларни қамашади. Учта қўриқчи келиб, токи ҳолдан тойиб қолгунча камар билан уради. Бу Худонинг берган ҳар куни такрорланади. Бундай карцердан қандай чиқиб келганларни кўрганман. Биттасининг кўзи оқиб тушган, иккинчисининг қўли синган эди.

Қизнинг кўзлари даҳшатли олайиб кетди.

— Аммо мени тута олмайдилар, — дедим гапимни давом эттириб. — Фарнуортга қайтиб боргандан кўра тезроқ ўлганим яхши.

Бу вақтга келиб, мен нонуштани тугатиб, у патнисда келтирган бир қути сигарет қутисидан бир донасини олиб чекдим. Аҳволим яхши эди.

— Сенинг темир йўлга боришинг мумкин эмас, — деди у. — Аммо мен Оклендга етиб олишингга ёрдам бераман, агар айнан у ерга бормоқчи бўлсанг.

— Ҳа, мен Оклендга боришим керак. У ердан бошқа томонга кетаман. Сен менга қандай ёрдам кўрсата оласан?

— Бир соатдан кейин қовунларни олиб кетиш учун юк машинаси келади. Рулда бир йигит бўлади, уни Вильямс дейишади. У ҳар куни бу ерга тамадди қилиш учун ташриф буюради. Вильямс овқатлангунга қадар сен юкхонага чиқиб яшириниб оласан. У қовунларни Окленд бозорига олиб боради, машинани майдонга қўйиб, ўзи пулга кетади. Ана шунда сен тушиб, Оклендда бўлишинг мумкин.

Мен худди шу тариқа Оклендга тушиб қолдим. Ҳаммаси оддийгина рўй берди. Машина келгунга қадар бу қиз менга беш доллар берди, бор пули шу экан. Яна у икки қути сигарет узатиб, ихтиёримда бир неча соат борлигини айтиб, огоҳлантириб кетди. Унинг акаси келиб, кийимини сўраса, у менга берганини айтишига тўғри келади. Оклендда менинг қолишим мумкин эмас, аммо ҳар эҳтимолга қарши, кеч соат етти-саккизгача, яъни унинг отаси ва акаси келгунича безовта бўлмаганим дуруст эди.

Мен қизга ташаккур билдирмоқчи эдим, аммо бу миннатдорчилигимнинг унга кераги йўқ эди. У Фарнуортга ҳар қандай одамни қайтариб юбора олмаслигини такрорлади, яна эса, ўзининг фикрича, ишларимнинг омади келмай қолганини айтиб, шу гапни қўшимча қилди.

Юк машинаси лой йўлдан жўнаган пайтда мен қовунлар солинган қутилар орасидан қарадим. У уйи ёнида турар, эгнида қизил ва оқ ковбойлар либоси, кўк жинси шим эди. Юк машинаси катта йўлга бурилганида, у қўлини кўтариб, изимиздан силкитиб қўйди. Бу ман-

зара ҳозиргача кўз олдимда гавдаланиб турибди — мен уни бир умр эслаб қолдим.

## 2

Мен қочишнинг бешинчи куни Литл-Крикка қадар етиб бордим, у Фарнуортдан тахминан минг миль узоқда жойлашган. Бу минг милни осонликча босиб ўтганим йўқ. Окленднинг чеккасида юк поездига чиқиб олиш бахтига муяссар бўлдим, аммо орадан йигирма соатдан сўнг сахро орқали сувсиз, озиқ-овқатсиз сафардан сўнг бирортаям жойга тирик етиб боришимга кўзим етмай қолди.

Ниҳоят поезд Литл-Крикда тўхтади, мен сездирмай, ундан тушиб қолдим. Кун роса қизиган, иссиққа чидаб бўлмас эди. Атрофда ҳеч ким кўринмас, ҳатто бош кўчада ҳам бирорта жонзот йўқ эди. Фермада қиз берган пуллардан менга ярим доллар қолган эди. Мен емакхонага кириб, ўзимга сэндвич, қаҳва ва муз солинган сув буюрдим.

Поездаги саёҳатимдан сўнг менинг кўринишим абгор аҳволга келган эди. Аммо шаҳарда бундай кўринишимга ҳеч ким эътибор бермади. Шаҳарнинг ўзи ҳам ифлос, кўримсиз эди, бундай қаровсиз жойга узоқ овлоқ жойлардан келиб туришади.

Мен овқатланиб, бундан кейин нима қилиш ҳақида ўйлар эдим. Агар тоғ орқали Тропика-Спрингсга ўтиб, у ерда жойлашиб қолсам, Фарнуортдан етарли даражада узоқлашиб, ўзимни тўла-тўқис хавфсиз ҳис этишим мумкин эди. Мен турган шаҳардан Тропика-Спрингсга қадар икки юз миль масофа бор эди. Ягона йўлим — у ерга йўловчи юк машинада ёки бирорта енгил автоуловда етиб олиш эди. Аммо мен фақат юк машинасида боришим мумкин, чунки турқи-тароватимни кўрган енгил автоулов соҳиби ҳеч қачон мени машинасига миндирмаслиги тайин.

Емакхонадаги кишининг юзи очиқ, истараси иссиқ эди. Мен ундан, бирорта юк машинаси эгаси билан



келишилса, тоғнинг нариги томонига олиб ўтармикан, — деб сўраганимда, у иккиланиб бош чайқаб қўйди.

— Бу ердан ўнлаб юк машиналари ўтади, — деди у, — аммо улардан бирортасининг бу ерда тўхтаганини билмайман. Балки сенинг омадинг келиб қолар, аммо ўзимга қолса, бунга асло ишонмайман, — у ўзига бир чашка қаҳва қуйиб олди-ю, пештахтага суянди. — Сен, яхши-си, «Охирги чизиқ» қача етиб борсанг яхши бўларди. У ерда барча юк машиналари ёнилғи олиш учун албатта тўхтайди. Йигитлар билан гаплашиб олиш мумкин. Балки бирортаси сени олар.

— «Охирги чизиқ»? Нима у ўзи?

— Карл Йенсеннинг ёнилғи қуйиш шохобчаси ва емақхонаси. У бутун умр ўша ерда яшаган. Уларни отасидан мерос қилиб олган. «Охирги чизиқ» қа қадар юз олтмиш милгача бирорта ёнилғи қуйиш шохобчаси йўқ. Кейинги шохобча тоғдан ўтгандан кейин.

— «Охирги чизиқ» бу ердан узоқми?

— Элик миль.

— Мен у ерга қандай бораман, пиёдами?

У кулимсиради.

— Нима учун пиёда бўлар экан? Сенинг омадинг келди. Ҳозир бу ерга жаноб Йенсеннинг ўзи келади. У ҳар уч ойда металл ашқол-дашқолларини олиш учун ташриф буюради. Худонинг эсидан чиқиб қолган бу шаҳарда ундай нарсалар тўлиб-тошиб ётибди. У билан гаплаш. Йенсен жуда яхши одам, сени ўзининг ёнилғи қуйиш шохобчасигача олиб кетади, бунинг учун довондан ошиб ўтишинг кераклигини айтасан. У қийин аҳволга тушиб қолган кишиларга ҳамиша ёрдам бериб келади.

— У киши қачон келади?

У елкаси оша пашшалар булғаб кетган соатга қаради.

— Йигирма дақиқадан кейин. Сен шу атрофда бўлиб тур, мен ўзим маълум қиламан. Яна қаҳва ичасанми?

— Йўқ, раҳмат. Агар эътироз билдирмасангиз, мен бу ерда яна бироз ўтирмақчи эдим...

У бир чашка қаҳва қуйиб, олдимга суриб қўйди.

— Менинг ҳисобимдан. Сен узоқдан келаётганга ўхшайсан.

— Тўғри... — мен иягимдаги тукларни силадим. — Тропика-Спрингсда турадиган дўстимникига кетяпман. Бу ернинг йўллари яхши эмас экан. Биз ҳамкорликда бир иш қилмоқчи эдик, тежаш учун мен у ерга автостопдан фойдаланиб етиб олишга жазм қилдим.

— Пуллар... — бармен тушунарли тарзда бош ирғаб қўйди. — Менда улар ҳеч қачон тузук-қуруқ бўлмаган. Агар пулим бўлганида, бу Худо урган шаҳарчага келиб ўтирмасдим... Хотиним ва болаларимни олсам-у, кўпроқ пул ишлаш мумкин бўлган жойга борсам. Пулсиз узоққа боролмайсан... — У очиқ деразадан «Кадиллак» ўтиб кетгач, кўтарилган чангга қараб қолди. — Бу одамлар... бу ерга ҳеч тўхташмайди. Уларда доллар тиқилиб кетган, аммо ҳеч қачон бу ерда сарфлашмайди. Мана, жаноб Йенсеннинг омади чопган. Истайдими-йўқми, барибир у ерда тўхтайди. У ердаги турар жойини-ку, тилла кони деса бўлади.

У гапираётганида, очиқ эшиқдан йирик гавдали эркак кириб, пештахтага яқинлашди.

— Менга тезроқ қаҳва тайёрлаб беролмайсанми, Майк? — деди у. — Бугун эртароқ етиб бормоқчиман.

У менга бир қараб қўйди-ю, яна ўгирилди. Бармен қаҳва тайёрлар экан, меҳмон гапида давом этди:

— Хотининг қандай? У негадир кўринмаяпти?

— У тушдан сўнг Вентуортга кетди, Жаноб Йенсен. — деди бармен менга қараб қўйиб. — Агар сизнинг тапширифингиз ҳақида айтсам кўрмай қолгани учун у афсус чекади.

Менга керакли киши шу инсон эканлигини билиб, унга диққат билан қарадим. У олти ярим фут бўйга эга бўлган скандинавиялик киши бўлиб, алп қоматли, қуёшдан обдон қуйган бўлиб, гўштор юзи очиқ, хушфеъл ва ҳазилга мойил эди. Кўриниши эллик ёшларда. Ўзи йирик бўлиб, танасида ёғдан асар йўқ эди. Бу одам жуда

бақувват кўринарди — унинг ёшидаги кўпгина эркаклар бунчалик бақувват бўлмади.

Бармен шундай деди:

— Кечирасиз, жаноб Йенсен, бу йигит тоғдан ўтиш учун ҳамроҳ излаяпти. Мен унга: «Охирги чизик» бирорта ҳайдовчи билан келишиш учун энг яхши жой деб айтдим.

Йенсен мен томонга бурилиб, кулиб қўйди.

— Салом, — деди у. — Майк тўғри айтибди — йўлда бирорта ҳам юк машинаси тўхтамайди. Аммо ҳаммаси меникида тормозни босади. Ёрдам берсам, мамнун бўлардим. Мен сени «Чизик» қача олиб бораман, у ёғига бирортаси билан ўзинг гаплашиб оларсан. Аксарият ҳайдовчилар тоғдан ошиб ўтишда ҳамроҳ олмайдилар, эҳтиёт шарт-да.

— Раҳмат, — дедим мен. — Агар сизга халақит бермасам.

У кулиб юборди:

— Мен қайтишда ёлғиз бўлмаслигимдан мамнунман. Йўлларимиз жуда носоз. Менинг исмим Карл Йенсен.

У менга каттакон қўлини узатди. Мен қўлини қисиб қўйдим.

— Мени Жек Пэтмор дейишади, — дедим эсимга келган биринчи номни тилимга чиқариб.

— Сен Тропика-Спрингс томон йўл олдингми?

— Худди шундай.

У қаҳвани охиригача ичиб, пештахта устига танга ташлади ва барменнинг қўлини қисиб қўйди.

— Соғ бўл, Майк. Кўришгунча. Хўш, Жек, агар тайёр бўлсанг...

Мен ҳам бармен билан қўл ташлашиб хайрлашдим. Унга яна бир бор миннатдорчилик билдириб, шафқатсиз қуёшнинг иссиқ тафти остида Йенсеннинг орқасидан эргашдим.

Биз сояда турган ўн тонналик юк машинаси яқинига келдик. Машина турли металл чиқиндилари, занглаган темир парчалари, зулфинлар, гайкалар, сим ва болпқа

ўрамлар билан тўла эди. Йенсен кабинага ўтирди, кейин мен жойлашдим. Кабина худди печдай қизиб ётарди, сигарет қутисидан биттасини олди-да, менга ҳам таклиф қилди. Биз чекар эканмиз, у шундай деди:

— Яхшилаб жойлашиб олиш керак. Саёҳатимиз узоқ ва иссиқ кечади.

Сўнгра моторни ўт олдириб, машинани чанг-тупроқли асосий кўча бўйлаб ҳайдаб кетди.

Шаҳардан чиққунимизча ҳеч биримиз гапирмадик. Жимликни биринчи бўлиб Йенсен бузди.

— Бу ерда биринчи бўлишингми? — деб сўради у.

— Ҳа, — жавоб бердим мен.

— Мен эса бу ерда тугилиб, ўсганман. Жуда овлоқ жой, аммо менга ёқади. Сен узоқдан келяпсанми?

— Окленддан.

— Ажойиб, аммо мен у ерда ҳеч қачон бўлмаганман.

У ерлар қандай?

— Дуруст.

У менга ўгирилиб қаради.

— Мен ҳам сени шаҳарлик деб ўйлаган эдим. Ҳа, дарвоқе, нима билан шуғуланасан, синчковлигим учун кечирасан.

— Менинг касбим — қулфсозлик. Бу бобомдан ўтиб келаётган касб. Гўё меросдай.

— Қулф, дейсанми? Демак, сен темирлар тилини тушунасан?

— Бўлмасам-чи! Агар мен қулфни тузатмайдиган бўлсам, унда сейф ясайман, металлсиз сейфнинг эса ўзи йўқ.

— Ҳа, бу гапинг тўғри.

Йенсен бармоқлари билан елкасини қашлаб қўйди-ю, қовоғини уйди. Биз саҳро ўртасидаги чанг-тўзонли йўлдан ўтиб борардик. Юк машинаси рилдираги чангни осмонга пурқар, чанг кабинанинг ойнаси очиқ эшигидан кириб, бизга ёпирилди.

— Сен двигателнинг бирор жойини созлашни биларсан? — деди у анча давом этган жимликни бузиб.

— Унча-мунча, — дедим мен Йенсеннинг нимани назарда тутганини билмай. — Мен двигателни бемалол қисмларга ажрата оламан, агар шуни айтаётган бўлсангиз. Бир марта отамнинг эски «Форд» машинаси учун цилиндрлар бирикмасига янги калак ясаганман. Анча қийналсам ҳам барибир уддаладим.

Йенсен яна менга қараб қўйди ва мен унинг зийрак нигоҳини илғадим.

— Демак, машиналарнинг эҳтиёт қисмларини ҳам яхши биласан, — деди у. — Тропика-Спрингсда узоқ қолиш ниятинг борми?

Саволлар оқими менинг зардамни қайната бошлади.

— Ҳа, — деб жавоб бердим ва узоқларга қараб юзимни ўгирдим. Олисда учиб юрган бургут рангсиз осмон манзарасида яққол кўзга ташланиб турарди.

— У ерда ишинг борми-йўқми? — деб сўради у. — Мен буни бекорга сўраётганим йўқ; агар иш ахтариб юрган бўлсанг, мен тавсия қилишим мумкин.

— Ишми? Қандай иш?

— Менга темир, машиналар тилини тушунадиган одам керак. Кейин икки йил давомида биз Лола билан — у менинг хотиним — бирга қийинчиликларни бошдан ўтказдик. Мен анча вақтдан берй ёрдамчи ахтараётган эдим. Назаримда, сен билан бемалол тил топиша ола-миз. Тўғри, бизнинг жойимиз яланглиқда жойлашган, сенга кечасиям навбатчилик қилишингга тўғри келади. Бизга энг яқин шаҳар — Вентуорт, у саҳрога ўтадиган йўл орқали йигирма миль келади, аммо бизда ажойиб ошхона бор. Нима десанг, дегин-у, Лола овқат тайёрлашни роса қотиради. Италиялик. Сенга италянча таомлар ёқадими?

— Бўлмасам-чи!

— Унинг спагеттисини емабсан, дунёга келмабсан — бундай таомнинг дунёда тенги йўқ, биродар! Сенинг ўз бошпананг бўлади. У ерда радиоприёмник бор. Менда битта ортиқча телевизор мавжуд, уни ҳам олишинг мумкин, — Йенсен менга умид билан қараб турарди. —

Мен сенга ҳар ҳафтада қирқ доллар тўлайман, сен ҳамма ишга тайёр туришинг керак. У ерда ҳеч нарсага пул сарфламайсан, демак, пулларингни жамғаришинг мумкин.

Мен узоқ ўйлаб ўтирмадим: бу ғойиб бўлишим учун катта имконият эди. Ҳар ҳолда мен у ерда бир неча ой ишлаб юришим, пул йиғиб, сўнг яна бошқа жойга кетишим мумкин.

— Яхши, — дедим мен. — Майли, мен ишлаб кўришга розиман.

У менга кулиб қаради.

— Ундай бўлса, ишим тайёр, деб ҳисоблайвер, ўғлим, — Йенсен каттакон қўлини менга узатиб, сўнг тиззамга шapatiлаб қўйди.

## Тўртинчи бўлим

### 1

Мен «Охирги чизиқ»қа биринчи марта юк машинаси билан азамат тоғдан ошиб, пастга, водийга, худди ликопчага ўхшаш, кўзни қамаштирувчи офтоб нурида товланган оппоқ қум ва занглаган темирнинг қора нуқталарига ўхшаш жойга тушганимизда кўзим тушди.

— Келдик, — деди Йенсен, қўли билан кўрсатиб, — мана шу менинг маконим бўлади.

У ерда кичикроқ уй, иккита омбор, яна қандайдир иморат, бензин қуйиб берадиган колонка, шоссенинг иккинча томонида, асосий уй ёнида қурилган қўшимча бино, яъни флигель бор эди. Барча иморатлар кўк-мовий рангга бўялган, оқ қум манзарасида кескин ажралиб, кўриниб турарди.

— Мана бу томондаги флигель сенга қарашли, — деди Йенсен. — Мен шу бинода туғилганман. Уни отам қўллари билан қурган. Уйни эса мен, у вафот этгандан кейин қурганман. Ҳа, бу ерда ҳаммаям яшаб кетолмайди. Бу ерда яшаш оғир, вақтихушлик қилиб бўлмайди, аммо менинг омадим келган, шундай аёлни топдимки, у мен

билан бирга барча машаққатни баб–баробар тортди — усиз мен гумдон бўлиб кетардим. Биз ҳар кеча навбатчилик қиламиз. Баъзан ярим кечаси ишлашга тўғри келади. Ҳайдовчилар доим ярим тунда салқинда, ёнилги ғамлаш учун шу ерда тўхташади. Сен ана шу масалада менга яхшигина ёрдам берасан, деб ўйлайман. Агар уч киши навбати билан навбатчилик қилсак, тунги иш ҳам анча енгил кўчар эди.

Водийга тушдик. Бизга иссиқ ҳаво ёпиридди ва мен ўша заҳоти жиққа терга ғарқ бўлдим.

— Сезяпсанми? — унинг овозида фахрланиш ҳислари мавжуд эди. — Оқшом енгилроқ. Кечалари ҳаддан зиёд салқин бўлади.

У улкан қўлини клаксон (автомобиль, мотоцикл ва шу кабилардаги механик сигнал) устига қўйиб, қулоқни батанг қиладиган узундан–узоқ иккита гудок берди.

— Бу менинг келганимни билдириб, Лолани огоҳлантиришдир. У сени кўрса, ҳайрон бўлади. Лола доимо менга, «Бизга ёрдамчиларнинг кераги йўқ», — деб таъкидлаб келади. Ростини айтганда, Жек, улар бизда ҳеч қачон бўлмаган, чунки мен узоқ вақт Лоланинг сўзидан чиқмай келганман. Сен бу италиялик аёлларни яхши биласан: шунчалик ҳариски, ҳеч қаёққа кетолмайсан. Улар худди шу тарзда яратилган. Мен ўзим пулга кўпам берилиб кетмаганман, аммо хотиним, ё раб, ўзинг асрагин, унинг босган изига ҳам арзимайман. «Бизга ортиқча одамнинг нима кераги бор?» — дейди у. Агар мен тунги навбатчиликларга қарши бўлмасам, унда яна гуноҳинг ошиб кетади. Шунака гаплар, — у бош ирғади. — Менинг ёшимда нафас ростлаш тўғри келади. Мен суткада ўн етти соатдан ишлаш азобини яна қанча вақт торта олишимни билмайман. Тўғри, пулим ошиб–тошиб кетди, аммо мен ҳеч қачон уларни ўзимнинг ҳузур–ҳаловатим учун сарфламаганман. Шундай экан, пуллар сенга нима учун керак, Жек? Айтгин, нима учун?

— Хўш, нимага бўларди, биринчидан, овқатланиш, яшаш учун, қолганини эса, маишатим, ҳузур-ҳаловатим учун ишлатишни хоҳлайман, — дедим мен суҳбатни қўллаб-қувватлаш мақсадида.

— Тўппа-тўғри! — у менинг тиззамга бир уриб қўйди. — Энг аввало, овқатланиш учун. Бу муаммони-ку, мен ҳал қилдим. Ҳозир эса, мана, ёшим элик бешга етиб, энди озгина ўз ҳузур-ҳаловатим учун яшамоқчиман. Энди биз Лола билан бирга вақти-вақти билан Вентуортга боришимиз, сен эса бу ердаги ишларга қарашинг мумкин бўлади. Сен билан энди анча енгил бўлади.

Бироқ Йенсеннинг овозида гумонсираш оҳанглари сезилди ва мен унга ҳайрон бўлиб қараб қолдим. У ўзи нимаики деса, шунинг ҳаммасига ишонадиган одамга сира ўхшамас эди.

Юк машинамиз энди текис, қизиб турган йўлдан юриб, биз шундай сўзлар ёзилган шахтага яқин бориб қолдик:

«ОХИРГИ ЧИЗИҚ»ДА!  
СИЗНИ ОГОҲЛАНТИРАДИЛАР!  
КЕЙИНГИ ЁНИЛҒИ ҚУЙИШ ИМКОНИАТИ  
ФАҚАТ 165 МИЛДАН СЎНГ!  
ТАМАДДИ ҚИЛАСИЗ!  
ТАЪМИРЛАШ!  
МОЙЛАШ!  
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СТАНЦИЯСИ!

Мен ўзимиз яқинлашаётган бензин колонкаси ва гаражга эътибор бердим. Хизмат кўрсатиш станцияси шинам ва ораста эди. Уйдан флигелга қадар асосий йўлдан ўтадиган йўлакчага тошлар терилган, оқ рангга бўялган эди. Бензин колонкаси атрофига гуллар ўтқазилган, бу чиройли манзара касб этган эди. Ортида узун пастак бир иморат бўлиб, у ерда тамаддихона жойлашган эди. Бу иморат орқасида эса очик кўм-кўк пардали



флигель, яъни қўшимча иморат бўлиб, у эшикнинг нишода рангига мос равишда бўялган эди.

— Ажойиб жойлар экан, — дедим мен.

Йенсен мамнун бўлганидан яйраб кетди.

— Бу ерлар сенга ёққанидан хурсандман. Унга анча меҳнатим сингиган. Энди эса, биз икки кишимиз, торни талқон қилишга қурбимиз етади. Шу пайтгача эса, буларнинг барини бир ўзим қилишга мажбур эдим.

У эшикни очиб, қизиган қум тўшалган жойга қадам қўйди. Мен ҳам унинг изидан тушдим.

Агар менда ҳам шундай жойлар бўлганида, боз устига хотиним ҳам бўлганида борми, мен ҳам худди Йенсен каби қўлимни клаксон устига қўйиб, у мени кутиб олишга чиққанини кўрган бўлардим!

Аммо бирорта ҳам иморат эшигидан Йенсенни кутиб олишга одам чиқмади. Унинг келиши билан боғлиқ ҳолатга қараб, бу жойларни худди ҳувиллаб қолган ўликхона билан адаштириб юбориш мумкин эди. Бундан Йенсеннинг ўзи ҳам унчалик ҳайратга тушмаганга ўхшарди. У қўшимча қурилган уй томонга қўлларини силкитиб қўйди.

— Ҳозироқ хонанга кирарвер, хижолат бўлма. Сен ювинишинг ва соқолингни олишинг керак, — у менинг биқинимга туртиб қўйди, мен эса бу дўстона эътибордан ўзимни зўрға йиғиштириб олдим. — Овқатланасанми? Мен бирор егулик топиб келарман, сен эса бу вақт мобайнида ўзингни тартибга келтириб ол.

— Тайёр бўлсам, қаерга борай?

Йенсен емакхонани кўрсатди:

— Тўппа-тўғри ўша жойга.

Мен флигелгача бориб, эшикни итардим ва меҳмонхонага кирдим. У шинам жиҳозланган, бурчаклардан бирида телевизор қўйилган эди. Меҳмонхонадан сўнг нақшинкор ётоқхона бўлиб, чиройли безатилган эди. Мен кийимларимни ечиб, ваннахонагача кирдим, соқолимни олдим, аммо охирига қадар ювина олмадим. Бу вақтга келиб, мўйловим анчаги ва ўсиб қолган эди ва

мен уни қолдиришга жазм қилдим. Ётоқхонага қайтиб кириб, кўйлак ва шимларимни кийдим, ўзимни ойнага солиб кўрдим, ойна деворга осилган эди. Мўйловлар билан мен бошқача кўринар эдим, ахир мени ҳамма жойда ҳалигача ахтаришяпти-да! Кўзгута қарар эканман, руҳим анча енгиллашганини ҳис этдим. Агар газетада фотосуратим босилган бўлса, у ҳолда мени мўйловлар билан таниб олишолмайди.

Мен флигель эшигини очдим ва бироз вақт иморатларга ҳамда тоққа тирмашиб кетган йўлга тикилиб турдим. Иккала томонимни ҳам иссиқ, оппоқ ва барча тиррик гиёҳлардан маҳрум саҳро қолаб ётарди. Бу мени анча хотиржам қилди. Полиция мени Окленд ёки бошқа катта шаҳарлардан ахтариб кўради. Ишончим комилки, уларнинг мени бундай жойлардан ахтариши хаёлларига ҳам келмайди.

Емакхонага йўл олдим. У ерда пештахта ёнида ўнга яқин стул бўлиб, овқат тановул қилувчилар учун эса деворнинг ёнида бешта стол ўрнатилган эди. Пештахтани пиво учун жўмрак ва содали сув солинган идиш безаб турар, унинг ортидаги ойнаванд жавон жойлашган токчаларда турли-туман гилос, олма, ананас ва маймунжондан тайёрланган пишириқлар ёзилган тахтачалар қўйилганди. Алоҳида бўлмаларда қоғоз сочиқ, дориворлар, зираворлар, стаканлар, пичоқлар ва санчқилар бор эди. Ҳаммаси тозалигидан нуқсонсиз даражада ялтирарди. Деворда таомнома осилган, унда йирик ҳарфлар билан шундай деб ёзилган эди:

БУГУН СИЗЛАРГА ТАВСИЯ ЭТАМИЗ:  
ҚОВУРИЛГАН ЖЎЖАЛАР,  
БУЗОҚ ГЎШТИ, ЯНЧИЛГАНИ,  
ХУШТАЪМ МОЛ ГЎШТИ,  
ПИРОЖНИЙЛАР, МЕВАЛАР ВА ИЧИМЛИКЛАР.

Ярим очилган эшик орқали пештахта ортида пиширилаётган пиёз ҳиди анқир, ундан сўлақларим оқиб

кетай дерди. Мен пештахтани энди тақиллатиб, ўзимни билдирмоқчи эдим, бирдан Йенсеннинг овози эшитилди:

— Қулоқ сол, Лола, бунчалик қизишиш ярамайди. Мен нима қилаётганимни яхши биламан. Бу йигит станция ишларига қарашади, биз иккимиз эса ҳафта-сига бир марта Вентуортга бориб келаемиз. Сенинг у ерга ёлғиз кетишинг менга ёқмаяпти. Ёлғиз аёлнинг Вентуорт каби шаҳарга кинога бир ўзи бориши яхши эмас.

— Нима учун яхши эмас экан? — аёл кучли италянча лаҳжада гапирар, овози баланд чиқар эди.

— Яхши эмас-да! Сен — ҳурматга сазовор эрли аёлсан, Вентуортда шундай йигитлар борки...

— Сен мени Вентуортга йигитлар билан кўнгилхушлик қилиш учун боради, демоқчимисан, а? Шундай демоқчимисан?

— Албатта, йўқ. Мен фақат, бу яхши эмас, демоқчи эдим. Жек билан ишларни гаплашиб бўлиб, иккимиз у ёққа боришимиз мумкин. Ахир буни иккимиз ҳам хоҳлаймиз-ку, шундай эмасми?

— Мен бир гапни биламан — бу ерда бегона одамнинг асло кераги йўқ. Бу ҳақда сенга минг марта айтган бўлсам керак!

— Менга нима деганинингни биламан, аммо сен ноҳақсан. Бизга ёрдамчи жудаям керак. Сен ўтган кеча неча марта туришга мажбур бўлдинг? Олти марта, балки етти мартадир. Сен ухлашинг керак. Бу йигит ёрдамида биз меъёрида ухлашимиз, қўл-оёқларимизнинг чигалини бироз ёзишимиз ҳам мумкин. Унинг навбатчилик гали келганида, биз кинога ҳам боришимиз мумкин. Наҳотки сен шуларни истамасанг?

— Сенга битта гапни неча марта айтиш керак? — аёлнинг овози таҳдидли ва ғазабга тўла эди. — Менга бегонанинг асло кераги йўқ. Бунинг устига у текинга ишламаса керак, албатта? Сен қачондан бошлаб пулни исроф қиладиган бўлиб қолдинг?

Аёлнинг овозидаги жазавали оҳанглар менинг асабларимни ўйнатиб юборди. Унинг сўзларида очиқ-ойдин ёвузлик намоён бўлиб турарди.

— Менга бақирини бас қил! Бу йигит ўзини бир синаб кўрсин. Агар сенга ёқмаса, начора, ундан қутуламиз. Агар уни ишга олсак, бундан ўзинг ҳам хурсанд бўласан. Кел, бу ҳақдаги гапни тугатайлик. Овқатлашишга бирор ниманг борми ўзи?

— Унга ишониб бўладими-йўқми, сен қаердан биласан? Сен бизни ўмариб, бор-йўғимизни шилиб кетишига имконият беряпсанми? Бу нусха биз Вентуортда кино кўриб ўтирганимизда, ҳамма нарсани олиб, жуфтакни ростласа-чи? Сен ақлдан озгансан!

Мен ўзимни таништиришим кераклигини, бунинг вақти келганини англадим.

Оёқ учида эшик ёнига бориб, уни куч билан очдим ва ёпиб, сўнг оғир қадамлар босиб, пептахта ёнига келдим.

— Бу ерда бирор киши борми, ҳой! — дедим.

Асабий говушлар бирдан тинди. Жимлик тўкиб, ошхонадан Йенсен чиқиб келди. Унинг биққи мулойим юзи қизариб кетган, кўзлари эса хижолат билан боқар эди.

— Ҳа, келдингми? — деди у менга назар ташлаб. Юз ифодаси тез ўзгарди. Менинг ташқи кўринишимдан у қаноат ҳосил қилгани кўриниб турарди. — Хўш, уйчанг сенга ёқдими? Керакли нарсаларнинг бари борми у ерда?

— Менга ёқди, — дедим мен. Қовурилган пиёз ҳиди мени янада эс-ҳушимдан айириб юбораёзган эди. — Бу ер жуда ажойиб экан. Сизга фақат ҳавас қилиш мумкин, жаноб Йенсен.

У маъқуллагандай бош ирғаб қўйди, аммо олдинги ғайрат-шижоати сезилмас, хотини билан бўлиб ўтган можаро сабабли асаби бузилгани очиқ кўриниб турарди.

— Ҳа, бу ер унча ёмон эмас.

У мөндан кўзини олиб қочиб, иягини силаб қўйди.

— Сен оч бўлсанг керак. Ҳозир бирор егулик олиб келаман.

— Ташвиш чекманг, жаноб Йенсен. Сиз фақат нима тайёрлаш кераклигини айтинг — менинг ўзим тайёрлайман.

— Шу ерда ўтира тур, мен хотиним билан гаплашай.

Йенсенга биров оғир эди, мен унга, рости, ачиниб кетдим. У ошхонага энди кирган ҳам эдики, шу аснода чангга беланган «Паккард» бензин колонкасига келди ва ҳайдовчи клаксонни босди.

— У билан ўзим шуғулланайми? — деб сўрадим мен.

— Керак эмас. Ўзим. Сен овқатланиб ол, кейин ишга тушасан.

У чиқди, мен очиқ деразадан у «мижоз» билан қандай гаплашаётганини кўриб турардим.

Ортимдан нимадир шитирлаганини эшитиб, орқага ўтирилдим. Бўсағада бир аёл менга қизиқиш билан қараб турарди. Унинг қалин қизғиш-қўнғир рангли сочлари тепасига йиғилиб, турмакланган ва чиройли тўғнағич қадалган эди. Гарчи оғзи катта бўлса-да, ҳақиқий гўзалнинг нақ ўзи, лаблари эса ҳаддан ортиқ қалин эди. Унда ҳар қандай эркакни ўзига тортадиган нимадир бор эди, бундан мен ҳам истисно эмасдим.

Аёл ялтироқ оқ халат кийиб олган, гавдаси тўладан келган, унга қараб туриб, эшик ёндорига суянганида халатининг тагидан ҳеч қандай либоси йўқлигини тахмин қилдим. У ўттиз ёшлар атрофида бўлиб, кўк кўзлари совуқ боқар, териси фил суяги тусида эди. Аёл бирор оғиз сўз демади. Биз бир-биримизга шу тариқа индамай қараб турар эканмиз, Йенсен кирди ва хижолатли жилмайиб, мени таништирди.

— Менинг назаримда, у овқатланиб олишингга асло қарши эмас. Ҳар нима бўлганда ҳам мен аниқ очман, — деди у. — Овқатланиб олсак, девдик, Лола.

Аёлнинг юзида ҳеч қандай ифода йўқ эди.

— Ҳозир бирор нарса олиб келаман, — деди у.

Мен унинг ортидан қараб қолдим. Иссиқ эди, мен қорғоз сочиқ олиб, бетимни артдим. Юзимдан шиф-шиф тер оқарди.

— Иссиқми, а? — сўради Йенсен кулиб турар экан.

— Худди дўзахдай қизитади-я, — деб жавоб бердим.

Мен унга кулимсираб жавоб бермоқчи эдим, аммо лабларим ўзимга бўйсунмади.

## 2

Биз юк машинасидан металл чиқиндиларини туширгунча Йенсен хотини тўғрисида гапириб берди.

Бунгача эса мен ҳаётимдаги энг яхши тушликлардан бирини тановул қилдим. Аёл ошхонадан иккита ликопча олиб чиқди, уларда спагетти ва майдаланган бузоқ гўшти бор эди. Бу егуликларни тарақлатиб стол устига қўйди-да, бир оғиз гапирмай, яна ошхонага қайтди. Биз овқатланар эканмиз, Йенсендан менинг мажбуриятларим нимадан иборат бўлишини сўраб олдим.

У менга гараж ҳамда бензин колонкасини бериб, ўзи ва Лола емакхона билан бугунлай машғул бўлмоқчи экан. Мен ҳафтада уч марта, кейинчалик эса икки марта тунда навбатчилик қилишим керак экан. Мендан машиналарни таъмирлаш ҳам талаб этилар, бунга, албатта, эҳтиёж бўлганида киришилар эди, шу баробарида Йенсен станцияни тоза тутиш кераклигини тайинлади.

— Сен ишсиз қолмайсан, Жек, — деди у. — Аммо бошқа ишлар бўлмаганида, ҳар қандай ишни қилиб кетаверганингдан фақат хурсанд бўласан.

Мен булар менга маъқул келганини, қанча талаб қилинса, шунча ишлашга тайёр эканлигимни айтдим. Бу ҳақиқат эди. Билардим, агар бу ерда шуғулланадиган бирор машғулот бўлмаганида мен бекорчиликдан ошхонада ишлайдиган Лолани ўйлаб, барча фикрларим унга йўналган бўларди. Менинг ўрнимда бошқа ҳар қандай эркак ҳам айнан ана шуни ҳис этар эди.

Овқатланиб бўлгач, биз кўчага чиқдик, Йенсен менга бензин колонкаси билан қандай ишлаш кераклиги-

ни, миждоз келганида, нима иш қилиш лозимлигини, нима қанча пул туришини бирма-бир тушунтирди. Қуёш тоғ ортига беркинди, салқин тушди. Мен бекорчиликдан сўнг иш билан машғул бўлишимни билиб, мамнун бўлдим. Биз ишлар эканмиз, кўпроқ Йенсен гапирди.

— Сен Лоладан ранжимагин. Унга бир нарсани кўрсатаверсанг, чидаб туrolмайди. Сенга айтгандим-ку, бу ерда яна бошқа бировнинг ишлашига у мутлақо қарши эди. Билмадим, нима учун. Бу аёлларнинг калласига келиб уриладиган қандайдир аҳмоқона хатти-ҳаракат, — шундай деркан у менга ташвишланиб қаради. — Сен, ишқилиб хафа бўлмайсанми? Икки кун ўтиб, Лола ҳовуридан тушади, кейин ҳаммаси жойига тушиб кетади.

Мен ҳеч нима демадим, жавоб берадиган гап ҳам йўқ эди. Биз занглаган культиваторни машина кузови четига олиб келдик, суриб ерга туширдик. Мен Йенсеннинг кучига яна бир бор қойил қолдим. У оғир машинага худди ўйинчоқ каби муомала қилар эди. Биз культиваторни сояга ташлагандан сўнг у сўраб қолди:

— Хотиним чиройли-я, тўғрими?

— Тўғри.

У сигарет чиқариб, мени ҳам меҳмон қилди. Чека туриб, гапини давом эттирди.

— Биз ноодатий тарзда танишганмиз. У икки йил муқаддам шу ерда тўхтаган сайёҳлик автобусидан тушиб, емакхонага кирган эди. Ўшанда мен абгорликдан бутунлай ўзимни йўқотиб қўйган эдим. Бунгача, икки ҳафта олдин хотиним вафот этган, мен бир ўзим шу ерларда тентираб юрардим. Ҳатто ўзим овқат пиширар, эътироф этиш керакки, эплаб-сеплаб пиширганим ҳам расвойи радди бало эди. У кириб, сандвич сўради. Қизиқ, одамлар шундай майда-чуйдаларни қандай эсида сақлашар экан? Эсимда, унинг эгнида яшил кўйлак бор эди. Автобус бу ерда йигирма дақиқа тўхтар эди: у почтани олар, йўловчилар эса ейишга ярайдиган нимадир харид қилишлари мумкин эди. Уларнинг бари емакхо-

нага ёпирилган, бири сэндвич, бошқаси гамбургер, кимдир пирог ва алламбалони сўрар, мен эса нима қилишимни билмай қолган эдим. Эсанкираб, оёғимда турганмидим ёки бошим биланмиди, билмайман. У тўсатдан пештахта олдида пайдо бўлиб қолди, дарров ишга тушиб кетди ҳамда мижозларга хизмат кўрсата бошлади. Мен кўрдимки, бундай иш унга таниш, шу сабабли халақит бермадим. Фақат унга нарсалар қаерда турганлигини кўрсатиб турдим. Автобустга чиққунга қадар ҳамма тамадди қилиб олди. Менинг дармоним қолмаган эди, у эса ҳамма ишнинг уддасидан чиқди. Худди сен билан бўлгандай бўлди. Мен унга, агар иш керак бўлса, топишимни айтдим.

Йенсен культиватор устига ўтирганча қандайдир темир парчасини олиб кўздан кечирди-да, кейин гапини давом эттирди:

— Худди сенга ўхшаб, у ҳам кўп ўйлаб ўтирмади. Автобус усиз жўнаб кетди. Худди сенга бергандек, унга ҳам флигелни бердим. Хўш, у бир-икки ҳафта ишлади. сўнгра мен ўйланиб қолдим. Билардим, бу ерда бирор-та аёлнинг ёлғиз туриши — яхши эмас. Вентуортда эса турли миш-мишлар тарқала бошлади. Айрим йигитлар бу ерга ёнилғи олиш учун келишса ёки тамадди қилишса, маъноли қараб-қараб қўйишарди. Булар орасида нимадир бор, деб ўйлашарди, ваҳоланки ҳеч гап йўқ эди. Хуллас, бир куни кечқурун мен у билан гаплашиб қолдим. Бу ер зерикарли эмасми, сенга ёқадими, деб сўрадим. У, ёқади, деб жавоб берди, ана шунда менга турмушга чиқишини таклиф қилдим. Бу ҳар хил миш-мишларга чек қўяр, ўзи ҳам таъминланар, агар мен билан нимадир рўй берса, станция унга қолар эди. Шундай қилиб, биз турмуш қурдик.

Йенсен ўрамни ўраб, қопламани ечди. Мен у билан ёнма-ён туриб, чекар ва гапларига қулоқ солар эдим.

— Бунинг устига, эътибор бергин-а, мен ундан йигирма уч ёш катта бўлсам, — давом этди Йенсен. — Мен тўғри иш қиляпманми, деб ташвишланиб ўтирдим, аммо



у қолишни хоҳлади, мен унга уйланмай туриб, уни қолдириб бўлмасди. Менинг ёшимдаги киши шундай аёлга уйланадиган бўлса, ундан жуда катта сабр-тоқат ҳам талаб қилинади. Яна икки кун ғиринг-сиринг қилиб юради, аммо ўз ишини бажариб кетаверади. Мени қойил қолдиргани шуки, унинг иши: мен бу қадар тер тўкиб меҳнат қиладиган кишини учратмаган эдим.

Сахро томондан чанг кўтариб, машина кўринди ва у колонка олдига келиб тўхтади. Бу бизнинг суҳбатимизга халал берди. Мен биринчи мижозимга яқин бориб, унга хизмат кўрсатдим. Унга бензин ва мой керак эди. Мен ғилдирақларни текширдим, олд ойнани тозалладим. Ишлар эканман, Йенсен омбордан ташқарига чиқиб, мени кузатаётганини пайқаб қолдим.

Рулда кексайган семиз киши ўтирарди. Мен машинага уринганимда у тишини гугурт чўпи ёрдамида тозалаш билан овора эди. Реклама билан шуғуллансам, ёмон бўлмасди, деб ўйладим.

— Сиз Тропика-Спрингс томон кетяпсизми, жаноб? — деб сўрадим ойнани артар эканман.

— Ҳа, ўша ёққа.

— Бу уч соат вақтингизни олади. Соат ўндан олдин боролмайсиз. Қорнингиз очқамаганми? Бизда ажойиб янчилган мол гўшти бор, округда ундан яхшисини топа олмайсиз.

— Янчилган мол гўшти дейсизми? — у соатига қаради. — Йўқ, менинг вақтим йўқ, жуда шошяпман.

— Ахир у тап-тайёр, — дедим мен. — Бу ўн дақиқа ҳам вақтингизни олмайди, яна бизда мевали пирог бор — жуда мазали. Мен боягина бир бўлак едим. Ҳаётимда бундай мазали егуликни тановул қилмаган эдим.

— Шунақами? — у кишида қизиқиш пайдо бўлди. — Майли, нима ҳам қилдик. Агар ҳаммаси тап-тайёр бўлса, татиб кўрамиз. Қаерга бориш керак?

Мен унга емакxonани кўрсатдим.

— Сиз клапанни тортиш бўйича нима дейсиз? — дедим сўнг у машинадан тушар экан. — Уни созлаш ке-

рак. Агар қарши бўлмасангиз, тановул қилиб бўлгунингизча мен шу иш билан машғул бўламан.

— Албатта! Мен, бир неча ҳафта бўлдики, бу ҳақда унутаман. Раҳмат.

У емакхонага кетди, менинг олдимга эса кулгидан оғзи қулоғида Йенсен келди.

— Ажойиб иш, Жек. Мана буни реклама деса бўлади! Мен сенга ёрдам бераман.

Биз машина билан машғул эканмиз, колонка олдига қора «Кадиллак» келиб тўхтади. Мен Йенсенни клапанни тортишни якунлаши учун қолдирдим-у, «Кадиллак»ка ёнилғи қуйиш учун бордим. Машинада эркак ва аёл ўтирарди. Ҳар иккаласи ҳам чангга ботган, иссиқдан лоҳас бўлиб қолган эди.

— Бу ерда қайси томонда таҳорат ушатиш мумкин? — деб сўради эркак машинадан тушар экан.

— Ҳов анув ерда, орқада, чап томонда. Агар очкаган бўлсаларинг, сизларга янчилган бузоқ гўшти ва спагеттини тавсия қилишим мумкин. Тап-тайёр, кутиб ўтирмайсизлар. Италиянча таомлар бор, ҳатто Тропика-Спрингсда ҳам бундайини асло топа олмайсизлар.

Эркак қошларини керди:

— Чув тушиб қолмайлик тағин.

— Мен ҳозиргина еб кўрдим. Спагеттига ҳеч қайси таом бас келолмайди, — дедим хушчақчақлик билан. — Сизларга, ҳар эҳтимолга қарши, бир айтиб қўйдим-да! Тропика-Спрингсга соат ўн бирда етиб оласизлар. Сизлар оч бўлишингиз мумкин, деб ўйлаган эдим.

— Мен очимдан ўлай деяпман, — деди аёл машинадан тушар экан. — Нима учун бу ерда овқатланмас эканмиз, азизим? Биз, ахир заҳарланмаймиз-ку!

— Майли, бўпти, мен ўзим ҳам бирор нарса еб олмақчиман.

Орадан ўн дақиқа ўтгач, иккита катта «Бьюик» келиб тўхтади, унда ўн киши бор эди. Мен машиналар билан машғул бўлиш жараёнида улардан, бирор егулик тановул қилмайдиларми, деб сўрадим ва қовурилган

жўжаларни маромига келтириб мақтадим. Бош чайқаб қўйишди. Бу вақт мобайнида Йенсен клапан билан боғлиқ ишни тугатди-ю, емакхонага кириб, Лолага ёрдам бера бошлади. Икки юк машинаси келди. Иккала ҳайдовчи ҳам қўймоқ ва чўчқа гўшти ейиш учун емакхонага кириб кетишди. Сўнг битта «Ягуар» йигит ва қизни олиб келди. Мен уларга бузоқ гўштли спагетти тўғри-сида сўзладим, агар бу ерда тамадди қилишмаса, анча вақтгача чидашларига тўғри келиши мумкинлигини эслатдим. Улар ҳам рози бўлишди. Йенсен емакхонадан ташвишланган ҳолда чиқиб келди.

— Жек, бузоқ гўшти тугади, фақат жўжа гўшти қолди, — деди у. — Реклама қилишда тушириб қолдириб айт.

— Бизда захира тугаб қолдим, дейман?

— Худди шундай, одатда уч-тўртта киши кечки овқатланишни хоҳлар эди. Бу овқат ҳам бўлса, сэндвич ёки гамбургер, ёки шунга яқин нимадир эди, аммо бунгунги сенинг рекламнг туфайли ўн тўрт кишини овқатлангирдик.

— Бу ёмонми?

— Яхши бўлганда қандоқ! Ҳеч ким сендай кўмаклашгани йўқ, мен буни ҳисобга олмаган эдим. Эртагаёқ бунга бошқача киришаман. Лола билан Вентуортга бориб, захирага нарсалар олиб келамиз, — Йенсен миннатдор тарзда жилмайиб қўйди. — Бизда ҳали тухум билан дудланган чўчқа гўшти тўлиб-тошиб ётибди. Ўйлагин, улар нима бўлади энди?

У яна емакхонага бурилиб кетди.

Ёнилғи ғамлаш учун юк машиналари кела бошлади, енгил автоуловлар эса тобора камайиб-камайиб келаверди. Юк машиналари, енгил уловлар ҳайдовчиларини кўндириш шарт эмас: уларга нима кераклигини ўзлари яхши билишарди. Ниҳоят, соат ўнга яқин ҳаракат тўхтади. Мен саҳро томонда машина чироқларига кўзим тушмагандан сўнг емакхонага кирдим. Пештахта ортида ҳайдовчилар сэндвич тановул қилиб ўтиришар эди. Йенсен ифлос идиш-товоқларни йиғиштириб турарди.

Кимдир муסיқали автоматга танга ташлади ва бутун емақхона узра блюз мусиқаси янграб кетди. Лола ҳеч қаерда кўринмасди, аммо мен ошхонада идишлар қандай тарақлаб, овоз чиқараётганини эшитдим.

— Сизга ёрдам керакми?

Йенсен бош чайқади.

— Ҳаммаси жойида. Бизнинг ўзимиз эплаймиз. Энди ухлагин. Бугун мен навбатчилик қиламан, сенинг галинг эртага, — у боши билан ошхона томонга ишора қилиб, тишини ғижирлатди. — У ҳали ҳам тинчимаяпти, аммо бу ўтиб кетади. Эрталаб ишни соат саккизда бошлаймиз. Келишдикми?

— Албатта, — дедим мен.

— Овқатланишга шу ерга кел, хўпми? Ва қулоқ сол, Жек, умид қиламанки, мен сендан қанчалик рози бўлганимдек, бу иш ҳам сенга ёқди, деб ўйлайман.

— Менга ҳаммаси ёқди, — дедим мен. — Сизга маъқул бўлган экан, бундан жуда хурсандман. Хўп, мен сизга зарил бўлмасам, ухлагани кетдим.

Мен ўз уйчамга, яъни флигелга келиб, ечиндим ва кўрда ичига кирдим. Мен жудаям толиққан эдим, шунга қарамай миям ухлаш учун тиниқ эди. Беихтиёр Йенсеннинг хотини тўғрисида ўйлай бошладим. Бу жуда нопок ўй эди, аммо ҳеч нима қила олмасдим. Каравот шундоққина дераза ёнида бўлиб, турар жой менга очиқ намоён эди. Орадан бир соат ўтса ҳамки, сира уйқум келмади ва мен шундоқ уйнинг деразаларидан бирида чироқ ёнганига кўзим тушди.

Мен хона ўртасида турган Лолага кўзим тушди. У сигарет чекар, сўнгра ялқовланиб, секин юриб, кулдонга унинг кулини қоқар эди. У сочлари орасидаги тўғнағични олди ва қоп-қора соч турмаги очилиб, елкасига ёйилди. Мен алақачон бошимни кўтарган, каравотда ўтирардим, олдинга интилиб қарадим, юрагим яна тез-тез урар, нафасим тикилиб қолган эди. Мен билан унинг ораси бор-йўғи ўттиз ярд эди. У тошойна олдида ўтириб, сочларини тарай бошлади.

Лола бу иш билан бор-йўғи беш дақиқа машғул бўлди, у шошилмай, қунт билан сочини тарар эди. Сўнг бурилиб каравотга ўтирди-да, кўрпани кўтарди. Дераза олдига келди-ю, халатининг тугмаларини бирма-бир еча бошлади. Тугмалар ечилгандан сўнг Лола қўлини кўтарган эди, дарпарда ёпилди. Чироқ унинг ортидан ёниб турар, шунинг учун қомати яхшигина намоён эди. У халатини ечиб, полга ташлади, шунда унинг яланғоч кўланкасини кўриб, нафасим ичимга тушиб кетди.

Лола чироқни ўчиргандан кейин ҳам мен дераза олдида анча ўтириб, уйга қараб қолдим. Фақат колонка олдида юк машинаси келиб тўхтаб, уйдан Йенсен чиққач, ухлашга ётдим.

Шундай қилиб мен тун бўйи ухлай олмадим.

## Бешинчи бўлим

### 1

Эрталаб чорак кам еттида емакхонага кирганимда, калта сариқ майка кийган, оч қизил калта шимда Лола пештахтани чўтка билан қиртишлаб тозалаётган эди. Бундай кийинишда уни томоша қилса арзир эди! Қизғиш-қўнғир рангли сочлар, зангори кўзлар, тикмачокдай бадан ҳамда майка ва калта шим ярашиб турган қомати ҳар қандай кишини ўзига тортар, ундан кўз уза олмаслик мумкин эди.

Лола мени кўриб, бир зум тараддудланди, ўшшайиб қараб, сўнг яна ишга уннаб кетди.

— Хайрли тонг, Йенсен хоним, — дедим мен. — Мабодо ёрдамим керак бўлмайдими?

У яна ишини тўхтатиб, менга қаради, зангори кўзларида ёвузлик чақнаб кетди.

— Агар менга ёрдамнинг керак бўлиб қолса, — деди у, — бу ҳақда ўзим айтаман.

— Хўп, хўп, — дедим мен. — Мен бирор ранжитадиган ҳолатни назарда тутганим йўқ.

— Агар сенга нонушта керак бўлса, ана, ошхонада турибди.

У пештахта устига эгилди ва қўлига чўткани олди. Менга унинг қомаги аниқ кўриниб турарди.

У кўзларини менга тикди.

— Сен нега қараб қолдинг?

— Йўқ, мен... — дедим мен ва пештахтани айланиб ўтиб, ошхонага қараб йўл олдим.

Йенсен доллар ва тангалар тўла стол атрофида ўтирар эди. Ёнида бир чашкада қаҳва, ювилмаган ликопча, пичоқ, санчқи бор эди. Мени кўриб, дарров имлади:

— Кел, Жек. Тухум билан қовурилган чўчқа гўшти ейсанми?

— Йўқ, фақат қаҳва ичаман, — дедим-у, қаҳва қайнаткични олдим, у плита устида турган эди.

— Биз ҳозир пулларни йиғамиз-у, кейин Лола билан Вентуортга йўл оламиз. Кеча кейинги йиллардаги энг омадли кун бўлди. Ўн бешта кечки овқат жуда тез сотилди. Сени қизиқтириш учун ҳам, Жек, овқатланишдан тушган даромаднинг беш фоизини сенга тўлайман. Бунга нима дейсан?

— Жуда яхши бўларди, жаноб Йенсен, раҳмат.

— Вентуортдан сенга ишга керакли бирорта кийим-бош олиб келаман. Яна нима керак?

— Менга уст-бош зарур, аммо уни, яхшиси ўзим оламан.

— Тўғри. Сен эртага машинани олиб, Вентуортга боришинг ва ўзингга нима керак бўлса, олишинг мумкин. Мен ўз ҳиссангга тегишли маблағдан аванс бермоқчиман. Юз доллар етадими?

— Етади. Катта раҳмат.

Швед менга бешта йигирма долларлик пул берди.

— Демак, сен эртага Вентуортга боришинг мумкин, — у стулга қўлларини тиради. — Нима деб ўйлайсан, культиваторни тузатса бўладими? Менимча, уринсак, эпақага келиб қолар.

— У билан ўзим шуғулланаман.

— Биз бир соатдан кейин жўнаймиз ва тушдан кейин қайтиб келамиз. Сен бир ўзинг ишларни уддалай оласанми?

— Менимча, уддалайман.

Мен ўзимнинг идишларимни ювиб, сигарет чекдим-у, залга чиқдим. Лола тоқчаларга пишириқларни териб қўяр, номлари ёзилган қоғозчаларни ёнига ёпиштириш билан банд эди. У менга орқасини ўгириб турарди, менинг томирларимда бир лаҳза қоним гупириб, қайнаб кетгандай бўлди: унинг суйри елкалари, ингичка бели ва тикмачоқ сонларини кўриб, донг қотиб қолдим. Лола менинг туйғуларимни ҳис этди, шекилли, бурилиб қарамади. Мен кўчага чиқдим ва супургини олиб, бензин колонкаси атрофини тартибга келтира бошладим.

Икки юк машинаси ёнилғи олиш учун келиб тўхтади. Мен ҳайдовчиларни нонушта қилишга қистадим, аммо улар шошаётган эдилар. Йиғиштириш ишларини тамомлаб, мен айвонча тагида турган культиваторни кўриб чиқа бошладим. Тоқчадан зангни олиш мумкин бўлган буюмни қўлимга олиб, ишга уннаб кетдим.

Орадан бир соат ўтгач, Йенсен йўқлаб кирди.

— Биз кетяпмиз, Жек. Сен эплай олишингга ишонасанми?

— Бўлмасам-чи, жаноб Йенсен.

— Культиваторга нима бўлган экан?

— Анча уннаш керак, тузатса бўлади.

У культиваторга бир қараб қўйди ва қўлини елкамга қўйди.

— Сен зангини кетказгин. Мен ўзим у билан шуғулланаман. Пешинда кўришамиз.

Мен уни машинага қадар кузатдим. Уйдан Лола чиқди. У яшил кўйлақда жуда чиройли кўринар, бу либоснинг кўкрак қисми бироз торроқ тикилган эди. Кино туйфайли ҳозирги пайтда бундай буюмлар одатий саналади, аммо мен фильмлар асосида тарбия кўрган эмасман. Мен Доланинг қоматидан кўз узолмай қолган эдим.

Йенсен биқинимга туртиб қўйди.

— Яхши-я, тўғрими? Зўр, кўринади, шунақа.

— Сиз ҳақсиз.

— Ҳа, кўриниши... Майли, кўришгунча.

Мен чекиб, атрофга кўз югуртирдим. Мен ҳам худди шундай жойим бўлишини хоҳлар эдим. Бирдан калламга шундай жойда худди Лола каби аёл билан бирга бўлиш фикри келиб қолди. Мен айвонча остига бориб, яна культиватор билан машғул бўлдим. Майка ва калта шим кийган Лолани миямдан асло чиқара олмас, унинг сиймоси кўз олдимда гавдаланавериб, фикримни бир жойга жамлаб олишимга халақит берар эди.

Эски, чанг билан қопланган «Шевроле» тўғридан-тўғри айвонча остига бурилиб келганида, мен бир сотадан ортиқ культиваторга уннаб ётган эдим. Машинадан ёши қирқ бешларда бўлган балад бўйли озгин киши тушди. Унинг изидан зоти номаълум бир ит тушди, жониворнинг туси сариқ бўлиб, қоқсуяк эди. У дарров хўжайини оёқлари остига жойлашиб олди, менга катта ғамгин кўзларини тикиб турди, майда қизил темирчалари кўриниб турарди.

Эркакнинг эғнида тиззаларига ямоқ солинган ранги ўчган коржома бўлиб, озгин бўйнига шўри чиқиб кетган қизил рўмолча ўралган, унинг тугуни томоғининг пастида эди. Елкасида похол шляпа бўлиб, у дастлабки кўринишини анча йўқотган эди. Юзининг ранги тик дарахти тусига ўхшар, озгин ва канасимон бўлиб, узун ингичка бурни ва юпқа лаблари бу башарани безаб турарди. Оқара бошлаган қошлари тагидан кўзлари тик ва синчковлик билан боқар эди.

Бу одамда нимаики бўлса, менга ҳеч бири маъқул тушмади. Унинг кичкина кўзлари шубҳа ва ишончсизлик билан ҳам боқиб турарди. Мен беихтиёр полицияни ўйлаб кетдим. Биз бир-биримизга анча вақт тикилиб, ниҳоят мен қаддимни ростладим.

— Сизга ёрдамим тегиши мумкинми? — деб сўрадим унинг кўзларига тикилишга ўзимни мажбур этгудай бўлиб. У айвонча тирговучига тирсагини тираб, катта



бармоқларини коржоманинг елка тасмаларига ўтказиб турарди. Ит унинг ёнида ўтириб, мендан асло кўзини узмасди.

— Эҳтимол, — деди у. — Балки сен ўзингнинг кимлигини ва бу ерда нима иш қилишингни айтарсан? Карл Йенсен қаерда? Балки сен, нима ишинг бор, деб иддао ҳам қиларсан?

— Жаноб Йенсен ва Йенсен хоним Вентуортга кетишди. Мени Жек Пэтмор деб аташади, ёлланиб ишлаяпман.

— Ажаб янгилик! — У оғирлигини бир оёғидан иккинчисига ўтказиб, шундай деди: — Сен бу билан, Карл мени ёллади, демоқчимисан?

— Худди шундай.

— Мана, қаранг-а, бу ишларни... Мен бу ишга мутлақо қўл урмайди, деб ўйлаган эдим, — у бош чайқади. У бутун вақт мобайнида ўзининг кичкина ўткир кўзларини мендан асло узмасди.

— Мен ҳеч қачон у бирор кишини ёллаб олади, деб ўйламаган эдим, боз устига хотини шунчалик қарши эдики... — у иягини қашлаб, бош чайқади. — Мен унинг қайноғаси бўламан. Мени Рикс, Жорж Рикс деб чақиршади.

Фаҳмимга кўр, бу одам Лоланинг акаси бўлиши мумкин эмас, у Йенсеннинг марҳум хотинининг акаси бўлса керак. Мен бу гумонга тўла кўзлардан бир томонга чекинишга ҳаракат қилиб, орқамни унга ўгириб, культиватор устига ўтирдим.

— У хотини билан Вентуортга кетди, дедингми? — деб сўради кейин Рикс.

— Ҳа.

— Бу ерда бир ўзингмисан?

— Бир ўзим.

У ўрнидан туриб, орқа тарафимга келганини сездим. Рикснинг шундоқ гарданимга яқин туриб, нафас олаётганини ҳис этдим. Мен ҳам механизмнинг қисмларини йиғиш билан банд эдим.

— Қасам ичиб айтаманки, Карл буни темир-терсак сифатида сотиб олган. Уни арзимас пулга олган. Агар кимдир буни харид қилиб, пул тўлаганида ҳам кошки эди. Йўқ, кўзини шамғалат қилиб олиб кетган, деса асло ҳайрон бўлмасдим.

Мен индамадим. Бу одам асабимга тега бошлаган эди.

— Ҳа, Карл — жуда сермулоҳаза йигит. У бир уюм занглаган темир турган жойда фойдага кўзи тушади, ўзиям бир қучоқ зангдан бошқани кўрмайди. Қасам ичиб айтаманки, у мана шу культиваторни бинойидай қилиб созлайди-ю, ундан яхшигина пул ишлаб олади. Ҳа, у темирга жон киритади, одамларга келганда эса балониям тушунмайди.

Мен томоқ қириб қўйдим, тишли филдиракларни чиқариб, уларни мойли тоғорага солдим.

— Унинг хотини қандай, ёқдими?

— Дуруст.

— Дуруст, дейсанми? Шундай деб ўйлайсанми? Гаров ўйнайман, сенинг бу ерда туришинг унга мутлақо керак эмас. Ҳатто эрининг қайин укаси — менинг ҳам бўлишим ортиқчалик қилади. Мен Карлни шу қизга уйланадиган даражада аҳмоқ деб ўйламаган эдим. Бу аёлнинг қаердан келгани номаълум-у, шу ерда қолдикетди. Ҳа, калласи жойида: бу ерда имконият борлигини билди-ю, уни қўлдан чиқариб юбормади. Ундан нима талаб қилинса, дарров нақ тумшуғи остида ҳозир унозир қилинади, Карл эса тузоққа илингандай гап. Жуда эҳтиёт бўлгин. Бу ерда кўп қолиш ҳақида ўйлаб ҳам ўтирма, сен бунга эришолмайсан, бола! У сендан халос бўлиш учун Карлни кўндиришга уринади, биласанми нима учун?

Мен юзимни без қилиб, унга ўгирилиб қарадим.

— Ҳеч тушунолмаёпман, сиз ким ҳақида гапиряпсиз? — дедим мен. — Мени шунчаки ишга ёллаб олишган.

— Ҳа-ҳа, бу ҳақда айтдинг, — сўз қотди у. — Лола, кимдир Карлга таъсир ўтказиши мумкин, деб ўлгудай

қўрқади. Мен буни биламан. Уни кўп вақтдан бери кузатиб юраман. Сен унинг найранглари билмайсан-да, чунки бу ерда ҳали кўп вақтни ўтказганинг йўқ. Унга Карлнинг пуллари керак, у фақат ана шуни ўйлайди! Карл бу пулларни топиш учун йиллар давомида тер тўқди, ахир. У жуда эҳтиёткор одам, бирор центни беҳуда ишлатган эмас, аммо қулай фурсат туғилса, баъзан қўли очиклик қилиб қолади. Энди эса, бу жувон унинг ҳар бир қадамини кузатиб юрар экан, у ўз-ўзига хўжайин бўлолмайди. Бу аёл келгунича биз бу ерда эркин эдик. Мен учун дарров дастурхон ёзиб қўйиларди, энди эса бари ўзгариб кетди. Мен бу ерга келганимда у дарҳол уввос тортадим-ей, бошқа иш қиладими-ей... Биласанми, у нима қилади? Ётоқхонасига кириб, ичкаридан беркитиб олади. Агар сен худди Карл каби қари аҳмоқ бўлсанг-у, ёшинг ўтавериб, ҳар бир кун ҳисобли бўлиб турганида, унинг тўшагига киролмай, ўкиниб ўтираверардинг. Уни ўласи қилиб тутгудай қўллар, мана! Агар Карл унинг раъйига қарши бирор иш қилгудек бўлса борми, у дарров ётоғига кирарди-да, эшикни ичкаридан қулфлайди-қўяди, вассалом! Эҳтиёт бўл. Сен бу ерда жуда кўп яшай олмайсан. Мен уни яхши биламан, сен унинг кафтига пул қўйганинг билмай қоласан, агар у жазм қилгудек бўлса!

Мен яна жойимда чўккалаб ўтириб, тишли филдиракларни кўздан кечира бошладим. Улардан бири дарз кетган эди, мен уни қайтариб, мой ичига солдим. Сўнг кўтариб, дастгоҳ олдига келдим-у, қўлимни артмоқчи бўлдим. Рикс мени кузатиб ўтирарди, аммо мен юзимдаги ифодани ўзгартирмадим, шу боис очикдан-очик ўзимни бефарқ тутганим унинг жонини ҳалқумига келтираётган эди.

— Сенинг ўзинг қаерлардан келиб қолдинг, биродар?  
— деди у тўсатдан. — Бу ерликлардан эмас, шекилли?

— Йўқ.

— Ундай бўлса, Карлни қаердан танийсан?

— Биз Литл-Крикда танишган эдик.

— Шундай, дегин? Сен иш ахтариб юрганмидинг?

— Ҳа.

— Хўш, ундай бўлса... — Рикс устундан нари кетди. Шу пайтгача ҳаракатсиз ўтирган ит ўрнидан туриб, ундан ниманидир кутгандай қаради. — Мен сени ишдан қолдириб, чалғитмайман. Мен қандайдир асбобни олиш учун бирров кирган эдим, уйда тузатишим керак бўлган ишим бор. Мен нимаики керак бўлса, Карлдан олиб тураман.

У тоқчада турган асбоб-ускуналарга қаради:

— Кўрайлик-чи, менга кераклиси топиладими ёки йўқми?

У иккита очқич ҳамда болғани олиб, пармадаста томон йўналган эди, мен уни тўхтатдим:

— Кечирасиз, жаноб Рикс, лекин мен бу асбобларни сизга бера олмайман.

У қотиб қолди ва менга эсанкираб қаради:

— Сен нималар деяпсан, биродар?

— Бу асбобларни бериш учун жаноб Йенсендан рухсатнома йўқ. Қолаверса, ўзи ҳам йўқ экан, демак, барча масъулият менинг зиммамга юклатилади. Агар келгунича кутсангиз, у сизга ўз қўли билан берар эди, аммо унинг розилигисиз, мен сизга бирор нарса ҳам бера олмайман.

У тоқчадан пармадастани олиб, чилангарлик арраси томон йўналди.

— Хотиржам бўл, биродар. Мен унинг қайноғасиман. Сен ҳақсан: мендан бошқа бирортаям кишига бу ердан бирор нарса бериш мумкин эмас, мен эса бошқа гап.

Бу энди ҳаддан ошиш эди.

— Мен афсусдаман, жаноб Рикс, аммо жаноб Йенсеннинг ижозатисиз бирорта ҳам асбоб-ускунани ҳеч ким олмайди!

— Қулоқ сол, биродар, — деди жаноб Рикс. — Ахир сен ишсиз қолишни истамайсан-ку! Мен Карлга бир оғиз айтсам борми...

— Боринг, айтаверинг, — жавоб бердим мен. — Жи-  
ҳозлар шу ерда қолади! Мен афсусдаман, аммо бошқа  
йўли қолмади. Агар улар сизга жудаям зарур бўлса,  
жаноб Йенсен келгунича сабр қилинг, у олишга рухсат  
берар.

— Тушунарли, — деди Рикс ва юзида томчилар пайдо  
бўлди, бу дарғазаб бўлганининг аломати эди. — Хўш,  
демак, энди сизлар иккита бўлдингиз! Эҳтимол, сен  
ҳам унинг пулига кўз тиккандирсан, худди анови жу-  
вонга ўхшаб? Балки у сени ўзининг тўшагига ҳам тор-  
тар, шундай эмасми?

Миямга қон чиққанини ҳис қилиб турардим. Бу нус-  
хани ёқасидан олиб шундай силкитдимки, боши сал  
бўлмаса узилиб кетаёзди. Уни куч билан итариб юбор-  
дим-у, шундай дедим:

— Даф бўлинг! Эшитдингизми? Ҳозироқ йўқолинг!

У орқага мункиб кетиб, оёғида зўрға туриб олди. Юзи  
сарик-кўкимтир тусга кирди, ғазабланиб, кўзи сал  
бўлмаса косасидан ирғиб чиқай дерди.

— Бу сенга қимматга тушади ҳали, — вишиллади у. —  
Мен Карлга айтиб...

— Йўқол!

У бурилиб, дарров машинасига чиқди. Ити аллақач-  
он чиқиб, хўжайинини кутиб ўтирарди. Рикс рулга  
ўтириб, эшикни зарб билан ёпди ва чанг-тўзон кўта-  
риб, жўнаб кетди.

Мен ўзимни йўқотиб қўйган эдим. Агар Рикс Карл-  
га шикоят қилса, унинг қандай муносабатда бўлиши  
менга қоронғи эди. Ҳар эҳтимолга қарши бор гапни  
биринчи бўлиб ўзим айтиб бераман, аммо унинг хоти-  
ни тўғрисида Рикс гапириб берганлари ҳақида шошил-  
майман. Йенсенга бундай тахлитдаги гапларни мендан  
эшитиши ёқмаслигига ишонар эдим.

Улар қоқ пешинда қайтишгач, мен Йенсенга фур-  
гондан юкларни туширишга ёрдамлашаётган маҳалда  
Рикс келиб, асбоб-ускуналарни олиб кетишга уринган-  
ини айтиб бердим.

— У билан эркакча гаплашишимга тўғри келди, жаноб Йенсен. Рикс эшитишни ҳам истамди, шундан сўнг мен уни қайдаб юбордим. Агар борди-ю, бирор ножўя ҳаракат қилган бўлсам, у ҳолда чуқур таассуфдаман.

Йенсен кулимсиради.

— Ҳаммасини тўғри қилибсан. Мен сени огоҳлантиришим керак эди. У одамни ақлдан оздиради, мен унга ҳеч нима бермайман. Дастлабки пайтларда мен асбоб-ускуналарни олишига рухсат бердим, аммо у ҳеч қачон олганларини қайтариб бермади. У бутун ҳудудда учига чиққан товламачи ҳисобланади. Биринчи аёлим тирик бўлганида, у бу ерда эртаю кеч тентираб юарди: бир кунда уч марта келар, овқатланар ва бензинимдан ғамлаб олар, хотинимнинг пулларини ўмарар, бундан эсим оғиб қоларди. Биз, Лола билан турмуш қурганимиздан кейин у билан орани уздик. У икки ойдан буён кўринмай кетган эди, мана, яна пайдо бўлибди. Мен йўқлигимда унга ҳеч нима бермагин.

Мен энгил тортганимни ҳис этдим, худди Йенсен билан келишгандай иш тутган эканман, аммо шунга қарамай, Рикс билан муносабатда хатога йўл қўйганимни тушуниб қолдим. Ундан ҳар қандай ёмонликни кутиш мумкин.

## 2

Уч ҳафта узоқ муддат бўлиб туюлиши мумкин.

Тоғ ортидан қуёш кўтарилиб, ҳаётдан асар йўқ саҳро узра қизғишга мойил нурларини сочар эди. Мен каравотда ётиб, «Охирги чизиқ»да ўтказган уч ҳафтам тўғрисида деразага қараб ўйлаб ўтирардим.

Мен энди хавфсирамай қолган эдим. Фарнуорт, унинг қўланса ҳидли бараклари, шафқатсиз, бераҳм кўриқчилари алақачон рўй берган алғов-далғовдай кўринар, гўё ҳеч қачон бу бошимдан ўтмагандай эди, назаримда. Энди мен ҳар сафар ҳам кўрқув хуружини ҳис этмас, саҳрода машинанинг дуд чиқиб турган жойи кўриниб, бензин колонкаси ёнида тўхганида, хавфси-

рамас эдим. Полиция энди мени ахтаришдан қўл силтаб қўйганига ишонардим, агар мен бу танҳо жойда қоладиган бўлсам, хавф-хатардан бутунлай холи бўлиб қолар эдим.

Гарчанд Лола худди аввалгидек мен билан гаплашмас, фақат зарурият юзасидан мурожаат қилар, гўё менинг ташрифим билан энди-энди муроасага келгандек эди. У барибир мени тўлқинлантирар, мен унинг жисму жонига мафтун бўлганимча қолган, аммо бу ҳис-туйғуларимга эрк бериб юборганимни билдирмасдим.

Мен Йенсенни ниҳоятда ҳурмат қилардим. Аввал бошдан у билан фикримиз бир жойдан чиққанини тушундим, бир неча кун ўтиб, ёнма-ён ишлагач, мен уни янада яқиндан билиб олдим ва биз дўстлашдик. Уни яхши кўрмаслик мумкин эмас, бу оддий, бағри кенг одам ҳар қандай кишини, ҳатто Жорж Рикс каби аблаҳнинг ҳам муҳаббатини қозониши турган гап эди.

Биз Йенсен билан тезда тил топишиб кетдик, гарчи у Лоладан айро тушса, ўзини йўқотиб қўяр, эркаклар қиладиган улфатчиликдан узоқ эди. У кечқурунлари кечиккан мижозларни кутиб, қарта ўйнашга берилиб кетарди. Ўзининг ҳаёти ва режалари тўғрисида ҳикоя қилишни яхши кўрар, аммо сезишимча, бу Лолани мутлақо қизиқтирмас эди. Мен яхшигина қарта ўйнардим ва Йенсеннинг ҳикоялари менга ёқар эди.

Ҳадемай Йенсенда ўткир ҳамда омилкор ақл мавжуд эканлигига амин бўлдим. У қойилмақом қобилияти билан занглаган металл парчаларини даромад келтирадиган нимагадир айлантира олар эди. Культиваторни тузатиб, юз эллик долларга фермерга сотди ва бундан болаларча қувониб кетди.

— Юз ўттиз доллар соф фойда, Жек, — деди у оғзи қулоғига етгудек кулиб. — Мана буни иш деб айтсам бўлади!

Бир куни кечқурун навбатдаги ишни тугатгач, Лола ухлаш учун ётганида, биз айвончада ўтириб, мижозларни кутар эканмиз, у бирдан очикчасига кўчди:

— Биласанми, Жек, мен бир-икки йилдан сўнг нима қилмоқчиман? — деди у оёқларини узатиб, трубкасини чекар экан. — Мен бутун ер шарини айланиб чиқмоқчиман. Яхшироқ тайёрланишим учун энг камида уч йил керак. Ҳаммаси тайёр бўлгач, станцияни сотаман-у, Лола билан кетаман. Дунё бўйлаб саёҳат, барча бекатлар бўйлаб, барча тоифадаги нарсалар, энг яхши меҳмонхоналарда турамиз, ҳеч қандай ғам-ташвишимиз бўлмайди.

Мен унга қараб қолдим.

— Буларнинг ҳаммаси бир чақа бўлиб кетади.

— Ҳа, — деди у ва жим бўлиб қолди, трубкасини чекиб, сўнг давом этди: — Мен буларнинг бари қанча туради, деб қизиқдим. Ҳаммасига олтмиш минг доллар сарфланар экан. Бунинг устига кийим-кечак, ичимликлар, майда чикимлар учун харажат. Умуман олганда, юз минг доллардан кам кетмайди. Нима ҳам дердим, буларнинг бари менда бор. Буларни кейинги ўттиз йилда тежаб-тергаб тўплаганман. Мен қайтгач, янги иш бошлаш учун бу ишларни бироз тўхтатмоқчиман. Икки йилдан сўнг менда керакли маблағ йиғилади ва ана шу вақтда биз жўнаб кетамиз.

— Сиз, юз минг долларим бор, демоқчимисиз, жаноб Йенсен?

— Ҳа, — деди у менга кўз қисиб қўйиб. — Менинг ўз тизимим бор, Жек. Мен у ҳақда бирор кишига ломмим, деган эмасман, сен билан эса ахир дўстмиз-ку. Мен ўттиз йил темир парчалари билан ёмон ишладим. Бу борада қобилиятим бор экан. Мен нақд пул ишлаб олдим, шунинг учун солиқ назоратчилари бундан беҳабар қолишган. Менда доимо икки хил ҳисобкитоб бор эди. Биттасида қанча бензин сотганимни батафсил ёзиб, қанча кишини овқатлантирганимни қайд этардим, бу солиқ назоратчиси учун эди. Бошқа китобчада эса таъмирлаш учун қанча олганимни ҳисобга олиб борардим — бу ўзим учун эди. Мана шу китобча орқали маълум бўлдики, менда юз минг бор.



— Темир-терсақдан-а?

— Ҳа-да. Агар солиққа тортганда, бунча пулга яқин ҳам йўлаб бўлмасди, аммо мен уларни шундай доғда қолдирдимки... Булар — мен ва Лола учун, саёҳатга кетишимиз учун.

Мен негадир, Лола Йенсеннинг пули туфайли унга турмушга чиққан, деган гапни хотирладим.

— Лола бу ҳақда биладими? — деб сўрадим мен.

— Албатта, билади, аммо бу пулларни нима учун тўплаётганимни хаёлига ҳам келтирмайди. Бир йилдан сўнг ҳаммаси тап-тайёр бўлгач, мен унга айтаман. У шунчалик ҳайрон қолсинки! Кўз олдинга келтиргин! Дунё бўйлаб саёҳат!

Бу суҳбатдан икки кундан сўнг, яъни «Охирги чи-зиқ»қа келганимдан буён, уч ҳафта ўтгач, мен тўшақда ётган кўйи, Лола тўғрисида фикр юритар эдим. Бу тунда у навбатчилик қилиши керак эди, мен вақти-вақти билан юк машинаси бензин учун келиб, Лола жинси ва кўйлак кийган ҳолда уларга қандай хизмат кўрсатаётганини, ҳайдовчилар билан қай тарзда гаплашаётганини дераза орқали кўриб турардим.

Йенсен Лолани тунги навбатчиликлардан озод қилмоқчи эди, аммо у кўнмади. Бу менга ёқади, деб жавоб берди. Аксарият ҳайдовчилар Лолани танишар ва унга гап отишни яхши кўришарди. Йенсен ўзи истамаса ҳам ён берди-ю, уни ҳафтада бир марта навбатчиликка қўйди. Ўзи икки марта навбатчилик қиладиган бўлди, мен эса тўрт марта. Кечаси соат бирдан сўнг ҳаракат тўхтаб қолгач, озроқ мизғиб дам олиш мумкин эди. Бирорта машина кеч келадиган бўлса, бизни чақириш учун тунги қўнғироқ бор эди.

Мен тўқима оромкурсида ўтирганча, дуккакли ўсимликлардан тушлик тайёрлашга киришган Лолани кузатишда давом этардим. Соат олтидан эндигина ўтган эди. Шунда баққолнинг юк машинаси келганига қўзим тушди. У ҳар куни эрталаб Вентуортдан бизга буюрган нарсаларимизни келтириб беради. Ҳайдовчи машинани

емақхона олдида тўхтатганида, мен устимдан чойшаб-ни олиб ташладим-у, ўрнимдан турдим.

Ҳайдовчи озиқ-овқат маҳсулотлари солинган хийла каттагина қутини кўтариб, емақхонага кирганида, ортидан Лола ҳам эргашди. Мен ваннага кирдим. Ўзимни яхши ҳис этардим. Совуқ душ тагида туриб, беихтиёр Фарнуортни ўйлаб кетдим ва кайфиятим янада кўтарилиди. Менинг, сўзсиз, омадим келган, ўзим ҳам бу қочишни режали тарзда ташкил этганимга амин эдим.

Аммо омадимга нуқта қўйилди, бу ҳақда хаёлимга ҳам келмаган эди. Баққол келтирган маҳсулотлар қутисиди гарчи арзимас матоҳ бўлса-да, менинг ўзимдан хурсанд бўлганим ва хавф-хатардан холи бўлганим тўғрисидаги ўй-хаёллар изсиз йўқолди.

Бу тақдирнинг аччиқ ҳазили эди.

Ўша куни маош теккан эди. Йенсен бир тахлам пул билан мен ишлаётган омборга кириб келди. Мен қайиқнинг мотор тағламасини ўрнатаётган эдим, унинг ҳақи тўланган бўлиб, тезроқ кўздан нари қилиш керак эди.

— Ишларинг қандай. Жек? — деди у — Тузатишга кўзинг етадими, ишқилиб?

Мен унга қараб, кулиб қўйдим.

— Бўлмаса-чи, албатта! У аниқ ишлайди, аммо қанча вақтгача чидайди, айтолмайман. Бу жуда ноёб ҳодиса, у ўз муддатини ўтаб бўлган, аммо мен уни яна айла-нишга мажбур этдим.

— Тўғри, — у мен томонга эгилди. — Биз шунинг орқасидан пул топамиз, тўғрими? Мен сенга пул олиб келган эдим. Қирқ доллар — ишинг учун, шундайми?

— Шундай.

— Овқат учун ҳиссанг — юз ўн.

— Шунча кўпми?

У кулиб юборди.

— Сен аввал эшитгин. Биз, Лола иккимиздан кўра сен кўпроқ тушлик ва кечки овқат сотдинг. Зўрсан! Миннатдорчилик сифатида мен сенга яна юз қўшиб бераман, бу темирларга уринганинг учун.

Мен унга қараб қолдим.

— Мен бу пулларни ҳисобга олганим йўқ, жаноб Йенсен. Ахир бу шунчаки ишим-ку.

— Қулоқ сол, Жек. Менга ҳаммаси кўриниб турибди. Сенинг ишларинг худди ёзиб қўйилгандай боряпти. Сен пайдо бўлган кун — мен учун энг бахтли кун. Сен бу ерга келган ондан бошлаб мен яхши топяпман. Шунинг учун нимаики беришса, эътироз билдирмай, ҳаммасини олавер.

— Модомики, сиз шундай деб ҳисобласангиз, нима-ям дердим, раҳмат, — дея унинг қўлидан бир боғлам пулни олдим. — Энди менда бир муаммо бор. Мен деяри ҳеч нарсага пул сарфламайман. Мана, ҳозир берганларингиз билан бирга жами пулларим беш юз доллардан ошиб кетди. Мен пулларнинг ҳаммасини флигелда сақлайман. Уларни нима қилай? Сиз менга ўз банкингизга қўйиш учун тавсиянома бера олмайсизми?

— Менинг банкимга дейсанми? — Йенсен бошини чайқаб кулиб юборди. — Ким ҳозир банкда пул сақлайди? Бундан уч йил муқаддам Вентуортдаги банк касодга учради, унга пул қўйганларнинг бари куйиб қолишди. Мен банкларга ишонмайман. Банкларга ҳеч қачон бир цент ҳам қўйган эмасман. Менга нақд пуллар ёқади. Яна, агар менга нимадир бўлса, Лола банкдан пулларни ҳеч қандай тўсиқларсиз олиши ҳақидаги ўй ёқади. Яхши, сенда беш юз доллар бўлса, бу ҳақда ҳам чекма, менга қўйиб бер. Менда сейф бор, барча пулларни ўша ерда сақлаймиз. Мен сенинг пулларингни ўзимники билан бирга қўшиб қўяман, борди-ю, бирор нарса харид қилмоқчи бўлсанг, ҳузуримга келасан ва нақд оласан. Банк учун нақд пул ҳамма жойда қармоқ вазифасини ўтайди. Банк фоизлари тўғрисидаги сафсаталарга асло ишонма. Фоизларни ўйласанг, нимаики бўлса, барини йўқотасан. Фоизлар гоҳ ўсади, гоҳ тушади, сенга эса, жамғарманг керак бўлиб қолса, токи уни қўлингга олгунча тинка-мадоринг қуриб қолади.

Сен қанча пулинг борлигини бирор жойга ёзиб қўй. Мен уларни сақлаб қўяман, қачон асқотиб қолса, ўша заҳоти оласан.

Мен Йенсенга ҳайратланиб тикилганча ўрнимдан турдим.

— Сиз юз мингни шу ерда, сейфда сақлаяпман, де-япсизми? — деб сўрадим.

— Ҳа, айнан шу ерда! Ё мумкин эмасми? Мен нима учун ўзимнинг юз мингимни қандайдир банкка ишонишим керак? Ўзимнинг сейфим ишончли, энг яхшиси! Лоренслар сейф корпорацияси пулларни жуда яхши сақлайди. Э, нималар деяпман, ахир сен сейфларни менадан яхши биласан-ку! Шундай эмасми? Ахир Лоренслар сейфи энг яхшиси эмасми?

— Демак, сиздаги сейф Лоренсларга қарашли?

— Албатта-да! Беш йил муқаддам бу ерга корпорация вакили тўхтаб ўтган эди. Менга учраган кишилар орасида энг ҳалоли шу эди. Корпорациянинг шиори «Сармояни энг яхши сақлаш маскани — Лоренслардир» эди. Менимча, жуда топиб айтилган! Тўғрими. ЭКек, сен нима дейсан?

«Қанақа сейф, консерва банкаси-ку, ахир! Бу қути энг сифатсиз пўлатдан ишланган, уни уч дақиқада очишим мумкин», — дедим мен ичимда.

— Ҳа, мен у билан танишман. Бундан яхшиси йўқ.

У менга қўлини узатиб, кифтимга қоқиб қўйди. Мен Йенсеннинг дўстона елка қоқишларига ўрганиб қолган эдим, аммо ҳар сафар у елкамга қоқиб қўяр экан, тиззаларим майишиб кетарди. Йенсен ўзининг кучи қанча эканлигини билмас эди.

— Келишдик, мен сенинг пулларингни эҳтиёт қиламан. Улар қачон керак бўлса, албатта, айт, бўптими?

— Хўп, жаноб Йенсен, раҳмат.

— Бўла қол, олиб кел пулларингни. Мен сенга тилхат ёзиб бераман. Чўзиб нима қиласан — флигелда уларга жой йўқ. Ким билади, дейсан, эҳтимол, тўсатдан ёнғин бошланиб қолар...

Мен худди телбалардек, флигель томон йўл олдим-у, тўшак тагидаги пулларни олиб унга элтиб бердим. Йенсен менга беш юз ўн долларга тилхат ёзиб берди.

— Бу пулларни ҳозирнинг ўзидаёқ сейфга қўяман, Жек, — деди Йенсен ва мен унинг миннатдор бўлганини кўрдим. — Сенга қачон керак бўлса...

— Ҳўп, — жавоб бердим мен.

У соатига қаради.

— Ҳадемай ўн икки бўлади. Ярим соатдан сўнг сайёҳлар билан автобус келади, унда ўттизга яқин йўловчилар бор. Балки сен Лолага ёрдам берарсан? Мен колонкага қарайман. Ярим соатдан кейин бу ерда иш қайнайди.

— Яхши, — деб жавоб бердим мен ва нохушликларга дуч келиш учун емакхонага кирдим.

Лола ҳозиргина пиширилган пирогларни ойнаванд тоқчаларга тахлаётган эди. У бурилиб, менга елкаси оша қаради. Мен унинг кўзларидаги ифодага қараб, дарров нимадир рўй берганини билдим.

— Ёрдам бериш учун келдим, — дедим мен.

У кулимсиради. Бу Лоланинг менга илк бор жилмайиб қараши эди, шу боис дарҳол ҳушёр тортдим.

— Сен кўп ишга ёрдам беришинг мумкин, П е т м о р, — деди Лола. У менинг сохта номимни талаффуз қилар экан, ҳаяжоним ортгандан-ортиб кетди.

— Мен меваларни саралаб қўйдим, уларни йиғиштириш керак.

Мен емакхонага ўтдим. Столлар устидаги банкаларда консервалар териб қўйилган, пластик ўрамларда икки дюжина жўжа гўшти ва бошқасида егуликлар бор эди. Банкалар тагида ҳўл газета бўлиб, ундан бирор нарса ўрашда фойдаланиш мумкин эди. Мен ана шу газетани қўлимга олдим ва бирдан юрагим қинидан чиқиб кетгандай бўлди.

Ҳеч тушунмайман, қандай қилиб Вентуортдаги баққолик дўконига маҳаллий Окленд газетаси тушиб қолди экан. Тақдир менга тухфа қилган тасодифлардан бири

шуки, шундоққина рўпарамда «Окленд инкуайрер»нинг биринчи саҳифасида фотосуратим ва бутун саҳифага етгудек сарлавҳали хабар чоп этилган эди:

## СЕЙФЛАРНИ БУЗУВЧИ СОБИҚ МАҲБУС ҲАЛИ УШЛАНГАНИ ЙЎҚ!

Мен қимирлашга ҳолим қолмай типпа-тик қотиб қолган эдим, елкамда совуқдан-совуқ тумолилар ўрмалаб кетгандай бўлди.

Фотосурат унчалик яхши эмас, аммо Лола барибир мени таниган ва унга қалам билан мўйлов чизиб, мени тушунсин, деб ишора қилиб қўйган эди. Бирдан кўз олдимда Фарнуорт, сассиб-бижғиб кетган бараклар ва абжағи чиққан тўнг маҳбуснинг қичқириғини, қўриқчилар камарининг визиллаши, карцерга қамаб азоб бераётганларини эшитгандай бўлдим. Мен кўзлари оқиб тушган йигитни кўргандай чўчиб кетдим, у юзини қўли билан яширганча қонли кўйлагини баданига ёпиштирганча йўлак бўйлаб югургани кўз олдимда гавдаланди.

Хавф-хатардан холиман, деган хаёлларим айни пайтда бир зумда ҳавода учиб кетди, назаримда. Лола бу ҳақда Йенсенга айтиб берганмикан? Айтмаган бўлса керак, деган ишончда эдим. Акс ҳолда буни унинг хулқ-атвори, ўзининг тута билишидан билган бўлардим. Эҳтимол, айтиб бергандир ҳам. Мендан қутилиш учун бундан яхши йўл йўқ, албатта. Фақат телефон гўшагини олиб, қўнғироқ қилса бас, орадан бир соат ўтиб-ўтмай, камина Фарнуорт йўлида бўларман.

Мени у ерда нима кутаётганини жуда яхши билман: маҳбуслар пайдо бўлганимни заҳархандалик билан, ваҳшиёна тарзда кутиб олишади, сўнгра оғриқ туфайли қичқириқларимга сабрсизлик билан типирчилаб қулоқ солишади. Мен газетани ғижимлаб, печка олдига бордим-у, уни оловга отдим.

Хуллас, мен яна қочиб, жон сақлашим мумкин, ҳаммадан бурун бу ердан тезроқ жўнаб қолишим керак.

Қандай қилиб? Ахир, Тропика-Спрингсча олтмиш беш миль масофа бор. У полицияга хабар берган заҳоти Тропика-Спрингс улар мени ахтарадиган маскан бўлиши турган гап. Орқага, Оклендга қочишни, ҳатто хаёлимга ҳам келтирганим йўқ. Даставвал Тропика-Спрингс, сўнгра бошқаси. Ҳар эҳтимолга қарши, менда беш юз доллар маблағ бор. Бунча пул билан мен Нью-Йорккача боришим мумкин...

Беш юз доллар! Кўрагимни музлаган қўлларғижимлагандай бўлди. Мен қочишим учун керакли пулларни ярим соатгина олдин Йенсенга бериб ўтирибман-а! Қайтариб беришни сўрасаммикан? У нима деб ўйлайди? Мен бу ердан куппа-кундуз куни қандай қилиб қочиб кета оламан? У ахир, жинни бўлиб қолдингми, демайдими? Мени шу қадар кўрқув ва саросимага тушган эдимки, зўрға нафас олардим. Ошхона эшиги очилиб, Лола кириб келди. У менга ўзининг синовчан зангори кўзларини тикиб, сўради:

- Сен ҳалиям йиғиштириб олмадингми?
- Йиғиштиряпман.

Мен консервали банкаларни тахлай бошладим. Мак-кора аёл, деб ўйладим. Аллақачон қўнғироқ қилган бўлса керак. Ёки энди ҳозирлик кўряптими? У димоғида ниманидир минғирлаб, совуткич ичидаги жўжаларнинг гўшларини йиғиштира бошлади. Мен барча маҳсулотларни йиғиштириб бўлгач, у совуткичга сўнги жўжа гўштини солаётган эди, тўсатдан шундай сўзларини эшитдим:

— Биз гаплашиб олишимиз керак. Сен тунда навбатчилик қиласанми?

Мен унга қараб қолдим.

— Ҳа.

— У ухлаб қолгандан кейин гаплашамиз.

Лоланинг сўзларидан шундай хулосага келдимки, у ҳали ҳеч кимга қўнғироқ қилмаган. Қандайдир шартларни ўртага ташламоқчи. Энди бироз енгил нафас олгандай бўлдим.

— Нима десангиз, шу!

— Чиқаверинг, жаноб Чет Карсон, — деди у. — Ўзим яхши эплайман.

Мен ўзимга келиб олишим учун озгина вақт керак эди.

— Сиз нима десангиз, шу!

У кулди.

— Худди шундай, Карсон. Шу лаҳзадан бошлаб, мен нима десам, шу бўлади.

Мен емакхона томон йўл олдим, айнан шу пайтда ўттиз нафар оч-наҳор йўловчини ортган автобус келиб қолди. Биз, уч киши худди бураб қўйилган ўйинчоқлардай югуриб қолдик. Йенсен ва мен емакхонага, Лола эса ошхонага. Ўттиз нафар йўловчининг ҳаммаси тушлик қилмоқчи эди. Мен овқатларни келтириб бераман-у, сўнг ёнилғи қуйиш учун чопаман, ахир машиналарга ҳам хизмат қилиш керак-ку! Лолага қойил, у ҳавас қилар даражада юқори суръат билан тер тўкиб ишлади. Келганлардан бирортаси маҳтал бўлиб кутиб қолган эмас, нимаики буюришган бўлса, барини олишди.

Ниҳоят, автобус жўнаб кетгач, биз бироз нафас ростладик.

Йенсен манглайдаги терни артиб, менга кулиб қаради.

— Биз рекорд қўйдик, Жек, — деди у. — Ҳали бунақаси бўлмаган эди. Сенсиз удалай олмасдик. Ўттизта тушлик-а, ахир! Илгари бундайлар келса, фақат бутерброд билан кифояланишарди.

— Ҳаммаси ошпазга боғлиқ, — дедим мен.

— Ҳа. Хотиним бошқача! Ҳар қандай шароитда ҳам биз, учаламиз ғайрат қилиб, сен эса ёнилғи қуйишга бориб, навбатчилик қилгин. Бу кеча — сенинг навбатинг, шундай экан, устахонада куймаланишнинг асло ҳожати йўқ.

Агар ҳар кунгидек бўлганида-ку, мен уларга албатта ёрдам берардим, аммо ҳозир Лола билан ёнма-ён туришга ўзимни мажбур қила олмасдим. Ўйлаб олишим



учун вақт керак эди. Бу тушлик билан боғлиқ чопа-чоп тугагандан сўнг мен яна лабимда гўё ваҳима мазасини тотгандай бўлдим.

Мен пешайвонга чиқдим, ўтириб чека бошладим. Эндигина зўрға ўзимга келган эдим, кимнингдир диққат билан тикилиб турганини ҳис этдим. Бурилиб қарадим. Лола айвонга чиққан, менга қараб турар, унинг кўзлари чақнар эди. Йенсен очиқ деразага яқин келди, у бир кучоқ ювилмаган ликопчаларни қўлида кўтариб олган эди. Кўриниши анча асабий, саросимали эди унинг.

— Бу мағзава нима учун бу ерда турибди? — бақирди аёл, товуши телбавор талвасага тўла эди. — У нима, бу ерда энди ишламайдими? Бу ишларнинг ҳаммасини мен қилишим керакми?

— Қулоқ сол, азизим, — деди Йенсен муроса оҳангида. — У тун бўйи навбатчилик қилади...

— Тупурдим! — Лола шундай деб, мен томонга ўгирилиб қаради. — Қани, бўл, идиш-товоқларни юв. Агар кимдир оромкурсида дам оладиган бўлса, ўша мен бўлишим керак! Сенга тўлашяпти, шунга яраша ишла, бўл тезроқ!

— Лола! — Йенсеннинг овози кескин янгради.

Мен дарҳол ўрнимдан сакраб туриб, ошхонага йўл олдим.

— Узр, Йенсен хоним, сиз айтгандек бўлади.

— Лола! Бас қил! Бу нима бақириш?! Колонкага қараб туришни унга мен тайинлаган эдим, — қичқирди Йенсен деразадан ярим гавдасини чиқариб.

— Наҳотки, ҳеч кимнинг менга раҳми келмаса? — додлаб юборди у бунга жавобан. — Мен бу ерда фақат сассиқ ошхона ва тўшақда роҳат учун керакка ўхшайман.

Лола айвон бўйлаб югураркан, сўнг уйга отилиб кирди, ортидан эшикни маҳкам ёпди.

— У бутунлай гангиб қолди, — дедим мен, — роса чарчаган. Аёлларда бундай ҳолат кўп бўлади. Уларга

бироз мулойимлик керак. Бу ўтиб кетади, эртага ҳам-  
маси жойига тушади.

Йенсен иягини силади ва бошини сарак-сарак қилиб,  
қовоғини уйди.

— Шундай деб ўйлайсанми, Жек? У илгари ўзини  
ҳеч қачон бундай тутмасди. Нима дейсан, бориб, уни  
тинчлантирсаммикан, а?

Мен унга ҳеч нима дея олмадим, Лола барини жўртта-  
га қилаётганини тушуниб турардим, мақсади — тунда  
ёлғиз қолиш, эри ухлаб қолгач, мен билан гаплашиб  
олиш.

— Мен уни безовта қилмаган бўлардим, жаноб Йен-  
сен. Гаров ўйнайман, эртага ҳаммаси жой-жойига ту-  
шиб кетади. У, ниҳоятда чарчаган, балки, идишларни  
ювиш билан шуғулланармиз?

Йенсен қўлини менинг елкамга қўйди.

— Сен ажойиб йигитсан, Жек. Бундай оҳангдаги му-  
омалани бошқалар эшитишганида борми, ўзларини ту-  
толмай қолишарди. Мен хижолатдаман. Сен уни, чар-  
чаб қолган, дединг. Мен у билан бу ҳақда эртага гапла-  
шаман. У сенинг бизга қанчалик ёрдамнинг тегаётгани-  
ни тушунмаётганга ўхшайди.

— Буни эсдан чиқарайлик, — дедим мен. — Яхшиси,  
ишларни тугатганимиз маъқул.

Бизга фақат соат саккизда хотиржамлик насиб қилди.  
Унгача емақхонани йиғиштириб чиқдик. Машиналарга  
ёнилғи қўйдик, иккита синиқ ускунани тузатдик. Лола  
кўринмасди, аммо соат тўртдан кейин мен қандайдир  
мотор товушини эшитдим, деразадан Лоланинг яшил  
қўйлак кийиб, «Меркьюри»га ўтириб, Вентуорт томон  
йўналаётганига кўзим тушди. Бу мени эсанкиратиб  
қўйди. Наҳотки у полицияга йўл олган бўлса?

Мен Йенсенга Лола жўнаб кетганини айтдим. У тиш-  
ларини гижирлатиб, гижинганча деди:

— У илгари ҳам жанжаллашиб қолганимизда кетиб  
қоларди. Доим кинога йўл оларди. Шундай, эси оғиб  
қолади. Энди у фақат соат ўн бирда қайтиб келади.

Хўш, нима қилдик, иккаламиз бошқариб турамыз. Сен овқат пишира оласанми, Жек?

— Ҳа, эпасам керак, — деб жавоб бердим мен. — Жўжаларни-ку, бемалол уддалайман.

Мен жўжалардан таом тайёрладим, Йенсен эса, сэн-двич тайёрлашга киришиб кетди. Унинг айтишига кўра, Лола билан муносабатлари ҳеч қачон силлиқ давом этмаган.

— У ёш, албатта, — деди Йенсен нонни кесар экан. — Аммо биринчи хотиним бутунлай бошқача эди. Биз бирга мактабга қатнар эдик, бирга ўсдик. У вафот этганида роса андуҳ чеқдим. Лоланинг табиати эса жуда оғир. Мен уни ишламайди, демоқчи эмасман, у худди бураб қўйилгандай ишлайди, аммо Эмми, яъни биринчи хотинимнинг гаплашиш тарзи Лоланинг сенга қиладиган муомаласидай эмас эди. Баъзан ўз-ўзимдан сўраб қоламан: у билан бироз эҳтиёт бўлиб муомала қилиш керакмикан? Уни тинчлантириш учун бирор жойига тушириб қолишни ҳам истаб қоламан. Эҳтимол, шундай қилиш ҳам керақдир?

«Бу чинқироқ илонга тарсаки туширсанг ҳам фойдаси йўқ», — деб ўйладим мен, аммо овоз чиқариб ҳеч нима демадим.

— Мен кўпинча, у қаердан келиб қолди ўзи, деб ўйланиб қоламан. Унинг ўзи бу ҳақда менга ҳеч қачон айтмаган. Лоланинг феълени, ё Худойим-эй, ҳаётнинг ўзи унга ато этган. Мени Вентуортга бир ўзининг жўнагани ташвишга солади. Сен келгандан буён, ҳафтасига бир ёки икки марта кинога борайлик, десам, у кўнмайди! Мен унинг ё боши оғриган, ёки жуда чарчаган, деб тахмин қиламан. Баъзан ўзимдан сўраб қоламан...

Йенсен бош чайқаб, жимиб қолди.

— Нимани сўрайсиз? — дедим унга раҳмим келиб.

— Шундай ўзим, ҳеч нимани, — жавоб берди Йенсен ва бутербродларни ёққа булайверди. — Мен шусиз ҳам анча вайсаб қолдим.

Мен ҳам жим бўлиб қолдим. Аммо Йенсен ўз-ўзидан нималарни сўраганини тахмин қилдим. Лола ёшроқ бирортасини топганмикан, менга хиёнат қилмаяптимикан, деб сўраяпти, назаримда ўздан.

Соат ўн бирга яқин ҳаракат тўхтаб қолди. Бу вақтгача биз Йенсен билан бирга емакхонага худди оёғи куйган товукдай югуриб қолган эдик. Мен жўжадан тайёрлаган таомлар мақтаб-мақтаб ейилди. Биз жами ўнта кечки овқатни тайёрладик, бу чакки натижа эмас эди. Чорак кам ўн иккида уй олдиди «Меркьюри» тор-моз берди, ундан Лола тушди. У бирдан уйга йўналди. Лоланинг ётоқхонага кириб, эшик ортидан қандай ёпиб олганини эшитдик.

Йенсен бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

— Мен ҳар ҳолда у билан гаплашиб кўрсаммикан, а?

— Шахсан мен ҳозир шундай қилмаган бўлардим, — дедим мен. — Кечга нисбатан эрталаб маъқулроқ.

— Майли, нима ҳам дердик. Балки, сен ҳақдирсан, — Йенсенга кўп нарса маълум эмаслиги аён эди. — Энди бориб ухлайман. Бу ердаги ишларни битирганга ўхшай-миз.

— Ҳаммаси жойида, — дедим мен. — Хайрли тун, жаноб Йенсен.

— Хайрли тун, Жек.

Мен унинг уйга кириб кетганини кузатиб турдим. Деразасида чироқ ёнди, у ички кириш эшигини очиши керак эди, аммо чироқ дарров ўчди. Шундан сўнг ўзининг хонасида чироқ ёнди, бу хона ёндош ҳолда жойлашган эди.

Мен емакхона айвонига чиқиб, тўқима оромкурсилардан бирига жойлашдим. Толиққан, қўрққан ҳамда ўта асабийлашган эдим. Мен чеккан ҳолда кутишга ҳозирлик кўрардим: Лоланинг тезда чиқмаслиги аниқ эди. Мен унинг қоронғу ётоқхонада ўтириб, Йенсеннинг ухлашини кутаётганини ўзимча тасаввур қилардим. Хаёлида нималар ғужғон ўйнаётган экан, кўнглига нималарни тутди экан?

Агар Йенсенга берган пулларим ўзимда бўлганида борми, мен аллақачон йўлга тушган бўлардим. Ёнилғи олиш учун тўхтаган биринчи ҳайдовчидан Тропика-Спрингсгача етказиб қўйишни илтимос қилар эдим. Аммо буни пулсиз асло бартараф этиб бўлмайди. Шу сабабли мен қоронғида ўтириб, уйни кузатар, Лола-нинг чиқишини кутар эдим.

## Олтинчи бўлим

### 1

Қўлимдаги соат миллари бирдан қирқ дақиқа ўтганини кўрсатарди. Кейинги ярим соат ичида бирорта ҳам юк машинаси келмади. Мен уни икки соатдан ортиқ вақт мобайнида кутардим.

Ва бирдан унга кўзим тушиб қолди. Лола уйдан чиқиб, шошмасдан айвон томон кела бошлади. Эгнида оқ кофта ва башанг оқиш юбка. У яسانيб олган эди. Мен айвоннинг қоронғу тарафида, оромкурсида ўтирганча, унга тикилар ҳамда юрагим ураётганини бир амаллаб меъёрига туширмоқчи бўлардим. Оғзимда сигарет, унинг кичик милтиллаган чўғи орқали Лола мени пайқаб қолармикан, деб ўзимча хаёл қилдим. У аста-секин зинапоялардан кўтарилиб, ён томондаги оромкурсилардан бирига чўқди.

— Менга ҳам сигарет бергин, — деди кейин.

Мен унга сигарет қутиси ва ёндиргични узатдим. Лолага чекиш учун сигарет беришга ўзимни мажбур қила олмас, у ҳам мендан буни кутмасди. Лола чеқди ва менга қутини ҳамда ёндиргични қайтариб берди. Бармоқлари қўлимга тегиб кетди, улар қуруқ ва иссиқ эди.

— Сен мени ҳайрон қолдирдинг, — деди Лола. — Менку, сен ўзингни таништирган киши эмаслигингни жуда яхши билардим, аммо сейфлар устаси эканлигингни асло кутмаган эдим. Очиқдан-очиқ машҳурликни қара!

— Мен ўз ишимни яхши бажараётган бўлсам, эрингга фойда келтираётган бўлсам, ким эканлигимнинг нима қизиғи бор бировга? Муаммо нимада ўзи?

— Мен ўзим ҳақимда ўзим ғамхўрлик қилишим керак, — деди у узун оёқларини олдинга чўзиб, оромкур-сига яхшироқ жойлашиб ўтириб оларкан. — Агар сенинг бу ерда эканлигингни полицияга хабар бермасам, кейин мен билан нохушлик рўй бериши мумкин.

— Сен уларга етказмоқчимисан?

— Мен ҳали бир қарорга келганим йўқ, — деб гапни чўзди Лола. Анча вақт жим қолиб, сўнг қўшиб қўйди: — Бу сенга боғлиқ. Газетада ёзишларига кўра, сен Лоуренслар сейф корпорациясида ишлаган экансан.

Мен Лола томонга қарадим. Унинг юзи кўринмас — у сояда эди.

— Бунинг нима аҳамияти бор?

— Мен учун жуда катта аҳамияти бор-да. Карлдаги сейф Лоренсларники. Мен уни сен очишингни истайман.

Демак, Рикс ҳақ экан. Унга Йенсеннинг пуллари керак.

— Сенга нима керак ўзи? — деб сўрадим мен. — Нега жаноб Йенсеннинг ўзидан сўрамайсан?

— Бундай беҳуда гапларни қўй, — унинг овоз оҳангида аччиғи чиққани сезилиб турарди. — Айтганларимни ёдиндан чиқарма, энди мен нимаики десам, фақат шуни бажарасан, акс ҳолда...

— Наҳотки у сенга кам пул берса? Ўғирлашнинг нима ҳожати бор?

— Агар сен сейфни очмайдиган бўлсанг, у ҳолда Фарнуортга жўнайсан, — Лола оёқларини чалиштириб, юбкасини пастга туширди. — Мен бу қамоқхона тўғрисида эшитганман: у ерда пачакилашиб ўтиришмайди ва сенга ўхшаганлар билан қандай муомала қилишни яхши билишади. Шундай экан, танла: ё сейф, ёки Фарнуорт.

— Демак, Рикс ҳақ экан. Сен ҳақиқатан ҳам разил одам экансан, сенга эрингнинг пуллари керак экан.

— Риксга тупурдим. Сен сейфни очасанми, йўқми?

— Фараз қилайлик, очдим, кейин нима бўлади?

— Мен сенга минг доллар пул ва даф бўлиб кетишинг учун йигирма тўрт соат вақт бераман.

Лола ҳаммасини обдон ўйлаб қўйган эди. Мен сейфни очаман, у юз мингни олиб, ундан минг долларини ўзимга беради-ю, мени қочириб юборади. Йенсен очиқ бўш сейфни пайқаб қолади, мен эса у пайтда бу ерда бўлмайман. Жувон эса ҳар қандай шубҳадан холи бўлади. Ундан талаб этилгани — бу пулларни яшириш. Мен эса Лола мажбур қилганини ва пулни олганимни гапириб берсам, бирор киши гапимга ишонмайди. Йенсен менга ишонишдан кўра, уни жуда яхши кўради. Ҳамма хотиржам бўлгач, Лола пулларни олади-ю, ғойиб бўлади. Ҳа, Лола ҳаммасини обдон ўйлаган ва унинг режаси муваффақият билан якун топиши мумкин.

— У сен ўғирламоқчи бўлган пуллар билан нима қилмоқчи эканлигини биласанми? — деб сўрадим Лолага тикилиб. — Йенсен дунё бўйлаб саёҳатга отланмоқчи. Бунинг учун у ўттиз йил мобайнида пул йиққан, бу саёҳатга сен билан бирга чиқмоқчи, барча саёҳат биринчи тоифали бўлади. Наҳотки сен дунёни кўришни истамасанг?

— У биланми? Мана шу қари, семиз аҳмоқ биланми? — Лоланинг овози ғазабга лиммо-лим эди. — Мен, ҳатто у билан Вентуортга ҳам бирга боришни истайман!

— Аммо у сени жудаям яхши кўради. Наҳотки сен ўмариш учун унга турмушга чиққан бўлсанг?

— Ишинг бўлмасин. Сейфни очиш учун қанча вақт керак сенга?

— Билмайман. Эҳтимол, мен уни умуман очолмасман. Бу сейфлар ўта мустаҳкам. Код рақамларини билмасдан туриб, уларни мутлақо очиб бўлмайди.

— Уриниб кўришингга тўғри келади, Карсон!

Мен вақтдан ютиш учун гапириб турдим. Аслида унинг тузоғига тушиб бўлган эдим. Лоренсларнинг мен оча олмайдиган бирорта ҳам сейфи йўқ, аммо мен Йенсен ўзининг шунча пулидан маҳрум бўлиб қолишини мутлақо истамасдим. У умрининг охиригача пулларини

мен ўмарганимни билишини асло хоҳламас, бу билан муро са қила олмасдим. Йенсен — менинг дўстим. У яққаю ягона дўстим. Мен учун қанча яхшиликлар қилди, шундай экан, мен бу ишни ўзимга эп кўрмас, нонкўрлик қилишни истамас эдим, аммо шундай қилмасам, яъни сейфни очмасам, мени Фарнуортга жўнатишлари аниқ, бундан чиқиш йўли, назаримда, бор эди. Миям зўриқиб ишлар эди ва мен:

— Сейф қаерда турибди? — деб сўрадим.

— Уйдаги меҳмонхонада.

— Йенсен мени эшитмаслиги учун уни қандай очаман?

— У шанба куни легионерлар билан учрашувга жўнайди, сен ана шу пайтда очасан.

Мен сигарет қолдигини дим бўлиб турган қоронғуликка ирғитдим. Янги сигаретни чекар эканман, сўрадим:

— Мен сейф билан шуғулланаётган пайтимда сен нима қиласан, орқамда турасанми?

— Шанба куни тунда менинг навбатчилигим. Ошхонада кейинги кун учун овқат тайёрлайман, у ердаги иш асабингни ўйнатиб юборади, мен, ҳатто сен қандай кетганингни ҳам билмай қоламан. Йенсен келгунича мен, ҳатто сенинг йўқлигингни ҳам сезмайман.

Мен Лолани қандай алдаш мумкинлигини энди фаҳмладим. Ҳаммаси жуда оддий. Тўғри, менинг яна қочишимга тўғри келади, бунинг устига яхшигина ишимдан ажралиб қоламан, аммо ҳар қандай шароитда ҳам Йенсенга мутлақо хиёнат қилмайман, бу мен учун жуда катта аҳамиятга молик эди.

— У соат нечаларда кетади?

— Еттида, у ердан эса тунги соат иккида қайтади.

Майли, мараз, дедим ичимда, энди менинг ўз режам бор. Сени яхшигина совға кутади. Яхши, мен сейфни очаман, аммо сен пулларни олишга келганингда, бошингга зарба ейсан. То ўзингга келгунингча, мен тоғ орқали йўлнинг ярмига етган бўламан. Сен телефондан



фойдалана олмаслигини ҳам ўйлаб қўйганман, токи Йенсен келгунича, умуман шовқин-сурон кўтаролмайсан. Мен хавф-хатардан холи бўлгач, Йенсенга хат ёзиб, нима воқеа рўй берганини унга батафсил баён қилиб бераману, ҳамма пулларини охирги центигача қайтариб юбораман. Агар ишлар рўёбга чиқса, у, албатта, ишонади ва хотини қанчалик палид эканлигини билиб олади.

Лолада шубҳа туғилмаслиги учун мен шундай дедим:

— Мен Йенсен билан бу тарзда муносабатда бўла олмайман. У мен учун шунчалик кўп ишлар қилдики...

— Намунча миждов бўлмасанг, — деди бетоқатлик билан Лола. — Айт, розимисан ёки Фарнуортни афзал кўрасанми?

— Аммо... — мен сушлашиб қолдим, — мен Фарнуортга бормайман.

— У ҳолда, шанба куни?

Мен ўта мулоҳаза юритган кишидек кўриниш олдим, сўнг елкаларимни қисиб, шундай дедим:

— Майли, мен бу ишни бажараман.

Лола оромкурсидан турди ва сигарет қолдигини ерга ташлади.

— Мени ҳазиллашяпти, деб ўйлама, жаноб Карсон. Агар сейфни очмасанг, у ҳолда ўзингни, Фарнуортдаман, деб ҳисоблайвер.

— Бир гапни ҳадеб чўзаверасанми? — деб гапини кесдим мен Лолага тикилиб. — Мен сенга, шу ишни бажараман, деб айтдим-ку, яна нима керак?

— Кўзингга қара! — у зинапоялардан пастга тушиб, уйи томон йўл олди.

Нимаям қилдик, қарта очилган, ким кўп муғомбирлик қила олса, ҳаммаси ўшанга боғлиқ бўлади. Менинг ишончим комил — Лоланинг тўрт қиролига қарши тўртта туз ўзимда эди.

Эртаси куни мен емакхонани саранжом-саришта қилиб юрганимда, Йенсен бензин колонкаси ёнида турарди. Мен Лолага шипшидим:

— Менга сейфнинг рўйхатга олинган рақамини олиб бер. Усиз бирор иш чиқмайди.

Унинг зангори кўзларидаги зимдан қарашлар ўта шафқатсиз эди.

— Ҳозир.

Ўша куннинг ўзидаёқ Йенсен яқин атрофда кўринмагач, у менга бир парча қоғоз узатди. Сейф рақамидан Йенсенга ишлаб чиқаришдан аллақачон олиб ташланган эскирган нусхасини беришгани маълум бўлди.

Бу андаза етарли даражада яхши сотилмаган, чунки унинг эшиклари автоматик равишда ёпилар, мижозлар эса калит билан очиладиган нусхани афзал билишарди. Қолаверса, худди шу нусхадаги сейфларни осонгина бузиш мумкин эди.

Бу мени қаноатлантирди. Сейфни бузиш учун менга ўн дақиқа кифоя, бу эса режаларимда ҳал қилувчи омил эди.

Пайшанба куни Йенсен билан бирга гаражда ишлаб ўтирганимизда, у шундай деди:

— Мен шанба куни кечқурун Вентуортга кетмоқчиман, у ерда легионерлар учрашуви ўтказилади. Лола кечаси навбатчилик қилади. Сендан илтимос, мабодо бирор ҳайдовчи шилқимлик қилса, қараб қўясан, хўпми?

Юрагим ҳаприқиб кетди. Йенсен менга шу қадар ишонапти. У хотини билан иккимизни қолдириб, бирор киши Лолага қўл чўзгудек бўлса, ёрдам беришимни сўраяпти. Хотини билан ёлғиз қолгач, мен ҳам кўнглимга маъқул келган ишни қилишим мумкинлиги хаёлига келмаяпти.

— Мен уни эҳтиёт қиламан, жаноб Йенсен, — дедим мен. — Асло ташвиш тортманг.

У менга жилмайиб қаради.

— Ишонаман, Жек. Мен эркаклар борасида ҳеч қачон янглишмаганман. Сен ҳақсан.

Жума — менинг дам олиш куним эди. Мен Йенсендан «Меркьюри» машинасини бериб туришини сўрадим.

— Тропика-Спрингсга бориб келмоқчи эдим.

— Бемалол олавер, гап бўлиши мумкин эмас.

— Менга пул керак бўлиб қолиши мумкин. Юз доллар олиб турсам бўладими?

— Ҳозир олиб келаман, — деди у. Йенсен кам пул сўраганимдан андак ҳайрон эди, мен эса ўз жамғармамни унга берганим учун ўзимни ич-ичимдан койир эдим.

У уйдан пул олиб, тезда қайтиб келди.

Мен ундан, Тропика-Спрингсдан бирор нарса кўриб келиш керак эмасми, деб сўрадим. У йўқ, деб жавоб берди, сўнг биқинимга бир туртиб қўйди.

— Кўнгилочар уйлاردан узоқроқ юр, Жек. Уйга маст бўлиб келма тағин.

Мен жўнаб кетаётганимни Лола ошхона деразасидан кузатиб турганига кўзим тушди. Агар нима мақсадда кетаётганимни билганимга эди, деб ўйладим, менга бундай қарамасдинг.

Тоғ орқали ўтадиган йўл илонизи бўлиб, ўтиш жуда оғир эди. Гарчи мен машинадан имкон қадар фойдаланишга уринсам ҳам тўрт соатда етиб бордим. Бу мени қайғуга солди, чунки яшириниш учун чамалаган вақтим оз қолган эди. Менинг режам обдон ўйланган эди. Мен самолётлардан воз кечдим: жинойтчиларни излаш даставвал аэропортдан бошланади, қолаверса, бундай кечки вақтда Нью-Йоркка қадар рейс бўлиши даргумон эди.

Шаҳарга келгач, саёҳатлар бюросига бориб, поездлар жадвалини билиб олдим. Ярим кечаси Нью-Йоркка жўнайдиган поезд бор экан. Йенсен соат еттида жўнайдди, етти-ю қирқ беш дақиқада мен сейфни очиб, пулларни олиб, Тропика-Спрингсга жўнаб кетишим мум-

кин. Лола билан ҳисоб-китоб қилиш учун эса бир неча дақиқа кифоя. Ана шунда поезд жўнагунча менинг ихтиёримда салкам уч соат вақт бўлади.

Мен саёҳатлар бюросидан чиқиб, энг яқин универсал дўконга кирдим ва очиқ малла рангли бир жуфт шим ва чўнтаги катта яшил рангли костюм сотиб олдим, бундай костюм кийган кишини ярим милдан кўриш мумкин. Шулар қатори қизил тасмали похол шляпа, маҳаллий аҳоли киядиган оёқ кийими, яъни мокасин ҳамда жомадон сотиб олиб, харид қилганларимнинг барини унга солдим. Кейин дорихонадан офтобдан муҳофаза қиладиган кўзойнак ва сочни сийраклатгич олдим. Буларни ҳам юкхонага жойлаштириб қўйдим.

Лола мени полицияга топширадиган бўлса, нима кийганимни ҳам айтар, шу боис Тропика-Спрингсда «Охирги чизик»дан жўнаш пайтидагидан бошқача кийинишим керак эди. Ҳўлаганларимнинг барини бажариб бўлгач, мен Тропика-Спрингсдан «Охирги чизик» манзилига қараб йўлга тушдим.

Йўлда «Меркьюри»ни тўхтатдим ва юкхонадан жомадонни олиб, баланд ўсган кактусларнинг энг қалин жойига яширдим. Уни осонгина топа оладиган қилиб қўйдим, агар бегоналар топишганида ҳам кўп эътибор бериб ўтиришмас эди.

Мен соат еттигача ортимга қайтиб боришга улгурдим. Кечки овқатни тайёрлашга ёрдамлашдим. Ҳўша оқшом биз ўн саккизта кечки таом сотдик ва фақат соат ўн бирда юмушлардан бўшадик.

Кечаси навбатчилик қилиш менинг галим эди. Йенсен менга бензин колонкасига қараш ва Лолага емакхонани бирга йиғиштиришда ёрдам беришни сўради-ю, ўзи ухлаш учун кетди. Чамаси соат ўн икки яримларда мен бензин колонкаси ёнидаги тўқима оромкурсида жойлашиб, қўлимда сигарет билан, кечки газетани ва-рақлаб ўтирардим. Шу пайт ёнимдан Лола ўтиб қолди.

— Сен нима учун Тропика-Спрингсга бординг? — деб сўради у тўхтаб.

— Нима деб ўйловдинг? — жавоб бердим унга тикилиб. — Мен Сан-Францискога борадиган рейсга жой банд қилиб келдим.

— Қаерга отланыпсан?

— Менинг қаерга отланишим билан сенинг нима ишинг бор?

У елкаларини қисиб қўйди

— Ишим йўқ, фақат сейфни очиб берсанг бўлгани.

— Мен очиб бераман.

— Бу ўз-ўзидан маълум, — деди у ва ортига бурилиб, уйга қараб кетди.

Мен оромкурсидан туриб, атрофга назар ташладим. Яна бир кундан сўнг бу ерларни қайтиб кўрмайман. Мен уни яхши кўришга улгурдим, худди Йенсен каби мен ҳам ундан фахр-ифтихор туйғуларини туйдим, энди эса бу жойларни соғинаман.

Мени уйқусизлик қайнар эди. Туннинг қолган қисмини оромкурсида ўтказдим. Худди юрагим тошиб кетаётгандай бўлар, сиқилар эдим. Қизиқ, орадан бир ҳафта ўтгач, мен қаерда бўлар эканман?

Шуниси ғалатики, менинг жомадонимда қайтариб беришим керак бўлган бегона пуллар бўлади. Мен Флоридада қандайдир худди шунга ўхшаш хизмат кўрсатиш станциясини сотиб оламан, эҳтимол, у ерда уйланиб, умримнинг қолган қисмини роҳат-фароғатда ўтказарман. Пулни албатта қайтараман, агар ўзимни бошқача тутсам, менга виждон азоб беради.

Шанба куни кечқурун соат олтилар чамасида Йенсен емакхонадан чиқди. Бу пайтда мен моторни тузатиш учун уни махсус илгичга илиш билан машғул эдим. Йенсен гаражга кирди.

— Бориб, душ қабул қиламан, Жек. Ишларинг жойидами?

— Ҳаммаси жойида, жаноб Йенсен.

— Ўйлашимча, мен кечаси соат иккидан эртарақ қайта олмасам керак, — деди у. — Легиондаги ўша каллакесарлар расмий қисмдан сўнг бироз маишат қилишни яхши

кўришади. Қулоқ сол, тагин бу ҳақда Лолага оғиз оча кўрма.

— Хўп. Вақтингиз хуш ўтсин.

Мен зўрма-зўраки кулмоқчи ҳам бўлдим, аммо ҳаддан зиёд ўзимда эмас эдим. Бир соатдан сўнг Йенсен менинг ҳаётимдан бутунлай ўчади, уни ҳеч қачон кўрмайман. Йенсен ёнимдан узоқлашгач, у мен «Меркьюри» учун юкларни ташишда оғирлик қиладиган фургонга яқинлашдим. Унинг баки тўлалыгига ишонч ҳосил қилгач, мойини ҳам текшириб кўрдим. Мен айнан ана шу фургонда қочилшни мўлжаллаб қўйган эдим.

Кейинги йигирма дақиқа мобайнида бизда машиналар тўлиб кетиб, уларнинг ҳаммаси Тропика-Спрингсга йўналган, шунинг учун мен ниҳоятда банд эдим. Рулга ўтирган кишилардан бирортасигаям овқатланишни тавсия қилмадим, чунки мен Йенсен кетган заҳоти сейф билан шуғуланмоқчи эдим. Лола кўринмас, аммо унинг ошхонада идилш-товоқ билан бандлигини эшитиб турардим. Бешта кам еттида Йенсен уйдан чиқди. Унинг эғнида пўримгина костюми, оғзида эса сигра бора бор эди. Кўриниши увчалик ёмон эмасди. У Лола билан хайрлашгани емақхонага кирди.

Менинг асабий зўриқишим ниҳоясига етиб қолди. Сейф билан машғул бўлишим учун, ҳатто унинг кетишини ҳам кута олмасдим. Бу кутиш мени сал бўлмаса жинни қилаёзди. Ниҳоят соат миллари еттига яқинлашганида, Йенсен чиқди ва биз биргаликда «Меркьюри» ёнига бордик.

— Вақтни кўнгилли ўтказинг, — дедим мен Йенсента тикилиб ва уни охириги марта кўряпман, деб кўнглимдан ўтказдим.

— У ёқ-бу ёқда яхшилаб қарагин, Жек. Мен-ку увчалик борилшни истамаяпман, аммо биласан...

— Албатта. Сиз ташвиш тортманг, биз Йенсен хоним билан ҳаммасини ажойиб тарзда уддалаймиз.

— Биламан.

Йенсен машинага ўтирди.

Мен унинг қўлини қисмоқчи эдим, аммо хайрла-  
шиш учун қўлимни шунчаки силкитиб қўйдим, холос.  
Қуёш тоғ ортига беркина бошлаган, ярим соатдан сўнг  
қоронғилик тушиши керак эди.

— Ҳозирча, Жек.

— Яхши боринг, жаноб Йенсен.

«Меркьюри» чанг-тўзон булутини кўтарганча жўна-  
ди, мен эса унинг ортидан қараб қолдим. У тоғ ортида  
кўздан ғойиб бўлгач, шундан сўнг уйга кирдим.

Лола мени кўзлари ёниб, кириш эшиги ёнида кутиб  
турарди. Унинг юзи оппоқ оқариб кетган, кўзлари чақ-  
нар эди.

— Сейф қаерда? — дедим мен унга яқин бориб.

— Меҳмонхонада, диван ёнида.

— Сен чиқиб колонка ёнида навбатчилик қилиб тур,  
— дедим мен. — Бу иш камида икки соат вақтни олади.

Унинг кўзларида ишончсизлик аломатлари намоён  
бўлди.

— Шунча кўпми?

— Ахир, айтдим-ку, бу сейфлар ниҳоятда мустаҳ-  
кам. Менда код рақамлари йўқ. Бу энг камида икки  
соат вақтни олади. Бор, колонка ёнидан жилма.

Мен меҳмонхонага кириб, сейфни кўздан кечирдим.  
У калитсиз бўлиб, фақат тегишли рақамларни тергач,  
очилар эди. Лола эшик ёнида турганча, мени кузатарди.

— Мен асбоблар учун бораман. Емакхонани ёпсак,  
яхши эмасми? Овқат бер, деб талаб қиладиган оч ми-  
жозларнинг бизга асло кераги йўқ.

— Емакхонани алақачон беркиттавман, — деди Лола.

Мен унинг ёнидан ўтиб, гараж томон юрдим, қан-  
дайдир асбобни олиб, уни катта қаноқ халтага солдим.  
Бу халта пул солиш учун керак бўлади. Гараждан чиқа-  
веришда йўлда яқинлашиб келаётган «Паққард» маши-  
насига кўзим тушди. Лола ҳам уни пайқади-ю, колон-  
ка томон кетди. Мен уй ёнида бўлганимда «Паққард»  
тўхтади. Машина ичида ўтирган икки кишини кўриб,  
аъзон бадавним музлаб кетди.

Улар полициячилар эди. Гарчи фуқаро кийимида бўлишса-да, адашишим мумкин эмас: иккаласининг ҳам гавдаси йирик, юзи қатъий боқадиган, жағи тўртбурчаксимон, кўзлари эса совуқ, синовчан эди.

Мен юришда давом этарканман, елкам терлаб кетганини ҳис этдим.

— Эй, тўхта, — деган ўктам овоз янгради.

Мен тўхтаб, ортимга ўгиролдим. Иккала полициячи ҳам машинадан тушиб, менга қараб қолишди. Лола ёнимда турар, у ҳам бу кишиларнинг кимлигини яхши билар, шу боис унинг асабий зўриқиши меникидан кам эмасди. Мен бутун аъзои баданимни чулғаб ваҳимани зўрға босиб, аста-секин уларга яқинлашдим.

— Бизнинг филдирак тешилган, — деди уларнинг гавдаси каттароғи. — Юкхонани қара. Тезда таъмирлаб бер. Мен захира филдираксиз тоғдан ўтишни истамайман.

— Хўп бўлади, — жавоб бердим мен, сўнг калитни олиб, юкхонани очдим. Иккинчи полициячи Лолага ўгиролди.

— Бакни тўлдириб, ёнилғи қуй. Бу йигит филдиракни созлагунича бирор нарса тамадди қилсак бўладими?

Мен Лолага қарадим, унинг бу таклифни рад этишга дармони етмасди.

— Сэндвич бўладими?

— Бўлади, фақат тезроқ. Биз шусиз ҳам кечикяпмиз.

Мен филдиракни юкхонадан олиб, уни устахонагача филдиратиб бордим. Бу иш билан йигирма дақиқалар чамаси машғул бўлдим. Ҳамма жойимдан шиф-шиф тер оқарди. Ихтиёримдаги вақт жуда оз қолаётган эди. Мен яна йигирма дақиқалар чамаси таъмирлаш билан шуғулландим. Полициячилар эса пиво ҳўллаб, сэндвич тановул қилиш билан овора эдилар.

Мен ишни тугатиб, филдиракни машина юкхонасига қўйганимда, соат тўққиздан ўн дақиқа ўтганини кўрсатарди. Бу вақтда мен Тропика-Спрингсга бориш учун тоғда бўлишни мўлжаллаган эдим. Ҳозир, энди Нью-



Йорк поездига ҳам улгуролмайман, шунақага ўхшайди, деб ўйланиб қолдим.

Полициячилар жўнаб кетганларидан сўнг колонка олдида иккита машина келиб тўхтади. Уларда бир гала очиққан йўловчилар ўтиришар, бирортаям эътирозга қарамай, фақат егулик талаб қилишарди.

— Бундан ҳеч нима чиқмайди, — дедим мен Лолага. — Бошқа кунга қолдиришга тўғри келади. Бу фикр менга аввал бошданоқ ёқмаган эди: ноқулай пайт танланган.

У менга совуқ нигоҳ ташлади ва емакхонага қараб кетди. Ҳақиқатан ҳам мутлақо ноқулай вақт танланган эди.

Кейинги икки соат давомида биз худди эшкакли қайиқлардаги қуллар каби зўр бериб ишладик. Машиналар бирин-кетин келиб тўхтар, йўловчиларнинг барчаси очиқдани яққол намоён эди. Фақат соат ўнларда ҳаракат бироз тўхтади. Биз, ҳар иккимиз ҳам тердан намиқиб кетган, азбаройи толиққанимиздан оёқда зўрға турардик. Тун ҳам жуда дим эди, мен келгандан бери энг иссиқ оқшом шу бўлса керак. Биз емакхона ўртасида турар, кулдонлар чекиб ташланган папирос қолдиқларига тўлиб кетган эди.

— Бор, сейфни оч, — деди кутилмаганда Лола.

— Бугун эмас, — жавоб бердим мен. — Энди жуда кеч бўлди. Бошқа кунга кўчиришга тўғри келади.

У мендан кўзини узмасди.

— Сен нима деганимни эшитдингми — сейфни оч!

— Йенсен тўрт соатдан кейин келади. Менда сейфни очиш учун вақт қолмайди.

Лола пештахтани айланиб ўтди ва деворга осилган телефонга яқинлашди.

— Сен ё сейфни очасан, ёки мен полицияга қўнғироқ қиламан. Танла!

— Сенинг ўзинг менга йигирма тўрт соат вақт берган эдинг-ку.

— У сенинг йўқлигингни эрталаб соат саккизгача билмайди. Сейф унга бир кундан кейин керак бўлади. Сенда

вақт айтилгандан ҳам кўпроқ даражада етарли. Сейфни оч, дедим, акс ҳолда мен полицияга қўнғироқ қиламан.

Мен Лоланинг ҳазиллашмаётганини англадим. Гаражга қайтиб, асбоб-ускуналар солинган сумкани олдим. Вақт ўн бирдан ўн дақиқа ўтган эди. Мен энди Тропика-Спрингсга кечаси соат учдан аввал боролмайман. Поезд жўнаб кетади. Фургонни шаҳарга кираверишда ташлашга тўғри келади. Йенсен полицияга қўнғироқ қилиб, менинг фургонда кетганим ҳақида хабар қилса, кифоя. Ана шунда улар худди асаларилардай менига ёпирилишади. Мен Тропика-Спрингснинг бирор панароқ жойида яширинишим ва тонг отишини кутишим керак. Сочни сийраклаштирадиган ва бошдан-оёқ кийимни алмаштириш имконияти ҳам бор эди менда.

Мен энди уйга кирмоқчи бўлганимда, колонка олдига юк машинаси келиб тўхтади. Лола емакхонадан чиқиб, унга қараб йўналди. Мен меҳмонхонага кириб, чироқни ёқдим, кушеткани суриб қўйдим ва сейфнинг олдига чўкка тушдим. Дискни айлантирган эдим, у енгилгина ҳаракат қилди, бу эса яхши аломат эди. Олдинга эгилиб, сейфнинг совуқ эшигига қулоғимни қўйдим ва дискни соат мили йўналишида эҳтиёткорлик билан айлантира бошлади.

Бир неча сониядан сўнг мен ўзим кутган товушни эшитдим. Биринчи енгил шиқиллаш. Мен дискни орқага айлантирдим ва яна бошидан бошладим. Ҳеч қандай қийинчилик рўй бермади. Фақат тажрибага таяниб, унинг фарқ қиладиган товушини билиш керак эди, у рақамлар мос келганда чиқарди. Бу барча сейфлар ичида энг соддаси ва ишончсизси эди.

Мен ушбу операцияни олти марта такрорладим, сўнг эшикни тортиб, сейфни очдим. Агар соатим ёлгон кўрсатмаса, бу бор-йўғи ўн бир дақиқани олди, холос. Пулларнинг бари жойида эди. Юз долларлик пулларнинг қунт билан тахланган тахламлари — дунё бўйлаб саёҳатга ғамланган, меҳр-муҳаббат ила йиғиб қўйилган қоғозлар. Мен сумкага қўл узатиб, биринчи тах-

ламни олганим асносида бирдан ортимдан шитирлаш эшитилди.

— Жин урсин, Жек, бу ерда нималар қиялпсан?

Бу Йенсеннинг овози эди.

Мен, назаримда, икки сония карахт бўлиб қолдим: очиқ сейф олдида қўлимда бир тахлам пулни ушлаган кўйи ўтирдим, сўнг елкам оша секин ўгирилиб қарадим.

У эшик ёнида, менга қараб турарди. Юз ифодасида ҳайрат, рўй берган воқеадан лол бўлиш ҳолати қотиб қолган эди.

Мен жўнаб кетган юк машинасининг овозини эшитдим. Аҳволим ўша-ўша, тиззамда чўккалаганча, қимирлашга ҳолим келмай, фақат Йенсенга қараб қотган эдим.

У ўзининг оғир гавдасини меҳмонхона ичига олди.

— Жек! Сен бу ерда нима қиялпсан?

Мен шошилмай ўрнимдан турдим.

— Мен жуда афсусдаман, жаноб Йенсен, — дедим. — Эҳтимол, сиз, пулимни ўғирлаяпти, деб ўйлаётган бўлсангиз керак, аммо бундай эмас. Мен қасам ичаман. Биламан, сиз айнан шундай деб ўйлаяпсиз, аммо сиз менга ишонишингиз керак.

Эшиқда Лола кўринди. У худди оппоқ сурп каби оқариб кетган, бутун вужуди титрар эди.

— Бу ерда нималар бўляпти? — жазавага тушиб, қичқириб юборди Лола. — У сейфни очдимми? Мен аллақачон билган эдим! Мен сени огоҳлантирган эдим-ку, Карл! Мен унга ишониб бўлмаслигимни билардим. У мен ошхонада бўлганимда, бу ерга кириб олган!

Йенсен, афтидан, Лолани умуман эшитмас эди. У аввалгидек, ҳамон меңдан кўзларини узмасди.

— Сен бу ерда нима қиялпсан, Жек? — деб такрорлади у. Йенсеннинг товушида шу қадар оғриқли алам бор эдики, у тамоман аъзоларимни қақшатиб юборди. — Тушунтириб бера оласанми?

— Ҳа, тушунтира оламан. Биринчидан, мен Жек Пэтмор эмасман. Бу менинг исмиим эмас. Мени Чет Кар-

сон дейишади. Фервуортдан бир ярим ой муқаддам қочган маҳбус.

Мен Йенсеннинг юзи қанчалик ўзгариб кетганини кўрдим. У оҳиста ҳаракатланиб, кушетка олдига келди ва унга ўтириб олди.

— Мен бу ҳақда ўқиган эдим. Демак, сен — Карсон...

— Ҳа. Лола менинг суратимни эски газетада кўрган экан, бу газета баққол қутисида сешанба куни келиб қолганди. Лола мени таниди ва агар мен сейфни очиб, у пулларни ўмара олса, полицияга топширмаслигини айтди.

— Сен алдаяпсан! — қичқириб юборди Лола. — Карл, гапларига ишонма, у ёлғон гапиряпти. У ўз жонини шу йўл билан қутқариб қолмоқчи! Мен полицияга қўнғироқ қиламан!

Йенсен унга астагина бурилиб қаради.

— Мен қачон лозим топсам, ўшанда полицияга қўнғироқ қиламан. Сен аралашма.

— У сени алдаяпти, деяпман. Сен, ахир, бу нусхага ишонмайсан-ку!

— Тилингни тий!

Йенсен деворга суяниб қолди. Унинг нафаси етмас, ўзини қўлга олишга ҳаракат қиларди. Сўнг менга бурилиб қарар экан, сўради:

— Жек, яна нима гап? Бор гап шуми? — деди.

— Мен ҳамма пулларни олмоқчи эдим, — жавоб бердим мен, — Лолани беҳуш қилган ҳолда Тропика-Спрингсга кетмоқчийдим. Кейин пулларни ортга қайтариб, хат орқали ҳаммасини изоҳламоқчи эдим. Бор ҳақиқатни ёзаман, дегандим. Ўшанда сиз менга ишонар ва келгусида ҳар қандай нохушликлардан муҳофазаланган бўлар эдингиз.

Йенсен менга камида беш сония синчковлик билан тикилиб турди. Мен ҳам унинг кўзларига кириб қоқмай қарадим. Шундан сўнг Йенсен нигоҳини Лолага қаратди. У кўзларини олиб қочди.

— Лола, сен уни алдаяпти, деяпсанми?

— Албатта, ҳамма гапи ёлгон!

— Ундай бўлса, кўзларимга тик қара-чи!

Аммо Лола қарай олмади. У ҳаракат қилди, аммо нигоҳлари тўқнашганида, кўзларини четга оларди. Йенсен аста қадини ростлади. У гўё бирдан қаригандай, қартайгандай бўлиб, елкалари қандайдир букчайиб қолди.

— Бориб ухла, Лола. Сен билан эртага гаплашамиз. Бу кеча навбатчилик қилишнинг ҳожати йўқ, бу ишлар билан мен ўзим машғул бўламан. Бориб ухла.

— Буни-чи, нима қилиш керак? — деб сўради Лола. — Мен полицияга қўнғироқ қиламан.

Йенсен хона ўртасидан ўтиб, Лоланинг қаршисига борди. Бақувват қўллари билан унинг елкаларидан ушлади-да, силкитди.

— Бориб ухла! Полицияга ҳеч ким қўнғироқ қилмайди!

Уни хонадан итариб чиқарди, сўнг қайтиб келиб, кушеткага ўтирди. Мен эса ҳамон очиқ сейф ёнида турардим.

— Сиз менга ишонасиз, деган фикрда эмасман, албатта, — дедим мен. — Аммо яна Фарнуортга тушиб қолиш куч-қудратимдан устун келди, шу тариқа Лоланинг пўписаларига таслим бўлдим.

— Ҳаммаси ғалати, тўғрими? — деди Йенсен паст, руҳсиз овозда. — Учрашув олдидан легион президентида юрак хуружи бошланиб, тадбирни қолдиришди. Кимнингдир юраги тўхтади ва у ўлади, бошқаси эса хотини палид эканлигини билиб қолади.

Мен музлаб қолгандай бўлдим.

— Сиз, нима, менга ишонасизми? Мени рост гапирди, деб ўйлаясизми?

У тиззаларини кафти билан арта туриб, менга нигоҳ ташлади.

— Мен сенга, эркалар билан муомала қилишда хато қилмайман, деган эдим, аммо аёллар билан, афтидан, ҳаммаси аксинча.

Мен чуқур хўрсиндим.

— Раҳмат, — дедим мен. — Сиз пуллариңизни қайтариб олишингиз турган гап эди. Уларни сақлаб қолишининг бошқа йўли йўқ эди.

Йенсен очиқ сейфга қараб, елкаларини қисиб кўйди.

— Сенинг кетишингга тўғри келади, Жек. Бу ерда қолиш хавфли. У барибир сени сотади, бунга шубҳаланмасанг ҳам бўлади.

— Тўғри.

— Мен сенга пул бераман, фургонни ҳам олиб кетишинг мумкин. Сен қаерга қочишни мўлжаллаган эдинг?

— Нью-Йоркка. У ерда кўзга кўринмай кетишим мумкин.

— Мен сенга ўттиз минг доллар бераман. Сен бу пуллар билан ўз ишингни бошлашинг мумкин, — деди Йенсен.

Бу гапни эшитиб, менинг оғзим очилиб қолди.

— Нималар деяпсиз, керак эмас. Мен бунча ололмайман. Мени яхшиликни билмайдиган деб ўйламанг-у, ammo шунчаки бу пулларни ололмайман.

— Сен ололасан ва олишинг керак, — деди у кўзларимга тикилиб. — Мен ёлғиз ўзим саёҳатта чиқолмайман. Энди бу пуллар менга эмас, сенга керак. Мен ҳаётда ҳеч кимга сенчалик яхши муносабатда бўлмаганман, Жек. Сен бу пулларни олишинг керак, — у ортига ўтирилди. — Мен сени соғинаман.

Шундан сўнг Лолага кўзим тушди. У вақтни бекор кетказмаган эди: кийинишга улгурган, эғнида яшил кўйлак. Оқариб кетган юзида кўзлари чақнаб турарди. Ўнг қўлида қирқ бешинчи калибрли тўшповча ушлаб олган, бу қуролнинг қоп-қора учи тўғридан-тўғри бизга қаратилган эди.

Хонада қандайдир вақт ичида жимлик чўқди, бу осуда-  
далиқни фақат соатнинг чиқиллаши ҳамда Лоланинг  
нафас олиши бузиб турарди. Йенсен Лоладан нигоҳи-  
ни олиб, тўппончага қаратди, сўнг яна унга тикилиб,  
ўз кўзларига ишонмай қолди.

— Сенга нима бўлди, Лола?..

— Қимирлама, — унинг овози кескин янгради. — Пул-  
ларни мен оламан! У бир цент ҳам ололмайди!

— Лола! Сен ақддан озибсан! Тўппончангни тушир —  
у ўқланган!

— Қимирлама ва диққат билан эшит. Бу турмуш жо-  
нимга тегди. Мен сендан ҳам, анови жиноятчидан ҳам  
бўғзимгача тўйдим. Мен кетаман, пулларни ўзим би-  
лав оламан. Менга халақит бераман, деб хаёлингга ҳам  
келтирма.

Йенсеннинг юзи оқариб, ҳуши бошидан учди.

— Нималар деяпсан, уялсанг-чи! Бу пуллар яккала-  
миз учун эди. Мен уни ўттиз йил давомида йиққан-  
ман, бир центлаб тўшлаганман, уларни сен ололмайсан!  
Тўппончани вари ол ва жиниликни бас қил!

— Мен пулларни оламан! Агар сен тўсқинлик қил-  
санг, мен хавфли жиноятчини яширган деб полицияга  
хабар бераман, яна, бу пуллардан солиқ тўламаган, деб  
айтаман. Йўлимдан қоч, акс ҳолда ўзингга ёмон бўлади!

Йенсен юзи ғазабдан қип-қизариб, ўрнидан сапчиб  
туради.

Мен очиқ сейф олдида эдим. Лоланинг дўқ-пўписа  
давомида тўппонча ўқталаши менга сира ёқмаётган эди.

— Эсингни жойига келтириб қўйишга тўғри келади,  
сен хотиннинг! — деди Йенсен. — Мен жуда ҳаддингдан  
ошириб юбордим. Сени яхшилаб занжирлаб қўйиш  
керак, мен бу ишни қиламан ҳам!

— Эҳтиёт бўлинг, — деб қичқирдим мен ва тиззам  
билан сейф эшигини итариб юбордим. У қаттиқ ша-

рақлаб ёпилиб қолди. Лоланинг юзи заиф газабдан бўғриқиб кетди. Лола сейф автоматик тарзда ёпилиб қолишини яхши фаҳмлаб олган эди.

Ўқ товуши янграгунча Йенсен Лоланинг олдига етай деб қолган эди. Гумбурлаган овоздан дераза ойналари зирллаб кетди. Мен даҳшат ичида қараб қолдим.

Йенсен қандайдир оний лаҳзалар ичида тек қотди, сўнг унинг савлати, улкан гавдаси аста-секин ина бошлади. У аста-секин стулларни ағдарганича йиқилди, оғирлигидан пол гичирлаб кетди. Лоланинг чинқириғи эшитилди, у тўппончани тушириб юборди ва юзини қўллари билан тўсган кўйи орқага ўтирилди.

Менда асабий қалтираш бошланди. Йенсеннинг жасади узра эгилдим. Унинг чап биқинида қизил доғ бор эди. Ўқ муқаррар теккан, ўлим бир зумда рўй берган эди. Бунга кўзларим ишонмасди. Мен Йенсеннинг кўлини ушлар эканман, нурсизланиб қотиб қолган кўзларига тикилардим.

— Сен уни ўлдирдинг! — дедим.

Лола бор овозда йиғлаганча хонадан югуриб чиқиб кетди. Ётоқхонасидаги эшик қарсиллаб ёпилди. Мен Йенсеннинг жасади олдада тиз чўкканча, нима қилишимни билмасдим. Полицияга кўнғироқ қила олмайман. Лола, Йенсенни Жек ўлдирди, дейишдан тоймаслиги мумкин. Ўз жонини қутқариш учун у бу ишни бемалол адо этади. Уларга менинг кимлигимни ҳам айтиши мумкин. Полицияга Фарнуортдан қочган жиноятчи эканлигимнинг ўзи кифоя, бошқа ҳеч қандай исботнинг ҳожати йўқ.

Тўсатдан мен тормоз овози ва бетоқат гудокнинг чинқиригини эшитдим. Меҳмонхонадаги пардалар туширилган ҳамда хонадаги жиҳозларни пайқаш мумкин эмасди. Агар мен тезроқ чиқмасам, улар бизни излаб, бу ерга мўралашлари ҳамда полда ётган жонсиз Йенсеннинг жасадига кўзлари тушиши мумкин эди. Ташқарига чиқар эканман, оёғим тўппончага тегиб кетди, уни ердан олиб, чўнтагимга солиб қўйдим. Эшикни ёпиб, колонка олдига бордим.



У ерда ҳашаматли, ғоят катта «Крайслер» — қўлда йи-  
рилган машина турарди. Олдинги ўриндикда оқишдан  
келган аёл ўтирар, ҳайдовчи эса ўрта ёшлардаги тўла  
эркак эди. Улар машинадан тушишди.

— Бакни тўлдир, — деди у мен яқинлашганимда. —  
Биз очмиз ҳам.

Мен худди туман ичида юргандай эдим. Бақалоқ-  
нинг нима деётгани қулоғимгача етиб келмаётган, бак-  
ни эса ихтиёрсиз равишда тўлдирар эдим.

— Эй сен, қулоғинг том битганми? — деди у овозини  
кўтариб. — Биз очмиз!

— Узр сўрайман, емақхона ёпилган.

Мен уларни тезроқ кузатиб, даф қилмоқчи эдим, аммо  
у такалуфни билмайдиган бойваччалардан, шекилли,  
бобиллаб берди:

— Ундай бўлса, очгин, жин урсин сени! Биз тамадди  
қилишни истаймиз, сенинг ишинг эса бизни овқат-  
лантириш!

— Афсусдаман, сэр, аммо емақхона ёпилган, — дедим  
мен бак қопқоғини маҳкамлар эканман.

— Бу газакхона сенга қарашлими?

— Йўқ.

— Хўжайин қани? Мен у билан гаплашаман, манови  
жин ургур емақхонани очсин!

— Гарри, азизим... — заиф оҳангда гап ташлади оқиш-  
дан келган хоним.

Мен бурилиб унга қарадим.

— Сен аралашма! Мен ўзим ҳал қиламан. Хўжайин  
билан гаплашаман. Мен ҳеч қачон майда-чуйда хиз-  
матчилар билан гаплашиб, вақтимни беҳуда ўтказмай-  
ман.

Бақалоқнинг уй томон йўналганини кўриб, бирдан  
сергақланиб қолдим.

— Яхши, яхши, — дедим мен унинг олдини тўсиб. —  
Мен бирор егулик тайёрлаб бераман. Хўжайин ётибди.  
У менга қараб, тўхтади:

— Мен сенинг устингдан шикоят қиламан.

— Ҳозир бирор егулик тайёрлаб бераман, — дедим сўзимни такрорлаб ва емакхона эшигини очиб, чироқни ёқдим. Бақалоқ хотинини қандай кўндираётганини эшитиб қолдим:

— Турсанг-чи, ўтириб олганингни қара! Сен ўзинг айтдинг-ку, овқат егим келяпти, деб.

Улар менинг ортимдан кириб, столлардан бири атрофида жойлашишди.

— Сизларда нима бор ўзи?

— Товуқли сэндвич ёки молнинг биқин гўштидан қилинган совуқ ростбиф, — деб жавоб бердим мен. Овқат тўғрисидаги доимий бир хил фикр менинг кўнглимни айниятиб юборган эди.

— Товуқ гўшти! Фақат тезроқ келтир! Нонни ушлашдан олдин эса қўлингни юв.

Мен ошхонага кирдим. Столда бир пиша виски турган эди. Ундан бир ҳўладиму, сўнг совуткичдан товуқ гўшти олиб, нонни кесдим. Қаҳвани қайнатиб, буларнинг барини патнисга қўйиб, уларни залга олиб чиқдим.

Эркак нимадандир норози бўлиб, сэндвич тановул қила бошлади. Мени бирдан совуқ тер қошлади ва қайт қилиб юборгим келди. Қандай бўлмасин, вискини ичмаслигим керак эди. Агар очиқ ҳавога чиқсам, ҳушдан кетишим мумкин, шусиз ҳам аҳволим ёмон. Тунги иссиқ ҳаво ҳам мени ҳушёр торттирмади. Мен машина тўғрисида нимадир деб мингирладим-у, емакхона бурчагига зўрға ўтишга улгуриб, қусиб юбордим. Бир неча дақиқадан сўнг ўзимга кела бошладим. Ерга ўтириб, деворга суянганимча бошимни қўлларим орасига олдим-у, ўйга берилдим.

Мен боши-кетя йўқ бир ишга аралашиб қолган эдим. Лола карахтлиқдан ўзига келгач, эрининг ўлиמידан қанчалик оғир аҳволга тушганини мулоҳаза қилиб кўради. Бу ундан кўп вақтни олмаслигига асло шубҳаланмас эдим.

Мен Йенсеннинг ўлими тасодифий эмаслигини биламан, бунга асло шубҳам йўқ. Лола жиззакилиги ту-

файли тўпловчани силтаб юборган ва у отилиб кетган. Аммо у буни полицияга тасодиף деб кўрсата олмайди. Улар тўпловча Лоланинг қўлига қандай тушиб қолгани билан қизиқиб, бу ҳақда билишга ҳаракат қиладилар. У эрининг жамғармасини ўғирлашга уринганига иқрор бўлишига тўғри келади. Ана шу айбини бўйнига олгани заҳоти унга одам ўлдиришга қасд қилганлиги айбини тақиб қўйишади.

Бу ишларнинг барини менга юклаб қўйишга қанча вақт кетар экан? Мен талончи ва қотил ролига жуда мос келаман. Лола полициячиларга Йенсен легионерлар билан учрашувга кетишидан олдин мени у билан ёлғиз қолдирганини айтади. У ошхонада иш билан банд эди, мен эса уйга суқилиб кириб, сейфни очганман. Йенсен кутилмаганда устимга келиб қолганида, мени жиноят устига қўлга туширади ва мен уни ўлдирган бўлиб чиқаман. Ҳа, Лоланинг бу кўрсатмаларига ишонишади. Мен, ахир Фарнуортдан қочган пишяқ-пухта қочоқман-да!

Ҳозир менинг биринчи телба фикр-ўйим фургонни олиб, Тропика-Спрингсга суқилиб киришга қаратилган эди, аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам, мен телефон қўнғироғидан ўзиб кетолмайман. Лола жўнаб кетганимни билган заҳоти полицияга қўнғироқ қилади, улар эса мени доводда кутиб туришади. Борди-ю, мен телефонни ишдан чиқариб, Лолани боғлаб кетсам ҳам, кимдир ёнилғи олишга келса, уни халос этади. Демак, бу қарорим иш бермайди.

Тўсатдан ялт этиб хаёлимга бир фикр келди: борди-ю, мен Лоланинг чангалида бўлсам, у ҳам менинг қўлимда турибди-ку, ахир! У пулга қанчалик зориққанини тушунаман, пул Лола учун дунёдаги энг азиз неъмат. Борди-ю, у мени полицияга топширадиган бўлса, менга фақат бу пуллардан солиқ тўлаётганини айтиш қолади, шундан кейин Лола пулларни ҳеч қачон кўрмайди. У Йенсенга айнан ана шу билан пўшиса қилган бўлса, мен ҳам шу тарзда унинг ўзини кўрқитишим мумкин.

Полицияга бор гапни айтиб берсам, Лола бу пулларни кўрмайди. Агар ҳаммасини тўғри бажарсам, менда имконият бўлади.

Мен Йенсеннинг жасади ҳақида ўйлаб қолдим. Уни кўмишимга тўғри келади. Шу билан бирга Йенсеннинг йўқлигига баҳона ўйлаб топишим керак.

Мулоҳаза юритиш учун бошқа вақт йўқ эди менда.

Бақалоқ ва унинг оқишдан келган аёли емакхонадан чиқиб, ўз машиналари томон йўл олишди. Мен ўрнимдан туриб, уларнинг ортидан юрдим. Бақалоқ айтган ҳисобимни тўлади ва ҳеч нима ёқмаганлигини, буларни ўз танишларига албатта айтиб беришини айтди.

Улар жўнагани ҳамон мен уйга отилдим.

Ўз вақтида улгурган эканман. Кириш эшиги ёнига етар-етмас телефон тинғиллаётганини эшитдим.

У полицияга қўнғироқ қилаётган эди.

## 2

Телефон кириш эшиги ёнига қўйилган эди.

Лола телефон дискини айлантирар экан, менга қаради. Қарашлари даҳшатли: ранги ўчган, саросимали кўзлари чақчайган, лаблари худди бўр суриб қўйилгандек оппоқ эди. Биз бир-биримизга тикилдик. Унинг қўлида телефон гўшаги, менинг қўлимда эса тўппонча бор эди.

— Гўшакни жойига қўй, — дедим мен. — Тезроқ!

Лола тўппончани кўриб, оппоқ юзи ола-чипор бўлиб кетди. Афтидан, мени ўқ узиб ўлдиради, деб ўйлади. Қалтираётган қўли билан гўшакни осиб қўйди.

— Ётоқхонангга бор. Биз гаплашиб олишимиз керак.

У ўзининг ётоғига кирди, мен ортидан бордим. Эшикни ёпиб, унинг рўпарасига ўтириб олдим.

— Сен полицияга қўнғироқ қилдингми?

У мендан кўзини узмасдан, икки кафтини тиззала-ри орасига олиб, каравотга ўтириб олди.

— Сен унинг ўлимини менга ағдармоқчи бўлдинг-а?  
— деб сўзимни давом эттирдим мен. — Билиб қўй, бу

фикр унчалик ҳам яхши чиқмайди. Агар сен сейфдаги пулларни олмоқчи бўлсанг, яхшиси, уларни унут. Мени полиция қамоққа оладиган бўлса, эринг улардан ҳеч қандай солиқ тўламаганини айтаман, бу эса уларни жудаям қизиқтиради. Солиқ назоратчилари пулларни ҳисоблаб, жарималар белгилагач, сенга жуда оз маблағ қолади, билмадим, умуман қолармикан-йўқми, Худо билади. Қўнғироқ қилишдан олдин бу ҳақда ўйлаб ҳам кўргин.

Лоланинг юзидаги ифодалар ўзгариб кетганини кўриб, менинг сўзларим нишонга текканини англадим.

— Мен сенинг телефондан фойдаланишингни ҳар доим ҳам кузатиб юролмайман, аммо огоҳлантириб қўяй: агар бордию, сен мени полиция қўлига топширмоқчи бўлсанг, мен бу пуллар қўлингга тушмаслиги учун барча чорани ишга соламан. Ўзинг ҳал қил. Мен бошқача ёндашишни тавсия қилган бўлардим: уни кўмиш керак, кейин эса кўринмаётганлиги сабабларини ўйлаб топиш зарур, бироз вақт ўтгандан кейин мен, энди мумкин, деган қарорга келсам, сен ўз пулларингни олиб, бирор томонга жўнаб кетарсан.

— Бу тасодифан рўй берди, — деди Лола бўриқ овоз билан. — Агар сен унинг жасадини яширмоқчи бўлсанг, улар барибир топиб олишади ва бу ҳақиқий қотиллик ҳисобланади.

Ҳа, ҳар ҳолда Лола вазиятни муҳокама қилишга тайёр. Менинг иафас олишим енгиллашди.

— Сен бунинг тасодиф эканлигини исботлай оласанми? Агар бир ўзинг бўлсанг, эҳтимол, бу мумкин-дир, аммо мен ҳам бор эканман, бу бутунлай бошқа гап! Сен ўзинг танла: мабодо сенга пуллар керак бўлмаса, майли, полицияга қўнғироқ қил, мен сира халақит бермайман. Агар пуллар керак бўлса, биз Йенсенни кўмишимиз керак.

У беш ёки олти сония нима қилишини билмай, менга қараб қолди, бу жуда ёқимсиз ҳолат эди. Умуман айтганда, мен Лола полицияга қўнғироқ қилмайди, де-

ган ўйда эдим. Борди-ю, у телефон гўшагини қўлига олганида ҳам уни тўхтатишимга тўғри келади. Ниҳоят, Лола тилга кирди:

— Пулни менга ҳозир бер. Мен кетаман ва сўз бериб айтаманки, бировга оғзимни очиб, сен тўғрингда гапирмайман.

— Йўқ. Мен, хавф-хатар арди, деб ҳисоблаб, бир қарорга келган пайтда сен пулга эга бўласан, бир дақиқа ҳам олдин эмас. Агар кутишга тоқатинг етмаса, майли, полицияга қўнғироқ қил ва пуллар билан бир умр хайр-лашиб қўя қолгин.

Лола қандай қилиб боши берк кўчага кириб қолганини энди англаб етди. Унинг юзида умидсизлик акс этди, афсус-надомат ва, ниҳоят ғазаб ҳиссиётлари ифодаланди.

— Даф бўл! — деб қичқириб юборди у. — Йўқол!

У каравотдан юзтубан ағдарилиб тушди ва бақириб йиғлай бошлади. Мен эса қолиб бўлганимни биллиб, хонадан чиқдим, ортимдан эшикни беркитдим. Лоланинг ўзига келиб олиши учун бироз вақт беришим керак, ана шундан кейин у Йенсенни кўмишимга ёрдам бериши мумкин. Соатимга қарадим: ўн икки яримдан сал ўтибди. Ўйлаганларимни амалга ошириш учун ҳали анча барвақт. Қабрни қазिशга қиришганимизда, бизни ҳеч ким безовта қилмаслигига тўла-тўқис ишонч ҳосил қилиш керак эди.

Мен емакхонага қайтиб келиб, вақтдан ютиш учун уни йиғиштириш билан банд бўлдим. Мен шошилар, ҳеч нимани ўйламасликка ҳаракат қилар эдим, аммо вақт ўтган сари бутун фикру зикримни меҳмонхона полида ётган улкан бақувват жасад эгалаб олди.

Кечаси соат ўн икки ярим билан бир орасида бешта юк машинаси ёнилғи олиш учун тўхтади. Соат бирдан кейин эса келиш мутлақо тўхтади. Мен Лола нима қилаётганини билиш мақсадида уни кўрмоқчи бўлдим. Ётоғида ҳали ҳам чироқ ёниб турар, мен эшик тутқичини бураганимда, очилмади — ичкари томондан ёпиқ эди.

— Лола! Қўявер энди! Менга сенинг ёрдамнинг керак!

— Кет! — деб қичқирди у эшик ортидан. — Мен сенга ёрдам беришни истамайман! Сен мени ҳеч қачон мажбур қилолмайсан! Кет!

Лоланинг овозида жазава аломати бор эди. Бу аҳвол билан ҳисоблашиб ўтиришга менда вақт ҳам, имкон ҳам йўқ. Афтидан, ҳамма ишни менинг ўзим бажаришим керакка ўхшайди. Жасадни қаерга кўмиш кераклигини ҳам ўйлаб қўйдим. Даставвал, мен уни саҳрога дафн этишни ўйлаган эдим, аммо қабр қазиб бўлгунимча, бирор кимса келиб қолиши мумкин. Ниҳоят омборлардан бирига кўмишга қарор қилдим.

Қўлимга чўкич ва белқуракни олиб, омбор томон йўл олдим ва металл парчалари тўшланган бурчак ёнидан тупроқ қазий бошладим. Тун дим эди, шу боис бир фут чуқурлик қазиб-қазимай, жиққа тердан ҳўл бўлиб кетдим. Тўрт фут қазигач, шу етар, деган қарорга келдим. Соат уч ярим эди. Мен чуқурдан чиқиб, ўзимнинг хонамга йўл олдим. Душ қабул қилдим, ўзимдаги кир ва терларни ювиб ташлаб, тоза коржомо кийиб олдим.

Лоланинг хонасида ҳамон чироқ ёниб турарди. Мен даҳлизда тўхтадим ва қулоқ солиб турдим. Атроф бутунлай осудалик қўйнида эди. Мен меҳмонхона эшигини итардим, пайпаслаб ёққични топиб, чироқни ёқдим. Йенсеннинг улкан жасади ўзи қулаган жойида ётарди. Ундан оққан қон жуда оз, гиламдаги доғ увчаллик катта эмас эди.

Мен жасадга қўлимни теккизиб кўрдим, у қота бошлаган эди. Бундай оғирликдаги юк билан бир соатдан кейин ҳам ишни битиролмайман. Жасадни елкамга ташлаб, омборга олиб боришга мутлақо кучим етмайди, бунга ишончим комил. У энг камида икки юз ўттиз фут ваизга эга эди.

Мен тик турган ҳолда юқоридан унга қарадим. Қизиқ ҳолат — у энди мен учун бор-йўғи ўлик танадан иборат эди. Бундай лаҳзада унинг ўлими туфайли келадиган руҳий изтироблар аллақачон ўтиб кетган, жасадни ти-

риқлик аломати билан руҳ ҳам тарк этган эди. Бу ўта ҳайбатли, совуқ жасад мен учун ҳеч қандай маънога эга эмас эди. Карл Йенсен — мен яхши кўрган ва фахрланган шахс вужудни тарк этган. Энди бу жасад мен учун таҳдид пайдо қилмоқда ва ундан имкон қадар тезроқ қутилиш керак.

Омборга қайтиб келиб, мен аравагани олдим, ундан оғир темирларни ташишда фойдаланар эдик, сўнг уйга қадар судраб, зиналардан юқоригача тортиб чиқардим. Шовқин кўтарилган бўлса-да, энди менга барибир эди. Лола эса гап нимада деб ҳам бир бор чиқмади. Назаримда, у ғазабга миниб, менга ёрдам бермасликни ўйлаган бўлса керак. Мен Йенсеннинг жасадини аравачага бир амаллаб ордим-да, уй бурчагидан ташқарига, йўлда бирор машина кўринмасмикан, деб қарадим.

Ёниб турган фара чироқлари кўринмас эди. Тоғлар тепасида осилиб турган ой худди юмалоқ хитойча мандаринни эслатар эди.

Мен меҳмонхонага қайтиб келиб, аравагани эшикнинг чиқаверишига олиб келдим. Уни эндигина эшик ёнига келтиргандим, телефон жиринглаб қолди.

Тўсатдан жаранглаган кескин товуш туфайли юрагим тўхтаб қолаёзди. Мен кичкина стол устида турган телефонга қарадим. Секин бориб гўшакни кўтардим.

— Алло?

Бундай пайтда ким кўнғироқ қилди экан? Соат йигирмата кам тўрт эди.

— Йенсен, сенмисан?

Товуш баланд ва жарангдор бўлиб, енгил скандинавча лаҳжада эди.

— Йўқ. Ким сўраяпти?

— Менга жаноб Йенсен керак эди. Унга Хэл Лэш, деб айт. Мен у билан гаплашмоқчиман.

— Жаноб Йенсен ухляпти, — жавоб бердим мен. — Мен уни безовта қилмоқчи эмасман.

— Унга, Хэл Лэш, дегин. Шунда у гўшакни олади. Мен у билан ўзимизнинг президентимиз дафн маро-



сими тўғрисида маслаҳатлашмоқчи эдим. Карл мотам маросимида сўзга чиқадими, шуни билмоқчиман. Агар уни уйғотсанг эътироз қилмайди. Хэл Лэш қўнғироқ қилди, десанг, кифоя.

— Мен унга гапингизни эрталаб етказаман. Ҳозир безовта қилолмайман.

— Сен ўзинг кимсан? — у аччиқланганидан нафаси тикилиб қолди. — Сенга нимани буюришса, шуни қил! Мен Карлни жуда яхши биламан, у мен билан гаплашади.

Мен чуқур нафас олиб, хўрсиниб кўйдим.

— Менинг ким бўлишимнинг аҳамияти йўқ, — дедим худди шундай оҳангда. — Сиз ҳам, бошқа жин ургур швед ҳам бу вақтда жаноб Йенсенни безовта қила олмайди! У тўшақда ётибди, хотини ҳам бирга! Сиз эрталаб соат тўртда дафн маросимини ўтказиш учун у билан маслаҳатлашмоқчи экансиз, бу кимга ҳам керак? Эрталаб қўнғироқ қилинг!

Мен гўшакни ташладим. Яна қўнғироқ қилармикан, деб бироз кутдим, аммо бошқа қўнғироқ қилмади. Менинг телефон ёнида уч дақиқа турганим мисоли уч соатдек чўзилди, сўнг бирорта машина келмаяптмикан, деб яна йўлга қарадим. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилдим. Аравачани зинапоялардан тушириб, омборгача суриб келтирдим, кейин эса ўзим қазган қабр олдига олиб келдим. Жасадни чуқурга тушириб, уни тупроқ билан тўлдирдим.

Қабрни тупроқ билан тўлдириб текислаш ва шиббалашга бир соатга яқин вақт кетди. Бу, албатта, Йенсен каби ажойиб одам учун номуносиб дафн ҳисобланади, аммо менга электр стули таҳдид солиб турган пайтда нима ҳам қила олардим.

Мен, ҳеч бўлмаса қабр тепасида ибодат сўзларини айтиш керак, деб ўйладим, аммо бу сўзларни бир замонлар билардим, ҳаммасини унутиб юборибман.

Қабр устига оғир дастгоҳни суриб кўйдим, атрофини супуриб, чўкич ва белкуракни йиғиштириб, ҳамма

томонига назар ташладим. Мен яхшигина тер тўқкан эдим — ҳеч ким дастгоҳ тагида, тўрт фут чуқурликда мурда кўмилган, деб ўйламасди. Чироқни ўчириб, флигелга қайтдим. Ечиниб, яна бир бор душ қабул қилдим, каравотга келиб ётдим.

Офтобнинг нур сочиб турган ярқироқ зарралари қопқора осмон манзарасида тоғ чўққиларини ёритди. Бир соатдан сўнг қуёш чиқади.

Мен бу кеча уйқудан кечиб, ҳаддан зиёд оғир дамларни бошимдан кечирдим. Чекиб, шифтга тикилганча ўйланиб қолдим. Йенсеннинг узоқ вақт кўринмаслик важларини ўйлаш фурсати етган эди. Бу швед — Хэл Лэш эрталаб кўнғироқ қилади. Уни нимадир деб чалғитиш керак. Менинг ўйлаганларим ишончли тарзда янграмайди, у битта-ярим кишида, ҳатто Лэшда ҳам шубҳа уйғотиши мумкин, ана шунда зудлик билан полиция бостириб келади. Улар менинг шахсимни текширишлари мумкин, ўшанда менинг кўшиғим куйлаб бўлинган, деяверинг. Уйдирма ҳақиқатга жуда мос келиши керак.

Соат олтию ўттизда, яъни биринчи юк машинаси тоғлар оша бензин колонкаси ёнига келиб тўхтаганида менинг уйдирмам тайёр эди. Бу ғоя юз фоиз кафолатли бўлмаса-да, ҳар ҳолда ҳақиқатга анчайин яқин эди.

Мен тердан ҳўл бўлиб, эзгин ҳолда тўшагимдан турдим ва колонка олдига бордим. Ҳайдовчи менга бош ирғади. У семиз ва ёши ўтган киши бўлиб, чиркин, соқоллари ўсиб кетган юзига қараб, бутун тунни руль чамбарагини ушлаб ўтказгани шундоққина кўриниб турарди.

— Қаҳва масаласини ҳал қилса бўладими, йигит? — деди у. — Сизлар иш бошладингларми ўзи?

— Албатта. Сабр қил, ҳозир тайёрлаб бераман.

Мен юк машинаси бақини тўлдирдим, сўнг емакхонага кириб, оловга қаҳвани кўйдим. У кириб, стулга ўтирди.

— Бирор егулик тановул қиласаями? Чўчқа гўшти билан тухум қовуриб берайми?

— Бўлади, маъқул.

Мен нонушта тайёрлагунича у сигарет чекди ва тирсагини устунга тираб, суҳбатни бошлаб юборди.

— Назаримда, бир йилдан сўнг ёки ўша муддатга яқин вақтда бу машғулотни ташласам керак. У иш менинг ёшимга тўғри келмайди... Катта швед қани? Ҳалиям ухлаяптими?

«Катта швед қани?» Энди бу савол доимий равишда янграб туради. Карл Йенсен каби шахснинг ғойиб бўлиши сезилмаслиги мумкин эмас.

— У кетди, — жавоб бердим мен. — Аризона штатининг Паркер шаҳрига кетди. У ерда янги ёнилғи қуйиш станцияси очмоқчи.

Бу менинг ўша уйдирмам бўлиб, энди уни синовдан ўтказиш керак эди. Менинг гапим ҳайдовчида қизиқиш уйғотганини кўрдим.

— Шунақами? — у сигаретни ютоқиб торти-ю, энди бурун тешикларидан бурқситиб тутун чиқарди. — Бу швед бало чиқиб қолди! Мен ўн беш йилдан бери «Охирги чизик» орқали ҳар икки ойда қатнайман. Унинг қандай ишлаганини кўрганман. Ўз-ўзимга, бу швед ё ҳамма ишени ташлайди, ёки ишени кенгайтиради, деб айтган эдим. Аризона, дедингми? У қаер ўзи?

— Жуда узоқ... У ерда арзон сотиладиган ёнилғи қуйиш шохбчаси бор экан. Фақат сотиб олишга улгуриш керак, холос. Унинг ҳисоб-китобига кўра, икки ойдан кейин нархи икки баробарга ошар экан.

— Ёмон эмас, — ҳайдовчи бошини чайқади. — Бу ер нима бўлади? Бошлиқ ўрнида сен ишляяпсанми?

— Ҳа... — бу мен ўйлаб топган уйдирманинг энг заиф нуқтаси эди. — Биз Йенсен хоним билан бирга.

У қошларини чимириб, менга диққат билан қаради.

— Ия, Йенсен хоним қолдими?

— Ҳа, бор-йўғи икки ойгача, токи жаноб Йенсен Паркердаги станцияга қарайдиган тузукроқ йигитни топгунича. Мен бу ерни бир ўзим эплай олмайман.

— Бу аниқ...

Мен унинг кўзларидаги ҳайратда айтилмаган бир саволни уқдим: у бу ерда нима қилади?

— Йенсен хоним — жуда мафтункор аёл-да.

Жўна, қари қирчанғи, дедим мен ичимда. Нима деб ўйласанг, ўйлайвер. Ҳеч нарсани исботлай олмайсан.

— Тўғри, жудаям мафтункор, — дедим ва тўчқа гўшти-ни ағдардим, учта тухумни чақиб, қовурдим ва товани унинг олдига суриб қўйдим.

— Демак, энди сен колонкага бошлиқ ўрнидасан, шундайми?

— Бошлиқ бўлиб хоним қолган, мен ёлланиб ишлайман. Бу ҳам бўлса жаноб Йенсен келгунча, икки ой мобайнида, холос.

У «ҳм» деб қўйди-ю, овқатни тановул қилишга тушди.

Мен эшикни очиқ қолдириб, ошхонага кирдим ва картошка тозалагич ичига картошка ташладим. Машина ишлаб кетгач, совуткични очиб захирадаги маҳсулотларни кўздан кечирдим. Сўнг ўтириб, тушлик учун таомнома ёздим — бу иш билан доимо Йенсен шуғулланар эди. Энди унинг ўрнини мен эгалладим.

Мен таомномани деворга осиб қўйдим. Ҳайдовчи овқатни еб тугатди, мен билан ҳисоб-китоб қилиб, машинага ўтирди. Шу пайт уйдан Лола чиқди.

Унинг эгнида оч қизил калта шим ва енги калта оқ футболка бор эди. Енгилгина кийингани билан у одамнинг эсини оғдирадиган таассурот қолдирарди. Ҳайдовчи бир лаҳза қотиб қолди, менга қараб, «ҳм» деб қўйди.

— Мен сен билан ишимни жон деб алмаштирган бўлардим, йигит. Сенинг жойинг иссиққина-да!

У эшикни ёпди, кўзини қисиб қўйди, моторни юргизиб, жойидан кўзгалди. Лоланинг ёнидан ўтаётганида, узундан-узоқ қулоқни тешгудек сигнал берди.

Мен Лолани ошхонадан топдим. У ерга кирганимда, у бурилиб менга қараб қолди. Кўриниши хунук: кўзининг тағларида халтачалар кўринар, юзлари оқарган ва киртайиб қолган эди. Эҳтимол, у ҳам менга ўхшаб, ухлай олмагандир. Лоланинг ақли ясанишга етганидан мен газабланган эдим.

— Сен ҳозир ўз танангни кўз-кўз қилишинг шартми? — деб гап бошладим мен ҳеч қандай тараддудсиз. — Биз ҳақимизда оғизларига келганини гапиришларини истайсанми?

Лола ҳеч нимани тушунмай, менга қараб қолди.

— Бу нима деганинг?

— Сен каллангни ишлатиб, бир ўйлаб кўргин! — мен шундай деб, халатини бетига оддим. — Анови ҳайдовчи сени ҳозиргина кўрди. У бу ер иссиққина жой экан, деб гапирди. Бу ерда бизнинг ёлғиз эканлигимизни билади. Кўз очиб-юмгунча полиция ёпирилиб кириб келади.

У индамай, миқ этмай халатини кийди.

— Сен уни нима қилдинг? — деб сўради бир чеккага қараб.

— Кўмдим. Энди диққат билан эшит: биз бу ерни бирга бошқарамиз. Мен сенга халақит бермайман, сен менга. Кетish мумкин бўлган вақтни билиб, бир қарорга келсам, сўнг сейфни очаман-у, пулларни сенга бераман.

У менга ўгирилар экан, кўзлари чақнаб кетди.

— Бу қачон бўлади ўзи?

— Билмадим. Аммо мени ортиқ изламаганликларига кўзим етмагунча бу ердан жилмайман. Сенга эса кутишга тўғри келади!

Лоланинг юзини яна умидсизлик қамраб олгандек бўлди.

— Карлнинг дўстлари бор. Улар унинг қаердалигини сўрашади.

— Сен мени бутунлай аҳмоқ деб ҳисобляяпсан, шекилли? — дедим мен тоқатсизланиб. — Сен уларга, Аризонага, бошқа станцияни кўргани кетган, дейсан. Биз уни икки ойдан кам вақт орасида кутмаймиз. У «Охирги чизиқ»ни сенга қолдирган бўлсин, мен эса сенга ёрдамлашаман.

— Кейин-чи? Кейин нима бўлади? Улар ҳамма вақт сўрайверишади-ку!

— Икки ойдан сўнг сен ундан хат олган бўласан, у хат орқали ўзига бошқа аёл топганини ва ўша учун қолишга қарор қилганини билдиради. Ўзини сенинг олдинда гуноҳкор билиб, «Охирги чизиқ» станциясини сенга қолдиради. Сен эса худди олдингидек станция ишини юритаверасан, токи мен қарор қилмагунимча, бу иш давом этаверади. Мен сейфни очиб, сенга пулларни бераман, станция билан эса нимаики хоҳласанг, ихтиёринг.

— Менда эса бошқа таклиф бор, — деди Лола белини стол чеккасига тираб. — Сен сейфни ҳозир очасан, мен сенга ўттиз минг доллар бераман. Уни сенга Карл ваъда қилган эди. Бундай пуллар билан сен ҳар қандай ишни уддалайсан.

— Йўқ. Мен бу пулларга қўлимни ҳам теккизмайман. Бу ерда хавф-хатардан холи бўламан ва ҳеч қаяққа кетмайман. Мен қачон кетишга тайёр бўлсам, сен ўшанда пулларингни оласан, ундан аввал эмас.

Лоланинг чеккаларида иккита қизил доғ пайдо бўлди, нимадир деб эътироз билдирмоқчи эди, аммо машина тормози халақит берди. Мен залга чиқдим, шу пайт кириш эшиги шаҳд билан очилди-ю, қирқ ёшлардаги баланд бўйли, тўладан келган, сариқ сочли кўккўз эркак кириб келди.

У менга синчковлик билан қараб сўради:

— Йенсен қаерда?

Мен бу одамнинг кимлигини дарров пайқадим. Овозидан танидим, у кеча тунда қўнғироқ қилган швед эди.

— Йенсен жўнаб кетди, — жавоб бердим. — Қандай хизмат кўрсатишим мумкин?

— Жўнаб кетди? Шунчалик тезми? Қаерга кетди?

— Сизга қандай хизмат кўрсатишим мумкин? — деб такрорладим мен. — Ёки сиз Йенсен хоним билан гаплашмоқчимисиз?

Бизнинг овозимизни эшитиб, Лола ошхонадан чиқди. У шведни кўргани ҳамон юзидаги хунук ифода табассум билан алмашди.

— Салом, жаноб Лэш. Бугун бунча вақтли келибсиз.

У бироз бўшашиб, шляпасига қўл теккизиб қўйди.

— Хайрли тонг, Йенсен хоним. Мен Карл билан Уоллесни дафн этиш хусусида гаплашмоқчи эдим. У, эҳтимол, сизга айтгандир, Уоллес ўтган куни кечаси вафот этган эди. Карл Легионда таниқли ва Уоллеснинг дўсти бўлгани учун биз марҳум тўғрисида бир неча сўз айтувчи бундай одамдан бошқасини топа олмаймиз, деб ўйладик. Манови йигит эса, Карл кетган, деб таъкидлапти.

Мен Лолага қарадим. У жуда хотиржам кўринарди. Уоллес ўлими тўғрисида сўзлар экан, юзидаги кулги бир зумда сўнди ва қайғу-алам ифодаси пайдо бўлди. Лола учига чиққан артист эди ўзиям.

— Тўғри. Сиз у билан кўришолмай қолибсиз. У ярим соат муқаддам Тропика-Спрингсга жўнаб кетди.

Лэшнинг юзида ҳайрат ифодаси пайдо бўлди.

— Ростданми? Аммо унинг машинаси айвон тагида турибди, мен ҳозиргина кўрдим-ку!

Мен музлаб, таррақдай қотиб қолдим, аммо ҳаяжонланишга ҳожат йўқ эди. Лола тап тортмай ёлғон тўқир, бу тўнка шведнинг миясига упа сепиб, чалғитиш унга ҳеч қандай қийинчилик туғдирмасди.

— У машинани ҳайдаб кетгани йўқ. Йенсен бир неча ҳафта бўлмайди, шунинг учун Тропик-Спрингсга қадар йўловчи юк машинасида кетишга жазм қилди. Мен бу ерда узоқ муддат машинасиз қололмайман. У сизни кўрмай ўтиб кетганини билса, ҳали асабийлашади ҳам.

Мен Лэшнинг Лоладан эшитганларига қанчалик лаққа тушганини кўриб турардим. У шляпасини ечиб, гардавия қашиди-ю, сўради:

— Сиз уни дафн маросимигача қайтмайди, деб ўйлайсизми, Йенсен хоним?

— Қайтмайди, деб ўйлайман. Мен, ҳатто унинг қачон қайтишини ҳам билмайман. Эҳтимол, бир неча ҳафтадан кейин... Кеча унинг яна бир станцияни сотиб олишига тўғри келди. Шундан сўнг учрашувни бекор қилишгач, у қайтиб келди ва кимдир унга шу таклиф билан чикди. Биз буни бирга муҳокама қилдик ва Йенсен ўша ерга бориб, кўриб келишга қарор қилди.

— Қаерга боришга? — Лэшнинг янада ҳайрати ошди.

— Аризонанинг қаеригадир! — деб жавоб берди Лола. — Таклиф ҳавасни келтирадиган даражада эди ва уни ортта суришни истамади, кимдир мендан олдин илиб кетмасин, деб ўйлади.

Менинг ўзим ҳам бундан ўтказиб жавоб бера олмасдим. Нима бўлса бўлсин, у эртак айтишни роса дўндириб кўяди ўзиям.

— Аризона, дедянгизми? Бу ахир жуда узоқ-ку! — деди асабийлашган Лэш. — Йенсен у ёққа кўчиб ўтишга ҳозирланмаётган эди-ку?

— Биз буни ҳали муҳокама қилганимиз йўқ. Менинг ўйлашимча, у ўзининг ўрнига дурустроқ бир одамни топиб, унга станцияни топшироқчи. Мен ишонаманки, у қайтиб келганидан сўнг ҳаммасини сизга ўзи гапириб беради.

Бу меҳмоннинг ҳадеб сўроқ бераверишларига чек қўйди. У, ҳатто бироз жилмайди.

— Мен сизда, бу нега бизнинг ишимизга бурнини суқипти, деган таассурот пайдо бўлишини истамасдим. Унинг йўқлигидан жуда ҳайрон бўлдим. Нима ҳам қилардик, агар у йўқ бўлса, бу нутқни ўзим ирод этишимга тўғри келади.

У менга қараб қўйди.

— Бу йигит ким?



— Жек Пэтмор, — деб жавоб берди Лола. — Карл ўзи бўлмагани учун уни ўрнига ёрдамчи қилиб қолдирди.

— Бу сенмя, кеча мени телефонда, жин ургур швед, деб ҳақорат қилган?

Мен унинг кўзига тиккама-тикка қараб жавоб бердим:

— Мен эрталаб соат тўртда, ким бўлишидан қатъи назар, ҳақорат қиламан.

У қадамиви секинлатди, нимадир деб минғирлади ва бурилди.

— Новушта қилишни вистамайсизми, жаноб Лэш? Ҳаммаси тайёр, — деди Лола.

— Йўқ, раҳмат. Мен яна кўп ишларга улгуришим керак. Карл қайтганидан кейин менга қўнғироқ қилишини сўрайсиз-да.

Лола бу илтимосни бажаришга сўз берди, сўнг швед мен томонга қарамасдан чиқди. Лола ошхонага ўтди.

Ҳар ҳолда, мен ўйлаган ниятларнинг бари амалга ошди. Албатта, Лола билан бирга қолганимиз тўғрисидаги суҳбатдан четлаб бўлмасди. Лола станцияда пайдо бўлганида, қанча ғийбат, миш-мишлар кўпайиб кетганини Карл менга гапириб берган эди. Бу овозларга чек қўйиш мақсадида унинг уйланишига тўғри келган экан.

Якшанба эди, бу кунда тоғ орқали келадиган машиналар оқими жуда кўпайиб кетади, дам олишнинг имконияти бўлмайди. Биз ўттизта тушлик сотдик, йигирма учта кечки егулик кетди. Бунинг устига колонкага ҳадеб чопавериб, яна таъмирлаш ишини ҳам қилишга тўғри келди. Фақат ярим кечга бориб, ҳаракат бироз тўхтади.

Лола кун бўйи менга бир оғиз ҳам гапирмади. Мен ошхонага кирганимда у ишини тугатган эди. Менга бурилиб ҳам қарамади, кирганимни сезган бўлса-да, буни сездирмади.

— Ёмон пул тушмади, — дедим мен эшик ёнбошига суянганимча. — Менинг хомчўтимга кўра, тўрт юз долларга яқин бўлиши керак.

Лола товани тоқчага қўйди. Менинг сўзларим таъсир қилиб, аслида оғзимни ҳам очмаслигим керак эди. У доғ теккан халатини ечиб, ўраб олди-да, кир дастурхонлар устига ташлади.

Мен уни калта шим ва майкада кўрдим-у, турган жойимда қотиб, унга нисбатан интилишни ҳис этдим. Лола мени ёлғиз қолдириб, орқа эшиқдан чиқиб кетди.

Мен ўз кулбам, яъни флигелим томон одимлар эканман, энди у ўзининг асл феълени намойиш қилаверар экан-да, деб ўйладим. Кўрамиз, бу ҳолат биринчи бўлиб кимнинг жонига тегар экан. Мен ётоқхонага киргач, дераза олдига бориб, дарпардани туширмақчи бўлдим, тўхтаб қолдим.

Лоланинг ётоқхонасида чироқ ёниб турарди. У пардаларни туширишни ўйламади, шекилли, шунинг учун хонасига яқшилаб разм солдим. Лола энди футболкани ечган, мен унинг шимини ҳам ечиб, полга ташлаганини кўриб қолдим. Деярли қип-яланғоч гавдасини кўриб, юрагим кўкрак қафасимни ёриб чиққудай тез уриб кетди. У секин ортига бурилиб ваннага ўтди ва ортидан эшикни маҳкам беркитди.

Мен иродамга бўйсуниб, ўзимни мажбурлаб бўлса-да, пардани туширдим.

## 2

Кейинги тўрт куни худди шу руҳда ўтди.

Лола мен билан гаплашмади. У ошхонани бир ўзи бошқарар, ошхонага кирадиган эшик ёпиқ эди. Ошхона ва залда дераза бўлиб, мен шу орқали бақриб, буюртмалар номини айтар, сўнг тайёр таомларни олар эдим. Лолани ана шу деразадан бош суқиб кўриш мумкин эди. Мен залда ва колонкада хизмат кўрсатишим мумкин эди, шу билан бирга олдиндан тайёрлаб қўйилган бутерброд ва сэндвичлар борасида ҳам савдо қилар эдим.

Тун белгиланган жадвал асосида ўтар эди. Барча навбатчилик фақат менинг зиммамда эди. Лола кечқурун соат еттида ошхона эшигини очар ва бутун хўжаликни

менга ташлаб, уйга кириб кетарди. У қачон ётса ҳам пардаларни туширмас, гарчи васваса авж қилиб келса-да, мен токи Лоланинг уйида чироқ ўчмагунча ўз флигелимдан узоқроқ юрар эдим.

Кўз олдимида унинг ярим яланғоч танаси гавдаланиб турар, бу мен учун битмас-туганмас азобга айланар эди. Тўртинчи куни кучли шамол кўтарилди, у ҳамма ёқни чанг ва қумга тўлдирди. Асаблар энг авж нуқта-сигача қақшаб қолди. Мен жуда ёмон ухладим.

Иссиқ чидаб бўлмас даражага етди ва ҳаракат ҳам сезиларли тарзда тўхтади. Фермерлар етиштирилган қовунларни поездлар билан манзилга етказишни афзал кўришди, чунки Тропика-Спрингсга қадар ўн етти соат давомида юк машиналарида ташиш уларни яроқсиз аҳволга олиб келар эди. Қуёшда қовжираган йўлда қатновчи сайёҳлар ҳам камайди. Тамадди қилувчи ва ниманидир таъмирловчи кишиларгача анча оз эди. Менинг ҳам бўш вақтим пайдо бўлиб, Лола тўғрисидаги фикрлар ҳақиқий азобга айланди. Бу мен учун ниҳоятда оғир давр эди.

Йенсен ўлимнинг саккизинчи куни Лола захира-ларни тўлдириш учун биринчи марта Вентуортга йўл олди. Мен вақтни бекор кетказмаслик учун фургоннинг генераторини титишга ўтирдим. «Меркьюри» овозини эшитиб, устахонадан мўралаб қарасам, рудда ўтирган Лолага кўзим тушди. Унинг кетиши ғазабимни кўзитди, ахир менга бирор оғиз гапирмай, қачон қайтишини ҳам айтмасдан, бир ўзим қандай эплашим билан қизиқмай, ҳайдаб кетганини қаранг.

Соат ўн бирлар чамасида мен генераторни териб бўлганимдан сўнг қандайдир машина келди. Мен ўз-ўзимни сўқдим, чунки терилган йиғмани ташлай олмасдим. Қандай бўлмасин, уни тамомлашга жазм қилдим. Қаддимни кўтариб, қўлимни артмоқчи эдим, омбор эшигига кираверишда турган одамга кўзим тушди. Менинг юрагим орқага тортиб кетди: у Жорж Рикс бўлиб, кир коржомга кийган, похол шляпасини елкаси-

га суриб қўйган эди. Унинг ити орқада, менга мунгли кўзларини тикиб турарди.

Рикс бутунлай менинг хотирамдан кўтарилиб кетган эди. У хавфли эди. Баланд бўйли букчайган бу аблаҳни кўрганим заҳоти аъзон бадамим жимирлаб кетди.

— Хайрли кун, — деди у. — Карл қаерда?

— Жаноб Йенсен жўнаб кетган. Сизга нима керак?

— Жўнаб кетган? — у омборга кириб, бир неча қадам ташлади. — Жўнаб кетган, деганинг нимаси?

— Сизга нима керак ўзи?

— Қулоқ сол, йигитча, менга нима кераклиги ўзининг ишим, сенинг эмас. Сени бу ерга ёллаб олишган ёки алақачон хўжайин бўлиб қолдингми?

— Мен хўжайин бўлганим йўқ. Мен фақат сизга нима кераклигини сўрадим.

— Анови қаерда?

— Мен ким ҳақида сўраётганингизни билмаяпман. Ким — анови?

Рикс ҳурпайиб олди.

— Унинг хотини-да, тагин ким бўлиши мумкин.

Қаерда у?

— Агар у сизни қизиқтираётган бўлса, у Вентуорда.

— Демак, бундан келиб чиқадики, хўжалигини юртиш сенинг қўлингда?

— Демак, шундай.

Рикс эгилиб, итнинг қулоғини бураб, пичирлаганча ибодат қилишга тутинди. Ит худди қандайдир зарбани кутгандек, бўйинини қисиб турарди.

— Жаноб Йенсен қаерга кетди?

— У иш билан кетган.

Ногоҳ у итни оёғи билан тепиб юборди ва шундай деб сўради:

— Қандай ит билан?

— Буни ўзидан сўранг.

Рикс тобора яқин келди.

— Унда у қачон қайтади?

— Билмайман. Эҳтимол икки ойдан кейин, балки барвақтроқ қайтар.

— Икки ойдан кейин? — унинг ғамгин чеҳрасида ҳайрат акс этди. — Шунақа гаплар, дегин? Хотинини нега ўзи билан олмабди?

— Қулоқ солинг, мен жуда бандман, — дедим мен кескин. — Жаноб Йенсен икки ой бўлмайди. Сизга нима керак?

— Мен уни кўришим шарт. Бу жуда муҳим. Қаерда у?

— Қаердадир Аризонада. Агар шунчалик билгингиз келаётган бўлса, у автомобилларга бензин қуйиб берадиган яна битта колонка сотиб олмоқчи.

— Ростданми? — деди Рикс бошини бир томонга қийшайтириб. — Яна битта станция? Демак, унинг пули жуда кўп экан-да, миясига нисбатан. Сен хотинини ўзи билан бирга олиб кетмади, дедингми?

— Йўқ, олиб кетмади.

— Йенсен у ерда, анови шу ерда?

— Ҳа.

Мен унинг чиркин ақли тўлиқ ишлаётганини ангаддим.

— Жин урсин! Мен уни қари тўнка деб ўйлардим, аммо ҳеч қачон бунақалигини ҳисобга олмаган эканман.

— Сизнинг нима деб ўйлашингиз кимниям ташвишга соларди?

Рикс менга тикилиб қолди, унинг энсиз ғазабнок юзи сурбет, безбет қиёфага кирди.

— Аммо мен сени аҳмоқлар қаторига киритмайман. Сен, биласанми, нимаики яхши бўлса, унинг ёнидан шунчаки ўтиб кета олмайсан.

— Жаноб Йенсен менга сиз ҳақингизда гапирган эди, — дедим мен уни ёқтирмаслигимни очиқ-ойдин намойиш қилиш учун. — Сиз бутун ҳудудда энг катта фирибгар экансиз. Агар яна шу ерда пайдо бўлсангиз ёки ниманидир олсангиз, мен сизни бу ердан улоқтириб юбораман ёки ўзингиз даф бўласиз. Мен ёрдам берворайми ёки ўзингиз кетасизми?

— Жаноб Йенсен шундай дедими? — Рикснинг юзида тиржайишдан асар қолмади. — У ўзининг қайноғаси ҳақида шундай дедими? Ташвиш тортма, йигитча, агар Карл хотинини сен билан ёлғиз қолдирган экан, бунинг менга асло дахли йўқ, бу хамир ҳам, патир ҳам эмас. Энди ўзидан кўрсин, менинг фикрим шу. Мен у билан боғланишим керак. Менга унинг манзилни бергин.

— Мен билмайман.

Рикс похол шляпасини одди ва бошини қашлади, унинг бит кўзлари менга тешиб юборгудек боқарди.

— Мен у билан боғланишим керак. Жаноб Йенсен менинг нафақага оид қоғозларимни имзолаши керак эди. У доим ўзи имзо қўярди. Сен унинг манзилни билишинг керак!

— Мен билмайман. У Аризонанинг қаеридадир бўлса керак, бир жойда ўтирмайди ҳам. Ўзи огоҳлантириб, уни топиш қийин бўлишини айтган эди.

Рикс бошига шляпани қўндиришдан олдин яна тўсатдан итини тепиб юборди. Унинг юзида шубҳа-гумон ва ишончсизлик туйғулари акс этган эди.

— Аёли у билан алоқа боғлашни билар балки?

— Ахир мен айтдим-ку, биздан ҳеч қайсимиз унинг манзилни билмаймиз.

— У ҳолда менинг пенсия қоғозларим нима бўлади? Агар бу қоғозларга имзо қўйилмаса, мен пенсия ололмайман.

— Майли, бошқа бирор киши имзо қўяверсин.

У бош чайқади.

— Мен бундай қилолмайман. Қоғозларни ҳар доим Карл имзолар эди. Борди-ю, унинг ўрнига кимдир имзо қўядиган бўлса, бюрократларда «нега?» деган савол туғилади. Улар пенсия тўлашни тўхтатишлари мумкин, у ҳолда мен нима ҳисобига яшайман?

— Мен ҳечам ёрдам бера олмайман. Менда унинг манзили йўқ. Агар бўлганида, берган бўлардим. У қайтиб келгунича кутиб туришга тўғри келади.

Рикс бошини қийшайтирган кўйи менга тикилишда давом этди. Ити ҳам менга қараб қолган эди.

— Сен икки ойга, деб айтдингми? Мен бу икки ой давомида қандай кун кечираман?

— Билмайман, мен тупурдим! — деб унга бақириб юборишимга кўзим етиб, овоз оҳангимни ўзгартирдим. — Сиз нима учун ўзингиз ишламайсиз?

Бу гап Риксга ёқмади. Унинг юзи яна ғазабнок тус олди.

— Менга бундай оҳангда гапирма, йигитча. Мен касалман, шифокорлар ишлашимга рухсат беришмаган. Менинг юрагим касал. Шундай қилиб, Йенсеннинг қаердалигини билмайсан? Ишончинг комилми?

— Бир гапни неча марта такрорлаш керак: мен ҳам, у ҳам буни билмаймиз.

Жимлик чўқди ва Рикс яна кучукни эркалашга тушди. Сўнг сўради:

— Борди-ю, бирор кор-ҳол юз берса-чи? Эҳтимол, анови бетоб бўлиб қолса? Тўсатдан бу ерда ёнғин содир бўлар? Ўшанда Йенсенга хабар беришларинг керак-ку! Шундай эмасми? Агар нимадир рўй берса, уни қандай қилиб топасизлар?

— Лола касал бўлмайди, ҳеч қандай ёнғин ҳам рўй бермайди! Энди эса кетинг! Менинг ишим кўп.

— Агар у қоғозларимга имзо қўймаса, мен пул ололмайман.

Рикснинг овоз оҳангида ёлвориш сезила бошлади. Мен бир неча доллар бериб, шу билан уни кетказмоқчи бўлдим, аммо бу хавфли эканини тушунардим. Бу одамга бир марта ён бердингми, у ўлгудай ёпишиб олади.

— Жўнаб қолинг! — деб қичқирдим мен. — Менинг вақтим йўқ, дедим сизга!

Мен фургон ёнига бориб, генераторни ўрната бошладим.

— У қачон қайтади? — деб сўради Рикс.

— Мен билмайман...

Рикс жим қолди, сўнг илтимос оҳангида яна сўради:

— Сен менга йигирма доллар қарз бериб туролмай-санми?

— Мен бегоналарнинг пулини қарзга беролмайман.

Мен энди унга орқамни ўтириб ишлар эдим. Болтни маҳкамлаш учун калитни қаттиқ бурар эканман, у шундай деди:

— Йенсенни тезроқ топиш учун, демак, Аризона полициясига мурожаат қилишга тўғри келади.

У бу гапларни одатдаги оҳангда айтди, аммо мен учун жуда қаттиқ бўлиб зарба эди. Калит чиқиб кетди, қўлимнинг териси шилинди. Мен ўзимни, штат полицияси мазкур иш билан шуғуланмайди, деб ишонтирмоқчи бўлдим, аммо хавф-хатар барибир мавжуд эди. Рикс буларнинг барини ўзига маъқул тарзда ҳал этганида ҳам бу шубҳа-гумонни юзага келтирар. аризоналик полициячилар Вентуортдаги полициячилар билан ҳар эҳтимолга қарши алоқа боғлашар, қандайдир бирор-бир синчков нозир пайдо бўлиб, саволлар бера бошлаши мумкин эди. У, ҳатто мени таниб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

— Жаноб Йенсен ўзини полиция ахтараётганини билиб қолса, аччикланиши мумкин, — дедим мен ҳаяжонимни сездирмасликка уриниб. Қонаётган бармоғимни оғзимга тикдим. — Нима деяётганингизни бир ўйлаб кўринг! У шунчалик ғазабга минадики, кейин бу қоғозларга мутлақо имзо қўймаслиги мумкин!

— Аммо мен уни топишим керак! — деб ҳужумига ўтди Рикс. — Агар сизлар қаердалигини айта олмасангиз, у ҳолда полициячилар айтишар! У билан гаплашиб ол. Йенсен аёлига қандай боғланиш мумкинлигини айтгандир, у эса буни сенга билдириб ўтирмайди. Мен эртага қайтиб келаман. Буни унга етказиб қўй! Агар Лола ҳам билмаса, мен Аризон полициясига мурожаат қиламан!

Мен энди ўзимни ўнглаб олган эдим, унга ўтирилдим.



— Майли, мен етказиб қўяман. Аммо аминманки, Йенсен хоним ҳам билмайди, аммо унга албатта етказаман.

Бу Риксга ўхшаган одам қаршисида паст кетиш, ожизлик аломати, аммо полиция бу ерга келиши, сўровсуриштирув бошланиши ҳақидаги фикрнинг ўзи даҳшатли эди.

Рикс бош ирғади ва яна юзида сурбетона тиржайиш акс этди.

— Унга айтиб қўй, қоғозларимга имзо қўйдиришим керак. Мен эртага кечки овқат пайтида қайтиб келаман. Бўпти, энди бора қолай. Дарвоқе, бензиним деярли қолмаган. Шу ерда эканман, демак, қарзга ёнилғи олсам бўлади.

Меңда ягона чора — Риксдан қутилиш керак, деган фикр туғилган эди. Унга бензин бериш керак эмас, аммо ишончим комилки, бу одам муддаосига етмагунча қўймайди.

— Жин урсин, олаверинг, фақат менга халақит берманг.

Рикс машинаси томон кетди, ити у билан ёнма-ён чопиб борди. У бакни тўлдириб, ҳар бири беш галлондан бўлган икки идишга ҳам бензин солганини кўриб турардим. Риксга қўлингни узатгудай бўлсанг, у албатта тишлаб оладиган одамлар тоифасидан эди. Ниҳоят у машинасига ўтирди ва жўнаб кетди.

Кўздан ғойиб бўлгач, мен емакхонага кирдим. Бироз ичишим керак эди. Анчагина виски қуйиб, кўтариб юбордим, сигарет чекиб, тинмай нари-бери юра бошладим. Бу аблаҳ туфайли рўй берадиган хавф-хатар даражасини ўзимча баҳолашга уринардим.

Агар у ростдан ҳам мурожаат қилса, Аризона полицияси бу иш билан шуғулланармикан? Ҳаммаси Рикснинг берган хабарига боғлиқ бўлади. Агар, Йенсен йўқолган, унинг хотини ишчиси билан бирга кўнгилхушлик қияпти, деса, полиция қизиқиб қолиши мумкин. Қўшнилар полицияга турли миш-мишларни етказ

зишганида, қотиллик қандай йўл билан очилиши тўғри-сида газеталарда ўқиган эдим. Агар полиция Аризонада маълумот йиғиб, у ерда Йенсенни ҳеч ким кўрмаганини аниқласа, Вентуортдаги полицияга хабар беришади, сўнг улар истисносиз бу ерга ташриф буюришади. Мен қаерликман, бу ерга қандай йўл билан келиб қолганман, билишга шак-шубҳасиз қизиқиб қолишди.

Риксинг оғзини қай тарзда ёпиш мумкин? Энг яхши йўли — унга пул бериш, бу бир-икки ой оғзини боғлайди. Аммо Рикс Йенсен бошқа аёлни топганига ҳамда Лолага «Охирги чизиқ»ни қолдирганига ишонармикан? Биз гўё, Йенсендан келди, деган хатни ҳозир кўрсатсак ҳам у мутлақо ишонмайди. Рикс Йенсеннинг дастхатини билармикан? Мен ҳаммасидан кўра, у дастхатини билади, деган қарорга келдим. Ҳа, билади, шунинг учун хатни сохталаштириш ҳаддан зиёд қалтис иш. Мен қанча кўп ўйласам, вазият шунчалик мураккаблашиб борарди. Бирор машғулоти бўлмаган, бунинг устига итдай сезгир Риксинг қадамини зиғирча кўздан қочирмаслигим керак.

Ниҳоят, мижозлар тушлик қилиш учун пайдо бўлишганида, менинг кейинги ўй-фикрлардан узоқлашимга тўғри келди. Лола билан гаплашиш керак. Энди бизнинг умумий душманамиз битта, Риксни баргараф этишни иккимиз биргаликда ўйлаб топишга муваффақ бўлишимиз мумкин эди.

Лола соат ўндан кейин қайтиб келди. Бу вақтда мен ўлгудек ҳориб, суробим тўғри бўлиб қолган, шу боис Рикс масаласини қандай ҳал қилишни ўйлашга фурсатим ҳам етмаган эди. Йиғиштириш ишларини эндигина тугатиб, ликопчаларни териб қўяётганимда, дераза орқали гаражга «Меркьюри» қўяётган Лолага кўзим тушди.

Мен чиқиб, уни уйига кетаётганида гапга тутдим:

— Сен билан гаплашиб олишим керак, — дедим мен.

Лола гапимга эътибор ҳам бермай, қадамини тезлатди. Мен у билан ёнма-ён юриб, эшикни очгунича сабр

қилиб турдим, сўнг кирдим. У менга қаради, бор куч-қувватини ишга солиб, ғазабнок қараб турарди.

— Чиқ бу ердан!

— Биз гаплашиб олишимиз керак! — деб такрорладим мен. — Бугун эрталаб бу ерга дўстинг Жорж Рикс келган эди.

Лола ўтириб қолди ва серрайди. Унинг кўзларидаги қаҳр-ғазаб ўрнини сергаклик эгаллади.

— Бунинг менга қизиғи йўқ! Туёғингни шиқиллат!

— Қизиғи бор.

Мен остонадан меҳмонхона томонга ўтиб, унинг ўзи гиламда тўкилган доғни қай тарзда ювганига эътибор қаратдим. Оромкурсига яқин келиб, унга ўтириб олдим. Лола эшикда туриб, кейин нима бўлишини кута бошлади. У шляпасини ечди, шунда қизғиш-қўнғир сочлари яшил кўйлак билан ажойиб тарзда уйғунлашганини кўрдим. Лола жуда мафтункор боқиб турарди.

— Эринг унинг пенсиясига доир ҳужжатларини имзолаши керак экан. Энди шовқин-сурон кўтариш ниятида. У Йенсен билан қандай қилиб алоқа боғлаш мумкинлигини билмоқчи.

Лола ҳеч нима деб жавоб бермади, аммо юзи совуқ тус олди.

— Мен унга, Йенсен Аризонанинг аллақаерида бўлса керак, дедим. У қандайдир қоғозларга имзо қўйиш кераклигини айтди, акс ҳолда пенсиясиз қолар экан. Куттиш кераклигини айтганимда, Рикс Аризона полициясига ёрдам беришни сўраб, мурожаат этишини ваъда қилди.

Лоланинг бефарқлиги бирдан сидирилиб тушгандай бўлди. У хонадан ўтиб, эшикни ортидан беркитди, ором-курси олдига келди ва унга ўтирди. Кўйлаги кўтарилиб, тиззалари очилиб қолди, аммо у ёпишга ҳам уринмади. Бу мени ҳозирги ҳолатда ҳам асло қизиқтирмасди. Лоланинг калласи мутлақо бошқа ўйлар билан банд, уни чалғитиш учун фавқулодда гаплар зарур эди.

— Хў-ў-ў-ш... — шундай деб у чуқур хўрсинди. — Мана, сенинг ажойиб гоёнг нималарга дучор қилди. Начора, бу сафар бирор дурустроқ уйдирма ўйлаб топишингга тўғри келади.

— Менга ёпишиб олишни бас қил, — жавоб бердим мен. — Рикс ҳар иккимизга ҳам зарба бериши мумкин. У эртага кечқурун сен билан гаплашиш учун келади. Қолган вақт давомида Риксга нисбатан қандай чора кўриш мумкинлигини ўйлаш керак! Биз сен билан битта қозонда қайнаямиз, буни ҳозир тан олгинг келмаяпти. Ўзингни у ёқ-бу ёққа ташламай, ўйлашни бошла! Бу ерга полиция келиши мумкин, мабодо менда нохушлик рўй берса, бу фақат бир ўзимга боғлиқ бўлмаганини айтишга мажбурман. Хўш, Риксни нима қиламиз?

Лола сигарет олди ва чеқди. Тутунни бурун тешикларидан чиқариб, шундай деди:

— Унда нимасини ўйлаб ўтирамиз? Сейфни очгину, ўз улушингни олиб кетавер. Мен ҳам кетаман. У келган пайтда биз бу ерда бўлмаймиз.

— Сенинг ўй-хаёлинг пул. Буларнинг ҳаммасини ташлаб, қаёққа борамиз? Ўзинг ўйлаб кўр! Тасаввур қил, бирортаси ёнилғи олиш учун келса-ю, ҳамма жой ёпиқ, ҳеч ким бўлмаса! Рикс келишини тасаввур қилиб кўрсанг-чи! У дарров полицияга хабар қилади ва қидирув бошланиб кетади.

— Биз станцияни сотишимиз мумкин.

— Наҳотки? Нима, у сеникимиз?

Лола қовоғини уйди.

— Сен нимани назарда тутяпсан?

— Станцияни сотишнинг битта йўли, бу — Йенсен вафот этганини билдириш ҳамда станцияни сенга мерос қолдирганини исботлаш. Сен унинг ўлдирилмаганини, балки ўзи ўлганини полицияга қандай қилиб исботлай оласан?

— У ўлдирилмаган! Бу тасодифан рўй берди!

— Қани, полицияга айтиб бер-чи, нима бўларкан.

Лолавинг қўллари муштга айланди. Мен унинг юзидан биз қанчалик тузоққа тушиб қолганимизни энди тушуниб етганини англадим.

— Сен менга тегишли пулларни бер ва мен кетаман, — деди у. — Ўзинг қолишинг мумкин. Мана шу йўл маъқул. Сен менинг Карл билан Аризонага кетганимизни, ўзинг бу ерда қолганингни айтасан.

— Бу гапга Рикс ишонади, деб ўйлайсанми? Аввал Йенсен ғойиб бўлди, энди эса сен, мен эса станция хўжайини бўлиб қоламан! У полицияга бориб, мен ҳақимда, станцияга ўзи эгалик қилиши учун ҳар иккисини ўлдирган, дейди. Улар, эҳтимол, бу гапга ишонишмас, аммо ҳар ҳолда масаланинг мағзига етиш учун келишади. Менинг кимлигимни аниқлашади ва, балки, Йенсенни ҳам топиб олишар.

Бу гаплар уни ларзага солди.

— Нима, сен уни шу ерда дафн қилдингми?

— Сен қаерга деб ўйлагандинг? Сен, ахир менга ёрдам ҳам бермадинг. Мен уни фургонгача қандай судраб бора олардим? Вазни икки юз футдан ошарди. Мен уни омборга кўмиб кўйдим, агар уларда сиз, иккалангизни мен ўлдирганим тўғрисида шубҳа пайдо бўлса, қазишни бошлаб юборишади. Йенсеннинг жасадини топишлари ҳам мумкин.

— Бу билан нима демоқчисан? — сўради Лола қичқиргудек бўлиб. — Нима, биз бу ерда бир умр қолиб кетамизми?

— Биз қоламиз. Қанча вақт қоламиз, буни мен билмайман. Агар биз ҳозир кетсак, хароб бўламиз. Улар бутун станцияни ағдар-тўнтар қилишади, мурдани топиб олишар ва бизнинг қидирувда эканлигимиз ҳақида ҳамма жойда эълон қилишади. Бизнинг яккаю ягона имкониятимиз шу ерда қолиш ва менинг ўйлаб тошган уйдирмам — Йенсеннинг бошқа хотин топганини айтишдир.

— Мен қолмайман! — у кўлини мушт қилиб оромкурси суявчиғига урди. — Ҳаммаси жонимга тегди! Мен пулларни олишни истайман! Мен уларни оламан ҳам!

Мен қўлим билан сейф томонга ишора қилдим.

— Ол, олавер, — дедим ўрнимдан турар эканман. — Агар сейфни очишни билсанг, пуллар ўша ерда. Яхши-лаб ўйла, ана шунда мен бу борада қанчалик жўяли гапирганимни тушуниб оласан! Ўйла!

Мен уйдан чиқдим. Лола кўзлари ғазаб ва қўрқувдан чақчайиб, юзлари оқарганича қолаверди.

Ярим кечага қадар колонка ёнида ўтириб, мижозларни кутдим. Кучли иссиқ шамол эсар, қум ва чанг-тўзон кўтарилиб, бу янада асабимни кўзитган эди. Ахир, шусиз ҳам аҳволимиз яхши эмас.

Мен қоронғулик қаърига тикилар эканман, ўйлашда давом этар, аммо бирор иложини топа олмас, чорасини билмасдим. Ҳар ҳолда мен ўзимни ёлғиз деб ҳисобламас эдим: хонада худди аввалгидек чироқ ёниқ турарди. Менга оғир, аммо унга ҳам енгил эмас эди.

Соат бир яримда мен уйчамга бориб, ухламоқчи бўлдим. Кейинги икки соат мобайнида на бирорта юк машинаси, на енгил автоулов келган, энди бундай дим жойда утиришнинг асло ҳожати йўқ эди. Мен ўз флигелим томон йўл олганимда, меҳмонхонадаги чироқ ўчди ва тезда Лоланинг ётоқхонасидаги чироқ ёнди. Назаримда, у ҳам ётишга қарор қилган.

Мен душ қабул қилдим. Бироз ҳушёр тортдим, аммо у кўп ҳам енгиллик бахш этмади. Мен тўшакка кирганимда, унинг ётоқхонаси қоп-қоронғи бўлиб қолганини кўрдим. Қалламдан барча муаммоларни чиқариб ташлашга уриндим, аммо бунга муваффақ бўла олмадим.

Дилгир ўй-хаёллардан эшикнинг гийқиллаган овози халос этди. Мен каравотда ўтирганча дераза орқали тушган ой ёғдусида кўринаётган эшик томонга қарадим.

Эшиқда гира-шира шарпа пайдо бўлди. У яқинлашганида, Лола эканлигини англадим. У ой ёруғи соясида тўхтади, ёруғлик полга тушарди. Эгнидаги яшил шойи халат бутун қоматини сиқиб турарди. Биз узоқ фурсат бир-биримизга тикилганча туриб қолдик, шундан сўнг

Лола каравот ёнига келиб, мен билан ёнма-ён ўтириб олди.

— Агар бу ерда бирга бўлиш тақдиримизда ёзилган бўлса, — деди у шивирлаб, — биз нима учун бир-биримизга душман бўлишимиз керак?

Лола мен томонга энгашди. Унинг қайноқ нафасини ҳис этдим.

## Тўққизинчи бўлим

### 1

Мени тирқишдан ўтган бир тутам офтоб нури уйғотиб юборди. Қўл-оёғимни узатиб керишдим, бошимни кўтариб, соатга қарадим: еттидан йигирма дақиқа ўтибди. Лола кўринмасди. Фақат бир неча дақиқадан сўнг ниҳоят фаҳмадимки, у бутун тунни мен билан ўтказибди.

«Биз нима учун бир-биримизга душман бўлишимиз керак?»— деди у, аммо бу билан менга фириб бера олмади, фириб бера олмайди ҳам.

Ишонаманки, у қандай йўл билан бўлмасин, мени сейфни очишга мажбур қилишни ўйлайди, холос. Ҳозир бу иш учун танасини ишга солди, шу орқали мақсадига етмоқчи бўлди. Аммо унинг найранги ўтмайди. Сейф ёпиқлигича туради.

Мен ўрнимдан туриб, соқолимни олдим, душ қабул қилдим ва кийиндим. Бутун унинг ўзини қандай тутишини кузатиш мен учун қизиқарли эди. Емакхонага кирдим. У ерда мазали чўчқа гўшти ҳиди уфурарди. Пештахтани айланиб ўтиб, ошхона эшигига етдим, аммо очиқми-ёпиқми билмай, итарган эдим, очилиб кетди. Мен ичкарига қадам қўйдим.

Лола топ-тоза оппоқ халатда товага тухум чақаётган экан. Менга бурилиб қаради.

— Салом! Мен энди сени кун бўйи юмалаб ётасан, деб ўйлаган эдим.

Мен унинг ортидан бориб, қучоқладим, ўзимга тортиб, бўйинларидан ўпдим.

— Эй, эй! Қуймоғинг қуйиб кетади, ахир! — у мен томонга бурилиб, пинжимга кириб олди.

— Бу нонушта менгами?

— Бошқа кимга бўларди? — Лола менинг қучоғимдан чиқиб, жилмайди. — Салом, азизим! Бирор нарсадан шикоятинг борми?

— Асло.

— Ҳайрондирсан?

— Ҳайрон бўлганда қандоқ!

У яқин келиб, қўли билан бўйинларимни силай бошлади. Кўзлари чарақлар эди. Шундан сўнг у қуймоқ ва чўчка гўштини ликопчага солиб, менинг олдимга суриб қўйди.

— Ўзингга қаҳва қуйиб ол.

Биз қарама-қарши ўтирар эдик. У сигарет чиқариб чеқди.

— Сен бу ерда пайдо бўлганингдан бери мен сен билан яхши муносабатда бўлмадим, — деди Лола тикилиб. — Аммо энди ҳаммаси бошқача бўлади. Мен тушундим: илгари қандай яшаган бўлсак, шундай яшашимиз керак, бошқача эмас. Бунинг устига сен менга ёқасан, мен эса ўзимга ёққан эркак билан кўп вақтдан бери яшаганим йўқ. Уйга кўчиб ўтишни хоҳлайсанми?

Мен бир сония тўхтаб қолдим, фақат бир сонияга. Мана шу фурсат ичида кўз олдимда Йенсен гавдаланди, аммо Лолага қарар эканман, уни четта суриб қўйдим.

— Ҳа, — жавоб бердим мен. — Биласанми, сен ҳам менга жуда ёқасан.

У кулимсиради.

— Мен сенга кўрингандек унчалик ёмон эмасман. Сени қанчалик қийнаганимни унуттишга ваъда берсанми?

— Ҳа. Мен сени кўрганим заҳоти сен томон интилдим.

Коловка олдига юк машинаси келиб тўхтади ва узоқ сигнал берди.



— Ӯзим қарайман, — деди Лола. — Сен эса нонуштангни еб тугат.

У ёнимдан ўта туриб, фақат севимли аёлларда рўй берадиган бир нафосат билан елкаларимга тегиб ўтди, сўнг кўчага чяқиб, колонка ёнида кутаётган ҳайдовчи томон кетди.

Мен нонуштани еб тугатдим. Бошим айланиб кетган, гўё сархуш эдим. Ҳушёрликни йўқотмаслик керак. Буларнинг ҳаммаси шунчаки спектакль бўлиб, мен қандайдир бошқача кечинини хоҳлар эдим. Мен иссиқ сув билан ўз ликопчамни ювиб бўлганимдан сўнг у опхонага қайтиб келди.

— Қўявер. Мен юваман, — деди у.

— Мен ювиб бўлдим.

Ликопчани қуритиш ускунасига қўйдим-у, Лолага ўтириладим. У яқин келди. Мен унинг талпиниб турган вужудини ҳис этдим.

— Рикс борасида бирор гап-сўз борми? У кечқурун қайтиб келади.

— У мени ташвишта солмайди. Мен Риксга озроқ пул бераман, ўн доллар етади. У эътироз билдириб ўтирмайди. Агар пул берилсагина у бошқа ташриф буюрмайди, бу эса қўлимиздан келади.

— Шу билан алданиб қолмаслик керак — у хавфли. Агар сен пул берсанг, Рикс худди канадай ёпишиб олади.

Лола бош чайқайди.

— Мен у билан ҳал қилиб бўлганман, ҳозир ҳам ҳал этаман. Менга қўйиб беравер.

— Эҳтиёт бўл. Ундан нохушликлар кутиш мумкин.

— Эҳтиёт бўламан.

Иссиқ шамол пасайиб, озроқ салқин тушди. Соат ўндан миқозлар кела бошлашди ва биз кун бўйи банд бўлдик.

Лола билан ишлаш менга ёқар эди. Мен патнис билан опхонага кирар, мақсадим тайёр буюртмани олиш эди, натижада бир-биримиз билан ўпишиб, эркалани-

шар эдик. Бу дилимга ёқар, аммо эс-хаёлимни йўқотганимча йўқ, булар бари ўйин эканлигини жуда яхши билардим.

Соат еттига яқин машиналар келмай қолди ва биз дам олиш имкониятига эга бўлдик. Мен опхонага кириб, Лола бузоқнинг лаҳм гўштидан қай тарзда таом тайёрлаётганини кузата бошладим.

— Менга еб қўйгудек қараб ўтиргандан кўра картошка тозаласанг бўлмайдингми? — деди у.

— Тупурдим шу картошкага!

Мен уни қучоқлаб, ўзимга тортдим. Лола қутилмоқчи бўлиб тиширилади, аммо мен уни маҳкам ушлаб олган эдим. Биз худди севишганлар каби ҳаракат қилар эканмиз, бирдан опхона эшиги гийқиллаб очилди. Мен шоша-пиша ўзимни четга олдим, аммо улгуролмаган эдим.

Иккаламиз ҳам эшикка қараб қолдик.

Бўсағада Рикс турар ва бизни кузатар эди. Унинг юзида қабих бир тиржайиш бўлиб, гўё ҳаммасини кўрдим, дегандай эди. Мен ўзимни тута олмаганим ва эҳтиётсизлигим учун ичимда роса сўкиндим: ахир, Рикснинг кечқурун келишини билар эдим-ку!

Лолага қарадим. У бутунлай хотиржам эди: юзида ҳеч нимани англаб бўлмас, қошлари бироз чимирилган эди. Мен Лола билан ўзимни сотиб қўймасликка уринсам ҳам, аммо юзимдан айбдорлик ва қўрқув ифодаларини кеткиза олмадим.

— Сизларга халақит бермоқчи эмасдим, — деди Рикс сариқ тишларини кўрсатиб тиржаяркан, — аммо келаман, деб огоҳлантирган эдим. Шундай эмасми?

Мен бутунлай ўзимни йўқотган ҳолда турардим. Айтмоқчи бўлган гапларимнинг бари калламдан учиб кетган эди гўё.

— Салом, Жорж, — деди Лола бепарволик билан. — Сенга нима керак?

Рикснинг мияти айёр кўзлари менга қаратилган эди, кейин яна Лолага ва яна менга қаратилди.

— Ахир бу йягит келишим тўғрисида айтмаганми-ди? Карлдан бирор янгилик борми?

Лола бош чайқади. Унинг юз ифодаси худди олдингидек ҳеч нимани аңлатмасди.

— Мен ундан токи ортига қайтмагунича хат-хабар кутмайман. У ниҳоятда банд.

— Сенга пенсия қоғозлари ҳақида гапирмадимиз?

— Нима бўшти уларга?

— Уларга Карл имзо қўйсин, деган эдим.

— Буни ҳар қандай адвокат ёки банк бошқарувчиси ҳам бажаради.

Рикснинг юзида яжирғаниш ифодаси пайдо бўлди.

— Бу борада сен хато қиляпсан. Агар мен бошқа бирор кишига учрашсам, унда пенсиям ушланиб қолишлари мумкин. Хўш, ниманинг ҳисобига яшайман? Карл доимо мен учун шу ишни бажарар эди.

Лола совуққон ҳолда елкаларини қисиб қўйди.

— Мен унинг қаердалигини билмайман. У бир жойда ўтирмайди. Сенга кутиб туришга тўғри келади.

Рикс бир оёғидаги оғирлигини иккинчисига ўтказди. У Лола билан ёнма-ён турганида ўзидан аччиқланаётганини илғадим. Лоланинг бепарво, лоқайд қиёфаси тоқатини тоқ қилиб юборган эди.

— Балки мен Аризона полициясига мурожаат қилганим маъқулдир, — деди у. — Бу қоғозлар мен учун катта аҳамиятга эга.

У Лолани диққат билан кузатиб турар, аммо жувоннинг юзидаги бирорта ҳам мушак ўзгармас эди.

— Полиция ҳам шундай деб ҳисоблайди, деб ўйламайман. Қандай билсанг, шундай иш тутавер. Менга аён бўлишича, Карл Аризонада бўлмаслиги ҳам мумкин. Колорадога ҳам ўтаман, ишимни ўша ерда охирига етказаман, деб айтган эди.

У белини стол қиррасига тираб, одатда аёллар қиладигандек, сочларини қаппайтиришга киришди. Кўкси қўлининг қимирлашига мос тарзда сакрагандек бўлар, ўзи эса одамни васвасага соладиган ҳолатда тикилар эди.

— Худо ҳаққи, Жорж, пашшадан фил ясама. Шу қоғозларинг билан банкка бориб мурожаат қилавер. Агар шунчалик бетоқат бўлсанг, майли, мен сенга қарз бериб тураман.

Бу кутилмаганда ажойиб тарзда айтилган эди. Афсуски, Рикснинг аввалги ташрифиди Лоланинг ўрни билиниб қолган. Энди менга шуниси очиқ-ойдин кўрингандики, ўзимнинг ўжар хулқ-атворим билан фақат унинг шубҳасини оширган эканман.

— Қанча? — тап-тайёр, ҳозир у нозир бўлиб сўради Рикс. — Сен қанча қарз бериб тура оласан?

— Бунчалик безовта бўлиш ярамайди, — деди у нафрат билан. — Мен сенга ўн доллар бера оламан.

Рикснинг юзи тундлашди.

— Бу менга кўпга етмайди. Худди бошқалар каби менинг ҳам харажатим бор. Йигирма бўлса-чи?

— Сенга қанча берилса ҳам барибир кам, Жорж, — деб жавоб берди Лола. — Ўз имкониятингдан чекинмайсанми, а?

Лола ёнимдан ўтиб, кассага йўл олди. Ўша ердан тикирлаш овозлари эшитилди.

У учта беш долларлик пул билан қайтиб келди.

— Ушла, — деди пулни Риксга узатиб. — Бу ерда бошқа ҳеч вақо ололмайсан, шунинг учун яна келиб, ўзингни қийнаб ўтирма. Сен бу ерда Карлга керак эмассан, буни ўзинг яхши биласан.

Рикс пулни сиқиб олди ва шоша-пиша чўнтагига тикди.

— Сенинг феълинг оғир, Лола. Худога шукр қиламан, сен менинг хотиним эмассан. Ҳадемай Карл ҳам сенга уйлангани учун афсус қилади.

— Сенинг ўйлаганинг кимни ҳам ташвишлантирарди? — деб ёвузлик билан кулди Лола. — Қани энди бу ердан кет, мени ташрифидан холи қолдир-чи!

— Икки киши бўлса, учинчиси ортиқча, тўғрими? — Рикс менга назар ташлади. — Эҳтиёт бўлинглар! Бу ерда бўлаётган воқеалар Карлга унчалик ёқмайди.

Лола менга қайрилиб қаради.

— Бу ярамасни ҳайдаб юбор, жонга тегди.

Мен Рикс томонга қадам ташлаганим заҳоти у ошхонадан чиқиб кетди.

Машинанинг жўнаб кетган овозини эшитгунча, жойимиздан қимирламадик. Шундан сўнг Лола афтини ошкора қийшайтириб, лаҳм гўштни кесишга киришди.

— У бизни кўрди, — дедим мен.

— Хўш, нима бўпти? Мен уни болайман, деб айтган эдим-ку!

— У яна пул олиш учун келади.

У гўштни лycopчага сола бошлади.

— Ташвиш тортишнинг ҳожати йўқ. У билан ўзим шуғулланаман.

## 2

Кейинги икки ҳафта давомида Риксдан дом-дарак бўлмади. Иш бошдан ошиб ётар, кўпчилик Карлни сўрар, уни Аризонада янги шоҳобча очиш учун савдолашаётганини эшитиб, хотиржам бўлишарди. Икки ёки уч киши қизиқсиниб, мен билан Лолага бошқача қараб қўйишди, уларнинг калласида нима борлигини тушундим. Бу ҳолат Лолани умуман ҳаяжонга солмади, менга эса катта таъсир қилган эди!

Бизда муайян тартиб асосида ишлаш юзага келди. Биз, иккимиз ҳам емақхонада, ҳам бензин колонкасида кечаси соат биргача ишлар, сўнг уйга ухлаш учун кирардик.

Лола билан бирга Йенсеннинг тўшагида ётиш менга сира ёқмас эди, аммо у жисмоний томондан шундай қизиқтирар, унинг васвасаси олдида мен асло тобу тоқат қила олмасдим. Шундай вақтлар бўлардики, мен ишқ ўйинидан сўнг бирдан қабрда наридан-бери кўмилган Йенсенни кўз олдимга келтирганимда баданимдан совуқ тер чиқиб кетарди. Лолани виждон азоби асло қийнамасди. Йенсен унинг учун ўлик, унинг учун у худди ҳеч қачон бўлмагандек эди.

Мана шу икки ҳафта давомида қалбимни шундай ҳиссиёт қуршаб олдики, гўё мен уни севиб қолгандай бўлдим. Бу балки бир жойда яшаганимиз учун муқаррар бўлиб қолгандир, аслида биринчи дуч келганида, нимадир мени у томонга ундаган эди. Энди эса илк яқинлашувлар анча ортда қолгач, эру хотинларда бўладиган мустаҳкам узвийлик ўрнатилди. Бу узвийлик кундан-кунга мустаҳкамланди, шу билан бирга менинг шубҳа-гумонларим ҳам учди-кетди.

Вақт-вақти калламга бир фикр келар, гўё мен ўзимга ёзилган ролни бажараётгандай туюларди. Ана шунда титраб кетардим, аммо у пулни олиш учун сейфни очиш тўғрисида гап очмади, мен эса у ҳада этган шинам ша роит ва роҳат-фароғат оғушига бошим билан шўнғиб кетдим. Ниҳоят севги-муҳаббатим Лолага таъсир қилган ва у ҳам мендан кам бўлмаган ҳиссиёт билан севиб қолгандай кўринди. Мен, ҳатто иккимиз бу ерда қолиб, худди Йенсен каби ишларни олиб бориш ва ўтмишни унутиш ҳақида умид қила бошладим.

Ҳаммадан кўра, мен эрталаб ўрнимиздан туриш пайтидаги ярим соатни суяр эдим. Биз ёнма-ён ётганча қуёш тоғлар ортидан қай тарзда кўтарилаётганини кузатар, шу билан бирга қандай таомлар пишириш кераклигини, қандай маҳсулотлар зарурлигини муҳокама қилар эдик.

Бир куни ана шундай лаҳзалардан бирида у тўсатдан сўраб қолди:

— Бизга ёрдамчи керакдек туюлмаяптими, Чет? Баъзан оқшомлари бўш бўлиб қолишимиз ҳам керак, ахир! Сенга рақсга тушиш ёқадими? Вентуортми ёки бошқа жойгами бориб, ўйнаб келишимиз мумкин. Кел, бирор кишини ишга ёллаймиз.

Мен эриниб қаддимни кўтардим. Бу маъқул фикр, аммо ҳаддан зиёд қалтис эди.

— Биз бундай қилолмаймиз, Лола. Ҳозирча мумкин эмас. Агар биз Вентуортда пайдо бўлсак, ғийбат кўпаяди. Бунинг устига бизга ортиқча кўзнинг мутлақо ке-

раги йўқ, бизнинг бу ерда бирга яшаганимизни бегона кўзлар кўрмасин. Икки ойгина кутайлик, бошқаларга, у қайтиб келмади, деб айтайлик. Ана шунда бошқача гап бўлмайди.

У узун яланғоч оёқларини кўрпа остидан чиқарди.

— Биз бу ерга ниҳоятда боғланиб қолдик, менинг жонимга тегиб кетди.

— Бироз сабр қил. Нимадир ўйлаб топармиз.

Лола ўрнидан турди. У халати учун хона орқали қандай ўтиб бораётганини кўриб турардим. Менга айниқса, Лоланинг соф италияликларга хос ажойиб гавдаси, вазмин, ҳиссиётларни жўш урдирувчи қоматига тикилиш ёқар эди.

— Майли, мен сабр қилиб тураман, — деди у эгнига халатни ташлар экан. — Сен озиқ-овқат маҳсулотларига бормайсанми? Мен пирог пиширишим керак, маҳсулот учун Вентуортга боришга вақтим бўлмайди. Мен пироглар етилгунча колонкага қараб турардим.

Мен бу таклифга кўндим, аммо бирдан гумон пайдо бўлди, у мени маълум вақтга ўзидан узоқроққа жўнатмоқчи эмасмикан? Тропика-Спрингсдан мутахассис чақириб, мен Вентуортдан қайтганимда, у пулларни олиб, олис-олисларга кетиб қолган бўлмасмикан? Мен Лолага қараб кўйдим. У ниманидир аста-секин хиргойи қилганча сочини тарар, одатий нигоҳ ташлар, аммо Риксни қандай даф қилганини эсласам, бу гаплари ҳеч нарсани англамаслигига ақлим етарди.

— У ёққа боришим шартмикан? — дедим мен. — Мени Вентуортда қанча камроқ кўришса, мен учун шунча бежавотир бўлади. Хамир қорисанг бўлмайдим, мен унга қараб турардим?

Мен Лоланинг юз ифодасидан кўзимни узмай, гапим қандай тасдиқланганини кузатдим. У тароқни жойига қўйиб елкаларини қисиб кўйди.

— Агар сен шундай деб қарор қилган бўлсанг, майли, ихтиёринг, — Лола ўрнидан туриб, каравотга яқин келди-да, савол назари билан менга қаради. — Сен,

ҳақиқатан ҳам, Вентуортда пайдо бўлсанг, хатарли, деб ҳисоблайсанми?

— Мен таваккал қилмоқчи эмасман.

— Сен ҳақсан, сенга бирор гап бўлишини асло истамайман.

— Бу ҳақда эшитиш жудаям ёқимли.

— Мен буни жиддий айтяпман, Чет, — у табассум қилди. — Мен сени севаман!

Мен каравотдан тушиб, уни қучоқладим.

— Бу гапни қачон айтаркансан, деб кутдим. Мен сениз жинни бўламан.

Лола пинжимга тикилди.

— Мен сен билан бахтиёрман, Чет! Мен эркак киши билан бахтли бўламан, деб ҳеч қачон ўйламаган эдим. Мен жудаям чарчадим. Бу ерда фақат ишлаш керак, бирор жойга боролмайсан. Ҳаммаси жонимга тегди.

— Яна озгина сабр қил, сўнг жўнаб кетишимиз мумкин. Мен ҳам кетишни ниҳоятда хоҳлайман, аммо биз шунча жиҳозни ташлаб кетолмаймиз, сотиш ҳақида гап юритишга эса ҳали эрта.

— Майли, начора, — деб ўзини тортди Лола. — Бориб, пирог пиширай.

Кийинар эканман, у мени севар экан, деган ўй хаёлимдан ўтди. Гўё бутун вужудим куйлар, Лолага ишонса бўлади, деган умид туғилган эди. Мен емакхонага кириб, қаҳва қайнатдим, у эса пирог пишириш билан овора эди.

— Чет...

У мен томонга ўгирилиб, кўзларимга тикилди.

— Сенинг режаларинг қандай ўзи? Мен ҳозирни эмас, келгусини айтяпман. Бу ҳақда ўйлаб кўрганмисан?

— Ўйлаганман. Энг аввало, менга турмушга чиқинг ҳақида нима дейсан?

У кулимсиради.

— Мен-ку, жон-жон деб кўнардим-у, аммо дастлаб унинг тирик эмаслигини исботлаш керак эмасми?



— Буни биз қила олмаймиз. Бу ердан қандай чиқиб кетишни ўйлаш керак, токи бизни бирор нохушлик исканжасига олмасин. Мен ҳамиша чиқиш йўлини излайман, аммо ҳозирча бундай йўлни топа олмадим. Биз бу ердан бир амаллаб чиқиб кетиб, сўнгра кўздан ғойиб бўлгач, шундан кейин уйланиш мумкин. Худди шундай станцияга Флориданинг бирор жойида эга бўлсанг, бунга нима дейсан?

— Бу жуда жозибали эшитилади. Сен сейфдаги пулларни бизнинг умумий ишимизни очиш учун сарфламоқчимисан?

У сейфдаги пуллар тўғрисида биринчи бор эслатди. Лола буни оддий тарзда айтди, мен эса унга синчковлик билан тикилдим, у нигоҳини олиб қочмай, менга тик қаради.

— Худди шундай.

— Бунча пул билан бизнинг ажойиб сердаромад жойимиз бўлиши мумкин, шундай эмасми, Чет? — унинг кўзлари чарақлаб кетди. — Кел, бу ишни чўзиб ўтирмайлик!

— Даствлаб манови станция билан нима қилиш ҳақида ўйлаш керак, Лола.

— Бирор йўли бўлиш керак-ку, ахир!

Колонка ёнига юк машинаси келиб тўхтади, мен уни ёнилғи билан таъминлаш учун кетдим. Ишимни тутатгач, ҳайдовчи нонушта қилмоқчи бўлди. Бошқа машиналар ҳам кела бошлади. Менинг Лола билан гаплашиш имкониятим қолмаган эди. Хамирни печ устига қўйиб, кийиниб чиққач, у олдимга келиб, жўнаб кетаётганини билдирди.

— Мен пешинга яқин қайтаман. Пирог эсингдан чиқмасин.

Мен уни нигоҳим билан кузатдим, сўнг ошхонага қайтиб, нонуштага ишлатилган идиш-товоқларни ювишга тутиндим. Кайфим чоғ эди. Пул тўғрисида яна гап кўтарилгач, бу менинг Лолада самимийлик мавжудлиги тўғрисидаги гумонимни бутунлай тасдиқлагандай

бўлган эди. «Охирги чизиқ»дан ҳеч кимнинг шубҳасини кўзгатмасдан тезроқ жўнаб кетиш фикри устида жиддий ўйлашимга тўғри келади.

Бу ҳақда қанчалик кўп бош қотирсам, у шунчалик мураккаблик касб этаверарди. Биз станцияни сота олмасдик, чунки у Йенсен номига қайд этилган, Йенсенинг ўлими ҳақида хабар қилиш ҳам асло мумкин эмас эди. Биз станцияни тақдир измига ҳам ташлаб қўя олмасдик; шу заҳоти полиция келиб, сал ўтмай, Йенсенинг жасадини топиб оларди. Ана шунда бу ердаги воқеалардан келиб чиқадиган оқибатлар бўйича қотиллик айблови бўйнимизга тақилар эди.

Мен мулоҳаза юритганим сайин бу муаммо шунчалик чигаллашар эди. Бирдан унинг ечими йўқлигини тушундим. Биз ғарб томонда эдик, барча чиқиш жойлари беркитилган. Агар хавф-хатарсиз бўлишни истасак, бу ерда доимий қолиб кетишимиз керак. Биз қандай қилиб бўлмасин, бу ердан чиқиб кетишни хаёлимизга ҳам келтирмаслигимиз лозим.

Емакхонада нари-бери юриб, мулоҳазаларга берилганим боис, мотор овозини эшитмай қолибман, дераза ойнасидан ташқарига қарамадим ҳам. Мен Риксни машинадан тушиб, ити ҳамроҳлигида омбор томонга йўналган вақтда кўриб қолдим. Юрагим қинидан чиқиб кетгандай бўлди, унинг ортидан югурдим.

Рикс омборхонада тимирскиланиб, асбоб-ускуналарни кўздан кечираётган экан. Ит хўжайинининг ёнида турар, мен пайдо бўлгач, ўзининг ғамгин ва қизил кўзлари томирчаларини намойиш қилиб, менга тикилиб турарди.

— Бу ерда сенга нима керак? — деб сўрадим кескин оҳанг билан.

Рикс менга қаради, итни оёғи билан нари итариб, қийшайди.

- Карлдан бирор хабар борми?
- Йўқ.
- Лола-чи, шу ердами?

— Агар сен Йенсен хонимни назарда тутаётган бўлсанг, у эрталаб Вентуортга жўнаб кетган эди. Бирор ишинг борми?

Ит бирдан бошини буриб, Йенсеннинг қабри устига қўйилган дастгоҳга тикилиб қаради. Шунда бирдан ел-камни совуқ тер қолади.

— Мен ҳозиргача пенсиясиз ўтирибман, — деди Рикс, — пулим ҳам тамом бўлаёзди.

— Мен ҳеч қандай ёрдам бера олмайман.

Ит аста ерни тирнай бошлади, майда шағал топиб олгач, уни жиддий равишда тирнашга тушиб кетди. Рикс бурилиб, итга тикилди.

— Жин урсин! Цезар шунга ўхшаш иш тутганини илгари ҳеч кўрмаган эдим.

Рикс итга яқинлашиб, уни оёғи билан тепиб, чиқа-вериш жойига ташлади.

— Менда бор-йўғи бир доллар қолди, холос. Сен озгина қарз бериб туrolмайсанми? Пенсиямни олгандан дарров тўлар эдим.

У гапирар экан, ит қайтиб келди-да, хўжайинига қараб, ундан яширинча яна ерни тирналашга тушиб кетди.

— Жин ургур итингни олиб кет! — деб қичқирдим мен, сўнг ерда ётган тарашани олиб, унга қарата отдим. Ит ўзини эшикка бориб урди. Рикс менга ажабланиб қараб қолди.

— Тилсиз жониворга шундай муомала қилинадими? Сен уялишинг керак!

— Даф бўл! Сениям, итингни ҳам жин урсин!

Рикс ит тирнаб қазиган чуқурчага саволомуз қараб қўйди.

— Сизлар бу ерга нимадир кўмганмисизлар?

Мен пешонам терлаб, кўзимга томчилар тушаётганини сезиб турардим.

— Йўқ... Қани! Мен кутиб турибман!

Шунчаси етмагандек, Рикс чуқурга эгилиб қаради.

— Бу ерни кимдир қазиганга ўхшайди.

У ўзининг қисқични эслатувчи қўлларини чуқурга чўзиб, юмшоқ уқаланиб кетадиган тупроқни сочиб ташлашга киришди. Ит ҳам қандайдир ҳимояни ҳис этиб, унга яқинлашди. Рикс сабрсиз ҳолда уни нарига силтаб юборди.

— Эҳтимол, Карл бу ерга ўзининг пулини кўмгандир, — деб минғирлади Рикс. — Унинг бунга ақли етади! Кел, биргалиқда кўрайлик. Чўкич борми?

Мени бутунлай ваҳима қамраб олди. Жаҳл билан олдинга қадам ташладим. Рикс кўзларимдаги ифодани сезди, шекилли, менинг ҳазиллашмаслигимни тушунди. У тезгина қадини ростлади ва ўзини орқага ташлади.

— Бўлди, бўлди, йигитча, асабийлашишнинг ҳожати йўқ. — деди мен билан бирга итни ҳам тинчлантиришга уринар экан. — Эътибор берма, мен шунчаки айтдим-кўйдим.

— Йўқол! Мен бу ерда бошқа қорангни кўрмайин! — кичкирдим мен. — Даф бўл бу ердан!

— Беш доллар қарз нимаям бўларди! — жавради Рикс, аммо у омбордан анча узоқлашган эди.

— Сен мендан ҳеч нима ололмайсан! — деб жавоб бердим мен, изидан чиқар эканман. — Мен кутяпман!

Рикс алақачон ўзининг пачоқ машинаси олдида эди. У эшик тутқичини ушлаб, бироз тўхтади ва муштини дўлайтириб таҳдид қилди.

— Майли, сенингча бўла қолсин, йигит, — деди у, товушида ичиқоралик сезилиб турарди. — Мен полицияга бораман. Улардан Карл қаердалигини ахтариб топшни сўрайман. Сен бу фоҳиша билан, қани, яна бирга яшаб, ўпишиб кўргин-чи!

Мен сапчиб олдинга ташландим ва у тумшугига теккан муштан ерга ағдарилиб тушди. Мен шунчалик ўзимни ғазабдан йўқотиб қўйган эдимки, колонка олдида юк машинаси бурилиб, тўхтаганини ҳам сезмай қолибман. Хўжайини ер билан битта бўлиб ётганини кўрган ит ҳам машина ичига яшириниб олди. Ҳайдов-

чи ўзини юк машинасидан ерга ташлаб, қатъий тарзда менга ёпишди.

— Эй, сени қара-ю, муштлашмоқчи бўлсанг, ўз тенгингни топ-да!

Мен шундай васваса домида эдимки, уни ҳам уриб юборгудай важоҳатим бор эди, аммо бу иш борасида олганда хунук ҳолат эди, чунки ҳайдовчилар бир-бирига хабар беришади. Мен ғазабим сўниб, ўзимни ортга ташладим. Рикс тебранганча ердан зўрға қаддини кўтарди.

— Яхши, яхши, — дедим мен ҳайдовчига. — Сиз ҳақсиз. Менинг ғазабим тошиб кетди, бундан афсусдман. Аммо маъна бу разил ҳар куни келиб, товламачилик қилиб, бирор нарса ундирмоқчи бўлади. Одамни жинни қилиб юборди.

Ҳайдовчи мени тинчлантиришга уринди.

— А-а, шундай бўлса-да... ёши улуғ кишига қўл кўтариш... — У Риксга қаради. — Товламачи, дейсанми?

— Худди ўзи. Бунинг устига томоқдан гиппа оладиганлардан.

Ҳайдовчи бутунлай тинчланди.

— Кечирасан, мен аралашиб қолдим. Менинг ҳам қайноғам бор, айнан шу нуханинг ўзи. Ёқилғи олиш мумкинми?

— Албатта. Ҳозир бораман.

У юк машинаси томон йўналди. Рикс секин, оғриқдан инграганича машинасига чиқди. У жағини ушлаб олган ва нимадир деб гўлдирар эди.

Мен ўн доллар олиб, унга узатдим.

— Ушла... Шу билан бас қиларсан энди! — дедим унга.

У машинани ўт олдирди. Қалтираётган қўллари билан пулни юлқилаб фикимлади-да, юзимга отди.

— Мен буни шундай қолдирмайман, — вишилади у. Юзи ёвузона тус олган, худди қутурган итдай бўлиб қолган эди. — Мен полицияга кетдим.

Рикс газни босди, машина жойидан кескин қўзғалди. Мен уни уриб, жиддий хатога йўл қўйганимни ту-

шундим. Рикс кўзимга беқарор, суббутсиз елимқошиқдай бўлиб кўринган, мен урган муштим учун ўн доллар кифоя қилар, деб ҳисоблаган эдим. Аммо бундай эмас экан!

Мен пулни ердан олдим, унинг таҳини очиб, чўнтагимга солиб қўйдим. Юрагимни кўрқув ғижимлаб олди. Юк машинаси олдига бориб, бакни бензинга тўлдирдим. Ҳайдовчи менга қизиқсиниб қараб турди.

У Рикс пулни менга қараб ирғитганини кўрди, аммо ҳеч нима демади.

Юк машинаси жўнаб кетгач, мен омборга қайтиб, Йенсен қабри устидаги дастгоҳни четга сурдим. Чуқурни тўлдириб, текисладим, сўнг шу жойга темиртерсак қўйиб қўйдим. Бу темирлар деворга суяб қўйилган эди. Қабр устида темир уюми пайдо бўлди. Ишлаб туриб, Рикс ҳақида ўйлаб кетдим. У полицияга борармикан? Агар жўнаб кетган ҳолатидаги кайфияти билан мурожаат қилса, шубҳасиз, унга ишонишади, аммо у ерда арз-додини эшитишармикан? Агар полициячилар бу ерга келадиган бўлса, мен тамом бўламан. Балки лашлушларимни йиғиштириб, жўнаб қолганим маъқулдир, чунки ҳозир имконияти бор.

Мен бир қарорга келолмай, омбордан чиқиб, емакхонага кирдим. Колонка олдида чангга беланган «Линкольн» турар эди. Мен ўз ўй-фикримга шу даражада банди бўлиб қолгандимки, бу автоуловнинг қандай келиб тўхтаганини, ҳатто эшитмабман ҳам. Рудда ўтирган кишининг юзи менга қандайдир таниш кўринди.

У машинадан тушиб, менга қараб кела бошлади. Эгнида ғижимланган костюм, елкасида худди шундай шляпа қўндирилган эди. Мен уни бирдан таниб қолдим: юрагим бирдан тўхтаб қолгандай бўлди, сўнг тез-тез дук-дук ура бошлади.

Мен томон одим отиб келаётган киши Рой Трэйси эди.

Рой мени ўша заҳоти таниган эди. У кескин тўхтаб, бирдан қизариб кетди. Биз бир-биримизга қараб кўз узмай турардик.

У биринчи бўлиб ўзига келди, юзи олдингидай тусга кирди, оғзида ўша таниш заҳарханда ифодаси бўлди. У менга кўришиш учун ташланди.

— Чет! Бу ҳақиқатан ҳам ўзингмисан? Сени кўрганимдан қанчалик хурсандман!

Биз бир-биримизнинг кўлимизни сиқиб, елкаларимизга қоқиб қўйдик. Унинг шунча вақт йўқлиги ҳозир, эндигина менга билинганини пайқадим.

— Жин урсин сени! — мен Ройни туртиб қўйдим. — Мен ҳам жуда хурсандман.

У менинг елкаларимдан икки қўли билан ушлаганча қўли етгудек масофада суриб, диққат билан тикилди.

— Сен бу ерда нималар қилиб юрибсан? Мен сени мамлакатдан чиқиб кетибсан, деб ўйлабман.

— Умид қиламанки, полиция ҳам айнан шундай деб ўйлайди, — дедим мен. Ройни кўрганимдан шунчалик хурсанд эдимки, кўзларимдан ёш тирқираб кетди. — Кетдик, ичамиз. Сен қаердан келиб қолдинг ўзи?

— Литл-Крикдан, дунёнинг бир чеккасидан! — у устун ёнидаги стулга ўтириб, атрофга назар ташлади. — Сен бу ерда нима иш қиласан ўзи?

Мен иккита коктейлни аралаштирдим.

— Мен шу ерга жойлашиб қолдим, Рой. Ишляпман ҳам.

— Унчалик ёмон жой эмас, аммо Мексиками ёки Канадами тинч-хотиржам эмасми?

Мен унга стаканлардан бирини узатдим.

— Бунга гапириш осон. Менда мутлақо пул йўқ эди. Яхшиям омадим келди, бу ерга жойлашиб олдим.

— Сен ростдан ҳам, бу ерга хавфсизман, деб ўйлаяпсанми?

— Менинг аҳволимда киши ўзини хавф-хатардан холи деб ҳис қилиши жуда қийин, албатта.

— Мен қочганинг ҳақида эшитган эдим, сен — ҳақиқий довярак одамсан! Мен ҳамisha сен ҳақингда ўйлаган эдим, аммо учратаман, деб сира хаёлимга келмаган.

— Мен ҳам.

У менга қаради, қўли пастга тушиб, панжаларимни қисиб олди.

— Чет, сен менга нимаики қилган бўлсанг, ҳаммаси учун миннатдорман. Мен буни бир умр унутмайман! Сен менинг айбимни беркитгансан...

— Қўйсанг-чи. Сен ҳам менинг ўрнимда бўлганинг-да худди шундай қилар эдинг.

— Тўғри, қилардим, аммо мен буни ҳеч қачон унутмайман. Сени ушлаб олишганида... Мен ҳам бўларимча бўлган эдим! Мениям албатта тутиб олишади, деб ишонган эдим. Сен дўст, ҳақиқий дўст экансан!

— Сен мендан ақллироқ чиқиб қолдинг. Иккимизнинг ҳам учиб, взоққа бориб қолишимиздан нима фойда бор эди? Агар мен ҳам ваҳимага берилмай, изингдан бориб қолганимда эди...

У стакандан бир ҳўллаб кўйди.

— Сенинг якка ўзинг саросимага тушганинг йўқ, Чет! Мен сал бўлмаса ақлдан озиб қолай дедим! Бу ишга киришиш бизнинг аҳмоқлигимиз бўлган. Мен ҳамма вақт ана шундан афсусландим.

— Мен ҳам. Сен бу ерга қандай қилиб келиб қолдинг? Сенга нима керак бўлиб қолди?

Рой коктейлни охиригача симириб, бўш стаканни менга узатди. Янги коктейль тайёрлагунимча, у ҳикоясини бошлаб юборди:

— Мен ҳозир худди филдирақлар устига яшаётгандекман. Кулгили-я, тўғрими? Мени ҳозир фирмадан сиқиб чиқариш учун худди шундай қилиб иш кўришяпти. Бу ишда мени сен билан шериклик қилган бўлса керак, деб гумонсирайдилар. Франклин, катта хўжайинлар айнан шундай деб ҳисобляпти, деб шама қилиб



қўйди. Улар биз қандай дўст бўлганимизни билишади. Мени сейфлар хизматига қўйишмади, бу жин ургур сейфларни таъмирлашдан кўра уларни сотиш малакасини ўрганишинг керак, дейишди. Менга эски русумдаги сейф эгалари рўйхатини беришди, уларни эскиларни ўрнига янгисини алмаштиришга ишонтаришим керак, — у ён дафтаридадан бир варақ чиқариб, ўқиди: — «Охирги чизиқ»даги Карл Йенсен, эгаси. Тўғрими? Унда эски «Лоренс» сейфи бор, мен унга янгисини сотишим керак. Бу сенинг хўжайинингми?

Бу пайтда колонка олдида «Кадиллак» келиб тўхтаган ва ҳайдовчи бетоқатланиб, машина сигналинини босар эди.

— Мен ҳозир келаман, — дедим ва нимани айтиш, нимани айтмаслик кераклигини ўйлаш имконияти туғилганидан хурсанд бўлдим. Бакка бензин қуяр эканман, миям зўриқиб ишлар эди. Ройга Йенсеннинг ўлимини гапириб ўтиришнинг кераги йўқ, бу менинг эмас, Лоланинг махфий сири ҳисобланади. Мен унга ўша уйдирмаларни айтиб бераман: Йенсен бошқа колонкаларни кўриш учун кетган, у икки ойгача бу ерда бўлмайди, дейман.

Мен емақхонага қайтиб келдим. Рой чекар ва атрофни диққат билан кезиб, кузатар эди.

— Бу ер жуда зўр экан, Чет! Ҳавасим келди. Бу ер олтин конидан ҳам зўрга ўхшайди.

— Ёмон эмас, — жавоб бердим мен. — Карл Йенсен жўнаб кетган. Ўйлашимча, у яқин орада қайтмаса керак.

Ройнинг афти буришиб кетди.

— Сен, шундай хилват гўшага бекордан-бекор келиб қолдинг, демоқчимисан? Йенсеннинг хотини-чи? Балки у сейфни сотиб олар?

— Сира иложи йўқ. Бу ерда ҳаммасини Йенсен ҳал қилади. Сенинг омадинг келмади.

У коктейлни охиригача ичди, энгашиб, шошилмасдан сигара кулини кулдонга қоқди.

— Ростини айтсам, меъдан дуруст сотувчи чиқмайди. Мен бу лаънати иш билан, мана, етти ҳафтадан бери машғулман, аммо шу вақт мобайнида бирорта ҳам сейфни сота олганим йўқ, — Рой қовоғини уйиб, менга қаради. — Ой охирида менинг ҳисоботим бутунлай чип-пакка чиқади, ана шунда бўйнимга болта тушади. Мен ўзимни алдамайман: ҳадемай ишсиз қоламан.

— Безовта бўлишингга асос бор экан. Мен фақат бир нарсани тушунмаяпман, сен нима учун уларнинг шундай муносабатда бўлишларига йўл қўйиб берасан? Нега «Каррингтоз» ёки «Хейвордз» фирмаларига ўтиб кетмайсан? Улар Лоуренснинг сейфларига нисбатан яхши, сени жон-жон деб қабул қилишади.

У бош чайқади.

— Ана шу масалада сен хато қиляпсан. Улар мени нима учун ишдан кетаётганимни суриштиришади ва Франклин уларга шунчаки шама қилиб қўяди. У менинг пул ўмаришда аралашиб қолганимни тўғридан-тўғри айтмайди, албатта. Фақат менга ишонмаслигини шама қилиб қўяди, мана шунинг ўзи тўла-тўқис етарли бўлади.

Мен унга қараб қолдим.

— Аммо улар ҳеч нимани исботлаб беришолмайдикун!

— Бу уларга керак ҳам эмас. Ишора, шама қилишининг ўзи кифоя.

— Хўш, унда нима қилмоқчи бўляпсан?

У елкаларини қисиб қўйди.

— Билмайман. Мен сейфлар борасида ҳамма ишни уддалайман, қулфларни тузата оламан, шундан бошқаси, рости, қўлимдан келмайди. Боз устига менинг ёшимда мутахассисликни алмаштириш — жуда қийин иш, — Рой соатига қаради. — Вақт пешинга қараб кетяпти, мен бирор егулик тановул қилсам дегандим. Сенда егулик борми?

Мен унга таомномани узатдим. Емакхонага икки ҳайдовчи кириб келди. Улар устун ёнида жойлашиб,

гамбургер буюришди. Мен уни тайёрлагунча, Рой қовурилган жўжа ҳақида сўраб қолди.

— Албатта, — деб жавоб бердим мен. — Биз уни кўкатли салат ва пиширилган нон билан бирга дастурхонга тортамыз. Ҳар ҳолда сен бошқа ниманидир эмас, ҳақиқий қовурилган жўжа еганинга ишонасан.

— Маъқул.

Спорт машинасини миниб келган йигит билан қиз ҳам тушлик қилиб олмоқчи бўлишди. Мен уларга қовурилган жўжани тавсия этдим ва улар рози бўлишди. Бу вақт давомида Лолани кутиб, деразадан қараб-қараб қўярдим. Ниҳоят тепалик ортидан «Меркьюри» кўринди. Мен жўжа гўшти солинган ликопчани Ройнинг олдига қўйдим.

— Йенсен хоним келяпти, — дедим товушимни пайсаптириб. — Мени бу ерда Пэтмор деб билишади, Рой. Тагин унутиб қўйма.

У бош ирғади ва кўзини қисиб қўйди. Лола ошхона яқинига келиб, машинани тўхтатди ва ошхонага кирди.

— Мен бироз ушланиб қолдим, — деди у. — Ҳаммаси жойидами? Қачон хизмат кўрсатишар экан, деб кутиб қолмадимми ҳеч ким, ишқилиб?

— Ҳаммаси жойида, Лола, — мен унинг белидан қучиб ўпдим. — Нимадир бўлди. Ҳузуримизга бир йигит келди, мен уни илгаридан биламан. Ташвишланишга асло ҳожат йўқ — унга ишонаман. У эрингнинг иши бўйича келибди. Мен унга, Йенсен икки ойгача бўлмайди, дедим.

Лола сергакланиб қолди.

— Сен унга ишониш мумкин, деб ўйлайсанми, Чет?

— Ҳа, у менинг энг яхши дўстим эди. Ҳаммаси жойида бўлади.

Кимдир тоқатсизланиб, устунни танга билан уриб тақиллатди.

— Мен, яхшиси, емакхонага ўтмайман. Юкларни тушириб олишни кейинга қолдираман.

Устун ёнида ўрта бўйли, сарғиш костюм кийган йигит турарди.

— Менда, автобусда йигирма киши бор, — деди у. — Уларни овқатлантира оласизми?

— Бўлмасам-чи, — жавоб бердим. — Уларни дарров бу ёққа юборинг.

Дераза орқали сайёҳлар билан тўлиб турган шинам автобусга кўзим тушди. Мен Лолани, қўлимиз қўлимизга тегмай қолади, деб огоҳлантирдим. У бош ирғаб қўйди — ҳеч қандай шошиб қолиш қўрқитолмас эди. Емақхона тезда одамлар билан тўлиб кетди, гарчи Лола иккимиз жон-жаҳдимиз билан ишласакда, айримларга барибир улгуролмасдик. Шу орада иккита юк машинаси ёнилғи талаб қилиб сигнал бера бошлади.

Рой таомини еб бўлган, менинг ҳар томонга зўрға улгураётганимни кузатиб турарди. У студдан туриб, олдимга яқинлашди.

— Агар ёрдам берсам, қарши эмасмисан? — сўради у. — Мен колонка билан шуғулланаман, хўпми?

— Яхши бўларди, — деб устун тагида турган майда пуллар солинган сумкани узатдим. — Қанча олиш кераклигини ҳисоблагичга қараб билиб оласан: унда тегишли маблағ ҳисоби автоматик равишда ўзи чиқади.

Рой сумкани олиб, колонка томонга қараб кетди.

Бизнинг югур-югуримиз яна бир ярим соат давом этди. Ниҳоят сайёҳлар жўнаб кетишди, емақхона бўшаб қолди. Мен шунчалик банд бўлиб қолган эдимки, ҳатто Рой ўз вазифасини қандай бажараётганини ҳам кўришга вақтим етмай қолди. Мен дераза олдига келдим, Лола эса ошхонадан чиқди.

Рой банд эди. Колонка олдида яна учта машина навбат кутиб турарди. У тез ишлар, бензин қуйилгунича олд ойнани артишга ҳам улгурарди. Лола менинг олдимга келди.

— Бу ерда нималар бўляпти ўзи? Ким у? — деб сўради у Ройни кузатар экан.

— Бу ўша — Рой Трэйси, мен сенга гапириб берганим. У ёрдам бермоқчи бўлди, ишни эплаганга ўхшайди.

— Ҳа, ҳатто анча дуруст.

Мен Лоланинг товушида ниманидир сезиб, унга қарашга мажбур бўлдим. У Ройни кузатар, ўрганар, кўм-кўк мовий кўзлари енгилгина қисилган эди.

— У бу ерда қолмасмикан-а, Чет? — деб сўради кейин. — Бизга ёрдамчи керак, агар сен унга ишонсанг...

Мен унинг белидан ушлаб, енгилгина чимчилаб қўйдим.

— Ўзим ҳам уни сенга тавсия қилмоқчи эдим. Биз бу йигит билан худди ака-укалардекмиз. Сен унга ишонишинг мумкин. Мен Ройга, Йенсен кетиб қолган, деб айтдим. Энди у бир аёл билан бирга кетиб қолди, биз бирга яшаяпмиз, дея оламан. У уйда, бир жойда асло ўтирадиганлар тоифасидан эмас. Бу ер унга зерикарли туюлиши мумкин, — мен Лолага кулимсираб қўйдим. — Энг муҳими шуки, у сенга суйкалмайди. Унинг никоҳидан ҳеч қандай натижа чиқмагач, аёлларга нисбатан барча қизиқиши сўниб қолди.

Лола менга қараб қўйди.

— У бу томонга қараб келяпти. Ундан сўраб кўргин, Чет.

Эшик очилиб, Рой кириб келди. Лолани кўриб, тўхтаб қолди, кўзларида ҳайрат акс этди. Лола, ҳатто фикимланган ҳалатда ҳам аёллигича қолган, шунда ҳам тикилишга арзир, бунда сира ҳайратланарли жойи йўқ эди.

— Рой, бу — Йенсен хоним, — дедим мен. — Лола, бу — Рой Трэйси.

— Сизнинг қандай ёрдам берганингизни кўрдим, жаноб Трэйси, — деди Лола жилмайиб. — Раҳмат. Бизда, бу ерда иссиқ бўлди.

Рой бу гапга жавобан кулимсиради:

— Ҳа, кўрдим! Менга ёрдам бериш ёқади. Бу ер жуда ажойиб жойлар экан, Йенсен хоним.

— Бу ер сизга ёқдими?

— Бўлмасам-чи!

— Унда бу ерда қолишга нима дейсан, Рой? — деб сўрадим мен. — Йўлнинг нариги томонида флигель бор. Уни эгаллашинг мумкин. Ишинг учун ҳафтасига қирқ доллар оласан. Хўш, қандай?

Рой нигоҳини мендан Лолага кўчирди ва яна жилмая бошлади.

— Менинг сизларга кераклигимга ишончингиз комилми? — У Лолага мурожаат қилди. — Агар шундай бўлса, ўйлаб ўтиришимнинг ҳожати йўқ!

— Биз шу кунларда, ёрдамчи керак, деб ҳақиқатан ҳам гаплашган эдик, — деди Лола.

Чанг булути орасидан «Форд» чиқиб келди ва колонка олдида тўхтади.

— Ишни давом эттиришимга рухсат беринг, хўжайин, — деб кулди Рой, мен томон ўгирилиб қарар экан.

— Мен ўзим эплайман, сизлар эса танишиб туринглар... — мен Лолага қарадим. — Биз бирга мактабга борганмиз. Уни хафа қилиб қўйма: биз ака-укалардаймиз.

Рой мени енгил туртиб қўйди.

— Ҳа, тўғри, — деди у Лолага тик қараб. — Худди ака-укалардек.

## 2

Соат ўндан сўнг, ҳамма ёқ тинчигач, учаламиз кечки овқатга ўтирдик. Лола билан ёнма-ён ўтириб, Ройни рўпарада кўриш жуда қизиқ эди.

У ҳайрат ичида ўз таассуротлари билан ўртоқлашарди.

— Бу ер ҳар жиҳатдан зўр! Шундай бўлиши керак! Қолсам бўладими? Бу сейф сотиб юришдан кўра афзал!

Биз машҳур спагетти макарони билан пиширилган бузоқ гўштини тановул қилдик. Лола спагеттини санчқига обдон ўрар, шошилмасди.

— Шундай қилиб, ишингиз сейф билан боғлиқ эканда? — деб сўради у.

— Мен сизга айтсам, Йенсен хоним, — Рой менга кулимсиради қаради. — Биз, Чет иккимиз сейфлар бўйича мамлакатдаги энг яхши мутахассисмиз. Шундай эмасми, Чет?

— Бошқалардан кам эмас, ҳатто, энг яхшиси.

— Биз Чет билан бирга бу ишни бир кунда бошлаганмиз, — деди Рой Лолага мурожаат қилар экан. — Чет сейф ишини мендан яхшироқ билади, мен эса қулфларни ундан пухта ўзлаштирганман. Четда битта камчилик бор, у ҳам бўлса кўнгилчанлик. Мен яхши эслайман, у кўпинча мени турли-туман нохушликлардан асраб қоларди. Одатда мен уни ҳар хил воқеаларга гирифтор қилардим, у эса мени бало-қазолардан эсон омон олиб чиқарди.

— Бу ерда ҳаёт анча осойишта, Рой, — дедим мен. — Ишдан бошқа ташвиш деярли йўқ бу ерда.

— Бу мени тўла-тўқис қаноатлантиради, — жавоб берди у ва бирдан жиддийлашди. — Аммо жаноб Йенсен қайтиб келгач, боқиши керак бўлган яна бир текинтомоқни кўрса, нима деркан? — у Лолага нигоҳ ташлади. — Мен доимий бир ишни мўлжаллаган эдим, Йенсен хоним.

— Уни қайтади, деб ўйламайман, — Лола қулай имкониятдан фойдаланиб шундай деди.

Рой кўзини қисиб қўйди. У менга тезгина назар ташлади-ю, яна Лолага нигоҳини кўчирди.

— Бирор нохушлик рўй берганми?

— Оддий иш, — унинг овози равон чиқар эди. — Мен ҳали ҳеч кимга уни қайтмаса керак, деб айтганим йўқ. У бошқа аёлни топган, мендан ортиқ эмиш!

Рой эсанкираб қолди.

— Узр, кечирим сўрайман...

— Узр сўрашнинг ҳожати йўқ, — у қўлини узатиб, менинг қўлим устига қўйди. — Кўряпсиз, биз Чет билан... Ҳар эҳтимолга қарши, эрим бу станцияни менга қолдирди... Четни ҳам!

Рой қойил қолгандек менга қараб, бош ирғади.

— Ҳа... Омади чопган бахтлилар ҳам бор!

— Бўлади, — мен стулни сурдим. — Кетдик, мен сенга флигелни кўрсатаман.

Рой ўрнидан турди.

— Тансиқ таом учун сиздан миннатдорман, Йенсен хоним.

Лола кулди.

— Мени оддийгина қилиб Лола деб чақираверинг. Бу ерда ҳеч қандай расмиятчилик бўлиши мумкин эмас.

— Яхши. Идиш-товоқни ювишга ёрдам берайми?

— Мен ўзим. Сиз Чет билан бораверинг.

Биз ой ёруғида ялтилаган йўлдан юриб, флигелга яқинлашдик.

— Нақадар ажойиб аёл-а! Мен сендан хурсандман, Чет! Менинг халақит бермаслигимга ишонасанми?

— Албатта-да. Менга бу ерда энг етишмагани — эр-как улфат эди.

Мен эшикни очиб, Ройни олдинга ўтказиб юбордим.

— Бу ер жуда шинам. Ҳатто телевизор бор, — у дераза ёнига бориб, уйга қаради. — Сен у ерда яшаяпсанми?

— Яна қаерда бўларди?

— Ҳа... Сенинг аёллар бобида омадинг келган, — у сигарет чека туриб, сумкасидан буюмларини ола бошлади. — Бу Йенсенга уйда нимадир етишмагандир, агар у аёллар туфайли кетган бўлса... Ҳеч тушунмаяпман, ахир унинг хотинида ҳаммаси жойида-ку! Унга нима керак экан?

— Менимча, Йенсен ўзининг ёшига мос семизроқ, рўзгорбоп аёлни афзал кўрган бўлиши керак, — деб жавоб бердим унга. — Лола ундан йигирма ёш кичик, шунинг учун бир-бирига кўпинча мос келмайди.

Рой аввал тутунни ичига тортиб, сўнг узун, ингичка қилиб пуфлади.

— Нима учун бу станцияни ўзига олиб қолиб, бу хотиндан бирдан халос бўлмади экан?



Рой аҳмоқлардан эмас эди. У эшитганларидан ҳайрон бўлиб қолганини билиб турардим. Мен уни ишонтиришим керак, акс ҳолда у биздан гумонсираб юраверади.

— Нима иш қилиш кераклигини айтиш осон. Бундай шароитда хотиндан шунчаки халос бўлиш мумкин эмас.

Ройнинг қоп-қора кўзлари менга синовчан тикилди.

— У кўздан бери йўқми?

— Тўрт ёки беш ҳафта бўлди.

— Ҳеч қандай хабар йўқми?

— Йўқ.

— У бошқа аёл тўғрисида бирор нарсани билмаса керак-а?

— У ҳаммасидан хабардор.

Рой бошини чайқади:

— Аммо у исталган пайтда пайдо бўлиб, хотинининг тўшагида сени ушлаб олиши мумкин-ку!

— У қайтиб келмайди, Рой.

У яна менга қараб қўйди-ю, юзини ўгирди.

— Аммо бу аёл сенинг қанчалик мушкул аҳволга тушганингни биладими, Чет?

— Ҳа, мен унга ҳаммасини гапириб берганман...

Рой сумкасидаги барча буюмларни бўшатиб, каравотга ёйиб ташлаган эди.

— Бу жой олтин ҳужранинг ўзи! У ҳафтасига қанча даромад келтиради?

Даромад мен кутгандан кам эди. Йенсен ўзи ишлаган пулларини металл сотиб олишга сарфлар, бунга мен унинг ўлимининг биринчи ҳафтасидан сўнг ишонч ҳосил қилган эдим. Мен ҳам, Лола ҳам Йенсеннинг ўлимидан кейин даромаднинг асосий манбаларидан бирдан маҳрум бўлиб қолганимизни асло мулоҳаза қилиб кўрмаган эдик. Биз фақат емакхона, бензин колонкаси ва майда таъмирлаш ишларига таяниб қолишимиз мумкин эди. Бу менинг мўлжалимга кўра, унча сердаромад эмасди. Соф даромад ҳафтасига икки юз доллардан иборат эди ва биз буни тенг иккига тақсимлаган эдик, ярми менга, ярми унга.

Мен ўзимга тегишли пулларни ҳеч нарсага сарфла-масдим, шунинг учун бу пулларни бошқа жамғарма маблағлар билан бирга сейфга солардим. Лола ўзига тегишли пулларни нима қилади, бу менга номаълум, ундан сўрамас ҳам эдим.

— Сен ўйлагандай унчалик кўп эмас. Ҳафтага икки юз, холос.

Рой юзини буриштирди.

— Сен ҳайрон қолдирыпсан. Мен кўпроқ бўлса керак, деб ўйлагандим, — у хонани кесиб ўтиб, деразадан ташқарига қаради. — Бу ерда катта пул ишлаб топиш учун имконият бор, Чет!

— Сен хато қиляпсан. Биз катта йўлдан анча чекка-дамиз.

— Ҳамма гап шунда-да! — у киприк қоқмай менга қаради. — Бу жой бирорта ишнинг кўзини биладиган одам учун яратилган! Сен, ахир буни тушунасан-ку!

— Нимани назарда тутяпсан?

— Сен бу ерга умрининг охириги кунларини ўтказётган бўлсанг керак, назаримда? Биз, иккимиз ҳам кўп пул ҳақида орзу қилган эдик! Шундай экан, бу ерни бирорта сердаромад жойга айлантиришни ўйлашимиз керак.

Мен каравотга ўтириб, қовоқларимни уйиб олдим.

— Нимани ўйлаш керак экан?

— Масалан, бу ерни мексикалик муҳожирлар учун юк ортиш ва тушириш масканига айлантиришимиз мумкин эмасми? Сен уларнинг ҳар бирини юз доллар эвазига бу ерга жойлаштирар эдинг. Шу ҳақда ўйлаб кўрдингми?

— Агар сен Фарнуортда икки ой яшаганингда, Рой, — дедим мен сокин овозда, — ҳеч қачон бундай демаган бўлардинг.

— Тўғри, мен сенинг нимани ҳис этаётганингни тушунаман. Аммо биз ҳаммасини нотўғри қилдик, ўзимизни аҳмоқларча тутдик. Ўшанда ҳеч бўлмаганда бир ҳафта уни кузатишимиз керак эди, ана шунда унинг

кун тартибидан хабардор бўлар эдик. Шу мутлақо калла-мизга келмаган.

— Биз ўша ишга қўл урмаслигимиз керак эди. Ўзимиз саргузашт излаб, нохушликлар ичига ўралашиб қолдик, айниқса мен. Кел, ростига кўчайлик, мен бундай ишларга нуқта қўйганман.

— Тушунаман, аммо мени ҳали пул жазаваси тарк этгани йўқ. Эртами-кечми, мен ҳали катта пулни қўлга киритаман! Агар яқин келажақда бунинг йўлини топмасам, кейин умуман топа олмайман!

— Бу ерда катта пул ишлаб тополмайсан, ҳозирдан ҳисобга олгин.

Рой елкаларин қисди ва кулимсиради:

— Бўпти, бу мавзуга нуқта қўямиз.

У кийим-кечак жавонига яқин бориб, қутисини тортди, у ерга қўйлақларини қўйиб, менга қаради.

— Сенда бойиб кетиш ҳақидаги хоҳиш бутунлай йўқолиб кетдимми?

— Ҳа, йўқолди. Мени Фарнуорт даволади. Агар сен ҳам у ерга бориб қолсанг, аниқ даволанар эдинг.

— У ер ёқимли эмас, шундайми? — у иккинчи қутини тортиб, бир нечта пайпоқ ва дастрўмолни қўйиб тахлай бошлади, сўнг бирдан қичқириб юборди: — Жин урсин! Бу нима?

Рой қутининг ичкарасига қўл тиқиб, тўппончани суғуриб олди, ундан Йенсен отиб ўлдирилган эди. Мен ўша даҳшатли қотилликдан сўнг уни қутига солиб қўйиб, шу билан унутиб юборган эдим. Тўппончага кўзим тушган заҳоти мени совуқ тер босди ва уни тезда Ройнинг қўлидан тортиб олмоқчи бўлдим, хайриятки, ўзимни зўрға тутдим.

— Бу рўзғорда ишлатилди, — дедим мен овозим ўзимни сотиб қўймасайди, деб кўрқиб. — Уни Йенсен кетганидан кейин топиб олганман.

Рой қуролни синчиклаб кўздан кечирди. Тўппонча ўқдонини айлантирди ва унинг нилини ҳидлаб кўрди.

— Бундан яқинда ўқ узишган, — деди Рой ва отилган гильзани олиб, каравот устига ташлади. У мендан кўзини узмасди. — Сен бу ҳақда биласанми? Ким ўлдирилган эди, Чет?

Унинг нигоҳига дош бериш қийин эди, аммо мен буни уйдаладим.

— Ҳеч ким ўлдирилган эмас. Йенсен баъзан қирғийларни овларди. У шунчаки тўппончани тозалаб қўйишни унутган кўринади.

— Қирғийларни, қирқ бешинчи калибрли қуролдан? — Рой тўппончани қутига қўйди. — Йенсен, афтидан, мерган бўлмаган кўринади.

— У ҳеч қачон теккиза олмасди, — мен жавонга яқин бориб, тўппончани олдим ва чўнтагимга солиб қўйдим. — Кеч бўлди, энди боришим керак. Сенинг ҳамма нарсанг борми?

— Нимаики керак бўлса, ҳаммаси етарли, — Ройнинг товуш оҳанги шу қадар эдики, бу менга ёқмади. — Кечаси ишлаш ҳақида нима дейсан? Шундай иш борми?

— Биз навбати билан алмашиб турамиз. Бугун менинг навбатчилигим. Сен эртани олишинг мумкин.

— Жуда яхши. Биз гаплашиб олганимиздан ниҳоятда хурсандман. Яна учрашганимиздан жуда хурсандман. Омадим келганига ишонмаяпман!

Мен унинг елкаларига уриб қўйдим.

— Мен ҳам. Хайрли тун!

— Хайрли тун... Чет...

Мен тўхтадим.

— Нима дейсан?

У иягини қашлаб, менга тикилиб қаради.

— Тўппончани тозалаб қўйгин. Тозаланмаган қуролни уйда сақлаш хавфли.

Мен унинг нигоҳига дуч келиш учун ўзимни мажбур қила олмас эдим.

— Сен ҳақсан. Маъқул... Эртагача...

— Эртагача, дўстим.

Мен флигелдан ташқарига чиқдим. Емакхонанинг барча деразалари қоронғи эди, аммо Лоланинг ётоқхонасида чироқ ёниб турарди. Мен уйга кирдим.

Лола каравотда ўтирарди. Мен кирганимдан сўнг у пайпоғини еча бошлади.

— Ё Худо, бугун шунчалик чарчадимки, — деди у эснаб. — Менга дўстинг ёқди, Чет.

— Ҳа, у — ҳақиқий дўстим.

Мен тўппончани жавоннинг юқори томонидаги қутига солиб қўйдим. Лола менга орқасини ўтириб ўтирар, нима қилаётганимни кўрмасди. Мен тўппончани эртанинг ўзидаёқ тозалаб қўйишга ўз-ўзимга сўз бердим.

— Биз, учаламиз ҳамма ишни жой-жойига қўямиз. Биласанми, бу валаги эшитилади, аммо Ройни аёллар қизиқтирмайди. Мен буни тушунолмаيمان, аммо никоҳи рисоладагидек бўлмагач, у бирорта ҳам аёлга қайрилиб қарамаган.

Лола тунги кўйлагини кияр экан:

— Ҳар бир эркак барибир аёлга қизиқади, фақат ҳар хил бўлади, — деди.

— Мен Ройни ўттиз йилдан бери биламан, — жавоб бердим мен. — Унинг ҳаётида фақат битта аёл бўлган, ана шунга уйланган, аммо икки йилдан кейин улар ажрашишган.

Лола кўрпа ичига кирди.

— Ҳамма томондан қараганда, у аёлда қизиқтирадиган бирор жиҳат бўлмаган... — у кўлларини боши тагига қўйди, сўнг ҳомуза тортиб, эснади. — Сен соат бирда қайтасанми, Чет?

— Ҳа, — мен унга яқинлашиб, ўпдим. — Хотиржам ётавер, сени уйғотмасликка ҳаракат қиламан.

— Мен азбаройи чарчаганимдан кўзларимни зўрға очиб турибман, — у кўрпани иягигача тортди ва кулиб қаради. — Мен боя қатъий қилиб сўрамадим ҳам, бу ерда бўлганимда бирор нарса рўй бермадимми?

Ё Худо! Мен Рикс ҳақида гапиришни унутибман-ку! Рой билан қувончли дийдорлашув бу аблаҳ тўғри-

сидаги фикрларни бир чеккага суриб қўйибди-да! Менинг юзим ўзгариб кетганини кўриб, Лола қаддини ростлади.

— Нима бўлди, Чет?

— Бугун эрталаб яна Рикс келди. Уни уришимга тўғри келди.

— Нима, урдинг?

Лоланинг овозидан, у бу воқеани ташвиш сифатида қабул қилганини англадим.

— Ҳа, урмай бўлмасди.

У менинг қўлларимдан маҳкам ушлаб олди.

— Қани, гапир-чи! Нима воқеа рўй берди?

Мен Лолага ҳаммасини айтиб бердим. У каравотдан қимирламай, кўрпани ғижимлаган кўйи, мендан зангори кўзларини узмасдан гапларимни тинглади.

— Мен Риксга ўн доллар бермоқчи бўлдим, — дея сўзимни тутатдим мен, — аммо у пулни бетимга улоқтириб юборди. У, полицияга бораман, деб айтди.

Лола бошини ёстиққа ташлади.

— Рикс айтолмайди. Борди-ю, полицияга мурожаат қилганида ҳам улар унинг қандай каламуш эканлигини жуда яхши билишади. Қулоқ солишмайди унга.

— Ундай бўлса, яхши.

— Аммо уни уриш — жиннилик, Чет!

— Биламан. Шундай бўлиб қолди.

— Ишончим комилки, улар унинг гапига қулоқ солишмайди.

Мен эгилиб, уни ўқдим.

— Ухла. Мен соат бирга яқин келаман.

— Эртага оқшом барвақтроқ ухлаймиз ва колонкага, майли, Рой қарайверсин.

— Келишдик, — деб жавоб бердим мен.

Мен нонушта вақтида Ройга Рикс тўғрисида гапириб бердим.

— Ундан кўз-қулоқ бўлиб туриш керак, — дедим мен. — Бу одам ҳамиша кутилмаганда пайдо бўлиб қолади. Кеча келганида, мен уни уришга мажбур бўлдим. Бу, албатта, мен томонимдан эси пастлик, лекин бўлар иш бўлди. У, полицияга шикоят қиламан, деб кетди.

Рой менга диққат билан тикилди.

— Полицияга, дейсанми? Нима учун?

— У Лола билан ўпишиб турганимизни кўриб қолган эди. Йенсен бошқа аёл билан кетиб қолганини билмайди. Рикс уни излаб топмоқчи ва жанжал кўтармоқчи бўлди.

Рой қаҳвани ичиб тугатди ва чеқди. Биз иккимиз нонушта қилаётган эдик, Лола ҳали чиқмаган эди.

— Лола нима учун Йенсен қайтиб келмаслигини унга айтмайди?

— Биринчидан, бу унинг иши эмас, иккинчидан, Рикс Лоланинг гапига ишонмайди.

— Бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ, — Рой бош чайқади. — Мен ўзим ҳам сира ақлимга сиғдира олмаяпман, шундай жой ва аёлини ташлаб кетадиган қандай аҳмоқ экан ўзи? Нима учун ахир?

— Қисқаси шуки, Рой, агар биз йўқлигимизда, у келиб қолса, кўздан қочирма. Рикс ҳеч нимани олмасин, унга гапирмагин ҳам.

— У полицияга мурожаат қиладими?

— Менимча, йўқ. Борди-ю, мурожаат қилганида ҳам, барибир у ерда унга ишонмайдилар, — шундай деб ўрнимдан турдим. — Сен менга ёрдам берасанми? Бу ерни ҳар куни тоза тутиш керак, Лола эса, кўриниб турибдики, энди ёрдамчимиз борлигидан фойдаланишга аҳд қилган. У ҳалиям ухлаб ётибди.

Биз йиғиштиришни бошлар эканмиз, Рой сўраб қолди:

— Менга Фарнуорт тўғрисида гапириб бер, Чет. Сен қандай қилиб қочишга муваффақ бўлдинг? Газеталарда ёзишди, бундай қочишни эплаган ягона киши сен экансан.

Мен ҳаммасини айтиб бердим. У қизқарли саргузаштларимни эшитиб, шунчалик маҳлиё бўлдики, охири супургига суяниб, тўхтаб қолди, бошини ҳайрат билан чайқади.

— Қойил! Сен шунчалик довюракмисан ҳали? — деди у мен гапимни тугатгач. — Худо урсин, агар мен бу итлар назоратида бўлганимда, ўлсам ҳам қочмас эдим.

— Сен у ердан қандай бўлмасин бир амаллаб чиқишга уринган бўлардинг. Менга қолса, у ерга ҳеч қачон қайтмайман, ундан кўра ўлим афзал!

Рой афтини буриштирди.

— Сен бу ерда хавф-хатардан холисан: Фарнуортдан — узоқда. Сени бу ердан излаш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди.

— Мен ҳам ана шунга умид қиламан.

Лола уйдан қандай чиққанини дераза орқали кўрдим. У калта майка ва калта шим кийиб олган эди. Узун қизғиш-қўнғир рангли сочлари елкасига йиғилган ва яшил тасма билан танғилган. Мен шошиб қолдим. У бир неча ҳафтадан бери бундай кийинмаган эди. Энди эса бошқа эркак пайдо бўлганида ўз танасини бутун дурқунлиги билан намойиш этишга уриняпти. Мен дарҳол Ройга нигоҳимни қаратдим, у устунни артиш билан банд эди.

Лола лабларида кулги билан кириб келди. Бу бутун бошли томоша эди.

— Салом, — деди у. — Бу манзара менга ёқади: менинг икки қулим завқ-шавқ билан тер тўкмоқда.

Мен Ройнинг ҳар бир ҳаракатини кузатардим. У жойида қотиб, Лолага қаради. Лола тик турар, эшик кесақисига суяниб, унга тикилар эди. У аёлларга хос назокати билан шунчалик гўзал эдики, мен бундай сулувни илгари мутлақо кўрмагандай эдим. Ройнинг юз



ифодаси ўзгармади. У аёлга юзаки тарзда бироз нигоҳини қаратди ва яна ишга тушиб кетди.

— Салом! — деб жавоб берди Рой. — Бу ердаги хўжалик фақат иккимизга қараб қолади, шекилли.

Лоланинг юзи музлаб қолгандек туюлди — у Рой чиройли аёл қоматига кўзи тушса, албатта шунга монава муносабат билдиради, деб бошқача усулни қўллаган эди. Мен хўрсиниб, енгиллашиб атрофга кўз ташладим. Лола менинг қаноат ҳосил қилган кулгимни кўришини истамаганим боис юзимни ўтирдим. Рой юз ифодасини ўзгартирмади — у ҳануз аёлларга бефарқ эди.

Лола ошхонага қараб йўл олди. Эшик олдида қадамни секинлатиб, яна Ройни кўриш учун бурилиб қаради. У эса орқа ўтириб турар ва паст овозда хуштак чалар эди. Лола ошхонага кириб, эшикни беркитгач, Рой менга кўз қисиб қўйди:

— Эҳ, бу аёллар... Уларни ким тушунар экан? Нима хоҳлаётганликларини ўзлари ҳам билишмайди.

— Мен ўзим айбдорман, Рой аёлларни ёқтирмайди, дегандим, у эса ишонмаган эди. Эҳтимол, энди ишонар.

Колонка олдида юк машинаси тўхтади ва қаттиқ сигнал бера бошлади.

— Мен ўзим у билан машғул бўламан, — деди Рой ва чиқди.

Мен ошхонага қараб йўналдим. Лола норозидай кўринарди. У халат кийиб олган ва жўжа қовурдоқ тайёрлаш билан банд эди.

— Кел, бугун кинога борамиз, Чет. Рой бу ерга қараб туради. Биз тунги сеансга улгурамиз ва соат учда қайтиб келамиз.

Мен тайсалланиб турдим. Иккимизнинг Вентуортда бирга пайдо бўлишимизга унчалик ишонмас эдим.

— Балки, яхшияси, кутармиз, Лола...

У тезгина терс бурилди. Аччиқлангани кўриниб турарди.

— Нимани кутамиз ўзи?

— Бизнинг нимани ўйлаганларимизни ҳали ҳеч ким билмайди. Эртами-кечми, биз Йенсен сени ташлаб кетгани ҳақида овоза тарқатамиз, фақат подадан олдин чанг кўтармайлик.

— Менинг ёлғиз ўзимнинг айланиб, сайр қилишим жонга тегди!

— Якка тарзда кўнглини хушлаш жонимга тегди. Бугун кинога боришни истайман, сен мен билан бирга боришингни хоҳлардим.

— Майли, сен айтгандай бўла қолсин. Кўчада ҳамма жой қоп-қоронғи бўлади, бизни ҳеч ким кўрмайди.

— Аммо, Чет, бизни пайқаб қолишадими ёки йўқми, барибир, — деди Лола. — Бу уларнинг эмас, балки бизнинг ишимиз.

— Сен, нима, у шу ерда кўмилганини эсдан чиқардингми? Агар полиция келиб қолиб, кавлашни бошласа...

— Агар борди-ю, бошласа!.. Борди-ю!.. Сен ўйлайсанки, мен умрим бўйи энди «полиция» сўзидан титраб-қақшаб ўтаманми?

— Бундай дейишга ҳақдинг сизгади. Чунки, сен Фарнуорда бўлмагансан!

Худди шу лаҳзада Рой кириб келди.

— Биз Чет билан бирга бугун кинога борамиз, — деди унга Лола. — Сен якка ўзинг эшлай оласанми? Биз кечки овқатдан сўнг кетмоқчимиз. Фақат бензин қуйиш ва сэндвич тайёрлаш зимманга тушади.

Рой менга ҳайрон бўлганича қараб қолди.

— Албатта, мен ҳаммасини уддалайман.

Лола бурилиб, жўжаларни тунука товага териб қўя бошлади.

— Агар бир дақиқа вақтинг бўлса, менинг машинамга қарай оласанми, Чет? — деб илтимос қилди Рой. — Ўт ёндириш мосламаси яхши ишламаяпти. Мен моторлар тилини унчалик яхши тушунмайман.

— Ҳозир кўраман, аслида-ку, мен фақат машиналар билан машғул бўлишим керак. Агар биз Лола билан

кинога кетганимизда, сенга бузуқ машинани тузатиш-ни сўрашса, нима қиласан?

Рой кулди.

— Ушанда менда муаммо пайдо бўлади, — жавоб берди у, сўнг эшик ёнига бориб, уни итарди ва бирдан илқис тўхтадики, мен сал бўлмаса, унга урилиб кетаёз-дим.

— Қарагин, ким келди!

Мен унинг елкаси оша очиқ деразадан ташқарига қарадим.

Ҳозиргина келиб тўхтаган машинада иккита эркак ўтирар эди. Иккаласи ҳам ковбой шляпаларида ва қоп-қора костюм кийган. Улардан бири йирик ва семиз, камар тортиб боғлаган бўлиб, ундан қорни осилиб турарди, у машинадан тушиб, шеригини рулда қолдирди. Костюменинг қайтарма ёқасидан полициячилар нишони ялтирар кўриниб турарди. У машинадан тушаётганида, костюми очилиб кетди, менинг кўзим тўппонча қинига тушди, унда қирқ бешинчи калибрли тўппонча дастаги кўриниб турарди.

— Полиция, — деди Рой бўшашиб.

Менинг бутун аъзон бадавимга титроқ кирди. Бурилиб Лолага қарадим. Жуда қизиқ, аммо мен худди шу дақиқада айнан унга фикран мурожаат қилардим, фақат у мени халос қилишига кўзим етар эди.

— Бу шериф! — дедим мен. — У буёққа келяпти.

Лола қўлига латгани олди ва қўлини артди.

— У билан ўзим гаплашаман, — деди у тўла-тўқис хотиржамлик билан, худди чой ичишга ўтирган руҳоний каби. — Ҳаммаси жойида бўлади, Чет.

Лолага хотиржам бўлиш ҳеч гап эмасди: унинг олдида Фарнуорт шарпаси сира соя сола олмасди. Мен тўладан келган шерифни кўрганим ҳамон томирларимда қон қотиб қолгандай бўлди. Биз Рой билан ошхонада қолдик, Лола эса залга қараб юрди. Унинг ортидан эшик ёпилгач, биз унинг овозини эшитдик:

— Салом, шериф. Сиз бизнинг камдан-кам ташриф буюрадиган меҳмонимизсиз.

Мен деворга ёпишган кўйи, асабларим таранг тортилган ҳолда кўзларимга оқиб тушаётган терни артиш билан овора эдим. Рой ёнимда, у ҳам эшитар ва мени кузатиб турарди.

— Салом, Йенсен хоним, сизни кўрганимдан хурсандман, — шерифнинг жарангдор овози яхши эшитиларди. — Жаноб Йенсен уйдами? Биз у билан гаплашмоқчи эдик.

— Йўқ. Карл кетиб қолган.

Лоланинг овози равон чиқарди. Мен унинг шериф олдида мовий кўзларини қай тарзда қадаб турганини ўзимча тасаввур қилардим. Лолани мувозанатдан чиқариш учун битта шерифнинг ўзи камлик қилади, аммо менга қолганда ҳозир шериф етарлидан ҳам ортик даражада кўп эди.

— Жаноб Йенсен кетиб қолган, дейсизми? — шерифнинг овозида чинакам ҳайрат сезиларди. — Бу қандай янгилик бўлди? У илгари ҳеч қаёққа кетмасди. Ҳозир уни қаердан топиш мумкин?

— Биладим, — Лоланинг овозидан у мутлақо ташвишга тушмагани аён эди. — Йенсен Аризонанинг қаеридадир юрибди. Ҳар ҳолда, унинг ўзи шундай деди. Аризона ёки Колорадо бўлиши керак. Кетганидан бери у қаердалигини айтмасликка ҳаракат қилади.

— Сизнингча, у қачон қайтади?

Лола жим қолди, сўнг совуққонлик билан:

— У қайтиб келмайди, деб ўйлайман, — деб юборди жимлик изидан.

Шериф ҳайрат ичида томоқ қириб кўйди:

— Қайтмайди? Бу билан нима демоқчисиз?

— У мени ташлаб кетди...

Узоқ жимлик чўқди. Мен шериф Лоланинг юзига тикилиб, ундан бирор фикр уқмоқчи бўлаётганини фикран тасаввур қилдим, аммо буларнинг бари беҳуда эди.

— Кутилмаган ишлар! Сиз бу гапни нимага таяниб айтяпсиз, Йенсен хоним?

— Эр хотинидан зиёд аёлни топиб, унга илакишиб кетгани биринчи ҳодиса бўлмаса керак!

Энди Лоланинг овозида газаб ва ёвузляк оҳанги бор эди:

— Сизга нима фарқи бор, шериф! Агар Карл қандайдир шаллақининг ортидан илакишиб, аҳмоқ бўлган бўлса, бу сизнинг эмас, менинг муаммоим!

У орирлигини бир оёғидан иккинчисига олди.

— Шунақа, денг, Йенсен хоним, аммо мен бундан афсусдаман. Демак, аёллар туфайли экан-да?

— Менимча, бу ерда ўзимнинг ҳам айбим бор. Унга турмушга чиқмаслигим керак эди, Йенсен мен учун жудаям қари эди. Дастлабки кунлардан бошлаб биз бир-биримизга тўғри келмадик. Ҳар эҳтимолга қарши у ҳақиқий эркакнинг ишини қилди — менга станцияни қолдирди, хуллас, мен очимдан ўлмайман! У сизга нима учун керак бўлиб қолди, шериф? Балки, менинг ёрдамим керақдир?

Шериф овозини бир парда кўтарди:

— Менга маълум бўлишича, сизда Жек Пэтмор деган йигит ишлар экан. Шундайми?

Менинг юрагим қинидан чиққандай бўлди. Қандайдир қурол топиш илинжида атрофга қарадим. Стол устида катта болта турар, биз у билан гўшт чопар эдик. Мен уни қўлимга олдим, нима бўлса бўлар, фақат Фарнуорт бўлмаса бўлгани! Агар бақалоқ шериф мени шунчаки қўлга оламан, деган бўлса, у хато қилади.

Менинг ҳаракатларимни кузатиб турган Рой, керак эмас, дегандек, бош чайқаб қўйди. Унинг ранги ўчиб кетди. Балки менинг курашсиз таслим бўлмаслигимни тушунгандир. Эҳтимол, шерифнинг қинидан чиқиб турган тўппончаси эсанкиратгандир: мени Фарнуортга олиб боргандан кўра, яхшиси отиб ташлашсин!

Шундан сўнг Лоланинг овози эшитилди:

— Пэтморми? Ҳа, у шу ерда ишлайдя. Карл уни жўнаб кегтунича ёллаган эди, мен бир ўзим ишларни эшлай олмагандым.

— Тушунаман, Йенсен хоним. Мен у билан гаплашсам, дегандим.

— Марҳамат. — Лоланинг овози мутлақо ўзгармади. — У қаердадир шу атрофда.

Рой товуш чиқармай менга яқинлашди.

— Менга қўйиб бер, — шивирлади у. — Ўзим эшлайман, — шундай деб ошхонанинг орқа эшигидан тезда кўчага шовқинсиз чиқиб кетди.

Лола сўзида давом этарди:

— У омборхонада ёки устахонада бўлиши керак. Ўша ердан топасиз.

— Шундай қиламан, Йенсен хоним.

Шериф, назаримда, чиқиб кетиш учун эшикка яқин борганида Лола сўраб қолди:

— Жек Пэтмор ҳақида сиз Жорж Рикс орқали билдингизми. шериф?

— Ҳа... ўтпандан.

— У, Пэтмор мени урди, деб айтдимми?

Бироз жимлик чўқди, сўнг шериф истар-истамас жавоб берди:

— Ҳа.

Лола овозини кўтариб, сўзида давом этди:

— Пэтмор уни нима учун урганини ҳам айтдимми?

— Бу Пэтмор деганингиз, қўлига эрк беришни яхши кўради, шекилли. Рикс айтдики...

— Пэтмор Рикс мени фоҳиша деб атагани учун уни урганини айтмадимми? — Лоланинг товушидаги қаҳр-ғазаб чин юракдан ифода этилгани сезилиб турарди. — Шериф, агар мен ҳақимда шу каби сўзларни эшитганингизда сиз ҳам худди шундай йўл тутар эдингиз.

Шериф томоқ қирди.

— Ҳа, албатта. Умуман айтганда—ку, менинг ҳам шубҳам бор эди...

Мен эшик очилганини ва Ройнинг овозини эшитдим:

— Хайрли тонг, шериф.

Жимлик, сўнгра шерифнинг товуши эшитилди:

— Сени Жек Пэтмор, деб аташадими?

— Худди шундай.

Мен ҳар бир сўзни ялиб олиш учун эшикка ёпиш-  
дим. Ройнинг бўйи мен билан баробар, сочи ҳам қоп-  
қора, ҳатто мўйловимиз бир хил шаклда эди. Агар Рикс  
шерифга кўринишим ҳақида изоҳ берган бўлса, Ройни  
бемалол менинг ўрнида қабул қилиши турган гап.  
Шериф ҳукмфармо овозда деди:

— Жорж Рикс кеча уни урганинг ҳақида шикоят  
қилди. Шу тўғрими?

Лола гап нимада эканлигини дарров фаҳмлади.

— Мен шерифга, Рикс мени ҳақорат қилгани учун  
уни урган, деб айтдим.

— Ҳа, мен уни урдим, — деди Рой подмон овозда. —  
Яна шунга кўшимча қиламанки, шериф, борди-ю Рикс  
яна бу ерга сассиқ тумшугини суқадиган бўлса, тепки-  
лайман ҳам!

Бироз жимликдан сўнг шериф сўраб қолди:

— Асли қаердансан, Пэтмор?

Менинг юрагим яна фикимлангандай бўлди, қўлим-  
даги болта сопини маҳкам қисдим.

— Калифорния штати, Оквилданман. Дарвоқе, ше-  
риф, бизнинг қадрдон шаҳримизда Риксга ўхшаган ҳар  
қандай аблаҳ аёлларни ҳақорат қилишга йўл қўйиш-  
майди. Сизга қўлимнинг излари керак бўлса, марҳа-  
мат, мана.

— Майли, бўпти, ҳақдингдан оптма! — шерифнинг  
овозидан унинг қаҳри келгани сезилди. — Ҳудудда ким  
яшашини билиш, бу — менинг ишим.

— Карл Пэтмор билан жиҳоз олиш учун борганида  
танишиб қолган, — деди тезгина Лола. — Ўшанда уни  
ишга ёллаган.

Шериф бироз жим туриб, сўнг минғирлади:

— Майли, Пэтмор, маслаҳатимга қулоқ сол, бундан  
кейин муштингни чўнтакка солиб юр.

— Сиз Риксга айтинг, ифлос тилини тийиб юрсин. Келишдикми?

Бироз иккиланган шериф шундай деди:

— Мен у билан гаплашиб кўраман.

— Агар у билан гаплашсангиз, — деб гапга қўшилди Лола, — бу ерга энди келмаслигини тайинласангиз, сиздан миннатдор бўлардим. У фақат пул тиланиб, ҳеч кимга юргани йўл бермайди.

— Буни тасаввур қилишман, Йенсен хоним. Эрингиз ҳам ундан шикоят қилган эди менга...

Яна узоқ давом этган жимлик чўқди, сўнгра шериф гапида давом этди:

— Сизнинг жаноб Йенсен билан бундай аҳволга тушганингиздан афсусдаман, — у томоқ қирди. — Ҳаммаси жойига тушиб кетади, деб умид қиламан.

— Раҳмат, — деди ўзини бепарво тутиб Лола, — аммо сиз мени ва Карлни ўйлаб ташвиш тортманг: Карл бахтиёр, мен ҳам.

— Бу ҳақда эшитганимдан хурсандман, — шерифнинг товушида шодмонликдан бўлак бошқа барча оҳанг бор эди. — Биз учун жаноб Йенсеннинг йўқлиги билинади. Мен унинг кетиб қолишини сира кутмаган эдим, ахир у шу ерда туғилган эди-да!

— Шундай аёллар борки, улар туфайли эркаклар аҳмоқларча иш тутадилар, — деди Лола, товушида яна қаҳр-ғазаб оҳанги янгради. — Бу ерлар менинг тасаввуримдаги жаннатдан анча узоқ. Озроқ пул жамғариб олайин, кейин кетаман. Агар Карл қўнғироқ қилиб, ўзини қаердан ахтариш кераклигини айтганида ҳам, ўзи қайтаверсин ёки менга станцияни сотишга рухсат берсин. Нима бўлганда ҳам аниқ: мен бу ерда умримнинг охиригача қолмайман.

— Сизни тушунаман, Йенсен хоним. Агар эрингиз қайтиб келмаса, бу ердан кетиш ҳақидаги истагингизни тушунаман. Ёлғиз аёлниг жойи эмас бу маскан.

— Ҳа... Сизни кўрганимдан хурсандман, шериф.



— Узр, вақтим зиклиги учун ҳузурингизга тез-тез келолмайман. Йўл узоқ, аммо сизга нимадир керак бўлса, тортинмасдан кўнғироқ қилаверинг.

— Раҳмат. Унутмайман.

Мен шерифнинг оғир қадамлар билан узоқлашаётганини эшитдим.

— Кўришгунча, Пэтмор.

— Яхши боринг, шериф.

Эшик ёпилди ва бироздан сўнг машинанинг ўт олиб, жўнаб кетгани эшитилди. Мен пешанамдаги терни артдим. Рой ва Лола кирди.

— Ҳаммаси силлиқ кетди, — дедим Ройга. — Мен бу сафар қутулишимга тўғри келмаса керак, деб ўйлаган эдим.

— Сенга, ҳаммаси жойида бўлади, деб айтгандим-ку, — сабрсизланиб деди Лола. — Бекордан-бекорга ташвиш тортишнинг нима ҳожати бор?

— Билмадим, — гапга аралашди Рой. — Агар Четнинг ўрнида бўлганимда мен ҳам асабийлашардим.

— Тагин эркаклар эмиш, — деди Лола жўжаларни қовуришга тушиб. — Ҳар пашшадан фил ясайсизлар.

Рой туриб, эшик томон юрар экан, менга кулиб қаради.

— Раҳмат, Рой. Сен мени қутқариб қолдинг, — деб миннатдорчилик билдирдим унга.

— Қарз ўз вақтида қайтарилгани билан гўзал, — хитоб қилди Рой ва чиқди.

Жимлик чўқди ва мен Лола жўжаларни қай тарзда қовураётганига қараб турдим.

— Бутунги кеча бекор қилинади, Лола, — дедим мен.

У кескин бурилар экан, қовоғини уйиб қаради.

— Нимани назарда тутяпсан?

— Мен Вентуортга боролмайман.

— Яна нима бўлди сенга?

— Наҳотки бу сенга очиқ-ойдин кўринмаётган бўлса? — деб аччиғим чиқа бошлади. — Шериф дуч келиб қолса-чи? У Ройни Пэтмор деб ўйлайди. Агар шундай бўлса, мен кимман?

— Борди-ю, унга дуч келмасак-чи?

— Мен бу ишга таваккал қилолмайман, сен буни яхши биласан.

— Буни қандай тушуниш мумкин? Энди азбаройи кўрққанингдан ўша бақалоқ аҳмоққа тўқнаш келаман, деб Вентуортда умуман кўринмоқчи эмасмисан?

— Бу ерда ишлар жойида эмас, деб уларда гумон пайдо бўлса, — дедим мен мумкин қадар хотиржам гапириб, — у қайтиб келиши ва ҳамма ерни диққат билан кўздан кечириши мумкин. Ҳатто, Йенсенни қазиб олиши ҳам мумкин. Ўшанда сен ҳозиргидай хотиржам бўла олмайсан. Алал-оқибат уни аслида сен отган эдинг.

— Аслида, дейсанми? Аммо у буни қандай исботлайди?

Мен унга гангиб ва саросимага тушган ҳолда узоқ қараб қолдим.

— Майли, буни қўйиб турайлик. Биз сен билан битта можарога аралашиб қолганмиз. Мен сен билан бугун окшом Вентуортга боролмайман. Агар илтимос қилсанг ҳам бундай қалтис ишга қўл урмайман.

У менга орқасини ўгириб, елкаларини қисди.

— Майли, шундай бўла қолсин, Вентуортда борма. Аммо мен буни шундай қўймайман!

Мен унга яқин бориб, елкасидан қучдим.

— Аччиғинг чиқмасин, жоним. Сен тушунишинг керак...

Лола кескин силтаниб, ўзини қўлимдан халос этди.

— Мен бандман, нима, кўрмаяпсанми? Қиладиган ишинг йўқми?

— Хўп, сенинг кайфиятинг йўқ...

У бошини буриб, елкаси оша менга қаради. Мовий кўзлари худди тош каби совуқ эди.

— Менинг кайфиятим айнан шундай бўлади! Сен, яхшиси, улфатингнинг ёнига кўчиб ўт! Мен уйда ёлғиз яшашни истайман!

— Қулоқ сол, Лола...

— Сен нима деганимни эшитмадингми? Эҳтимол, буни тушунмассан, аммо энди станция менга қарашли бўлди! Сиз иккинги — шунчаки дўстсизлар. Шундай экан, бор, ўшанинг олдига!

Мен Лоланинг кўзларида ёнган нафратдан донг қотиб қолдим.

— Сен, демак, шундай...

— Йўқол! Мен ҳақиқий эркак билан бирга бўлишни истайман, расво махлуқ билан эмас!

Мен эшикни ёпиб, чиқиб кетдим.

## 2

Шу тариқа Лола билан яқинлигимиз ўз ниҳоясига етди. Қизиқ, Рой келганидан сўнг мен бу ҳолатни хотиржам қабул қилган эдим. Рой бир кишилик каравотни флигелга олиб киришга ёрдам берди.

— Демак, яна каталакка! — деб изоҳ берди у кулиб. — Эҳ, аёллар! Уларнинг шаҳвоний ҳирси худди Домокль қиличидай боши устида туради. Мен буни ўз бошимдан ўтказдим. Йенсен нима учун ундан ўзини олиб қочганини энди фаҳмляпман.

Лола кун бўйи мен билан гаплашмади. Соат ўнга яқин у «Меркьюри» машинасига ўтириб, Вентуортга қараб йўл олди. У уйда бўлмаганидан фойдаланиб, бор лаш-лушларимни йиғиштириб, флигелга кўчиб ўтдим.

— У ҳали ўзига келади, — дедим Ройга қараб. — Ҳар қалай, эркаклар билан улфатчиликда кўнгилга урмаслик учун яшаш ажойиб-да!

Рой келган машинага ёнилғи қуйди, мен эса буюмларни жомадонга солиш билан овора эдим. Жавондаги қутини очганимда у ерда тўппонча йўқ эди. Бу мени ниҳоятда ташвишлантириб қўйди: қуролни фақат Лола олиши мумкин-да! Мен ҳамма қутиларни ахтариб чиқдим, аммо тўппонча ҳеч қаерда йўқ эди. Хоналарни роса титдим, аммо изланишларим натижасиз тугади.

Тўппончани нега олди экан?

Кеча барбод бўлган эди. Мен асабийлашган кўйи фақат тўппончани ўйлаганим-ўйлаган эди. Лоланинг юзидаги нафрат ифодаси шундоққина кўз ўнгимда гавдаланиб турарди. Мен ўз-ўзимдан, наҳотки бизнинг кейинги пайтдаги муносабатларимиз Лола томонидан усталик билан ўйлаб топилган найранг бўлса, деб тўхтовсиз сўраб кўрардим.

Рой билан тунги соат биргача ўтириб, сўнг ухлагани кирдик. Соат учга яқин «Меркьюри» қандай қилиб тормоз берганини эшитдим. Менинг каравотим дераза олдида жойлашган, ой ёруғида Лоланинг уйга кирганини кўриб турар эдим. Ундан тўппонча тўғрисида эртага қолдирмасдан сўрамоқчи бўлдим, аммо барибир сўрашдан ўзимни тийдим. Бу кеча ёмон ётдим...

Эртаси куни у фақат соат ўн иккига яқин уйдан чиқди. Рой картошка тозалар, мен эса кечаси қолиб кетган идиш-товоқни юваётгандим.

Лоланинг юзида ҳамон норозилик акс этарди, шунга қарамай, у Рой билан етарли даражада хушмуомала кўришди. Мени эса шунчаки кўрмаганга олди. Рой менга кўзини қисиб қўйди ва боши билан эшик томонга ишора қилди. У картошка тозалайдиган машинани тоққа улаб, иккимизни холи қолдирганча, чиқиб кетди.

— Тўппонча қаерда? — деб дангал сўрадим мен.

У менга қайрилиб қаради.

— Мен ундан халос бўлдим.

— Қандай қилиб?

— Уни Вентуортга борадиган йўлга кўмиб қўйдим. Бу сени қониқтирадим?

Лола рост гапиряптими ёки алдаяптими, билиб бўлмасди.

— Нега ундай қилдинг?

— Улар Йенсен бу тўппончадан отиб ўлдирилганини исботлашлари мумкин эди, шундай эмасми? Яхшиси, қуролни йўқотиш.

Лоланинг сўзлари мантиқли эди, аммо шунга қарамай мен унинг рост гапираётганига унчалик ишонмаётгандим.

— Чет, менинг ўйлашимча...

— Нимани ўйлашингча?

— Энди бу ерда дўстинг иккаланг бўлгани учун ишни менсиз бемалол бошқарасизлар. Мен кетаман.

— Сен бу, яхши фикр, деб ўйлайсанми?

— Албатта. Мен ҳар доим кетишни хоҳлар эдим, бу ҳақда сенга минг марта лаб айтганман! Энди Рой пайдо бўлгач, буни амалга ошириш мумкин.

— Шериф сенинг жўнаб кетганингни эшитса нима дейди?

— Сен унга мен ҳақимда, Карлнинг ҳузурига кетган, станцияни бизга қолдирди, деб айтасан.

— Ҳар бир полиция нозирхонасида менинг суратим борлигини эсдан чиқаряпсан. Афсуски, бу ҳунаринг ўтмайди.

Унинг кўзлари чарақлаб кетди.

— Сен сейфни очасан, Чет ва пулни олиб, менга берасан! Мен шу ҳафтанинг охирида жўнайман. Тушунарлими?

— Бунақаси кетмайди, Лола, бунинг учта жуда жиддий сабаби бор. Биринчидан, мен кўзга ташланолмайман. Агар сен кетиб қолсанг, станция Ройнинг тасарруфида қолади ва шериф бунга қизиқиб қолиши мумкин. Агар у мени кўриб қолса, мени тамом бўлди, деявер. Иккинчидан, Йенсен шу ерда кўмилган, агар полиция бирор кун уни топиб олгудай бўлса, сен жавоб бериш учун шу ерда бўлишинг керак. Чунки унга ўқ узган барибир сенсан. Учтинчидан, мен сейфни очмайман, сен ҳам пулларни олмайсан. Агар улар қўлингга тушса, менинг ғарбда бўлишимга тўғри келади. Сен бемалол полицияга хабар қилиб, Йенсени шу ўлдирган, деб айтишингга ҳеч нима тўсиқ бўлолмайди. Шунинг учун ҳеч қачон бунга йўл қўймайман.

Мен, у жаҳддан портлаб кетса керак, деб ўйлаган эдим, аммо бундай бўлмади. Лоланинг фақат ранги бироз оқарди ва кўзларининг остида қорамтир халтача пайдо

бўлди, бошқа ҳеч нима рўй бермай, у хотиржам тура-  
верди.

— Бу сенинг охирги сўзингми, Чет?

— Ҳа.

— Ундай бўлса, эшит. Мен Худонинг қарғишига  
учраган бу жойдан кетиш учун деярли тўрт йил кут-  
дим, сабр-тоқатни ҳам ўргандим. Мен барибир бу  
ердан кетаман, аммо бу қачон рўй бермасин, сен Лола  
нега илгарироқ кетмаган экан, деб пушаймон бўла-  
сан ҳали.

— Кел, очиқчасига гапираётган эканмиз, Лола, мен  
ҳам сени огоҳлантириб қўймоқчиман. Бу сейфни Рой  
ҳам очиши мумкин, аммо уни йўлдан урма. Агар у  
очса-ю, ичидаги пулларни кўрса, ҳаммасини ўзиники  
қилиб олади. Мен сени огоҳлантиряпман. Сен уни  
қизиқтираман, деб уриниб ўтирма. Агар менда зиғир-  
ча гумон бўлганида эди, Ройнинг бу ерда қолишига  
асло йўл қўймасдим. Мен уни жуда яхши биламан.  
Рой учун аёллар — ҳеч нима эмас. Сен унда таассурот  
уйғотмоқчи бўлдинг, натижа чиқмади. Ройнинг ҳаёт-  
даги ягона орзу-умиди фақат пулдан иборат. У пул-  
ларнинг ҳаммасини ўзига олади, сенга бир чақа ҳам  
қолмайди, бу пулларни мутлақо кўрмайсан. Ўзингни  
алдаб ўтирма: агар пуллардан маҳрум бўлмоқчи бўлсанг,  
ундан сейфни очишини сўраб кўр!

Мен Лоланинг киприк қоқмаган нигоҳларию, қисил-  
ган кўзларига қараб-қараб чиқиб кетдим. Рой колонка  
атрофини сукурар эди. У кулиб қўйди.

— Мен иккингишни холи қолдиришга қарор қилган  
эдим. Хўш, ўпишиб олиб, ярашдиларингми?

— Ҳозирча йўқ, — деб жавоб бердим мен. Аслида  
Ройга ишониш мумкинми ўзи, у Лоланинг таъсирига  
берилиб кетмадимикан? Ройнинг юмалоқ, сурбет юзи-  
га қараб, унга суяниш мумкин, деб ўзимни ишонти-  
ришга уриндим.

— Унга кескинроқ бўл, Чет. Бундай аёлларга ачи-  
ниб, ташвишланиб ўтиришнинг ҳожаги йўқ. Мен буни

бир неча йил муқаддам англаб етганман. Ўзингни қўлга ол, дунё кенг, бу бўлмаса, бошқаси.

— Ҳа, сен ҳақсан. Биласанми, назаримда, у мени оғир аҳволга солиш учун сенга ноз-карашма қилмоқчи. Ҳар ҳолда шуни ҳисобга олгин.

Рой кулиб юборди.

— Роса кулгили. Майли, бир уриниб кўрсин-чи! Сен мени биласан-ку, дўстим. У билан ош-қатиқ бўлмаганман. Сенинг рашкингни кўзғаб, нимага эришар экан?

Мен Ройга сейф ҳақида гапирсаммикан, деб ўйладим, сўнг ҳожати йўқ, деган фикрга келдим. Агар Рой сейфдаги пуллар ҳақида хабар топса, тинчини йўқотди. Қандай бўлмасин, мени сейфни очишга кўндиради, мен эса бу ишни асло қилмоқчи эмасман.

— Тўғри айтасан.

У бош чайқаб қўйди:

— Аёллар!

Кейинги уч кун Лола учун осон кечмади. У мендан аввалгидек четлашиб юрди. Биз Рой билан ажралмадик, бирга навбатчилик қилиб, вақтимизни қарта ўйнаш билан ўтказдик. Келди-кетди тинчигандан сўнг столни айвончага олиб чиқиб, ўйинни бошлаб юборардик. Натижаларни ёзиб борар, аммо ҳеч қачон пул тикмас эдик; ютиш ва ютказиш фақат қоғозда қолаверарди.

Рой қарта сузар, бунинг устига у мендан яхши ўйнар эди. Тўртинчи кечада у кулимсираб шундай деди:

— Сен мендан беш юз қарзсан. Яхшиси, ўйинни тўхтат, акс ҳолда сени хонавайрон қиламан.

— Мени хонавайрон қилишни ўйламай қўя қол, — дедим унга жавобан. — Сен, яхшиси, бу пулларни мендан қандай ундириш ҳақида бош қотир.

У бир даста картани чийлашга тушди.

— Дарвоқе, беш юз долларим бўлганида эди. Келгуси ҳафта пойга бошланади: унда биринчи бўлиб келадиган от бор. Агар мен унга беш юз доллар тиксам, беш мингга эга бўлардим, — у хуштак чалиб юборди. — Бу пуллар менга бемалол етарди.

Мен сейфдаги юз минг доллар тўғрисида ўйладим.

— Агар сенда шунча пул бўлганида ҳам уларни нима қилишни билмас эдинг. Ундан кўра, ўйинни ўйла, акс ҳолда ўзинг қарздор бўлиб қоласан.

Рой стулга суяниб қолди.

— Мен нима қилишни биламан. Беш минг долларга кабель ўтказадиган компаниядан ўз ҳиссамни сотиб олардим. Мен унча катта бўлмаган сармоёга жалб этадиган бир одамни биламан. Пулим уч баробар кўп бўлганида борми, бу компанияни сотиб олардим ва ўшанда... Кўрардинг, қандай бойиб кетишимни!

— Сен бутунлай ақлдан озибсан. Ким қачон кабель ўтказишдан бойиб кетибди?

— Мен жиддий гапиряпман, Чет. Агар озроқ сармоём бўлганидами, мен бутунлай бойиб кетардим! Майли, беш минг билан ҳеч нима қилиб бўлмайди, аммо элик минг..

Мен ўз оромкурсимда ёпишиб қолай дедим.

— Нималар деяпсан? Сен бу элик мингни қаердан топасан?

— Биз уни олти ойда ишлаб топишимиз мумкин экан. Чет, — у энгашиб юзимга қаради. — Мен ҳаммасини алақачон ўйлаб қўйдим. Қулоқ сол, бу ердан унча узоқ бўлмаган жойда икки акр яхши, қаттиқ қумлоқ жой бор, унга самолёт жуда яхши қўна олади. Мен Мексикада яшайдиган бир одамни биламан, у ҳар бир мексикалик учун қабул қилганига қараб юз доллардан тўлайди. Биз уларни Вентуорт ёки Тропика-Спрингсга қайтариб жўнатишимиз мумкин. Бу одамлар у ердагиларга аралашиб кетади. Бу жой айна шундай иш учун яратилган.

— Йўқ, сен айтган иш менга тўғри келмайди. Агар бу ер сенга ёқмаётган бўлса, Рой, ростини айтавер. Менку, бу ерда қолишингни хоҳлайман, аммо юқоридагидай ишларни қилмоқчи бўлсанг, яхшиси, бошқа жойни ахтаргин.

Рой қарта суза бошлади.



— Яхши, — деди у ён томонга қараб олиб. — Сен қулай имкониятни қўлдан чиқаряпсан, деб ўйлайман, аммо бу ерда мусиқага сен буюртма берасан, мен эмас. Мен эса шитоб билан пул топишим керак, жуда кўп пул. Мен кетишни истамайман, бироз бўламан, аммо бу ерда бир умр тура олмайман. Мен, биласанми, қандай қилиб бойиб кетишни ўйлашим керак!

— Аҳмоқ бўлма, Рой! — дедим мен кескин. — Бундай фикрлар яхшиликка олиб келмайди. Бу ерда нима хоҳласанг, шуни қиляпсан, ўзингга ўзинг хўжайинсан, бинойидек яшашинг мумкин. Пулга берилиб кетиш — қалтис иш. Фарнуортда бўлганингда борми...

— Биладан, аммо шундай бўлиб қолди, Чет. Мен у ерда бўлмаганман. Сен ҳам гапимга кириб, кўчага чиқиб кетмаганингда...

— Майли, бошқа гаплардан гаплашайлик. Ўйнамоқчи эканмиз, кел, яна ўйнайлик.

Рой эътиборсизлик билан ўйнади. Биладан, у ўзининг орзу-умидлари ҳақида ўйларди.

— Кел, ўйинни шу ерда тўхтатайлик, — деди у қарталарни стол устига ташлар экан. — Мен чарчадим. Яхшиси, бориб ухлайман.

Бу тун менинг навбатчилигим эди ва беш кун давомида Рой энди биринчи марта мен билан навбатчилик қилишдан бош тортди.

— Ундай бўлса, боравер.

У ўрнидан туриб, жўрттага керишди ва эснади.

— Эрталаб кўришамиз. Эртагача.

Мен Ройни нигоҳим билан кузатдим ва флигелда чироқ қандай ёнганини кўриб турдим. Йўлнинг нариги томонида, Лоланинг ётоғида ҳам чироқ ёниқ эди. Мен бир деразадан иккинчисига қарар эдим. Назаримда, Рой мендан аччиқланган эди.

У иккиси менинг бир ўзимга қарши турди.

Мен бекордан-бекорга ҳаяжонланган эканман.

Эртаси куни Рой ўзини ҳеч гап бўлмагандай тутди. Тушундимки, муҳожирларни Мексикадан олиб келиш тўғрисидаги ғоясига қарши чиққанимдан у аччиқланган ва шу тунда фикримга қўшилиб, калласидан бу ғояларни чиқариб ташлаган эди.

Кечқурун биз яна қарта ўйнадик, унинг ютуқли ўйини ҳақида ҳазиллашиб, турли мавзуларда гаплашиб ўтирдик, аммо самолётлар ва қинғир йўл билан пул топиш ҳақида деярли гап-сўз бўлмади. Менинг елкамдан тоғ ағдарилгандай эди гўё, бу Ройнинг олдинги ҳолатига қайтганидан эмас, балки Лоланинг секингина четлашгани туфайли юз берди. У мен билан иш юзасидан бўлса-да, ҳар ҳолда бир-икки гаплашди. Соат ўнларга яқин эса айвонга чиқиб, ўйинимизга қараб турди.

— Бизга қўшилиб ўйнамайсанми? — дедим унга. — Мен яна битта оромкурси олиб келаман.

— Қарта — вақтни бекор ўтказишдан бошқа восита эмас, — жавоб берди у. — Мен ухлагани кетдим, азонлаб туришим керак. Эртага Вентуортдан кўп нарса олиб келишга тўғри келади. Менга ёрдам бериш учун ким боради?

Лола шу пайтгача маҳсулот олиб келиш учун Вентуортга ёлғиз ўзи борарди. Бу илтимоси мени ҳушёр торттирди. Мен шошилмай жавоб бергунимча Рой сўз қотди:

— Агар сен боришни истамасанг, Чет, мен жон деб борардим. Мен келганимдан бери у ерга борганим йўқ, ўзим ҳам у-бу сотиб олмоқчиман. Майлими?

Менда шубҳа уйғонди. Ройга қарадим: у сигарет ёндираётган эди, юзи ёндиргич ёлқинида хотиржам кўринди.

— Албатта, боравер, — жавоб бердим мен. — Тушликка яқин қайтасизлар, унгача ишларни ўзим уддалаб турман.

— Мен соат саққизда жўнайман, — деди Лола. — Хайр-ли тун.

— Мен кўйлак ва бир жуфт пойафзал олишим керак, — деди Рой кўлига қарта олар экан.

Менинг шубҳаларим босилди. Ҳақиқатан ҳам Рой келганидан буён бирор марта «Охирги чизиқ»дан бошқа жойга қадам босмаган, унга албатта кўйлак керак бўларди, аммо мен барибир унинг Лоласиз боришини истар эдим. Бу мени ташвишга солди. Мен Лола Ройни йўлдан уриб, бошини айлантиришига ишонар эдим. Вентуортга қадар йигирма миль ва яна шунча масофани босиб қайтиб келиш ҳар иккиси учун ҳам ниҳоятда узоқ йўл эди.

— Ўзингни бос, сиқилма! — Рой менинг тиззамга туртиб қўйди. — Мен сенинг нимани ўйлаётганингни билман. Майли, у бир уриниб кўрсин. Менга найранги ўтмайди.

— Мен ташвишланаётганим йўқ, — деб жавоб бердим мен.

Аммо эрталаб иккиси бирга йўлга тушганини кўргач, мен ёлғиз ва ноқулай аҳволда қолгандай бўлдим. Ўзимни чалғитиш учун фургоннинг моторига унадим, аммо менга ёқадиган бу машғулот ҳам безовталигимни бар-тараф эта олмади.

Колонка олдида катта юк машинаси турар, унга юпқа тахта ортилган эди. Рудда тўла, ёши ўтган эркак киши ўтирар, сочларига оқ оралаган, шляпа остидаги юзи ковбойларникига ўхшаб кетарди. Мен бакни тўлдиргунча, у кабинадан чиқиб, ифлос дастрўмолча билан юзини артди.

— Сен бу ерда янгимисан? — деб менга қизиқсиниб қаради у. — Карл Йенсен қаерда?

Мен бу одамнинг швед эканлигини билдим ва у Йенсеннинг дўсти бўлиши мумкин, деб ўйладим. Мен Аризонa станциясидаги олди-сотди тўғрисида ўзимиз тўқиган уйдирмани гапириб бердим. Эркакни бу гапларим ҳушёр торттирди, унинг юзи ниҳоятда жиддийлашиб, кўзларига ташвиш инди.

— Йенсен илгари ҳеч қачон кетмаган эди. Мен бу йўлдан йигирма йилдан бери қатнайман, у доимо шу ерда эди. Аризона дедингми? У ерда янги станция очмоқчимми? Демак, бу ерга қайтиб келмас экан-да?

— Бу ердаги ишларни яқунлаш учун у қайтиб келади.

— Хотинини ўзи билан бирга олдимми?

— Хотини унинг йўқлигида станцияга кўз-қулоқ бўлиб туради. Мен бу ерда ёлланиб ишлайман.

— Сен хотини билан келишиб кета оласанми? — деб сўради у, мен бакнинг қопқоғини ёпаётганимда.

— Мени шунчаки ёллашган. Сиз нимани назарда тутяпсиз?

— У бахтсизлик келтиради. Мен уни бу ерда Йенсен билан турмуш қурганидан сўнг кўргач, қарахт бўлиб қолган эдим. Ахир, уни ҳали Карсон-Ситидан бери билардим. Бу беш йил муқаддам рўй берган эди. У Фрэнк Финни номли йигитга турмушга чиққан. Финнинг таъмирлаш устахонаси бор эди, бу ишхона қошида емакхона бўлиб, аёл ёрдам бериб турарди. Фрэнк унинг соҳиби эмасди. ўша ерда шунчаки ишларди. биласанми, шунда нима рўй берди?

Мен нафасимни ичимга ютиб, бу ҳайдовчининг бирортаям сўзини ўтказиб юбормасликка ҳаракат қилдим.

— Бир куни эрталаб Финнини емакхонада ўлик ҳолда топишган. Унинг қўлида тўппонча бўлиб, мажақланган мияси полга сочилиб ётарди. Аёлнинг сўзларига қараганда, у юқори қаватда бўлганида ўқ овозини эшитган, пастга тушганида Финнини полда ётган ҳолда кўрган. Шу заҳоти кассани ёпиб, камомад борлигини аниқлашган, икки минг доллар етмаган. Финни у ерга ойлаб пул ташлаб турган экан. Пулни барибир топишолмади. Полиция, пулни аёл олган бўлса керак, деб гумонсиради, аммо буни исбот қила олмади. Битта полициячи, ҳатто Финнини у ўлдирган, деб ҳисоблади — улар доим жанжаллашишган, аммо бу полициячи ҳам исбот қилишнинг урдасидан чиқа олмади. Шундан сўнг, кўп

ўтмай у шаҳардан кетиб қолди. Ҳайратга тушганимнинг боиси, мен уни бу ерда биринчи бор кўрганимдан сўнг у Йенсен каби ажойиб кишига турмушга чиққан эди.

— Бу гапларни биринчи марта эшитиб турибман, — мен товушимга бепарво оҳанг беришга ҳаракат қилиб, хитоб қилдим.

— У бу ҳақда ҳар қадамда қичқирмайди, албатта. Йенсеннинг ишлари жойидами? У ҳақиқатан ҳам Аризонадами?

Мен ўзимни йўқотиб кўйдим. Бу швед Риксдан ҳам хатарли чиқиб қолди-ку!

— Йенсеннинг ҳамма ишлари жойида, — дедим мен унинг синовчан нигоҳига зўрға чидашга ўзимни мажбур этиб. — Яқинда мактуб олдим — у ўзининг янги бензин колонкасидан мамнунлигини ёзган эди. Сиз янаги сафар келишингизда эҳтимол уни учратарсиз.

У енгил тортиб, хўрсинди.

— Мен бу ҳақда эшитганимдан хурсандман. Биласанми, сен Йенсеннинг бу ерда эмаслигини айтганингда, мен дабдурустан, у тириклар сафида бўлмаса керак, деб ўйлаган эдим, рости!

Менинг мазам қочиб қолди.

— Эрини отиб ташлаган, дедингизми? — сўрадим мен. — Ҳеч нарсани исбот қилишолмадимми?

У хижолат бўлди:

— Йўқ, аммо гап-сўз ҳаддан зиёд кўп эди...

— Менга шуниси аниқки, жаноб Йенсен билан Йенсен хоним жуда бахтиёр. У хотини ҳақидаги гапларни ёмон кўради. Сизнинг ҳикоянгишни эшитса, ҳаддан зиёд аччиқланган бўларди.

— У ҳақиқатан ҳам шу аёл билан бахтли, деб ҳисоблайсанми?

— Мен шу ҳақда гапиряпман-да!

— Майли... Балки мен ортиқча гапириб юборгандирман. Бу гапларни унут, хўпми? Жаноб Йенсенга айтиб юрма.

— Сиз ҳам унутинг, — дедим мен унинг пулини олар эканман. — Бундай гап-сўзлар фақат бемаъни миш-мишларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

У машина кабинасига чиқиб олди ва эшигини ёпиб, жўнаб кетди. Мен бу шведни яхшигина кўрқитиб юборганим юзидан кўриниб турарди. Аслида у мени кўрқитиб юборди. Мен узоқ вақт тик турганча ортидан қараб қолдим. Миям зўриқиб ишлар эди. Демак, Лола аввал турмушга чиққан экан-да. Унинг эри ўз ажали билан ўлмаган, бунинг устига пуллар йўқолган. Кўксимни нимадир гижимлагандай бўлди. Йенсен ҳам ана шундай тажовузкорона ўлдирилган эди, агар сейф эшигини ёпмаганимда, пуллар ҳам гумдон қилинган бўларди.

Мен айвонни кесиб ўтдим, оромкурсида ўтириб, чекдим. Қўлларим қалтирарди.

Агар бояги шведнинг сўзларига ишонадиган бўлсам, Карсон-Ситидаги полиция Лола фақат пулни олибгина қолмай, шу билан бирга ўзининг эрини ҳам ўлдирган, деб ҳисоблаган.

## ЙЕНСЕННИНГ ЎЛИМИ ТАСОДИФМИДИ ЁКИ УНИ ЛОЛА ЎЛДИРГАНМИ?

Мен хотирамда ўша кечадаги воқеаларни тиклашга уринар эканман, мудҳиш манзара худди ҳозиргина рўй бергандай кўз олдимда гавдаланади. Лоланинг меҳмонхонага қандай кирганигача яққол кўрдим. Нафас олганигача эшитдим. Лоланинг нигоҳи, мен сейф эшигини ёпганимда ўқ товушини эшитганим ёдимда. Унинг қўлида тўппонча бор эди. Эшикча ширқ этганида, у тепкини беихтиёр босиб юборган ва Йенсен ана шу ўқдан ҳалок бўлган, деб ҳисоблаган эдим.

Бу тасодифмиди?

Мен сигаретни охиригача чекмай пешанамдаги терни кафтим билан артдим. Лоладан биринчи эрини ўлдиришда гумонсирашган, ўшанда ҳам пуллар йўқолган.

Йенсеннинг ўлими-чи, бу олдиндан режалаштирилган эдими?

Бу фожиа тасодифдай кўринган эди, бироқ аслида ҳам шундайми? Лола қотилликни бутунлай менинг бўйнимга тақиши мумкин эди. Туйқус калламга бир фикр келиб, аъзои баданим музлаб кетди.

Лола хонага кирганида, сейф очиқ эди. Эҳтимол, у даставвал Йенсенни ўлдириб, кейин мени гумдон қилмоқчи, пулларни олмоқчи бўлгандир? Шундан сўнг пулларни беркитиб қўйиб, полицияга хабар қилишни ўйлагандир? Полицияга Йенсен мени очиқ сейф олдида кўриб қолгач, уни ўзи эмас, гўё мен отиб ўлдирганимни айтар эди. Тўппончани эса айёрлик билан, ўзимни ҳимоя қилиш мақсадида олдим, дерди. Мен Фарнуортдан қочганман, таржимаи ҳолим булганган. Вентуортдан келган бақалоқ шериф буни дарров илмоқ қилиб олар эди.

Аммо Лола мени ўлдирмади, чунки у Йенсенга ўқ узган пайтда мен сейф эшигини туртиб юборган, шунинг учун у ёпилиб қолган эди. Лола менинг ёрдамимсиз ниятига эриша олмагач, дарров услубини ўзгартириб, муғомбирлик билан гўё мени яхши кўриб қолган кишидай кўрсатди ўзини. Станцияда сейфни очадиган киши фақат мен эмаслигимни билгач, унинг асл муносабати «ярқ» этиб намоён бўлди. Сейфни Рой ҳам оча оларди!

Тўппонча Лолада. Унинг тўппонча ҳақидаги гаплари бошдан-оёқ ёлғондан иборат эди. Бунга ҳеч қандай шубҳам йўқ. Демак, Рой билан менинг ҳаётим хавф остида. У Ройни сейфни очишга кўндиради, сўнг уни ўлдиради. Кейин навбат менга келади. Лоланинг бу ҳақдаги изоҳи ҳам худди Йенсен билан рўй берган воқеага ўхшаб кетади. Дарвоқе, булар ҳозирги ҳайдовчининг ҳикоясидан кейин туғилган мулоҳазалар эди. Финни ўзини-ўзи ўлдирган, Йенсеннинг ўлими тасодифан рўй берган, десак, эҳтимоллик ҳам бор, мен эса ўз ҳаётимни ана шу эҳтимолликдан айро тутмоқчи эмас эдим.

Лолани тўхтатишнинг йўли битта: пулларни сейфдан олиш ва эшикчасини очиқ қолдириш, токи у Ройни кўндиришга ҳаракат қилишдан ёки мени ўлдиришдан маъно йўқлигини англасин. Пулларни яшириш учун мен яна ишончли жой топишим керак, бу қийин эмас эди.

Соатга қарадим — ўн бирдан ўн дақиқа ўтибди. Улар тушгача етиб келишади. Мен пулларни Йенсеннинг қабрига кўмиб қўяман. Агар Лола пулларни олмоқчи бўлса, уларни қазиб олишига тўғри келади. Бу гоё ажойиб эди, аммо уни амалга оширишга муваффақ бўла олмадим.

Мен уйга яқинлашганимда «Паккард»ни шатакка олган юк машинаси келди. «Паккард» элик бешинчи йилда ишлаб чиқарилган бўлиб, абжағи чиқиб қолган эди. Унинг ҳайдовчиси Тропика-Спрингсга жудаям шошар, худди жони ҳалқумига келгандай эди. Мен «Паккард» билан банд бўлганимда, Лола билан Рой Вентуортдан келиб қолишди.

## 2

Кейинги уч кечаю уч кундуз менда сейф билан машғул бўлишнинг мутлақо имконияти туғилмади. Лола ҳам узоқлашмас эди. У кечаси навбатчилик қилмайдиган бўлган, Рой билан қарта ўйнашга ўтирганимиз заҳоти ухлаш учун кириб кетарди. У мен билан гаплаша бошлаган, хулқида вазминлик сезилар, гўё Рой пайдо бўлганига қадар иккимизнинг орамизда мавжуд бўлган муносабатдан умид қилма, дегандай туюларди. Мен-ку, Лолага интилиш у ёқда турсин, ҳатто буни хоҳламас ҳам эдим. Ундан ҳамма вақт гумонсирар, ана шу гумонни тасдиқловчи исботларни ахтарар, аммо ҳеч нима тополмасдим.

Мен Ройни ҳам диққатдан қочирмадим, аммо Лола билан бирга Вентуортдан қайтиб келгач, унда ҳеч қандай ўзгаришни сезмадим. Рой билан фикрларимни очиқ-ойдин баҳам кўришга қулай лаҳзалар бўлди, аммо



бундан ўзимни тийдим. Мен Рой сейфдаги пуллардан хабар топса, унинг васвасага берилиб, пулга эгалик қилишга интилишини хаёлан тасаввур қилар эдим.

Бу воқеа тахминан бир ҳафтадан сўнг рўй берди. Биз кечки овқатдан сўнг йиғилган эдик, Лола гапириб қолди:

— Вентуортда француз киноюлдузи Брижит Бардо иштирокидаги яхши фильм намоёиш қилинаётган экан. Мен уни кўрмоқчиман. Ким мен билан боради?

Рой бош чайқади:

— Мен қоламан. Мен фақат гангстерлар ҳақидаги фильмларни кўраман.

Бу мен кутган имконият эди. Улар кечаси соат учга яқин қайтишади. Қайтгунларича мен пулни олиб, кўмиб қўйишимга қанча вақт керак бўлса, шунча етади.

— Мен бу ердан ҳеч қаерга, ҳатто Вентуортга ҳам боролмайман, Рой, — дедим мен. — Бунинг устига бугун навбатчиман. Бир таваккал қилиб кўр, ажаб эмас, ўша француз юлдузи сенга ёқиб қолса.

У менга аланглаб қаради.

— Мен, яхшиси, қарта ўйнайман.

— Лоланинг бир ўзи йигирма миль йўл босиб келиши яхши эмас.

Мен саросима ичида қолдим, ошириб юборганимни билдим, чунки Лола менга диққат билан тикилиб турарди, аммо барибир таваккал қилишга тўғри келди.

— Ўзларинг ҳал қилинглар, — деди Лола, — аммо мени қарздор қилишнинг асло ҳожати йўқ. Мен ўзим ҳам бемалол кетавераман.

Кутилмаганда Рой кулимсиради.

— Майли, келишдик, — деди у. — Кетдик.

Соат ўнга яқин Лола уйдан чиқди. Эгнида оқ костюм бўлиб, уни илгари ҳеч кўрмаган эдим. Костюм кўкрагига маҳкам ёпишган, белидаги бурмалари эмин-эркин турарди. Лола эринмай ясанган эди. Мен унинг пайдо бўлганидан юрагим сиқилди, шу жойнинг ўзида ўзимни қаттиқ койидим.

У «Меркьюри»да, Ройнинг ёнида қанчалик назокат билан ўтирганини кўриб турардим. Рой моторни юргизар экан, истеҳзо билан деди:

— Бу сенинг тақлифинг эди, меники эмас, ошна!

Ройдан бундай сўзларни кутмаган эдим, аммо энди менга барибир эди. Пулни кўмиб қўйсам, ҳар иккиси устидан ҳукм юритаман.

— Хушвақт айланиб келинглар.

Лола менга қарар экан, унинг кўзларида очиқдан-очиқ истеҳзони сездим.

— Ҳаракат қиламиз. Ухлаб қолиб, мижозларни куттирма.

Рой газни босди ва улар жўнаб кетишди.

Мен яна бироз қараб турдим. Вентуорт томон икки нурли шуъла қай тарзда кетаётганини кузатдим, аммо мен бошқа жиҳатларни ҳисобга олмаган эканман.

Уйнинг эшиги қулфланган эди. Уни очиш ҳеч гап эмас, бироқ устахонага кириб, қулфга мос кичкина сим бўлагини топишимга тўғри келди. Шунинг ўзи кифоя эди. Бир неча сониядан сўнг қулф қирсиллади-ю, эшиги очилиб кетди. Мен меҳмонхонага кириб, сейф ёнига ўтирдим. Бунгача уни бир неча марта очган эдим, аммо ҳозир асабийлашаётганим учунми, тезда оча олмадим. Ниҳоят у эндигина очилганида, мен автомобиль овозини эшитдим.

Колонка олдида сарғиш «Кадиллак» турарди.

Мен яна эшикчани ёпдим-у, жин урсин, деб сўкинганимча, машинага ёнилғи қуйиш учун чиқдим. Ҳайдовчи, унинг хотини ва тўрт шумтака боласи овқат ейишни истади. Мен сэндович тайёрлаб бердим. Улар ярим соатда уни тановул қилиб тугатишди. Энди жўнаб кетганлари заҳоти юк машинаси келди ва ҳайдовчи қуймоқ билан гўшт буюрди.

Ярим кечагача шу тарзда давом этди. Ажабланидиган жойи йўқ: ҳаракат тунда тўхтади, менинг ихтиёримда яна уч соат қолади, бу муддат етиб ортади. Мен айвончада ўтирганча, ўн дақиқа чамаси ой ёруғида ялтираб

турган йўлга боқдим, сўнг ўрнимдан туриб, уйга киришга аҳд қилдим. Яна бир бор йўлга қарадим, шунда фара ёруғида тезлик билан яқинлашаётган машинага кўзим тушди. Бу автоулов барибир ёнилғи учун тўхтайдди, шубҳа уйғотмаслик ҳамда вақтни иқтисод қилиш учун мен дарҳол колонка ёнига бориб турдим.

Келган машина чанга беланган эски «Бьюик» бўлиб, унда икки киши ўтирарди. Ҳайдовчи гавдасини ойнадан ярим чиқариб, менга қаради. У мен билан деярли тенгдош бўлиб, қора шляпа, қора кўйлак кийган, оқ бўйинбоғи бор эди. Офтобда қорайган кулча юзидаги қирғийникига ўхшаш икки қора кўзи ифодасиз, бир нарча шпша каби эди. Ҳамроҳи семиз, катта мўйловлари лабининг устига осилиб тушган қора бўртма кўзли мексикалик бўлиб, фикимланган костюм ҳамда бошида иплари ияги остидаги бақбақасида осилиб турган сомбреро кийган эди.

Бу икковлон бошданоқ менга ёқмади. Уларнинг хавфли эканлигини савқи табиий тарзда ҳис этдим. Бу ерларга келганимдан буён ҳозир илк марта пушаймон бўлдим, ўзимни одамлардан бутунлай узоқда, якка-ёлғиз деб ўйлаган эдим. Мексикалик менга бошдан-оёқ тикилди, ҳайдовчи эса ўзининг бақрайган кўзлари билан станциянинг соя тушган жойларига нигоҳ ташлаб чиқди.

— Ёнилғи оласизларми? — дедим мен резина ичакни олиб.

— Ҳа, — жавоб берди мексикалик.

Оқ бўйинбоғ таққан киши машинадан тушди, у ҳамон атрофга аланглаб қарар эди. Мен бензин қуя туриб, уни кузатдим. У шляпасини ечиб, ўзини елдий бошлади. Сийраклаша бошлаган сочлари тердан ҳўл бўлиб кетган эди.

— Бугун иссиқ, — дедим мен. — Бу менинг эсимда қоладиган энг иссиқ тунлардан бири бўлиб қолади.

Мен бу гапларни нимадир дейиш кераклиги учун айтдим, холос. Бу иккиси бир зумда мени ҳушимдан

кетказиб, тушган пулларни олиб кетиши мумкин эди. Сўнг туйқус хаёлимга келган фикрдан капалагим учди: улар сейфни топишлари мумкин, ана ўшанда... Аъзон баданим жунжикиб кетди.

Оқ бўйинбоғ таққан киши костюмининг ёқасидан тўғнағич олиб, тишини кавлашга тушди. У энди менга тикила бошлади, фақат юзимга эмас, балки гижимланган кўйлагимнинг ёқасига қарар эди.

— Сен бу ернинг хўжайинимсан, йигитча? — деб сўради у. Овози мулойим ва равон эди. — Хотин, бола-ларинг борми, шу ердами?

Унинг овози оддий бўлиб, бу саволни ҳар қандай киши бериши мумкин эди, аммо бу сўзлар унинг оғзидан қандайдир мудҳиш эшитиларди.

— Мен бу ерда ёлланиб ишлайман, — дедим мен колонка ҳисоблагичини кўзимдан қочирмай. — Хўжайиним ва яна бир ходим ҳозир келиб қолишлари керак.

Улар менинг бу ерда ёлғиз эмаслигимни билишлари керак, деган қарорга келдим. У тишларини яна бир бор кавлади-ю, тўғнағични ёқасининг ички томонига қадаб кўйди. Мен колонкани ёпиб, машинанинг олд ойнасини артишга киришдим. Уларни худди душ қабул қилаётганда ваннага ўрмалаб кираётган илонни кузатгандай кузатар эдим.

— Кел, Сол, тановул қилиб олайлик, — деди оқ бўйинбоғли киши мексикаликка. — Сенда қандай егулик бор, йигитча?

— Бу вақтда бизда фақат сэндвич бўлади.

— Йўқ, бизга еса бўладиган таом керак. Қоринлар дўмбира чалаяпти, биз очмиз.

Мен соатга ўғринча қараб олдим: у ўн икки-ю, йигирма дақиқани кўрсатиб турарди. Лола билан Рой энг камида икки ярим соатдан сўнг қайтиб келишади. Мен бу жуфтлик билан узоқ қолиб кетганга ўхшайман.

Емақхонага кирдим. Уларнинг ҳар иккиси ҳам менинг ортимдан киришди ва эшик олдида атрофга аланглаб қарашди.

— Бу ерда яна бирор киши борми? — деб сўради оқ бўйинбоғли киши.

У дарров текшириб кўриши мумкин эди, шунинг учун мен ростига кўчиб, бир ўзим эканлигини айтиб қўя қолдим.

— Хўш, овқатланамиз. Шундай қилиб, сенда нима бор ўзи?

— Қовурма жўжа тайёрлаш мумкин, аммо пишишни кутиш керак ёки тайёр сэндвич, ёки гамбургер тановул қилиш мумкин.

Сол мендан ўтиб, ошхона эшигини тепиб очди-ю, ичкарига қаради. Қайтиб келиб, оқ бўйинбоғли кишига норози бўлгандай бошини чайқаб қўйди. Ана шунда нохуш ҳодиса мени четлаб ўтмаслигини ҳис этдим. Оқ бўйинбоғли киши мендан:

— Сизларда телефон биттами? — деб сўради деворда илиниб қўйилган телефон апаратини чертиб.

— Ҳа, — жавоб бердим, қўлимни қуйи тушириб. Мен ортиқча бирортаям ҳаракат қилмаслик учун ўзимни зўрға тутиб турардим.

У телефонни олиб, гўшагидаги симни қисқичи билан узиб олди. Ёвуз нигоҳи менга қадалган эди.

— Жўжа қовурма тайёрла. Сол, унга кўз-қулоқ бўлиб тур.

Мен ошхонага Сол билан бирга кирдим, у елкам оша оғир нафас олганини эшитиб турардим.

— Нима гап ўзи? — дедим жўжаларни иситар эканман.

— Йигитча, питир-питир қилма! — деб жавоб берди Сол столнинг бир чеккасига ўтирар экан. Унинг қўли гўппонча дастасида эди. — Ортиқча саволлар бераверма.

Жимлик чўқди, сўнгра у сўради:

— Сенга бу ер ёқадими, йигитча? Бу ерда ёлғизлигини биялсанми?

— Мен ўрганиб қолганман, — деб жавоб бердим, аммо лабларим ўзимга бўйсунмаётганини, юрагим қинидан чиқиб кетаётганини ҳис этиб турардим.

— Сен уйланганмисан?

— Йўқ.

— Бу ерда хотинсиз қандай яшайсан?

— Шундай...

Қўлидаги ликопчада сэндвич кўтариб, оқ бўйинбоғли шериги кирди, сўнг у емакхонада тик тураверди.

— Олавер, Сол, тановул қилиш мумкин, — у оғзи егуликка тўла ҳолда гапирарди. — Сен бу йигитчага кўз-қулоқ бўлиб, уни овутиб тур, мен эса бир айланиб келаман.

Сол иккита сэндвични ажратиб олиб, ея бошлади. Оқ бўйинбоғли киши чиқиб кетди.

— Эдди — зеҳни ўткир йигит. У билан эҳтиёт бўлиб муомала қилиш керак. Қўли тез ҳаракат қилади, аммо ҳаяжонлантирмасанг, ақл-ҳуши тўла-тўкис жойида, оқил эканига амин бўласан.

Мен жавоб бермадим, нима ҳам дейиш мумкин эди: фақат зўр бериб ўйлар эдим. Манови мексикалик бақалоқни «ўйин»дан чиқариш унчалик қийин иш эмас. Агар бу ишни эпласам, кейин Эдди билан шуғулланиш мумкин, аммо у билан бас келиш ҳақиқатга зид эди.

Сол сўраб қолди:

— Бу овлоқда қанча пул ишлайсизлар?

— Озгина. Бугун тушган пулларни банкка олиб кетишди.

— Шундайми? Афсус. Бизга жувонлар керак, ҳатто жуда зарур, — у яна иккита сэндвични олиб, оғзига сола бошлади. — Бундай овлоқ жойда яшириб қўйилган пуллар жуда кўп бўлса керак, деб ўйлар эдик.

— Кассада юз долларга яқин пул бор.

— Пуллар кўп бўлса, янада яхши, акс ҳолда сенинг бўйининг сингани қолади.

Мен икки ликопчани стол устига қўйдим. Нафас олишим бирдан тезлашиб кетди: манови семиз бесўнақайни йўлдан олиб ташлашнинг бундан бошқа ўнғай фурсати бўлмайди. Мен жўжалар ҳамда қайнаб турган ёғ солинган товани қўлимга олдим.

— Колонкада ҳам пуллар бор, — деб столга яқинлашдим. — Балки эллик доллардир, аммо кўп эмас.

У ўзининг йўғон гавдасини столдан зўрға кўтарди, сўнг товани ликопчаларга яқин олиб келишимни кузатиб турди.

— Яна излаш керак, йигитча. Эд иш ўзи хоҳлагандай бўлмаса, жаҳли чиқади.

Ана шунда мен катта тезликда товани зарб билан унинг юзига урдим. У қаттиқ қичқириб, ўзини орқага ташлади. Қўлини беихтиёр тўппончага чўзди, шу пайт мен това билан яна юзига қараб солдим. У тебраниб кетди, мен эса сакраб олдига ўтдим ва бор кучим билан иягига мушт солдим. У ерга йиқилди ва кўзлари тепага қараганча битиб қолди.

Қўлимда унинг тўппончаси бор эди.

Мен қаддимни ростлаганимда, емакхона эшиги гичирлаб очилди. Девор томонга сурилиб, чирокни ўчирдим. Мен ашаддий қотил — Эддини етарли даражада баҳоламаган эдим. Аммо, ҳар ҳар ҳолда, қўлимда тўппонча бор эди.

## Ўн учинчи бўлим

### 1

— Сол?.. — деди оқ бўйинбоғли киши ташвишли шивирлаш билан.

Мен орқа эшик томонга товуш чиқармай икки қадам босдим. Очиги, унчалик яхши мерган эмасман, аммо қирқ бешинчи калибрнинг оғирлигини ҳис этиш менга дадиллик бағишлар эди. Емакхонадаги чироқ ҳам ўчди. Мен тахта полнинг гичирлашини эшитдим.

— Шу ердамисан, Сол?

Мен эшик тутқичига қўл узатиб, уни астагина очдим. Кўчада имкониятларим яхшироқ бўлади, деган қарорга келдим.

Сол бирдан қимирлаб, инграй бошлади. Назаримда, унинг боши бетондан. Мен уни, ҳали анча вақт беҳуш

ётса керак, шу пайтда Эддини бир ёқли қиламан, деб ўйлаган эдим. Бундай бўлиб чиқмади, энди икки ракибга бир ўзим қарши туришимга тўғри келарди.

Эшик очик эди. Икки кун олдин ошиқ-мошиқларни мойлагандим. Шунинг учун улар гичирламасди. Мен иссиқ гармсел эганини сездим ва тўппончани ошхона ҳамда емакхона эшигига тўғрилаб, чиқа бошладим. Бирдан ўқ узилди ва қайноқ ўк шунчалик яқинимда чақнаб кетдики, ҳароратдан юзим куяй деди. Мен зиналар бўйлаб тирмашиб, қоронғида букчайиб қолдим. Бу отишмадан кўра яхши чора эди.

Мен ётган ҳолда фақат юрагимнинг уришини эшитардим. Тезгина йўлга назар ташладим, ҳеч қандай машина кўринмасди. Мен ёлғиз эдим. Бу қопқондан чиқиб кетиш учун фақат ўз кучларимга таянашим керак эди.

Колонка ёнидаги катта жой ой шугъласида ёп-ёруғ кўринарди. Емакхона ва устахона атрофи эса қоронғи, уй ҳам зулмат ичида қолган, аммо у ерга ўтиш учун ёруғ жойдан ўтиш керак эди. Мен қадам-бақадам ҳаракат қилиб, емакхона деворига суянган ҳолда ёпишиб, орқага чекина бошладим. Бирдан қоронғулик қаъридан мулойим овоз эшитилди:

— Эй йигит, замбарагингни ташла, кўлингни кўтариб, чик. Куттирма!

Бундай сурбетона, кескин овоз мени ўқ отишга мажбур этарди, аммо ўзимни вақтида тўхтатиб қолдим: ўқ чиққан жой мени фош қилади, у айнан шуни хоҳляпти: мен отган ўқ барибир хато кетади, аммо у хато қилмайди.

Мен қоронғулик ичида букилганча қимирламай қолдим, овоз келаётган томонга жон-жаҳдим билан тикилиб қарар, аммо ҳеч нима кўринмасди.

— Нима бўлди, йигитча? — давом этди овоз. — Чиқиб, кўлингдагини ташла! Агар кўлингни кўтариб чиқсанг, сенга ҳеч бало бўлмайди. Менга фақат пул керак. Тезроқ чиқ!



Овоз яқиндан эшитиляптими? Шубҳасиз, шундай эди. Мен ерга қапишиб олдим, пайпаслаб тош тоқдим ва уни ўзимдан анча нари — қоронғиликка қарата отдим. Тош зинанинг нариги томонидаги деворга тегиб, тарақлаб тушди.

Қулоқни тешгудай ўқ овози эшитилди, мени чарақлаган ўқ ёлқини ёритиб юборди. Ўқ шундоққина тепамдан визиллаб ўтиб кетди. Агар мен ерга ётиб ўрмаламаганимда тамом бўлишим аниқ эди. У тош тарақлаб тушган тарафга эмас, тўғридан-тўғри менга қараб ўқ узган эди! Бу соҳада рақибимнинг мутахассис эканлигига менда ҳеч қандай шубҳа қолмади.

Учқун зинапоялар бўйлаб чақнади, овоз орқали эса мен Эддининг ўзини бир четга отганини ва энди юзи менга қараб қолганини пайқадим. Эҳтиёткорлик билан орқага силжидим ва ҳар сонияда яна ўқ узилиб, менга тегиши мумкинлигини кутиб турдим.

Сўнгра мен уни кўриб қолдим.

Мендан ўн беш ярд нарида қандайдир оқ шарпа ҳаракат қиларди. Бу фақат унинг бўйинбоғи бўлиши мумкин эди. Ашаддий қотил учун бу бўйинбоғ мутлақо кечириб бўлмайдиган ўқни хато кетказишдан бошқа иш эмасди. Бу хато мен каби янги киши учун яхшигина нишон эди.

Мен тўппончани аста-секин кўтариб, оқ қўланкани нишонга ола бошладим. Бармоғим тепкини қиса бошлар экан, бирдан ўйлаб қолдим: агар уни ўлдирсам, кейин нима бўлади?

Шундай пайтда мянанинг тез ишлаб кетишига ҳайрон қоласан, киши. Агар мен уни ўлдирсам, қўлим қонга беланади. Мексикалик нима бўлади? Солга нисбатан қандай чора кўриш керак? Уни ҳам ўлдиришга тўғри келадими?

Мен полицияга мурожаат қилиб, булар талончилик қилишга уриниб кўришди, дея олмасдим, худди шунингдек, бу иккисини ўлдирдим, деб ҳам айтолмас эдим. Бу сафар Рой ўрнимда бўла олмасди: шериф ҳар қанча

нодон бўлса ҳам бу икковлон — Лола билан Рой кинода, уларни ким ўлдирганини билишга уриниб кўрарди. Агар полиция аслида талончиларни мен ўлдирганимни билса борми, мени Фарнуортга дучор қилиши аниқ. Ана шу гумонлар оғушида мен тўппончани пастга туширдим. Бу хатоим эди.

Энгилгина ҳаракат Эддининг диққатини ўзига тортди. Мен кўкрагимда кучли бир турткини, шу баробарида ўқ овозини ва унинг чақнашини сездим.

Оғриқни ҳис этмадим.

Кимдир бир тутам электр қувватини тутгандай бўлди, мен шуни илғадим. Қайноқ қум ҳароратини сездим, юзтубан ерда ётар, гарчи тўппончани қўлимдан қўйиб юбормаган бўлсам-да, оғир нарса устимдан босгандай бўлди. Мен пойафзал қирраси қаттиқ урилгани туфайли уни қўлимдан тушириб юбордим.

Бу зарбадан кўкрагимда иссиқ оғриқ кўзғалгандай туюлди. Мен гўё баландликдан вулқон кратерига қулагандай бўлдим. Бор кучимни йиғиб ёрдамга чақиришга шайландим, аммо овозим ҳалқумимдан чиқмади. Вақт орқага қараб шитоб билан югургилаб кетди.

Мен Генри Купернинг серҳашамат квартираси зинасидан пастга қараб югурдим. Яна дарбон билан ёқалашиб кўча бўйлаб югурар эканман, изимдан қувиб келаётган полициячиларинг оғир қадам товушларини эшитардим. Яна ўқ овозини эшитдим ва кўксимда кучли оғриқни ҳис этдим...

Рой кейинчалик мени ошхона эшиги ёнида топиб олишганини айтиб берди. Улар дарҳол нимадир бўлганини англашган, чунки бутун станция қоронғилик ичига чўмган эди. Рой ахтаришга тушиб, бир неча дақиқадан сўнг менга дуч келган, ўлган, деб ҳисоблаган экан.

Лола билан биргаликда мени флигелга олиб кириб, каравотга ётқизишибди. Мен Рой кўйлагимнинг тугмаларини ечаётганида ҳушимга келдим. Тепамга энгашиб турган Ройни кўрдим. Унинг юзи докадай оқариб

кетган, қўллари қалтирар эди. Ортида ранги ўчиб кетган ва саросимадаги Лола турарди.

— Нима бўлди? — деб сўради у Ройга яқинлашиб ва устимга энгашиб. — Ким бундай қилди?

Мен жавоб беришга уриндим, аммо бирор ҳам сўз айтолмадим.

Ройнинг овози эшитилди:

— Қўявер. Ўзим қарайман.

Мен яна қоронғилик қаърига қуладим. Қизиқ, деб ўйладим мен, наҳотки ўлим шу бўлса? Мен ўзимда йўқ шод эдим, ҳушимни йўқотар эканман, шу билан бирга йўқлик қаърида оғриқ ҳам йўқолиб кетарди.

Деразадан офтоб нурлари тушганида, яна ўзимга келдим. Рой тепамда қараб турар, аммо Лола кўринмасди.

— Ўзингни қандай ҳис қиляпсан? — деб сўради Рой устимга энгашиб.

— Дуруст.

Мен шу биргина сўзни айтиш учун бор қувватимни сарфладим. Ўзимни ҳайратланарли даражада заиф ҳис этардим, қандайдир ичкари томонда сузиб юрган ғалати сезгилар ғира-шира кўзга ташланар эди.

— Қулоқ сол, Чет, — Рой оҳиста ва аниқ тарзда худди ажнабий кишилар билан гаплашгандай гапирар эди. — Яхшиям сенга сал тегиб кетибди. Доктор бир қарасин, деяпман, аммо Лола рўйхушлик бермаяпти. Унинг айтишича, сен барибир рози бўлмас экансан.

— Менга докторнинг кераги йўқ.

— Уни таклиф қилиш керак, Чет! — Ройнинг юзи ташвишли эди. — Аҳволинг жуда оғир. Мен кучим етганича ҳаракат қилдим, аммо бу етарли эмас.

Мен ўзимни қанчалик нохуш ҳис этсам ҳам, барибир каллам ишлар эди. Ўт очувчи қуролдан пайдо бўлган ярани кўрган доктор албатта полицияга хабар қилади, бу эса ўз-ўзидан Фарнуортни англатар эди.

Очиқ эшик ортида юк машинасининг сабрсиз сигнали эшитилди. Рой сўкиниб оёққа турди.

— Бу ҳайдовчилар мени жинни қилади! Мен қайтиб келаман.

Мен кўзларимни юмдим ва пинакка кетдим.

Ёнимда шитирлаган товушдан уйғонганимда қуёш емақхона томлари узра бота бошлаган эди. Менинг устимга Лола энгашиб турарди.

— Сени ким отди?

— Икки босқинчи.

У яхшироқ эшитиш учун устимга янада пастроқ энгашди.

— Мен уларни илгари ҳеч қачон кўрмаган эдим.

— Улар сейфни очишдимиз?

Мен унга қараб туриб, зўрға танидим. Лоланинг юзи сўлғинлашиб, кўзлари киртайиб қолган, ўз ёшига нисбатан каттадай кўринар эди. Юқори лабларида кичик тер томчилари кўринар, юзи худди бўр суртгандай оппоқ оқарган эди.

— Мен билмайман.

— Улар сейф ҳақида бирор нарса дейишмадимиз? — унинг товуши титрар эди.

— Йўқ.

— У қулфланган.

Лола азбаройи ҳаяжонланганидан кўкраги қандай кўтарилиб-тушаётганини кўриб турардим. Мен Эдди ҳақида ўйлай бошладим. У учига чиққан қотил эди. Агар сейф борлигини билганида, уни албатта очган бўларди. Бу консерва банкасини сейф билан сал-пал таниш ҳар қандай киши очиши мумкин.

— Улар пулларни олиб кетишлари мумкин эди, — дедим мен. Гапиришим жуда қийин эди. Аҳволим яна оғирлашди ва мен аста-секинлик билан қоронғилик сари шўнғиб кета бошладим.

— Мен билишим керак! Айт, сейф қандай очилади?

Унинг оқариб кетган асабий юзи деярли меникига ўхшар эди. Мен-ку, деярли зулмат ичига шўнғиган эдим. Лоланинг овози узоқ-узоқлардан эшитиларди:

— Мен билишим керак! Ўзингга келсанг-чи! Сейф қандай очилади, деб сўраяпман.

Товуш ҳам, хона ҳам, қуёш ёғдуси, дераза ойнаси-да сизиб кираётган нур ҳам ҳаммаси бирдан ғойиб бўлди.

## 2

Мен яна уч кун ҳаёт ва ўлим оралиғида бўлдим. Буни ўзим англадим, аммо негадир менга умуман таъсир қилмади. Агар Рой бўлмаганида, мен бир кун ҳам яшамаган бўлардим. У менинг олдимдан деярли қимирламас, иситмам кўтарилганида, муз солинган резина халтача билан ҳароратим тушгунча ўтирарди.

Бир марта иситмам ҳаддан зиёд кўтарилиб кетганида, хонага қўққисдан Карл Йенсен кириб келди. Унинг юзи мен сейфни очган пайтимда ҳушим қандай учган бўлса, худди ўшандай гавгиган ҳолда эди. Мен Йенсен билан гаплашмоқчи бўлдим, аммо бўғзимдан бирорта-ям сўз чиқмади. У бироз турди, сўнг кетди, шундан сўнг бошқа кўрмадим. Ўша куни мен ўлим ёқасида эдим. Кейинчалик Ройнинг менга гапириб беришига кўра, у деярли умидини узибди. Сўнг бирдан ҳароратим тушиб, аҳволим яхшиланибди.

Фақат орадан етти кун ўтганидан сўнг мен Эдди ва мексикалик тўғрисида гапириб бера олдим.

— Улар емакхона ва колонкадаги ўша куни тушган барча пулларни олиб кетишибди, яна совуткичдаги захира озиқ-овқатларни ҳам ўмаришибди, — деди Рой.

Мен сейф тўғрисида ўйладим, Эдди уни топганми-кан, аммо Ройга бу ҳақда ҳеч нима демадим.

— Афтидан сен энди ўзингга келяпсан, — давом этди Рой. У жуда озиб кетган, кўзларининг остида узоқ уйқусизлик туфайли халтачалар пайдо бўлган эди. — Бир оёғинг гўрда эди, ҳартугул омадинг келди.

— Сен менинг ҳаётимни сақлаб қолдинг, Рой. Энди сен билан орамиз очиқ бўлди. Раҳмат.

— Сен мени охиратга кузатади, деб ўйловмидинг? — у кулди. — Албатта, терлашга, сен учун ишлашга тўғри келди, мана энди тўйиб ухлайман!

Мен ҳаётдан саккиз кечаю кундуз айро яшадим. Бу вақт мобайнида Лола бирор марта бўлсин келгани йўқ. У Рой билан келишишга эриша олганмикан?

— Лола билан ишларинг қалай?

Рой елкаларини қисиб қўйди.

— Мен уни деярли кўрмайман. Доим сенинг ёнингда эдим-ку.

Бу жавоб бир томонлама эди, у четга қаради. Мен ёлғон гапираётганини сездим.

— Рой, мен сени огоҳлантирганман. У хавфли!

— У мен билан ҳеч нимага эришолмади, эришолмайди ҳам, — жавоб берди Рой.

Биз бир-биримизга қараб, узоқ сукут сақладик ва у тўсатдан сўраб қолди:

— Йенсен билан аслида нима бўлган?

Мен унинг хатти-ҳаракатлари беҳуда эканлигини билганимда эди, ҳеч нима демаган бўлардим. Ройга бор ҳақиқатни айтиб, уни кўрқитишдан бошқа йўли қолмаган эди.

— Бу аёл уни ўлдирган, мен аҳмоқ эса кўмганман.

Ройнинг кўзлари бирдан тиниб кетгандай бўлди, у эшитишни хоҳламаган гапни айтишса, кўпинча шундай аҳволга тушар эди.

— Лола ўзининг биринчи эрини ҳам ўлдирган эди, — деб давом этдим мен. — У қотил, Рой. Эҳтиёт бўл!

— Нима деяётганингни биласанми ўзинг! — олдинга энгашди у. Юзи худди бўр сургандай оқариб, ўзгариб қолди.

— Мен нима деяётганимни яхши биламан. Мен сени огоҳлантиряпман.

У ўрнидан турди.

— Бу ҳақда ҳеч нимани эшитишни истамайман. Мени қандай аҳволга солаётганингни тушунаяпсанми?

— Мен бундан хабардор бўлишингни истайман, Рой. Сен уни мендек билмайсан.

У эшикка яқин келди.

— Энди мен ишлашим керак. Келаман. Хотиржам ётавер.

Рой менга қарамай, чиқиб кетди. Ҳар ҳолда, энди у ҳаммасини биледи. Ҳартугул хушёр бўлади. Ҳар ҳолда Лола мен ва Йенсен каби уни кўп ҳам ўз олдига йўлатмайди. Аммо менинг огоҳлантиришим кечиккан эди. Мен бу ҳақда келгуси тунда огоҳ бўлдим.

Рой менга кўпроқ ҳаво етиши зарурлигини айтиб, бошқа хонага ўтди. Бирор гап бўлса, чақиришимни тайинлади ва агар жуда зарурат бўлмаса, ухлашини қўшимча қилди. Бу табиий эди, албатта. Менда ҳаммаси жойида, безовта бўлиш ярамайди, деб жавоб бердим. Йенсеннинг ўлими ҳақида айтган онимдан бошлаб, энди бизнинг ўрта-мизда аввалгидек дўстлик бўлмаслигини билар эдим. Бу бизнинг хатти-ҳаракатларимизга нисбатан орамиздаги муносабатлар муҳотида ҳадемай рўй беради. Ройнинг юзидан ҳамиша бирор нимани уқиб бўлмас эди, энди эса у янада совуққон бўлиб қолди. Биз Лола тўғрисида бошқа гаплашмадик. Мен Лолани кўпинча емакхонадан уйга кираётганида деразадан кўриб қолар эдим.

Ярим кечага яқин Рой емакхонани кулфлаб, чироқни ўчирди. Мен Лола ўн бирлар атрофида уйга кетганини кўрган эдим. Рой флигелга келганида, уйдаги чироқ аллақачон ўчган эди. У менинг эшигимни оҳиста очди ва тўхтади, қулоқ солди. Мен бошим тепасидаги чироқни аллақачон ўчириб, қимирламай ётар эдим.

— Ухлаяпсанми. Чет?

У шунчалик секин шивирладики, зўрға эшитдим. Мен ҳеч нима демадим, эшик қанчалик секин ёпилганини эшитдим. Ўзим қўрққан хавф-хатар рўй бермайди, деб кутдим, бироқ бу фикр ўзини оқламади. Мен бир неча дақиқа қоронғу деразага тикилиб, Ройни кўриб қолдим. У уйга яқинлашиб, флигелга бир бор қайрилиб қаради ва эшикни очиб кирди.

Мен шу саккиз кун давомида у Лоланинг олдига ўзини тия олмаслигини аввалдан кўра билишим керак

эди. Бунинг устига Лолага ҳеч нарса халақит бермасди. Мен Ройни муҳокама қилмас эдим, чунки бу аёл ҳар қандай разил ишга қодирлигини билардим. Ройнинг хотин-қизларга нисбатан бепарво эканлиги менга жуда яхши маълум, аммо барибир Рой ҳам бу масалада алданиб қолишига кўзим етарди. Шундай бўлса-да, мен барибир умид билан ўзимни овулар эдим.

Менинг аҳволим оғир эди, ўзимни ёлғиз, нотавон ҳис этдим. Бу рашк эмас, бу кўрқув эди!

Агар Рой Лоланинг ихтиёрига берилиб кетса, уни сейфни очишга мажбур этади, сўнгра ўлдиради. Бунга менда шак-шубҳа йўқ эди. Мен уни огоҳлантириб, агар Рой пулларни қўлга киритгудай бўлса, бу пулларни асло бермайди, деганман. Лола даставвал уни, сўнг мени ўлдиради. Пулларни беркитади-ю, сўнг шерифга мурожат қилади. Менинг ўлимимни қандай изоҳлайди, буни билмайман, аммо унинг ихтиёрида етти кечаю-кундуз бор эдики, у шу муддат мобайнида ниманидир ўйлаб, бирор режа тузган бўлиши ҳам мумкин. Мен Ройга Эдди ва мексикаликнинг қиёфасини ҳикоя қилиб берган эдим. Рой буларни, сўзсиз, Лолага айтган бўлиши мумкин. Шунинг учун Лола бемалол мени ва Ройни шулар ўлдирган, деб айта оларди. Бу пайтда у Вентуортда бўларди. Изоҳлар қанча бўлса, шунча топилар эди. Мен кўкрагимдаги оғриқни ҳис этиб, бундан кейин нима рўй беришини ўйлаб ётардим.

Орадан икки соатдан кўпроқ вақт ўтгач, Рой уйдан чиқди, эшикни ёпиб, флигелга қайтиб келди. У жимгина хонага кирди. Мен ёқдич томон сурилиб, у эшикни очган заҳоти чироқни ёқдим. У эшик ёнида битта шимда, пойафзалсиз, оёқ яланг турарди.

— Мен сени ўйғотиб юбормай дегандим. Аҳволинг яхшимикан, деб қарамоқчи эдим.

— Кир. Мен сен билан гаплашмоқчи эдим.

Рой хонага кирди ва мен билан ёнма-ён ўтирмай, бурчақда турди ва чекди.

— Нима ҳақида?



— У сени илинтиришга муваффақ бўлдими?

Рой оғзидан паға-паға тутун чиқарди, бу тутун юзининг ярмини қоплади, сўнг хириллаган овоз билан шундай деди:

— Сен жудаям касалсан, Чет, сен ҳаяжонланмаслигинг керак. Кел, шу гапни эртага қолдирайлик! Сен ухлашинг керак, мен ҳам ухлайман.

— Эҳтимол, мен касалдирман, аммо сен эҳтиёт бўлсанг, ниҳоятда оғир бўлади — сен ўласан. Сен менинг саволимга жавоб бермадинг.

— Ҳали бирортаям аёл мени илинтира олмаган, — деди Рой юзи доқадай оқариб.

— Сен кимни алдамоқчи бўляпсан, меними ёки ўзинг-ними?

Бу гапларим унга ёқмади.

— Майли, агар сен шунча ёпишиб олган бўлсанг, айта қолай. Мен унинг ўзи тавсия қилган нарсани олдим, аммо ҳеч нимага имзо қўйганим йўқ, бундан хотиржам бўл.

— У сендан сейфни очишни сўрадимми?

Ройнинг кўзлари қисилди:

— Сейф? Қанақа сейф?

— Йенсеннинг сейфи.

У қўллари билан сочларини текислаб, менга қараб қолди.

— Бу сейфга нима бўлган?

— У сендан уни очишни сўрадимми?

Ройнинг саросимага тушган юзидан билдимки, у ҳали бундан беҳабар. Менинг нафас олишим енгиллашди. Балки огоҳлантиришларим бу сафар ўз вақтида бўлгани маълум бўлар.

— У ҳеч қачон сейф тўғрисида гапиргани йўқ.

— Ҳадемай бу ҳақда айтади ва уни очиб беришни сўрайди.

У умидсизланиб, қўлларини икки томонга ёйди.

— Сен нима тўғрисида гапиряпсан, жин урсин? Нимани назарда тутяпсан ўзи?

— Бу сейфдан унга нимадир керак, бу унга шунчалик зарурки, бошқа ҳеч нарсага шунчалик ёпишмайди. Лола унга эга бўлиш учун эрини отиб ташлади. У тухмату таҳдид билан мени сейфни очишга мажбур этмоқчи бўлди, аммо бунга эришолмади. Ана шундай паллада сен — сейфни очувчи одам пайдо бўлдинг. У бутунлай сен томонга ўгирилади, сейфни очганинг ҳамон у сени ўлдиради. Бу жуда ғалати эшитилади, шундай эмасми? Аммо ҳаммаси бор гап! У сени ҳам худди биринчи эрини, Йенсенни ўлдиргани каби ўлдиради, ҳатто сал бўлмаса мени ўлдираёзди. Мен сенга мутлақо жиддий айтяпман — сейфни асло оча кўрма!

Бу гапларим мендан шунчалик кўп куч-қувват талаб қилдики, тер ичига ғарқ бўлдим, кўкрагимдаги оғриқ эса нафас олгани кўймасди. Мен умидсизликка тушиб, Ройга нигоҳ ташладим, аммо унинг юз ифодаси мутлақо ўзгармади — киёфаси жиддийлашиб, кўзлари эса хиралашди.

— Сен, афтидан, бутунлай ақлдан озибсан! Унга сейфдан нима шунчалик керак бўлади?

Ройга юз минг доллар тўғрисида асло гапирмаслигим керак. Мен бу даражада анков эмас эдим.

— Полиция уни биринчи эрини ўлдиргани борасида шубҳа остига олган. Лола ҳақиқатдан ҳам эрини ўлдирган. Йенсен уни иқроп бўлиб, бу ҳақда ёзиб беришга мажбур қилган, бу қоғоз ҳам сейфда сақланади. Мен сейфни кўрганман. Ёпиқ экан. У ҳеч қачон бу тилхатни йўқота олмайди, Лолага турма даҳшат солиб туради ва у буни билади!

Рой елкасини қисиб, ковоғини уйди.

— Сен буларнинг ҳаммасини ўйлаб топдингми ёки рост гапларми?

— У Йенсенни отди, агар сейф эшигини ёпмаганимда, тўппонча тепкисини босиб, мени ҳам отиб ташлар эди. Сейфни фақат мен очишим мумкинлигини у фаҳмлади. Энди эса фақат сендан умидвор. Сейфни очма, Рой!

— Бу ерда нимадир қовушмаяпти. Агар у сени ўлдиришга шайланар экан, нега ишқий кечинмаларни бошлаб юборган?

Мен бу саволга жавоб тайёрлаб қўйган эдим. Рой шундай саволни бермай қўймасди.

— Сейф ёпиқ бўлса, у менга нисбатан ҳеч нима қила олмасди. Биз бу ерда деярли беш ҳафта яшадик, шунгача Лолага қўлимни ҳам теккизганим йўқ. Мен ҳам сенга ўхшаб, у таклиф этгунича юраверганман. Бир куни кечаси Лола мана шу хонага келди ва ҳаммаси шундан бошланиб кетди.

Мен терга ботиб ётар, нафас олишим оғир эди. Рой аҳволимни кўриб, яқин келди.

— Эй! Сен безовта бўлмаслигинг керак! Қанчалик заифлигингни наҳотки билмасанг? Асабийлашишни бас қил, тинчлан!

Мен унинг қўлларини маҳкам ушладим.

— Агар бу сейфни очсанг, Рой, у иккаламизни ҳам отиб ташлайди. Мен сени огоҳлантиряпман. Сенинг сейфни очишинг иккимизнинг ҳам кунимиз битди, деган гап.

— Ўзингча нималар деяпсан? У, ҳатто буни мендан сўрагани ҳам йўқ!

Мен айтадиганимни айтиб, ўзимни ёстиққа ташладим. Дармоним қуриган эди. Мен Ройни огоҳлантирдим, фақат умид қилиш қолди, холос. Бу сафар уни олдиндан хабардор қилишга муваффақ бўлган эдим.

Эрталаб уйғонганимда, соат чорак кам ўнни кўрсатиб турарди. Мен тиниқиб ухлаган, ўзимни яхши ҳис қилардим, аммо ҳамон ўрнимдан тура олмас, жуда заиф эдим. Рой кириб, соқолимни кириб қўйди. Бир-биримизга сейф тўғрисида савол бермадик, аммо ҳар иккимиз ҳам шу ҳақда ўйлаётганимизни билардим.

Кунлар ўтиб борарди. Мен дераза ёнида ётиб, юз бераётган воқеаларни кузатардим. Лола ва Рой қўли қўлига тегмай ишлашар эди. Емақхона тушда ҳам, кеч-оқибат пайтида ҳам мижозлар билан лиммо-лим эди.

Ниҳоят соат ўнда ҳаракат тўхтагач, Рой менга бир ликопча шўрва олиб келди.

— Кунмисан кун бўлди-да! — деди у. — Тезроқ тўзалсанг эди.

— Мана, ҳаракат қиляпман.

— Ҳа... — у бурнининг учини қашиб қўйди ва қопқора кўзлари билан менга тикилди. — Бугун кечки овқатни тановул қилаётганимизда, у Лоуренс сейфини оч оласанми, деб сўради.

Мен томоғимга нимадир тикилгандай йўталдим.

— Барибир сўрабди-да?

— Ҳа. Мен, билмайман, аввал бир қараб қўйиш керак, дедим.

Ройнинг бу гапини эшитиб, юрагим қинидан чиқиб кетаёзди.

— У-чи?

— Шу пайт юк машинаси келиб қолди ва суҳбатимиз узилди. Бу мавзуда бошқа гаплашмадик.

— Сейф ёпиқ бўлса, менга ҳам, сенга ҳам ҳеч қандай хавф-хатар йўқ. Мен ҳазиллашмаяпман, Рой.

— Биламан, ҳазиллашмаяпсан. Аҳвол шу даражада оғир экан, сен Йенсеннинг тўппончасини, яъни қушларни отадиган тўппончани бериб қўйсанг, қандай бўларкан?

— У Лолада турибди.

Рой бу гапни кутмаган эди. Кўзлари қисилиб, лаблари чўччайди.

— У тўппончани олиб қўйган, — давом этдим мен. — Менга, ташлаб юбордим, деган эди, аммо бу гапи ёлғон, биламан.

Шу билан суҳбат поёнига етди. Яна тўрт кун воқеа-ҳодисалардан холи ўтди. Ройнинг сўзларига кўра, Лола сейф тўғрисида бошқа сўз очмаган. Мен бирмунча соғайдим, аммо туришга ҳали кучим етмасди. Рой Лоланинг уйига қатнашдан тийилди, ана шу мени хотиржам қилди. Ҳар эҳтимолга қарши уни қўрқитишга муваффақ бўлганга ўхшар эдим.

Бешинчи кеча мен тунги соат учларда уйғониб кетдим. Деразага қараб, меҳмонхонада чироқ ёниб турганига кўзим тушди. Уйқум батамом ўчди. Мен Ройни чақирдим, аммо ҳеч ким жавоб бермади — улар хонада сейф билан машғул эдилар! Мен ўрнимдан туриб, у ерга бормоқчи бўлдим, аммо уйга қадар кучим етмаслигини тушундим. Ётиб кутишга тўғри келди.

Фақат соат бешга яқин чироқ ўчди ва Рой уйдан чиқиб, флигелга яқинлашаётганини кўриб қолдим. У эшиқдан кирган ҳамон чақирдим.

— Чироқни ёқма, — деди Рой эшик ёнида туриб. — У пайқаб қолади.

Мен у турган томонга қарадим, аммо ҳеч нимани кўра олмадим — ҳаддан зиёд коронғи эди.

— Нима бўлди?

— У менга сейфни кўрсатиб, уни очишни сўради. Мен, бу эски намунадагиси, шунинг учун оча олмайман, дедим.

Мен енгил нафас олдим.

— Шундан сўнг нима бўлди?

— У, бузиб очиш усули бордир, деб, ҳатто динамитни тавсия қилди. Мен, бу ниҳоятда хавфли, динамитга ҳам умуман ишим тушмаган, деб айтдим.

— У сенга ишондимми?

— Нега ишонмас экан? Мен жудаям ишонарли қилиб гапирдим.

— У нега очар экан, шуни ҳам айтдимми?

— Ҳа, — Рой жим бўлиб қолди, сўнг давом этди. — У сейфда жуда кўп пул бор, агар очсанг, иккига бўлиб оламиз, деди.

Рой яна жим бўлиб қолди, сўнгра сўради:

— Сейфда пул борми, ўзи, Чет?

Мен унга ҳақиқатни мутлақо айтиб бўлмаслигини тушундим:

— Уч юз доллар бўлса керак. Йенсен бу пулни ҳар эҳтимолга қарши сақлаган. Унга пул эмас, нуфуз, обрў-эйтибор керак эди.

— Аммо Лола, жуда кўп пул бор, деди-ку.

— Ишонма... Бу фирибгар сени сейфни синдиришга мажбур қилмоқчи бўлган.

— Тушунарли... Хўш, шундай қилиб, у ноумид бўлади-да.

Эртаси куни Рой автоцистернадан бензин тортиш билан машғул бўлганини, уни колонка резервуарига қандай қуяётганини кўриб ўтирар эканман, эшик гичирлаб очилганини эшитдим.

Лола кириб келди. У ортидан эшикни ёпиб, ён томонга суянди. Мен ҳайрон бўлдим: Лола ўзгариб кетган эди: ҳаддан зиёд озиб, юзи чўзилган, ранги тупроқ тусига кирган, кўзларининг остида кўкимтир халтачалар тўлган, ўн йилга қаригандай эди. У менга тикилиб турди.

— Айт, сейфни қандай очса бўлади? — Лоланинг овози бўғиқ ва синиқ эди. — Агар айтмасанг, мен полицияга қўнғироқ қиламан ва сен яна Фарнуортга жўнайсан.

Энди менга унинг дўқ-пўписалари кўрқинчли эмас эди. Энди барча тузлар менинг қўлимда эди.

— Бор, бора қол, полициягни чақиравер. Сен пулни ололмайсан, мен уларга эрингнинг жасадини қаердан топишни айтаман. Полиция фақат менга ишонади, деб ўйлайман. Агар уларга Фрэнк Финни тўғрисида гапириб берсам, сен ҳеч қачон халос бўлолмайсан.

Агар мен унинг юзига мушт туширганимда зарби камроқ таъсир қилган бўларди. Лола бирдан ўзини орқага ташлади. Унинг қисилиб қолган тишларидан нафаси зўрға чиқарди. Юзи янада чўзилиб кетгандай, даҳшат қоплагандай бўлди.

— Сен Фрэнк тўғрисида биласанми? — деди у титроқ товушда.

— Уни сен ўлдирганигни биламан. Сен ҳам худди мен каби тузоққа тушгансан. Бу сенга ёқадими-йўқми, барибир, иккимиз ҳам шу ерда қолишга мажбурмиз. Бу бирдан-бир йўли. Рой ҳам сейфни очиб бермайди,

мен унга сен ҳақингда гапириб берганман. Ҳатто, бу ишни хоҳлаганида ҳам қилолмас эди, чунки қўлидан келмайди. Сен ўз вақтингни ва ноз-фироқингни беҳуда сарфладинг.

У узоқ вақт ва нафрат билан менга тикилиб турди, кейин эса эшикни очиқ қолдирганча чиқиб кетди.

Бу раунд менинг фойдамга ҳал бўлди, аммо бу муваффақият билан алданиб қолмадим. Лола шунчаки енгил-елпи таслим бўлиб қоладиганлардан эмас. Кейинги раундда агар ҳушёрликни йўқотсам, у голиб чиқиши мумкин.

Яна икки кун бирор саргузаштсиз ўтиб кетди, аммо бу асабий таранглик бизни тарк этмай, тепамизда осилиб тургандай эди. Ниҳоят учинчи куни Рой Лоланинг Вентуортга кинога отланаётгани ҳақида айтиб қолди. Мен дарров ҳушёр тортидим.

— У сени бу ерга ташлаб кетяптими?

— Лола кино деса, эсини йўқотиб қўяди, — деди Рой елкаларини қисиб. — У менга, кинога бирга борайлик, деб тақлиф қилди, аммо мен сени ёлғиз ташлаб кетмаслигимни айтдим. Бунинг устига станцияга ҳам кимдир қараб туриши керак-ку!

— Сен ўзингни алдамаяпсанми? Лола кинога бормайди. У сенга тузоқ қўймоқчи.

— Баъзан менга, Чет, сен ҳақиқатан ҳам ҳалақит берганга ўхшаб кўринасан, — деди Рой аччиқланиб. — Ҳозир ҳам нималарни ўйлаб топдинг-а!

— У сенга, сейфда пул бор, деб айтган. Сен, пул деса, ҳаммасига тайёр туришингни Лола жуда яхши билади ҳозир! У сенинг нозик жойингни, пулга берилганингни ҳисобга олган, сен фурсатни бой бермай, сейфни очишингни билади. У узоққа кетмайди. Сен сейфни очган дақиқадаёқ қайтиб келади — бу Лоланинг ягона имконияти.

— Мен сенга уни очмайман, деб айтдим-ку!

— Майли, Лола қачон кетишини фақат ўзинг эслаб қолсанг бас.

Соат ўндан кейин мен Лоланинг «Меркьюри» машинасига ўтириб кетаётганини, уни Рой кузатганини кўрдим. Рой ой ёруғида қўлларини чўнтагига тикқанча узоқлашаётган қизил ёғду изидан қараб қолди. У узоқ термилиб турди, сўнгра емакхонага кириб, кўздан ғойиб бўлди.

Мен доимгидек ётардим, деразага қараб, эндиги воқеалар қандай кечишини кутардим. Нимадир рўй бериши керак эди, бунга шак-шубҳам йўқ, шу билан бирга менинг ҳаёт йўлим тугаши мумкин, деган хаёл ҳам бор эди.

Кўз олдимда Ройнинг ошхонада нари-бери юриб, ўз-ўзидан мен ҳақми ёки Лола эканлигини сўраши гавдаланарди. Сейфда нима бор — катта миқдордаги пулни ёки Лоланинг эътирофими?

Бутун бошли вақт давомида жимлик ҳукм сурарди. Бу менинг ҳаётимдаги энг узундан-узоқ чўзилган вақт эди, назаримда. Сўнг йўлда юк машинаси кўринди, тўхтаб, ёнилғи олмоқчи бўлди. Рой емакхонадан чиқиб, бензин қўйди, ҳайдовчи билан бироз валақлашди, сўнг ҳайдовчи машинасига ўтириб кетди. Ҳал қилувчи вақт етиб келган эди. Мен буни англаган ҳамон юрагим кучли равишда уриб кетди.

Рой Вентуортга кетадиган йўлга қараб, колонка ёнида уч ёки тўрт дақиқа турди. Йўл очик, атроф жимжит эди. У уйга шитоб билан кирди. Пулга нисбатан чанқоқлик ўз кучини кўрсатди — у сейфни очишга киришди!

Уйга киришда Рой бироз тўхтаб қолди. Унинг тай-ёрлангани кўриниб турарди, эшикни очиш учун унга бир неча сония керак бўлди, холос. Рой эшикни итариб, ичкарига кирди. У жуда эҳтиёткор эди. Тезда яна пайдо бўлиб, йўлга диққат билан назар ташлади, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг уйга қайтиб кирди. Меҳмонхонада чироқ ёнди. Сейфни очиб, пулларни олиш учун Ройга бир неча сония кифоя қиларди. Мен унга халақит бера олмадим. Мен қўлимдан келганча ўйнадим, аммо қарталар жуда кучсиз эди.



Кейин мен Лолани кўрдим. У машинани тепалик ортида қолдириб, Рой емакхонада бўлганида қайтиб келган бўлиши керак. Лола буларнинг ҳаммасини устмонлик билан бажарди: мен гарчи йўлдан кўз узмаган бўлсам ҳам бирорта машина кўринмаган эди, у қандай қайтиб келди экан?

Нима бўлганда ҳам Лола шу ерда эди. У тез ва қадам товушисиз уйга қараб йўл олди. Оқ кумлоқ чизигини босиб ўтаётганида ой ёруғи яшил кўйлагини ёритиб юборди. Шундан сўнг Лола қоронғилик қаърига сингиб кетди. Қопкон ёпилиб, Рой унга тушиб қолган эди.

Ройнинг сейф олдида ўтиргани кўз олдимга келди. Унинг тажрибаси туфайли сейф жуда тез очилади. Шунча пул Ройни ўз измига олади, шу даражада ҳайратга соладики, у эшик қандай очилганини ҳам эшитмай қолади. Лола уни ўлдиради, мен бунга аминман.

Мен устимдан адёлни олиб ташлаб, тўшақдан тушдим. Гандираклаб, эшиккача бордим ва мувозанатни йўқотмаслик учун тутқични маҳкам тутдим. Кўксимда оғриқ пайдо бўлди, мен унга эътибор бермай, қандай бўлмасин, уйга кириш ва Ройни қутқариш ҳақида ўйлар эдим. Кўксим исиди, демак, англашимча, қон оқяпти. Мен буни кутган эдим ва яна эътибор бермадим.

Лола ҳеч қаерда йўқ эди.

Аста-секин қадам қўйиб, уй томон юра бошладим. Кўкрагимдаги яра очилиб кетди ва қон қорним, оёқларимгача оқиб туша бошлади, аммо мен қайсарлик билан олдинга интилардим. Ичкаридан қулоқни тешиб юборгудай ўқ овози эшитилганида, мен кириш эшигида эдим.

Юрагим тўхтаб қолгандай бўлди, сўнг мен гурсиллаб тушган жасаднинг товушини эшитдим. Ҳеч нимани ўйламасдан эшикни итариб ичкарига кирдим.

Девор ёнида қўлида тўппонча тутган Рой турарди. Сейф эшикчаси очиқ, унинг ичида икки тоқчада тартиб билан таҳланган пуллар бор эди. Ройнинг оёқлари остида Лола ётарди. Унинг пешанасидаги кўк-қора ёриқ-

ча ўқ қаерига текканини намоён этарди. Бундай ўқ отишдан тирик қолиш мутлақо мумкин эмас. Биз Рой билан бир-биримизга қараб қолдик. Унинг даҳшат қотиб қолган юзида оппоқ-сарғимтир ва тер томчилари ялтирар эди.

— Сен ҳақ экансан, — деди у бўғиқ овозда шивирлар экан, — агар огоҳлантирмаганида, Лола мени ўлдирган бўларди.

Мени аъзои баданимни охириги куч тарк этаётганини сезиб турардим. Бутун иродамни ишга солиб, ором-курсигача етиб, унинг устига йиқилдим. Пижама шиммда қон доғлари кўринар эди.

Рой қимирламай, меңдан юз ўтириб, Лолага қараб қолди.

— Бу ердан жўнаб қолиш керак, — дедим мен, кўлимни кўкрагимдаги яра боғланган латта устига босдим, яна қон сизиб чиқаётганини билиб турардим.

— Машинани юргиз. Биз ўзимизни оқлай олмаимиз. Пулларни ол — ҳали қутилиб кетишимиз мумкин.

Рой бошини буриб, тартиб билан қўйилган пул тахламларига тикилиб қолди.

— У кирганида, тўппончани қўлидан уриб туширдим. Мен уни ўлдирмоқчи эмасдим!

— Машинани юргиз. Тезроқ! Бу ердан қочиб қолиш керак! — мен ўзимнинг овозимни зўрға эшитдим, қон оқиши мени гангитиб қўйган эди.

— Ҳозир.

У сейфга яқинлашиб, пулларни ола бошлади. Сўнгра полга чойшаб ёзиб, устига пулларни қўйди-да, катта тугун қилиб тугди.

— Меңда қон кетиш бошланган, боғлаб қўй, Рой, — дедим мен. — Меңга костюм бергин. Чидай оламан.

Рой меңга ўтирилиб қараб қолди. Юзидаги ҳозирги ифодани мен аввал умуман кўрмаган эдим. Қаршимда мутлақо бегона киши турар эди.

— Сен қанча вақт чидаш берардинг? — ҳаяжонга тушганидан Ройнинг овози титраб кетди. — Сен учун ҳам-

маси тамом бўлди! Бунча пул билан мен ўзим ҳамиша орзу қилган ҳаётни бошлайман. Машинада сен учун жой йўқ! Менга бундай қарама. Ўйлайсанки, сен юз минг доллардан қиммат турасанми? Хато қиласан, — у олдимга пуллар солинган тугунчани силкитди. — Сен ўзинг, биз ҳисоблашиб бўлдик, деб айтган эдинг! Сен ўзинг! Мен кетаман.

Менга бирдан ҳаммаси барибир бўлиб қолди — Ройга лом-мим демадим.

Бир дақиқадан сўнг моторнинг гуриллаганини эшитиб, Рой ўтирган фургон Тропика-Спрингс томон шитоб билан йўлга тушганини очиқ деразадан кўриб турдим.

Мен оёқларим остида хор бўлиб ётган Лолага қардим. Унинг қон қоплаган юзида даҳшат қотиб қолган эди. Кўриниши шу даражада жирканч ва совуқ эдики, беихтиёр равишда мен ҳам, Йенсен ҳам уни қандай қилиб яхши кўриб қолган эканмиз, деб ўйланиб қолдим.

Йиқилиб кетмаслик учун бутун кучимни йиғиб, оромкурси суюнчиғига ўзимни ташладим. Эртами-кечми, кимдир «Охирги чизиқ»да тўхтайди. Деразадаги чироқ ёғдусини кўриб, меҳмонхонага назар ташлайди ва бизни пайқаб қолади.

Борди-ю, мен ўлиб қолсам, бу ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди, аммо ҳали тириклигимда мени қутқаришга муваффақ бўлишса, мен учун ҳаммаси интиҳосига етган бўлади. Йенсеннинг жасадини топишса, уни мен ўлдирмаганимга ҳеч ким ишонмайди. Мен ўлимни умид қилиб кута бошладим.

Бу менинг ягона илинжим эди.

*Адабий-бадиий нашр*  
**ЖЕЙМС ХЭДЛИ ЧЕЙЗ**  
**СЕЙФДАГИ ПУЛЛАР**

Муҳаррир  
Анвар НАМОЗОВ

Тех. муҳаррир  
Вера ДЕМЧЕНКО

Бадиий муҳаррир  
Уйғун СОЛИҲОВ

Мусаҳҳих  
Наврўз БЕКМУРОДОВ

Матн терувчи  
Феруза ПЎЛАТОВА

Компьютерда саҳифаловчи  
Феруза БОТИРОВА

Босишга 9.12.2011 йда рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.  
Босма тобоғи 7,0. Шартли босма тобоғи 11,76.  
Гарнитура «Baltica Cyp+Uzb». Газета қоғоз.  
Адади 1000 нусха. Буюртма № 296.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.  
Лицензия рақами: А1 № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.  
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.  
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

**Мурожаат учун телефонлар:**  
Нашр бўлими — 278-36-89; Маркетинг бўлими — 128-78-43  
факс — 273-00-14; web-сайтими: [www.ibook.uz](http://www.ibook.uz)  
e-mail: [yangiasr@ibook.uz](mailto:yangiasr@ibook.uz); [yangiasravlodi@mail.ru](mailto:yangiasravlodi@mail.ru)